

Б. А. ХЎЖАЕВ

АВТОМОБИЛЛАРДА  
ЮК ВА ПАССАЖИРЛАРНИ  
ТАШИШ АСОСЛАРИ



"ЎЗБЕКИСТОН"

629  
X-98


Б.А. ХУЖАЕВ

# АВТОМОБИЛЛАРДА ЮК ВА ПАССАЖИРЛАР ТАШИШ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим  
вазирлиги олий ўқув юртларининг транспорт воситаларини  
ишлатиш ва таъмирлаш (автомобиль транспорти)  
бакалаврият йўналиши талабалари учун дарслик  
сифатида тавсия этган

Қайта ишланган, тўлдирилган учинчи нашри

ТОШКЕНТ •ЎЗБЕКИСТОН• 2002



39.38  
Х-98

### Тақризчилар:

т.ф.д., профессор *К.Т. Худайберганов*, Тошкент автомобиль йуллар институти;  
т.ф.н. *Э.Т. Туйчиев*, Тошкент темир йул транспорти инженерлари институти.

### Хўжаев Б.А.

Автомобилларда юк ва пассажирлар ташиш асослари: Олий ўкув юртларининг транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш (автомобиль транспорти) бакалаврият йўналиши талабалари учун дарслик.— қайта ишланган, тулдирилган З-нашри.— Т.: «Ўзбекистон», 2002.— 240 б.

«Автомобилларда юк ва пассажирлар ташиш асослари» дарслиги мазкур номдаги фан дастурига мувофиқ ёзилган булиб, олий ўкув юртларининг — Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш (автомобиль транспорти) бакалаврият йўналишидан таълим оластган талабаларга мўлжалланган. Унда автомобиль транспорти воситалари, улар иш курсаткичлари, эксплуатация ҳусусиятлари, унуми, уларни ташлаш ва ҳисоблаш, юк ва пассажирлар ташиш ҳамда юк ортиш-тушириш ишларини ташкил этиш асослари ёритилган.

Дарсликдан соҳа инженер-техник ва раҳбар ходимлари ҳам фойдаланишлари мумкин.

ББК 39.38Ч73

X 3203050000 - 85  
X 351(04)2001 2001

ISBN 5-640-03132-8

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 2002 й.

## **«АВТОМОБИЛЛАРДА ЮК ВА ПАССАЖИРЛАР ТАШИШ АСОСЛАРИ» ФАНИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ**

Ҳар қандай мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришга қаратилған дастурни рүёбга чиқариша фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқариши техник жиһатдан қайта қороллантириш ва кенгайтириш, амалдаги ишлаб чиқаришдан жадал фойдаланиш, бошқарув тизимини, хўжалик механизмини такомиллаштириш асосида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш энг зарур вазифадир.

Юксак даражада тараққий этган ҳозирги замон транспортисиз ривожланган жамият асосини яратиб бўлмайди. Чунки транспорт ҳар қандай мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларининг муҳим таркибий қисмидир. Бизнинг мустақил Ўзбекистонимизда ҳам транспорт алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, таъбир жоиз бўлса, ҳам психологик аҳамият касб этади.

Транспортнинг яхши ишлашини белгиловчи муҳим омиллардан бири унинг юк ва пассажирларни ташиш мунтазамлигидир. Зарур маҳсулот, ҳом ашё, эҳтиёт қисмлар, ёнилғи ўз вақтида ва мунтазам ташилгандагина уларнинг омборлардаги захиралари энг кам миқдорда бўлиши ва ишлаб чиқаришни узлуксиз ташкил этиш имкони яратилиди. Табиат бойликларидан фойдаланиш ва уларни ташишда ҳам транспорт, айниқса, автомобиль транспорти алоҳида ўрин тутади. Агар замонавий транспорт воситалари ва ривожланган йўллар бўлмаса, табиат бойликларидан самарали фойдаланиш қийин бўлади. Транспорт хўжалик вазифаларини ҳал этишдагина муҳим бўлмай, балки йўл тармогини ривожлантириш, қишлоқ аҳолисини ша-

ҳарга яқинлаштириш, масалан, кадрларнинг қишлоқ жой, ларда мустаҳкам ўрнашиб қолишига ҳам маълум даражасида ёрдам беради. Бу, ўз навбатида, катта ижтимоий масалани ҳал этишга, яъни меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишга кўмаклашади.

Транспорт мамлакатимизда фоят кўп ва хилма-хил ишларни бажаради. У одамларни кундалик эҳтиёжларини, барча вилоят ва туманлар ўртасидаги мунтазам алоқаларни таъминлайди. Транспорт тармоқларининг кенг ривожланганлиги, юқори даражадаги ташиш тезлиги ва уларнинг замонавий бўлиши пассажирлар ташиш даражасининг ўсишига катта таъсир этади. Пассажирлар ташувчи транспортларнинг ўсиш даражасини белгилашда уларнинг техник-иктисодий курсаткичларинигина эътиборга олинниб қолмай, балки масаланинг ижтимоий томонларига ҳам эътибор берилиши лозим. Пассажирлар ташувчи транспортларнинг муҳим вазифаси — кишиларнинг ўзаро алоқасини кенгайтириш, тажриба алмашиш, уларнинг маданий савиясини оширишга хизмат қилишдан иборат бўлиши керак. Қишлоқ аҳолисини шаҳарлар билан бирлаштирувчи пассажир транспорти ишини кенг йўлга қўйиш шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутларни камайтириш омили ҳисобланади.

Хом ашёлар, асбоб-ускуналар, ярим тайёр маҳсулотлар, ёнилғи ва бошқа турли хил маҳсулотларни саноат тармоқлари ва корхоналар ўртасида ташиш транспорт ёрдамида амалга оширилади. Қишлоқ ҳужалигига минерал ўғитлар, машиналар, ёқилғи, улардан эса истеъмолчиларга қишлоқ ҳужалик маҳсулотлари етказиб беришда транспорт катта аҳамиятга эга. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараённада ҳам транспортдан кенг фойдаланилади. Унинг ёрдамида корхона ичida ярим тайёр маҳсулотлар, ёнилғи ва турли хил хом ашёлар, омборлардан иш жойига, тайёр маҳсулотлар эса иш жойидан омборларга ташлари ва ҳоказо.

Аҳолини бир ердан иккинчи ерга ташишда транспортнинг аҳамияти йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу ишни асосан пассажир транспорти амалга оширади. Пассажир транспортининг асосий вазифаларидан бири, кишиларни ўз вақтида иш жойига ва ишдан уйларига элтиб қўйиш,

иш куни давомида ишли ва хизматчиларни корхоналар ўртасида ташишдан иборатdir. Бундан ташқари, пассажир транспорти аҳолининг бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган кўпдан-кўп юмушларни бажаришида, уларни дам олиш уйлари ва санаторияларга қисқа муддат ичida элтиб қўйишда катта аҳамиятга эгадир. Сўнгги йилларда турли транспорт воситаси ёрдамида мамлакатимиз бўйлаб ва чет элларга саёҳат қилиш ҳамда тижорат ишларини бажариш кенг тарқалди.

Халқаро алоқаларни, жумладан товар айирбошлашни кенгайтириш ва уни мустаҳкамлаш ишида ҳам транспортнинг роли катта. Халқаро савдо, саёҳтлик ва бошқа алоқаларнинг ривожланиши, фан ва техника, маданият ҳамда спорт соҳаларидаги муносабатларнинг юксалиши транспорт воситалари ва алоқа йўлларининг ривожланганлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Булардан ташқари, аҳолини саноат ва озиқ-овқат моллари билан ўз вақтида таъминлаш ҳам транспортнинг асосий вазифаларидан биридир.

Мустақил Ўзбекистонда саноат ва транспорт турларининг кенг кўламда ва юқори даражада ривожланиши натижасида автомобиль ва самолётсозлик каби янгидан-янги саноат-транспорт тармоқлари вужудга келиб, улар фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари негизида муттасил юксалиб бормоқда.

Автомобиль транспортининг юқорида келтирилган вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда «Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш» йўналиши бакалаврларини тайёрлашда фаннинг мақсади халқ ҳужалиги соҳалари ва кишиларнинг ишлаб чиқарилари билан боғлиқ моддий буюмларни зарур жойларга белгиланган вақтда ва сифатли даражада етказиб бериш ҳамда аҳолининг пассажир транспортига бўлган эҳтиёжини мунтазам қондиришни ташкил этиш, транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш ва уларни тўғри танлаш кўнинмаларини ўргатишдан иборатdir. Мазкур фанни ўрганишда унинг “Ягона транспорт тизими ва турли транспортлар ёндошуви”, “Тижорат фаолияти ва транспорт логистикаси” фанлари билан боғлиқлигини назарда тутиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган узлуксиз таълимни ташкил

этиш ва ривожлантириш тамойиллари асосида олий таълимнинг икки (бакалаврият ва магистратура) босқичли тизимиға ўтилиши билан боғлиқ бакалавриятда ўзлаштирилувчи “Автомобилларда юқ ва пассажирлар ташиш асослари” фанининг узвий давоми “Ташишни ташкил этиш ва бошқариш” аниқ мутахассислик магистр талабаларини тайёрлашда “Юқ ташиш жараёнини ташкил этиш ва бошқариш”, “Юқ ортиш ва тушириш ишларини комплекс механизациялаш”, “Пассажирлар ташиш жараёнини ташкил этиш ва бошқариш”, “Автомобилларда халқаро юқ ва пассажирларни ташиш” фанларида ўз аксини топади. Магистр талабалари айтилганларга қўшимча “Ихтисослаштирилган транспорт воситаларида юкларни ташиш”, “Автомобилларда ташиш ишларини статистик таҳдил этиш” ҳамда талабалар танлови асосида “Қишлоқ ҳужалик маҳсулотларини автомобилларда ташиш” ёки “Йирик шаҳарларда пассажирлар ташишни ташкил этиш” маҳсус фанларидан ҳам таҳсил оладилар.

## 1 - боб

### ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ

Транспорт воситаси дейилганда юк ва пассажирларни ташишга мўлжалланган ишлаб чиқариш жиҳози тушунилади. Автомобиль транспорти воситалари икки гурӯҳга бўлинади:

- а) ўзиюрар, яъни ҳаракатлантирувчи двигатели бор автомобиллар ва тягачлар;
- б) ўзиюрмас, яъни автомобиллар ва тягачлар уланмасида ишловчи тиркама (прицеп) ва ярим тиркамалар.

Автомобиль транспорти воситаларининг аниқ шароитда самарали фойдаланилишини белгиловчи бир қанча эксплуатацион хусусиятлари мавжуд.

Автомобилларнинг асосий эксплуатацион хусусиятларига қуйидагилар киради: динамиклиги, ёнилғи тежамкорлиги, бошқарилувчанлиги, турфунлиги, ўтафонлиги, ҳаракатланиш равонлиги, сифира олишлиги, мустаҳкамлиги, чидамлилиги, техник хизмат қўрсатиш ва таъмирлашга мослиги, ортиш-тушириш ишларини бажаришга мослиги.

Автомобилнинг динамиклиги дейилганда унинг маълум йўл шароитларида юк ва пассажирлар билан биргаликда иложи борича максимал ўргача тезлик билан ҳаракатлана олиши тушунилади. Автомобилнинг динамиклиги қанча яхши бўлса, ташиш учун зарур вақт шунча кам бўлади, бинобарин автомобильнинг иш унуми юқори бўлади, яъни муайян вақт бирлигига аниқ масофага юк ёки пассажирларни кўп миқдорда таший олади. Автомобилнинг динамиклиги унинг тортиш ва тормозлаш хусусиятларига боғлиқдир.

Автомобилнинг ёнилғи тежамкорлиги дейилганда, унинг ҳаракатланиши учун ёқилаётган ёнилғи қувватидан оқило-

на фойдаланиш тушунилади. Ёнилғи тежамкорлиги ниҳоятда катта аҳамиятта эга бўлган эксплуатацион хусусиятидир, чунки ёнилғи харажати умумташиш таннархининг Энг катта қисмини ташкил этади. Ёнилғи қанча кам сарфланса, автомобилнинг эксплуатация харажати шунча арzon бўлади.

*Автомобилнинг бошқарилувчанлиги* — бу унинг бошқарилувчи гиддираклари ҳолатига қўра ҳаракат йўналишини ўзгартира олиш хусусияти. Автомобилнинг бошқарилувчанлиги унинг ҳаракат хавфсизлиги даражасига купжиҳатдан таъсир этади.

*Автомобилнинг турғунлиги* дейилганда унинг сирғаниб кетиш, сирпаниш ва ағдарилишга қарши тура олиши тушунилади. Автомобилнинг турғунлиги унинг тормозланиш динамикаси ва бошқарилувчанлиги билан бир қаторда ҳаракат хавфсизлигини таъминлайди. Автомобилнинг турғунлиги, айниқса, сирғанчиқ йўл шароитлари ва юқори тезлик билан ҳаракатланишда катта аҳамиятта эга.

*Автомобилнинг ўтагонлиги* унинг оғир йўл шароитлари ва йўлдан ташқарida (қорли ёки қумли қўриқларда, балчиқ жойларда) ҳаракатлана олиш хусусиятидир. Утагонликнинг аҳамияти экинзор, ўрмонзор, конлар ва бошқа йўлсизлик шароитларида ёки йўл шароити оғир бўлган жойларда ишловчи автомобиллар учун ниҳоятда каттадир.

*Автомобилнинг ҳаракатланиш равонлиги* дейилганда унинг нотекис йўлларда катта тезлик билан ҳаракатланишида кузови (салони)нинг тебранмаслиги тушунилади. Ўртача ҳаракат тезлиги даражасига, ташилаётган юклар сифатини бузилмаслигига, ҳайдовчи ва пассажирлар толикиб қолмаслигини ҳисобга олганда ҳаракатланиш равонлигининг аҳамияти каттадир.

*Автомобилнинг сиғдира олиши хусусияти* ундаги бир вақтда ташиладиган юклар миқдори ёки пассажирлар сони тушунилади. Юк автомобилининг сиғдира олиши хусусияти унинг юк кутарувчанлиги ва кузовининг ички ҳажм ўлчовлари билан боғлиқ. Пассажир автомобилларининг сиғдира олиши дейилганда бир вақтда ҳаракатланувчи пассажирлар сони тушунилади.

*Автомобилнинг мустаҳкамлик хусусияти унинг тузатиш учун зарур бўлган вақт талаб этувчи синишилар ва бузилишларсиз ишлаш хусусиятидир.*

*Автомобилнинг чидамлилиги бу унинг тузатиш учун эксплуатациядан тўхтатиши талаб этувчи қисмларининг жадал эскиришсиз ишлаш хусусиятидир.*

*Автомобилнинг техник хизмат кўрсатиш ва таъмирашга мослиги унинг конструкцияси билан боғлиқ бўлиб, бундай ишларни енгил ва осонлик билан ҳамда қисқа вақтда бажаришдан иборатdir. Бундай ишларни бажаришга кўп вақт талаб этилса, ташиш таннархи қимматлашади.*

*Автомобилнинг юк ортиш-тушириши (ёки пассажирларни олиш ва тушириш)га мослиги дейилганда, бундай операцияларни бажаришга кам меҳнат ва вақт сарфи тушунилади.*

Автомобилнинг эксплуатацион хусусиятларини назарий жиҳатдан таҳдил этишдан пировард мақсад транспорт воситаларининг иш унумини ошириш ва ташиш таннархини арzonлаштириш бўлиб, улар биргаликда автомобилларда юк ва пассажирлар ташиш фанининг асоси ҳисобланади. Бундай мақсадга эришиш учун қўйидаги масалаларнинг самарали ечимларига эришиш лозим:

- автомобилнинг техник ҳаракат тезлигини ошириш;
- ёнилғи солиштирма сарфини камайтириш;
- автомобиль транспорти ҳаракат хавфсизлигини тъминлаш;
- автомобиль ҳайдовчиси ва пассажирлар учун энг кулай шарт-шароитни тъминлаш.

### **1.1. Транспорт воситалари таснифи**

Транспорт воситалари бажарадиган вазифаларига кўра уч гуруҳга бўлинади: юк автомобиллари, пассажир автомобиллари ва маҳсус автомобиллар.

Давлат стандартига биноан умум фойдаланиш йўлларида ишлатишга мўлжалланган автомобиллар икки А ва Б гуруҳга бўлинади. А гуруҳдаги автомобиль ва автопоездлар учун бир ўқдан йўлга тушувчи энг кўп оғирлик 100

кН дан ортиқ бұлмаслиги лозим. Бунда ёнма-ён үқлар орасидаги масофа камида 2,5 м бұлади. Бундай автомобиллар йүл қопламаси капитал ва такомиллаштирилган I ва II техник категорияли йүллардагина ишлатилади. Бундай йүл қопламалари цемент ёки асфальт-бетондан тайёрланади. Б гурухдаги автомобиль ва автопоездлар учун бир үқдан йүлга тушувчи энг күп масса оғирлиги 60 кН дан ортмаслиги керак. Бунда ҳам ёнма-ён үқлар орасидаги масофа камида 2,5 м бұлади. Бундай автомобиллар умум фойдаланиладиган барча техник категорияли йүлларда ҳам ишлатилиши мүмкін.

Йүлга тушувчи масса оғирлигининг давлат стандарты билан чегараланған миқдордан ортиқ бұлиши, амалда йүл ва күпприклар конструктив элементларыда деформация қолдиги бұлиши ҳисобига уларнинг тез бузилиши ва белгиланған вақтдан олдин ишдан чиқишига олиб келади. Барча хорижий давлатларда ҳам автомобиль йүлларининг белгиланған муддатдан илгари бузилмаслиги учун йүл қопламасига тушувчи масса оғирликлари чегараланған. Күпчилик Оврупо ва Америка давлатларыда автомобилларни A ва B гурухларга бүлишнинг аниқ чегараси бұлмай, уларда магистрал (автострада) йүл қопламасига тушувчи масса оғирлиги ва транспорт воситаларининг умумий массаси қонун йүли билан чегараланғандыр. Бундан ташқары йүллардаги баъзи чегаравий күрсаткичлар йүл белгилары орқалиғина берилади.

Үқ массаси орқали йүл қопламасига тушувчи оғирлигига күра учинчі гурухға мансуб автомобильларга умум фойдаланиш автомобиль йүлларыда ишлатилиши мүмкін бўлмаган оғир массали автомобиллар киради. Бундай автомобиллар йүл қопламасидан қатын назар умум фойдаланиш автомобиль йүлларыда ишлаши мүмкін эмас. Бундай автомобилларда бир үққа тушувчи оғирлик 100 кН (10 тк) дан ортиқ бұлади. Бундай автомобиллар гурухлаш таснифига кўра “йүллардан ташқары ёки карьер автомобиллари” номи билан юритилади. Бундай автомобиллар қаторига БелАЗ, Catterfillar, Yuclid кабилар киради.

Барча автомобиллар, ўз навбатида юж ёки пассажирлар ташувчи транспорт автомобилларига ва транспорт автомобиллари бўлмаган маҳсус автомобилларга бўлина-

ди. Махсус автомобилларга ўт ўчирувчи, коммунал хизізмат (сүв сепувчи, супурувчи, ахлат ва бошқа чиқиндиларр ташувчи ва ҳ.к) этувчи, автокранлар, санитария автомобиллари, тиббий тез ёрдам автомобиллари, техник ёрдаңм ва устига устахона ўрнатылған, спорт автомобиллари вәа шу кабилар киради.

Транспорт автомобиль өз автопоездлари ўз навбатида юк ва пассажир ташувчи хилларга бўлинади. Пассажир автомобиллар автобус ва енгил автомобилларга бўллинади. Юк ташувчи, автобус өз енгил автомобиллар ўз конструктив схемаларига биндан яна бўлинадилар. Юк автомобиллари ўз навбатида бир бўгинли автомобилларга ва икки ва ундан ортиқ бўгинли автопоездларга бўллинади. Автопоездлар автомобиль-тягач тиркама ёки Эъгарли ярим тиркамали бўлишлари мумкин.

Олдинги даврларда бир бўгинли ва икки (ундаған ҳам ортиқ) бўгинли автопоездлар учун қуввати юқори автомобиллар яратилған бўлса, ҳозирги кунда бундай автомобиллар оқилона ҳисобланмайди. Ҳозирги давр жадал ва кўпинча поток транспорт ҳаракатидаги барча ҳаракатланувчи транспорт бирікмалари тўлиқ массалааридан қатъи назар бир хил тортув-тезлик хусусиятли, теззланиш ва тормозланиши бир хил бўлиши тақозо этилади. Бунинг учун транспорт бирікмалари тўлиқ массаларига мос келувчи двигатель қувва ларига эга бўлиши лозим. Бундай қувватга эга бўлмаган тақдирда йўл ўтказиш хусусиятидан тўла фойдаланиб бўлмайди. Шунинг учун бир бўгинли автомобиллар двигателининг қуввати автопоездларнига нисбатан кам бўлиши иқтисодий тоғондан ўзини оқлади. Тягачлі автомобиллар куч узатмаси ва тормоз механизмлари шир бўгинли автомобилларнидан жиддий фарқ қилиши лозим.

Эъгарли тягач ва ярим тиркамали автопоездлар бизда ва чет давлатларда кенікүлланилади ва улардан анча са марали фойдаланилади.

Юк автомобиллариниң таснифлашнинг асосий йўналишларидан бири уларни ўчамларига кўра градацияциялашдир. Юк автомобиллари учун бундай ўлчамлар қатоғрига, энг аввало, юк қутарувчан ик ёки улар масса оғирлигини киритиш мумкин. Транспорт истеъмолчилари ва транспорт

ходимлари учун автомобилларнинг юк кутарувчанлиги кўпроқ аҳамиятга эга. Бу қўрсаткич автомобилларнинг ташувчанлик хусусиятини қўрсатади. Ҳозирги кунда бизда ва МДҲга аъзо бошқа давлатларда юк кутарувчанлигига кўра юк автомобиллари беш гуруҳга бўлинади. Юк кутарувчанлиги 0,5 т гача бўлган жуда кам юк кутарувчи автомобиллар (енгил автомобиль шассисида яратилган); юк кутарувчанлиги 0,5 т дан 2,0 т гача бўлган кам юк кутарувчи автомобиллар; 2,0 т дан 5,0 т гача ўртacha юк кутарувчи автомобиллар; юк кутарувчанлиги 5,0 т ва ундан катта; бир ўққа 100 кН (10 тк) ва жуфт ўқларга эса 180 кН (18тк) дан ортиқ юк ташувчи автомобиллар кираади.

Юк кутарувчанлиги кичик (2,0 т гача) автомобиллар юк обороти катта бўлмаган кичик хўжалик фирмалари, савдо ташкилотлари, мактаб ошхоналари ва шу каби ташкилотлар ҳамда якка қишлоқ хўжаликлари фирмаларига хизмат кўрсатиш учун зарурдир.

Ўртacha юк кутарувчанликка (2,0 т дан 5,0 т гача) эга автомобиллар саноат, қишлоқ хўжалиги обьектлари, қурилиш ва шу каби бошқа ташкилотларнинг оғирроқ юкларини ташиш учун хизмат қиласди.

Юк кутарувчанлиги катта (5,0 т дан ортиқ) автомобиллар қуввати катта ва мунтазам юк оқимларини қаттиқ қопламили магистрал йўлларда қаноатлантириш учун хизмат қиласди. Кейинги йилларда бундай автомобиллардан шаҳар ва йирик аҳоли пунктларида ҳам юкларни ташишда, тоғ-руда саноати ҳамда йирик саноат корхоналари юкларини ташишда кенг фойдаланилмоқда.

Ривожланган хорижий давлатларда юк автомобиллари ўлчамлари мезони сифатида уларнинг тўлиқ масса оғирлиги қўлланилади. Бунинг асосий сабаби ҳар хил ихтиносластирилган, кузов массалари ҳам ҳар хил бўлган автомобиллардан кенг фойдаланишdir.

Узок манзилларга, яъни шаҳар (вилоят)лараро ҳамда давлатлараро юк оқимларини таъминлашда кўп юк кутара олувчи автопоездлардан фойдаланилади. Бундай автопоездлар конструкцияси ўз тортиш-тезлик хусусиятларига кўра бир-биридан фарқ қиласди. **Масалан**, улар кабинасида ухлаб хордик чиқариш жойлари ҳам бўлиши мум-

кин. Шунинг учун ҳам уларни таснифлашда алоҳида хусусиятларни ҳисобга олувчи талаблар назарда тутилган. Барча юқ ташувчи автомобиллар икки гурухга бўлинади: универсал вазифали, бортли кузовга эга ҳамда ихтисослаштирилган кузовли, яъни уларнинг конструкцияси аниқ бир ёки бир неча хил юқ ташишга мўлжалланган. Ихтисослаштирилган кузовли автомобиллар универсал кузовли автомобилларга нисбатан ташилувчи юклар сифатини юқори даражада сақлаб бориши билан яққол ажралиб туради. Бундай автомобиллар ортиш-тушириш операцияларини енгиллаштириш ва уларни бажаришга сарфланадиган вақтни қисқартириш имкониятига эга. Асосий ва кенг фойдаланадиган ихтисослаштирилган автомобиллар қаторига қуйидагилар: самосвал кузовли, фургон кузовли, шистернали, контейнер, панел, ёғоч ва цемент ташишга мослаштирилган автомобиллар киради.

Аксарият автомобиллар кузовининг конструкциясига кўра универсал платформали ҳамда стандарт бортли умумтранспорт ҳар хил юклар ташувчи автомобиллардир. Бундай автомобиллар платформаси бортли ёки бортсиз қилиб ишланган бўлиши мумкин. Бортсиз платформали автомобилларнинг кузови оғир ва йирик габаритли, бўлинмайдиган юкларни ташишга мўлжалланган. Баъзи ҳолларда ҳажми катта енгил юкларни ташишда автомобилларнинг кўтарувчанигидан тўлиқ фойдаланиш мақсадида стандарт талабидан чиқмаган ҳолда уларнинг кузов бортларини баландлатишга рухсат берилади. Айрим юкларни ташишда уларни чанг ва ёғингарчиликдан сақлаш мақсадида кузовнинг усти тент билан ёпилиши ҳам мумкин. Баъзи фургон автомобиллар кузови қулфланувчи эшикли бўлиши ҳам мумкин. Бундай автомобиллар юкларни ёғингарчилик ва чандангина яхши сақлаб қолмай, атмосфера ҳарорати таъсиридан ҳам сифатли сақлаб бориши мумкин. Сочилиувчан ва уюб ташиладиган юклар учун автомобилнинг кузови ўзи афарарадиган қилиб ишланган бўлиши ҳам мумкин.

Автобуслар конструктив схемасига кўра уч турга бўлиниши мумкин: якка салонли; бирлаштирилган салонли; автобус поездлари, яъни тиркамали автобуслар. Аксарият ҳолларда амалда якка салонли автобуслар қўлланила-

ди. Бирлаштирилган (ёки ярим тиркамали) автобуслар пассажирлар оқими катта бўлган маршрутларда қўлланилиб, ўз маневрчанлигига кўра шаҳарлардаги йўл-кўчаларга кўпроқ мосланган бўлади. Пассажир ташувчи тиркамали автобуслар ҳаракат хавфсизлиги нуқтаи назаридан жуда кам ҳоллардагина қўлланилади.

Автобуслар габарит ўлчамлари ва стандарт талабига кўра бешта синфга бўлинади. Автобусларни эксплуатация қилувчилар нуқтаи назарича асосий ўлчам мезони автобус салонининг сифдирувчанлиги, яъни унинг нечта пассажир сифдири олиш кўрсаткичидир. Вазифаси ва ўриндиқлар миқдорига кўра узунлиги бир хил бўлган автобусларнинг номинал сифдирувчанлиги турлича бўлиши мумкин (1-жадвал).

Бажарадиган вазифасига кўра автобуслар қўйидаги турларга бўлинади: шаҳар ичи, шаҳар атрофи, шаҳарлараро, саёҳат мақсадида фойдаланиладиган, қисқа масофага (қишлоқ туманлари ўртасида) қатновчи мактаб ўқувчилари учун, экспурсион ва вазифаси умумий бўлган автобуслар. Давлат стандартига биноан шаҳар ичи ва шаҳар атрофи автобуслари «шаҳар автобуслари» гуруҳига, шаҳарлараро, саёҳат, қисқа масофада (қишлоқ туманлари ўртасида) ишловчи автобуслар узоқ масофаларга қатновчи автобуслар гуруҳига киритилади.

Ҳар бир пассажир учун амалдаги меъёрларга кўра кузовнинг пассажирлар салонининг таянч майдони ҳар бир ўтирувчи пассажир учун камида  $0,315\text{ m}^2$ , ҳар бир туриб кетувчи пассажир учун камида  $0,2\text{ m}^2$  бўлиши лозим. Бундай меъёрларга кўра автобус салони планировкасидаги ўриндиқлар ва туриб кетувчи пассажирлар жойининг ўзаро нисбатларини ўзгартириш орқали турлича сифимларга эга булиш мумкин.

Автобусларнинг тезлик ва тортиш хусусиятларини баҳолаш учун уларнинг максимал тезлиги ва бу максимал тезликка эришиш учун зарур бўлган вақт ҳамда йўлнинг энг катта қиялигини енга олиш кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Автобуслар максимал тезлиги уларнинг вазифаси билан боғлиқдир: катта ҳаракат тезлиги зарур бўлмаган шаҳар ичи ёки шаҳар атрофи маршрутлари учун бу қий-

**Хар хил вазифалы за узунликтаги автобустарнинг сифтирувчанлиги**

Учималырга кура автобус турлары	Стандарт тапабига кура, габарит узунлитети, м	Номинал сифтирувчаник, жойлар сони			
		шахар ичи автобуслари учуги	шахар аэропорти автобуслари учуги	турбекетиш жойлары сони	турбекетиш жойлары сони
Уга көнчик сийми	5,0 гана	10	—	10	—
Көнчик сийми	6,0-7,5	18-22	10-15	28-37	20-25
Ургача сийми	8,0-9,5	20-25	30-35	50-60	25-35
Катта сийми	10-12,5	25-35	55-75	80-110	35-45
Жуда көнчи сийми	16,5-24	35-45	85-100	120 ва үчдан ортик	50-60
					35-45
					—
					—

мат 60-80 км/соат, шаҳарлараро қатновлар учун 100-120 км/соат. Максимал тезликка эришиш учун сарфланган вақт қанча кичик бўлса, бошқа шароитлар бир хил бўлган тақдирда автобусларни эксплуатация қилиш кўрсаткичи шунча яхши ҳисобланади. Бироқ, юқорида айтилган вақтнинг кичик бўлиши ёнилғи сарфини кўпайтиради ва автобусларга катта қувватли двигателлар ўрнатишни талаб қиласди. Шуни ҳисобга олиб, тезланишга сарфланган вақтнинг энг катта оқилона миқдори шаҳар ичи автобуслари учун 40-55 сек, шаҳар атрофи автобуслари учун 50-65 сек ва шаҳарлараро автобуслар учун 70-90 секунд деб қабул этилган.

Тоғли жойларда ишловчи автобусларнинг имкониятини баҳолашда йўл қиялигини енга олиш хусусиятидан фойдаланилади. Агар автобус ўзининг узатишлар кутисидаги энг кичик узатма билан 30% ли ва энг катта узатмаси билан 3% ли йўл қиялигини bemalol енга олса, бундай автобус имконияти қониқарли ҳисобланади.

Автобусларнинг асосий кўрсаткичларидан бири уларнинг ёнилғи тежамкорлиги бўлиб, у ҳар 100 км масофага сарфланган ёнилғи миқдори билан ўлчанади. Бир хил симли автобусларнинг ёнилғи сарфи улар конструкциясининг такомиллашганини кўрсатади. Баъзи ҳолларда, масалан, ҳар хил йўл шароитлари, маршрутдаги тўхтаб ўтиш жойлари миқдори ва бошқа омилларга кўра бир автобус учун ёнилғи сарфи ҳар хил бўлиши мумкин. Шунинг учун автобуслар учун йўл шароити ва маршрутлар хусусиятига биноан ёнилғи сарфининг ўртacha меъёри белгиланади.

Шаҳарда қатновчи автобуслар конструкцияси, иложи борича, пассажирларнинг ўтириб ва туриб кетишига, уларнинг тўхташ жойларида тез чиқиш ва тушишига, тез-тез тўхтаб, катта тезланиш билан ҳаракатланишга мосланган бўлиши лозим.

Шаҳар ичи маршрутларида қатновчи пассажирлар ўртacha қатнов масофаси нисбатан кичик (3-6 км) ва сутка давомида пассажирлар оқимининг ўзгарувчан бўлиши шаҳар ичи автобусларининг кузов салони планировкаси кам ўриндиқли, ўтиш жойлари, автобуснинг олд ва орқа томонида туриб кетишига мўлжалланган сатҳ (майдонча)-нинг кенг бўлишини тақозо этади. Салонни айтилгандек

планировкалаш пассажирларга хизмат этиш сифатини де-ярли камайтирганы ҳолда автобус сифимини оширади. Чиқиш ва тушиш эшиклари кенг бўлиши пассажирлар чиқиши ва тушиши учун зарур бўлган тұхтаб туриш вақтими камайтириш ҳисобига автобуслар иш унумини оширади.

Енгил автомобиллар двигателининг иш ҳажми миқдори ва пассажирлар сонига кўра фарқланади. «Двигателининг иш ҳажми» ўлчам мезони барча давлатларда автомобиль учун тұланувчи солиқ миқдори учун асос қилиб олинган. Бу кўрсаткич спорт автомобилларини таснифлашда ҳам қўлланлади.


Барча енгил автомобиллар ўз ўлчамларига кўра тўрт синфга бўлинади.

Умум фойдаланиш автомобиль транспорти соҳасида хизмат кўрсатувчи енгил автомобиллар, такси сифатида фойдаланиладиган ҳамда корхона ва ташкилотларга хизмат кўрсатадиган автомобилларга, шунингдек, шахсий мулк эгаларининг енгил автомобилларига бўлинади.

Бажариш вазифаларига кўра енгил автомобиль транспорти воситаларига турлича талаблар қўйилади. Аҳолининг енгил такси автомобилларига бўлган эҳтиёжини ўрганиш шуни кўрсатадики, жами қатновларнинг 75 фоизида салонда бир ёки икки пассажир, 10-15 фоизида уч пассажир ва фақат 5-10 фоизида тўрт пассажир қатнар экан. Бундай автомобилларда маҳсус ҳисоблагич — таксометр, такси автомобили белгиси ва автомобилнинг банд ёки бўшлигини кўрсатувчи чироги бўлиши зарур.

Енгил такси автомобилларининг 60 км/соат тезликка этиши учун зарур вақт 10 сек дан ортиқ бўмаслиги лозим.

Автомобилларнинг юқорида келтирилган таснифи уларнинг эксплуатацион хусусиятларига кўра тузилган. Автомобилларни конструкциясига қараб ҳам таснифлаш зарур. Масалан, юқ автомобиллари компоновкаси (агрегатлари — двигателлари жойлашуви) га кўра улар: капотли, қисқа капотли ва капотсиз бўлиши мумкин. Автобуслар ҳам капотли ёки вагон-салон компоновкали бўлиши мумкин. Автомобиллар узун ва қисқа базали, ҳар хил трансмиссияли ва ҳоказо турларда орнайди.



Автомобиль двигатели унинг олд ёки орқа томонида, ёки кабина (автобусда кузов) тагига жойлаштирилган бўлиши мумкин. Двигателлар бензинда ёки дизель ёнилғида ишлаши мумкин.

Автомобилларнинг етакчи кўприги орқада ёки олдида жойлашиши, улар бир ва бир неча етакчи кўприкли бўлиши, шунингдек фиддирак формуласига биноан ҳам ажратилиши мумкин.

Ҳар хил табииат-иқлим шароитларини ҳисобга олувчи маҳсус конструкцияли, масалан, шимолий (совуқ иқлим), жанубий (иссиқ иқлим) ва тропик иқлим ва бошқа шароитларига мосланган автомобиллар ҳам бўлади.

## 1.2. Автомобиллар ўлчами ва масса қўрсаткичларининг жоиз чегаралари

Умум фойдаланиш автомобиль йўлларида ишлатилувчи барча автомобиль ва автопоездлар, уларнинг ўлчам ва массаларини чекловчи талабларга жавоб бериши лозим. Бундай талаблар барча давлатларда тегишли қонунлар асосида белгиланади. Масалан, МДҲ давлатларида давлат стандартига биноан оғирлик ва габарит ўлчамлари чекланган. Автомобилларнинг юк билан биргаликдаги баландлиги 3,8 м, кенглиги эса 2,5 м дан ошмаслиги зарур.

Эгар тягачли ва битта ярим тиркамали автопоездларнинг узунлиги 20 м дан, икки ва ундан ортиқ тиркамали автопоездларники эса 24 м дан ошмаслиги лозим.

Юк автомобиллари ўқидан йўл қопламасига тушувчи кучлар чегараси аввалги параграфда берилган.

Автобуслар ўқларидан йўл қопламасига тушувчи куч улар сифимидан тўла фойдаланилганда «А» гуруҳдаги йўллар учун 115 кН (11,5 тк) дан ва «Б» гуруҳдаги йўллар учун 70 кН (7 тк) дан ошмаслиги зарур. Самосвал-автомобиллар учун ҳам «Б» гуруҳдаги йўлларга тушувчи оғирлик кучи 65 кН (6,5 тк) ошмаслиги керак.

Ер куррасидаги барча мамлакатларда автомобиль ва автопоездларда юк ташишнинг ўсиб бориши тенденциясини ҳисобга олиб, баъзи жоиз чегаравий қўрсаткичларни такомиллаштиришга ҳаракат этилаётir. Масалан, АҚШда авто-

мобиллар кенглиги 2,44 м дан 2,59 м га, тұлиқ массаси 32,2 т дан 56,7 т гача ошириш назарда туғилған.

Оврупо Иттифоқи Министрлар Кенгашининг 1989 й. 14 март куни халқаро ташиш билан боғлиқ янги стандартында күра автомобиллар энининг кенглиги 2,55 м ҳамда ён деворлари 45 мм қилиб ишланған автoreфрижератор учун эса 2,6 м белгиланған бўлиб, бу кенглик 1993 й. 1 январдан бошлаб амалга оширилди. Автомобиль ва автопоездлар масаси ва бошқа ўлчамлари параметрларининг янги кўрсаткичларини ишлаб чиқкан.

Бу регламент лойиҳасига биноан якка ўқдан тушувчи масса оғирлиги 115 кН (11,5 тк), қўшалоқ ўқдан эса 180 кН (18 тк) қилиб белгиланған. Автопоездлар умумий масаси 40 т, якка ишловчи икки ўқли автомобиль учун 180 кН (18 тк) ва уч ўқли автомобиль учун 250 кН (25 тк) гача белгиланған ва ҳоказо.

## 2 - боб

### ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ИШЛАШ ШАРТ-ШАРОИЛЛАРИ

Автомобиль транспорти учун яхши йўллар бўлиши лозим. Йўллар автомобилларнинг узлуксиз, хавф-хатарсиз ва максимал ҳаракат тезлиги билан ва тежамли ишлашини таъминлаши зарур.

Юк кўтарувчанлиги юқори бўлган автомобилларнинг ва кўп ўринли автобусларнинг кундан-кунга кўпайиб бориши такомиллаштирилган қопламали магистрал йўлларни янада кенг суръатлар билан тараққий эттиришни тақозо этади. Мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш режаларида қаттиқ қопламали ва такомиллаштирилган йўл тармоқларини кенгайтиришга катта аҳамият берилмоқда.

Такомиллаштирилган йўллар қуриш билан бирга маҳаллий аҳамиятдаги йўл тармоқларини ҳам кенгайтириш лозим. Бундай йўл шохобчалари товар алмашувини кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ва аҳолининг маданий ҳаёт даражасини ўстиришда катта аҳамиятга эга.

Автомобиллар ва йўлларнинг тез ейилишининг олдини олиш мақсадида йўл шароитларини ҳисобга олувчи автомобиллар ишлаб чиқарилиши лозим, магистрал йўлларни қуришда эса ҳозирги замон тезюрас авторомобилларини назарда тутиш лозим, чунки бундай йўллар энг кам суммар йўл қаршилигини таъминлаш билан бирга ҳаракат хавфсизлигини ҳам таъминлайди.

Автомобиль транспорти билан пассажирлар ташишни ташкил этишда автомобиль йўллари ва шаҳар алоқа йўлларининг аҳамияти катта. Ҳаракат хавфсизлиги, пассажирлар қатнови қулайлиги, бинобарин ҳайдовчи ва бошқа ходимларнинг иш унуми бундай йўлларнинг тақомиллашганлик ва жиҳозланиш даражасига чамбарчас боғлиқдир. Автотранспорт корхоналаридағи меҳнат унумдорлиги кўп жиҳатдан йўл шароити ва унинг ҳолатига боғлиқдир.

Ҳар қандай янги автобус маршрутини очиш ҳам енгил автомобиль таксиларда пассажирларни ташишни ташкил қилишдан олдин йўл шароитлари синчковлик билан ўрганиб чиқилиши лозим. Транспорт воситаларининг маршрутда ишлаш регламенти йўл ҳолатига кўра белгиланади. Транспорт воситаларининг синиши ва аварияларнинг олдини олиш мақсадида автотранспорт корхоналарининг эксплуатация хизмати ва йўл ходимлари йўл шароитларини мунтазам ўрганишлари лозим. Пассажирлар ташувчи автотранспорт корхоналарининг эксплуатация хизмати ходимлари йўлларга нисбатан қўйиладиган талабларни яхши билишлари лозим.

Автомобиль йўллари ва шаҳар алоқа йўллари мураккаб муҳандислик иншоотлари комплекси бўлиб, улар транспорт воситаларининг тез ҳаракатланишини ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаши лозим. Йўллар конструкцияси ва инженерлик иншоотлари таркиби улар учун белгиланган ҳаракат тезлиги ва жадаллиги ҳамда маҳаллий табиат-иқлим шароитлари билан узлуксиз боғлиқдир. Йўл белгилари, сигналлар ва ҳаракатни тартибга солувчи бошқа жиҳозлар йўлларнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

## 2.1. Автомобиль йўллари таснифи

Умум фойдаланиладиган автомобиль йўллари мамлакати-  
миздаги вилоятлар, шаҳар, туман марказлари, темир йўл бе-  
катлари, аэропортлар, Амударё сув пристанлари ва бошқа жой-  
ларни ўзаро бирлаштиради. Узбекистон Республикасида бун-  
дай йўллар «Узавтойўл» давлат концерни тасарруфидадир. Умум  
фойдаланиш автомобиль йўлларидан ташқари ҳар хил бошқ-  
армаларга тегишили йўллар ҳам мавжуд бўлиб, улар саноат кор-  
хоналари, қурилиш, қишлоқ (сув) хўжалиги ва бошқа корхо-  
налар ичидаги обьектларни бирлаштириш учун хизмат қила-  
ди. Йўлларни тавсифлаш учун давлат ва техника таснифлари  
мавжуддир. Автомобиль йўллари давлат таснифига кўра қуй-  
идагиларга бўлинади:

а) умумдавлат аҳамиятидаги йўллар. Улар қўшни дав-  
латлар марказлари, республикамиздаги вилоятлар мар-  
казлари, йирик саноат ва маданият марказларини ўзаро  
бирлаштиради. Бундай йўллар қаторига йирик курорт-  
ларга элтувчи йўллар ҳам киради;

б) вилоят аҳамиятидаги йўллар. Бундай йўллар туман  
марказларини ўзаро ва уларни вилоят марказлари ёки  
умумдавлат аҳамиятидаги магистраллар, йирик темир йўл  
бекатлари, аэропортлар, сув пристанлари билан ўзаро  
бирлаштириш учун хизмат қиласди;

в) маҳаллий аҳамиятидаги йўллар. Бундай йўллар тар-  
кибига туман аҳамиятидаги ва хўжаликлар ичидаги барча  
йўллар киради.

Техник таснифга биноан автомобиль йўллари бешта  
техник категорияга бўлинади. Ҳар қайси категориядаги  
йўллар қурилишида улардан сутка давомида ўтиш имко-  
ниятига эга бўлган автомобиллар сони, автомобилларнинг  
бундай йўллардаги ҳисобий тезликлари (120-140 км/соат)  
эътиборга олинади. Ушбу категорияларга биноан йўл қоп-  
ламалари такомиллаштирилган капитал, енгиллаштирил-  
ган ва ўткинчи бўлишлари мумкин. Юқорида кўрсатил-  
ганларга кўра кўпгина автомобиль транспорти воситаси-  
дан унумли фойдаланиш, бинобарин, автомобиль транс-  
порти воситаси ва йўллардан самарали фойдаланиш, кўп  
жиҳатдан юқорида қайд этилган кўрсаткичларга боғлик-  
дир.

тезлиги хронометраж йұли билан аниқланади, хавфли йұл бұлаклари аниқланиб, улар учун хавфсиз ҳаракат тезлиги белгиланади.

Текширув жараёнида “Янги автобус маршрутлари очищаудан үлардан фойдаланишдаги ҳаракат хавфсизligини таъминлаш талаблари» номли мөъёрларга тұла риоя қилинганligи албатта аниқланади. Текширув натижаси далолатнома тузиш билан якунланиб, улар нұсхалари керакли ташкилотларға юборилади. Далолатноманың асл нұсхаси маршрутта паспортида сақланади. Агар текширув жараёнида маршрутта хавфли жойлар аниқланса, уларнинг схемалари тузилиб, ҳайдовчиларға берилади.

Текширув охирида комиссия маълум ишларни бажариш режасини ҳам тузади. Бундай режада бузуқ ёки хавфли жойларни тузатыш учун зарур вақт, уни ким бажариши аниқланади ва тегишли ҳокимият тасдиғига берилади.

Автомобиль транспорти пассажирлар ташиш маршрутларининг қатнов шароитларига мослигини назорат этишда қүйидагиларга алоҳида аҳамият берилиши лозим.

Йұл қопламасида автомобиль үз бошқарувини йүқтошишга ва синишга олиб келувчи чуқурлар ва чүкиб қолған нотекис жойлар бўлишига йўл қўймаслик зарур.

Такомиллаштирилган қопламали ва қатнов қисми кенглиги 7 м дан ортиқ бўлган йўлларда транспорт воситалари ҳаракатини тартибга солиш мақсадида йўлларнинг қатнов қисми ва ўтиш жойларига чизиладиган белгилар аниқ ва яхши кўриниши лозим. Бундай белгилашлар «Йўл ҳаракати қоидалари» талабларига биноан ҳамда «Автомобиль йўллари ва шаҳар кўчалари қатнов қисмига белгилар қўйиш йўриқномаси»га риоя қилинган ҳолда бажарилади.

Барча йўллар узоқ масофадан ҳам яхши кўринувчи йўл белгилари билан жиҳозланиши лозим.

Йўлларнинг таъмирланувчи бўлаги стандарт түсиқ, кўчма устунчалар ва огоҳдантирувчи «Таъмирлаш ишлари» белгилар билан үралган бўлиши шарт. Бундай белгилар йўлнинг ҳар иккила томонида ҳам икки жойда: биринчиси таъмир жойидан 150-250 м (шаҳарлар ва аҳоли пунктларида 50 м) масофада, иккинчиси эса таъмирланувчи бўлакнинг ўзида

қўйилиши лозим. Қоронғи тушиши билан бундай жойларда қизил сигнали ёкиб қўйилиши керак. Ишламаётган йўл машиналари йўлнинг қатнов қисмida қолдирилгаслиги лозим.

Агар таъмир даврида йўлни айланиб ўтиладиган қилинса, ундан йўлларга чиқиш ва улардан қайтадан йўлга киришлар қиялиги 10% ошмаслиги лозим. Бундай йўл қопламалари транспорт воситаларининг камидаги 30 км/соат тезлик билан ҳаракатланишига имкон бериси лозим.

Такомиллаштирилган йўл қопламалари юзаси ёз кунларида мунтазам равищда лой ва чангдан ювиб турилиши лозим.

Йўлларни қор ва яхмалакдан ўз вақтида тозаламаслик ниҳоятда катта хавф туғдиради. Натижада авария содир булиши ҳамда транспорт воситалари ҳаракати бутунлай тухтаб қолиши мумкин.

Яхмалакни бартараф этишда йўл қопламларига майдабразив материаллар (кум, шлак ва шу кабилар) сепиши самарали усул ҳисобланади.

## **2.5. Пассажир транспорт воситаларининг маршрутдаги ҳаракатини тұхтатиши шарт-шароитлари**

Автобус ва троллейбус маршрутлари ташкил этилган автомобиль йўллари, шаҳар ва туман күчалари ҳаракат хавфсизлигини мунтазам таъминлаши, транспорт воситаларидан самарали фойдаланыш ва ҳайдовчилар иши учун зарур шарт-шароитларга эга бўлиши лозим. Агар юқорида келтирилган шартлар бажарилмаса, пассажирлар ташувчи транспорт воситалари ҳаракати тұхтатиб қўйилиши мумкин.

Йўл ва йўл иншоотларининг ҳаракат хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги йўл ташкилотлари, автотранспорт корхоналари ҳамда давлат автомобиль назорати ходимлари томонидан биргаликда аниқланади.

Пассажирлар ташувчи транспорт воситалари ҳаракати қўйидаги шароитларда бутунлай тұхтатилиши ёки қисман чегараланиши мумкин:

— ҳаракатга хавф туғдирувчи ҳолларда ёки йўл-иклим шароити кескин үзгартганида (вақтингча);

— агар маршрутдаги йүл шароитлари кескин ёмонлашса ва ҳаракат хавфсизлигига қаратилган чоралар күриш имко-ни бўлмаса ҳамда йўл шароитларини текширув далолатно-масида кўрсатилган ҳаракатга хавф туддирувчи ҳолатлар белгиланган муддатда бажарилмаса, бутунлай тўхтатилади. Бу ҳолда юқори ташкилотларга, тегишли ҳокимликка ҳамда йўл-эксплуатацияси ва ДАН хизматига зудлик билан ахб-орот берилади.

### 3 - боб

## АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ЮК ТАШИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

Юк ташишни ташкил этиш дейилганда юкларни бел-гиланган жойга ўз вақтида ва уринтирмаган ҳолда мини-мал пул ва моддий харажат билан етказиб бериш билан боғлиқ транспорт операциялари тизими тушунилади.

Автомобиль транспортида юк ташиш ва уни режалаш-тириш асослари қўйидагилардан иборат:

- ҳалқ ҳўжалиги режаси асосида жорий (йил, чорак, ой) ва оператив (кун, смена) юк ташиш режалари тузиш;
- мижозлар (юк эгалари) ва автомобиль транспорти корхонаси ўртасида шартномалар тузиш;
- транспорт воситасининг жойлардаги ишини таш-кил этиш ва уни бошқариш;
- бажариладиган ишларни назорат қилиш, ҳисоблаб бориш ва таҳлил этиш.

### 3.1. Юк

Юк ташиш обьектларига кон қазиш ва ишлов бериш саноатлари, қурилиш, савдо ва бошқа ташкилотларнинг маҳсулотлари ҳамда уй-рўзгор буюмлари киради. Эгасига етказиб бериш мақсадида қабул қилиниб, ташилаётган предметлар юк деб аталади. Юклар айни буюм (товар) ва таралардан иборат булиши мумкин. Ташилган барча юк-лар тоннада ифодаланувчи оғирлик ўлчамида булиши шарт. Бошқа ўлчамлар (литр, дона, куб метр) тоннага ўткази-

лади. Аксарият юклар тарасиз ташилади ва уларни *тарасиз ташиш* дейилади.

Юк (товар)нинг соф оғирлиги *нетто*, юкнинг тара билан оғирлиги *брутто*, таранинг ўз оғирлиги *тара* деб атала-ди.

Ташишни ташкил этишда юклар тонналарда ўлчанувчи брутто билан ҳисоблаб борилади.

Транспорт ва ортиш-тушириш воситалари юклар хусусиятларига ва ўз навбатида юклар маълум транспорт ва ортиш-тушириш воситалари талабларига мос булиши та-лаб этилади.

Кўпчилик юклар атроф-муҳит таъсирига мойил бўлади. Баъзи юклар ҳавонинг намлиги таъсирида коррозия (занг-лаш)га учрайди; айрим юклар (тез бузилувчи озиқ-овқат буюмлари) га юқори даражали ҳарорат, сабзавот ва ҳул мева ҳамда бошқа баъзи юкларга эса совуқ ҳаво таъсир этади.

Ташиш жараёнида барча юклар турли хусусиятларига кўра гурухланади: масалан, зарур бўлган транспорт воси-таси тури, жойлаштириш (упаковкалаш) характеристи, ом-борларда сақлаш шароити, юклар класси ва ҳ.к.

Турларига кўра : саноат, қишлоқ ҳужалик, қурилиш, савдо ва коммунал ҳўжалик юклари булиши мумкин.

Ортиш-тушириш ишларига кўра юклар: донали, уюб ташилувчи ва қуюловчичи юкларга булинади. Тарали юклар, одатда, донали юкларга киритилади. Уюб ташилувчи юкларга сочилувчан юклар (кум, шағал, тошкўмир, ўтин ва ҳ.к.) киради. Сочилувчан юкларга дон ва шунга ўхшаш маҳсулотлар киради. Донали юкларни ташишда улар жой миқдори билан ҳисоблаб борилади.

Оғирлигига кўра юклар меъёрий оғирликдаги ва оғир массали юкларга булинади. Тарали ва донали юкларнинг жоиз меъёрий оғирлиги — 250 кг, думалатиладиган юклар учун — 400 кг. Кўрсатилган миқдордан оғир бўлган юклар оғир массали юклар қаторига киритилади. Агар юк оғирлиги 4-5 тоннадан ортиқ бўлса, уни ташиш учун маҳсус транспорт воситаси талаб қилинади.

Ўлчамларига кўра юклар: габаритдаги, яъни автомобилнинг стандарт кузовида ташилиши мумкин бўлган юклар ва ногабарит юкларга булинади. Ногабарит юкларга балан-длиги 2,5 м, эни 2,0 м ва узунлиги 3,5 м (узун ўлчовли

юклардан ташқари) дан ортиқ үлчамли юклар киради. Узун үлчамли юкларга узунлиги кузов узунлигига құшимча унинг учдан бир қисми ва ундан ҳам узун юклар киради.

Ногабарит юклар фақаттана давлат автомобиль назораты (ДАН) рухсатига биноан ва қызил чироқ (белги) үрнастилған ҳолда ташилиши мүмкін.

Ташишдаги хавфсизлик даражасига күра юклар МДХ давлатларыда 7 гурұхға булинади:

1-гурұх — хавфлилиги кам (кум, шағал, тупроқ, ғышта ва ҳ.к.);

2-гурұх — тез алангаланувчи юклар (бензин, ацетон, киноплёнка ва ҳ.к.);

3-гурұх — иссиқ ва чанг чиқарувчи (цемент, асфальт, оxaқ ва ҳ.к.);

4-гурұх — күйдирувчи (қислота ва ишқорлар);

5-гурұх — баллонда ташилувчи сиқилған ва суюлтирилған газлар;

6-гурұх — ногабарит (үлчамиға күра хавфли юклар);

7-гурұх — портловчи, зақарлы ва радиоактив моддалар.

Халқаро юк ташиш қоидаларынан биноан Оврупо давлатлары хавфлилық даражасига күра Бирлашған Миллаттар ташкилоти экспертерлер құмитаси тавсиясига күра юкларни ташиш учун ADR келишуві номи билан ташилувчи буюм ва товарларни ташиш учун халқаро конвенция қабул қилинген бўлиб, унда юклар хавфлилық даражасига биноан қўйидаги 9 та синфга булинади:

1-синф — портловчи модда ва товарлар;

2-синф — газлар: сиқилған ёки юқори босим билан суюлтирилған;

3-синф — суюқ ёнилғилар;

4.1.-синф — ёнувчи қаттық жисмлар;

4.2.-синф — ўзи ёниб кетиш хусусиятли моддалар;

4.3.-синф — сув тегиши натижасида газ чиқарувчи моддалар;

5.1.-синф — оксидловчи моддалар;

5.2.-синф — органик переоксид (ұта оксид)лар;

6.1.-синф — зақарлы моддалар;

6.2.-синф — юқумли (инфекцион) моддалар;

7-синф — радиоактив моддалар;

8-синф — коррозияланувчи моддалар;

9-синф — ҳар хил хавфли модда ва товарлар (юқоридағи синфларга киритилмаган).

Автомобилларнинг юк күттарувчанлигидан фойдаланиш. Бу кўрсаткич юкнинг (нисбий оғирлиги) ҳажмий оғирлиги ва ташишга тайёрланганлиги (жойлаштириш, боғлаш, пресслаш ва ҳ.к.) билан боглиқ бўлиб, юклар 4 та синфга бўлинади:

1-синф — автомобилнинг юк күттарувчанлигидан фойдаланиш даражаси — 1;

2-синф — автомобилнинг юк күттарувчанлигидан фойдаланиш даражаси — 0,9-0,71 (0,8);

3-синф — автомобилнинг юк күттарувчанлигидан фойдаланиш даражаси — 0,70-0,51 (0,6);

4-синф — автомобилнинг юк күттарувчанлигидан фойдаланиш даражаси — 0,5 ва ундан кам.

Юкларни бу хилда таснифлаш 1 тонна юк ташиш тарифи (ҳақи)ни белгилаш учун керак.

Юкларни ҳар хил синфларга киритиш учун маҳсус таснифнома ишлаб чиқилган.

Баъзи юклар ташишга тайёрлигига кўра ҳар хил синфга мансуб бўлиши мумкин. Масалан, прессланган хашиб (сомон) 2-синфга, прессланмагани эса — 4-синфга тегишли.

Юклар ташишдаги хавфсизлик техникаси ва меҳнат муҳофазаси талабларига кўра ҳам таснифланади.

Ташиш шартларига кўра юклар қўйидагича таснифланиши мумкин:

— оддий, яъни ҳеч қандай маҳсус мослама талаб этмайдиган;

— тез бузилувчи (озик-овқат маҳсулотлари), уларни ташиш учун маҳсус санитария ва ҳарорат шарт-шароитлари зарур;

— ўткир ва ёқимсиз ҳидли;

— тирик жонзотлар (мол ва қушлар). Бундай молларни ташиш учун транспорт воситалари ташилувчи молларни йўлда озиқлантириш ва улар ахлатини тозалаш ва ҳ.к.ларга мосланган бўлиши зарур.

Омборларда сақлаш шарт-шароитларига кўра юклар 4 туругча бўлинади:

— ёғингарчилик ва ҳарорат ўзгариб туришидан бузилмайдиган (кум, шағал, майдаланган тош, тошқўмир ва ҳ.к.). Бундай юкларни усти очиқ майдончаларда сақлаш мумкин.

— ёғингарчилик таъсирида бузиладиган (металл ва металл буюмлар, фишт ва ҳ.к.). Бундай юклар усти берк айвончаларда сақланishi зарур.

— ёғингарчилик ва ҳароратнинг ўзгариши натижасида бузилувчи юклар. Бундай юкларни беркитилган ва иссиқ (совуқ) ни изоляцияловчи ва мӯттадил ҳароратли хоналарда сақлаш талаб этилади (тез бузилувчи товарлар музлатгичларда, музлаши мумкин бўлмаган суюқликлар эса иситилувчи омборларда ва ҳ.к.);

— маҳсус резервуар (идиши) ларда сақланувчи юклар (суюқ ёнилги, мойлар ва шу кабилар).

Жойлаб саранжомлаш (упаковкалаш) характеристига кўра юклар тарали ва тарасиз хилларга бўлинади.

Юкларни таснифлаш транспорт воситаси, ташиш усуларидан яхшироқ фойдаланиш, ортиш-тушириш ишларида механизациядан фойдаланиш учун зарурдир.

### 3.2. Тара ва унинг хизмати

Ортиш ва тушариш, ташиш ва сақлаш операцияларида юклар бузилишининг олдини олиш учун тараалардан фойдаланилади. Тарапар мустаҳкам, кўп маротаба фойдаланишга мўлжалланган ва, иложи борича, арzon материаллардан ясалган бўлиши зарур.

Баъзи тараланган юклар мўртлиги ёки бошқа хусусиятларига кўра қўшимча, ишончлироқ тара (супертара)-лашни талаб қиласди. Масалан, сут маҳсулотлари ёки шиша идишли минерал сувларни ташишда шиша идишларни маҳсус яшик (пластмасса)ларга жойлаштирилади, бутилдаги кислоталар дарахт новдаларидан тўқилган маҳсус саватларда ташилади.

Тараалар габарити, шакли, унга жойлаштирувчи юкнинг оғирлик миқдори ҳамда ишлатилувчи материалларга кўра ўз стандарт (андоза)ларига эга. Тарапарни стандартлаш товар оборотини яхшилаш билан бирга барча турдаги транспортларнинг кузови ёки платформасидан (юк сифдириш ва кўтарувчанилигидан) максимал фойдаланиш, бир

турдаги ортиш ва тушириш механизмлари, контейнер ва тағликлардан фойдаланиш имконини беради

Тара индивидуал ва умумий булиши мүмкін. Индивидуал қилиб ясалған таралар бир турдаги буюмларнің на ташишда ишлатилади, умумий таралар транспортта жуда кам ишлатилади.

Вазифасига күра инвентар таралар қыйидаги ажратилади: сабзавот тұзламалари бочкаси, шиша идишлар жойлаштирулувчи яшиклар, маңсус конструкциялы яшиклар, нон-булочкалар, қандолат ва бошқа маңсулоттар учун ёғоч сават (лоток)лар. Тара әгасининг номи, тартиб саноғи қойиб маркировка этилган таралар инвентар тара ҳисобланади. Инвентар тара әгаси юк жұнатувчи ёки қабул этувчи булиши мүмкін.

Таралар қыйидаги ажратилади:

— қаттықлик даражасига күра: а) маълум шаклли қаттық (яшик, бочка ва ҳ.к.); б) юмшоқ (қоплар), ўз шаклини юк тұлдырылғандан сұнг олади; в) ўртача қаттықлукдаги;

— материалига күра: ёғочдан ясалған; шишали, сопол (керамика), қофоз-картонли, тұқима корзина.

Яшик, қоплар (матоли, қофоз қоп), битумлаштирилған ёки битумлаштирилмаган, полиэтилен (минерал үғитлар учун), металл ва ёғочлы бочка ва бошқа таралар құпроқ ишлатилади.

Одатда, ташиш, ортиш ва тушириш операцияларыда юкларнинг бутлигини сақлаш маңсадида таралар маркировкаланды. Маркировкалаш түрт хил бұлади:

товар маркировкаси — ишлаб чиқарувчи завод номи, юк тури ва унинг оғирлиги күрсатилади;

юк маркировкаси — жұнатилиш ва қабул қилиниш жойи (пункти), юк жұнатувчи ва қабул этувчилар күрсатилади;

транспорт маркировкаси — тұлдырылған товар ҳужжати номери (тартиби) ва жойлар сони күрсатилади;

маңсус маркировка — юкнинг айрим хұсусиятлари күрсатилади: «сурілмасын», «устки қисми», «әхтиёт бұлинг — синади» ёки фужер расми, «нурдан сақланг» ва ҳ.к.

Маркировкада күрсатылған талабларни бажариш ташувчилар, ортиш ва тушириш операциясини бажарувчилар, омборларда сақловчилар ва бошқа шахслар учун мажбурыйдир.

Таралар контейнер ва тагликлар кўринишида бўлади.

Контейнер — бу кўп маротаба ишлатилувчи тара бўлиб, улар транспорт воситаларидаги ортиш-тушириш ишлари ни механизациялашга имкон беради. Амалда контейнерлар ёғочдан, металлдан ва пластмассадан қаттиқ қилиб ясалган ва резина ёки синтетик плёнкалардан эластик қилиб яса-лиши мумкин. Улар фақатгина бир транспорт тури билан ташилувчи (маҳаллий) ва бир неча тур транспорт воситаларида ташилувчи (транзит) контейнерларга бўлинади.

Контейнерлар ишлатилишига кўра универсал ва маҳсус хилларга бўлинади. Универсал контейнерлар ҳар хил кам сонли юкларни, аксарият ҳолда аҳоли истеъмоли товарлари ташишга мўлжалланган, маҳсус контейнерлар эса муайян юк тури ёки юкларнинг кичик бир гуруҳини ташишга мўлжалланган бўлади.

Давлат стандартларига биноан контейнерлар брутто массаси 10, 20 ва 30 тоннали кўп юк ташувчи (сув ва қуруқлик транспортларида қўлланиловчи), 2,5.... 5 тоннали (темир йўлларда қўлланиловчи) ва кам тоннажли (0,625....1.25 т) автомобиль контейнерларига бўлинади.

Контейнерларга юклар тарасиз, бирламчи үраб-чирмаш ёки енгил тара (қоп, пакет, картон қути) ларга жойлаштирилиши мумкин. Юклар тури номлари, уларни жойлашуви ва контейнерга сифиши юк ташиш меъёрий қоидаларида берилган бўлади.

Контейнерларда юк ташишнинг асосий афзалликлари қуйидагилардан иборат:

— ортиш ва тушириш операцияларида транспорт воситаларининг туриб қолиши камаяди;

— меҳнат сарфи камаяди, чунки транспорт воситас платформасидан юкларни туширишга нисбатан контейнердан тушириш ва унга ортиш анча кам меҳнат талаб қиласиди;

— юк ташишда уларнинг яхши сақланиши таъминланади;

— аралаш транспорт турларида ташишда контейнерларда юк ташиш ўнгайлиги. Чунки бир транспорт туридан иккинчисига контейнерни ўтказишда, пломбасининг бутлиги текширилади, холос. Ҳужжат алмашуви анча осонлашади.

Юкларни контейнерларда ташиш иқтисодий жиҳатдан арzon. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, фургонли автомобилларга нисбатан юкларни контейнерларда ташиш харажатлари, ташиш ва экспедицион харажатлар ҳисобига, 15 фоиз арzonлашар ва транспорт воситалари иш унуми 8 фоиз ошар экан.

Юкларни контейнерлаб ташишдаги асосий камчилик контейнерларнинг ўз оғирликлари ва уларнинг қайтарилишидири.

Майда юкларни йириклиаштириш мақсадида уларни пакетларга жойлаш, тарасиз донали юкларни ташишда эса тагликлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқиди.

Пакетлаб ташиш дейилганга майда тарали ёки тарасиз донали юклар партиясини таглик ва тагликсиз бир жойга жамлаб ташиш тушунилади. Бу эса ортиш ва тушириш операцияларини механизациялаш имконини беради.

Тагликлар пакетлаш каби ортиш-тушириш ишларини механизациялашга мосланган бўлиб, бунда ҳар хил кутаргич ва кранлар ишлатилади. Бундан ташқари, тагликлар кўп маротаба ишлатилувчи таралар қаторига киради.

Юкларни пакетлаб тагликларда ташиш истиқболли йўналиш бўлиб, ташиш харажатларини камайтириш имконини беради.

Тагликлар ясси, устунчали ва яшик турида булиши мумкин. Ясси тагликлар энг кўп тарқалган бўлиб, вилкали кўтаргичлар билан ортиш ва туширишга мўлжалланган. Тагликлардаги юкларни кўп қаватли этиб омборларда сақлаш ҳам мумкин. Устунчали тагликларнинг бурчакларида (ўрнатилган ёки алмаштирилувчи) устунчалар бўлиб, улар юкларни мустаҳкамлаб ташишда ишлатилади. Яшик туридаги тагликлар деворчалари мустаҳкамланган ёки шарнир орқали йиғилувчи бўлиши мумкин. Бунда пакетдаги юкларни қўшимча боғлашга зарурат бўлмайди.

Юкларни тагликларни қўллаб ташишда ортиш-тушириш ишларидаги меҳнат унумдорлиги ошиши билан бирга, транспорт воситаларининг айни операцияларда бекор туриши камаяди, юкларни ташишда улар яхши сақланади ва уларни бир неча қават қилиб сақлаш натижасида омбор майдони кам талаб этилади.

### 3.3. Юкларни ташиш

Юкларни ташиш ишлаб чиқариш жараёнининг давомидир. У саноатда ишлаб чиқарилган, қишлоқ хўжалигида етиштирилган ва бошқа соҳалардаги маҳсулотни истеъмолчига етказиб беради.

Аммо ишлаб чиқариш ҳажми билан ташилган юклар миқдори йил давомида, истеъмолчилар ўртасидаги тақсимоти ўзаро тенг бўлмайди. Саноатда, айниқса қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг барчаси ҳам транспортда (ташқи) ташилмайди. Маҳсулотнинг маълум қисми ўша жойнинг ўзида истеъмол этилади. Маҳсулотларнинг айрим қисми эса транспортда икки ва ундан ортиқ марта ҳам ташилиши мумкин.

Юклар улар келтириладиган ёки олиб кетиладиган транспорт-иктисодий пунктларга нисбатан жойлаштирилади. Айни пунктлар ўртасида юклар ташилиб, уларни ташиш цикли ниҳоясига етказилади.

### 3.4. Юк ҳосил этувчи ва юк қабул этувчи пунктлар

Юклар йифилувчи пунктлар юк ҳосил этувчи, уларни қабул этувчи пунктлар эса юк қабул этувчи пунктлар деб аталади.

Юк ҳосил этувчи пунктдан жўнатилган юк миқдори айни пунктнинг жўнатиш бўйича юк оборотини характерлайди. Юк қабул этувчи пункта келтирилган юк миқдори, айни пунктнинг товар қабул этиш бўйича юк оборотини характерлайди.

Юк йифилувчи ва қабул этилувчи асосий пунктларга саноат корхоналари, жамоа ва фермер хўжаликлари, тегирмон (элеватор)лар, тайёрлов пунктлари, конлар, темир йўл бекатлари, сув портлари, аэропортлар, қурилиш майдонлари, моддий-техника таъминоти база ва омборлари, дўкон ва шу кабилар киради.

Юк ҳосил этувчи ва уларни қабул этувчи пунктлар жойлашуви ҳамда улар ўртасидаги транспорт алоқалари ишлаб чиқарувчи ҳамда истеъмол этувчи корхона ва ташкилотлар жойлашуви ва иқтисодий аҳамияти, товар алмашинув шохобчалари, ишлаб чиқарувчи кучлар жойла-

шуви ҳамда барча турдаги транспортлар ортиш-тушириш пунктлари жойлашуви билан чамбарчас боғлиқдир.

Асосий юк ҳосил этувчи пунктлар характеристи айни худуд ва ундан ташқарида фойдаланувчи ва истеъмол этилувчи саноат ёки қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тури билан боғлиқдир. Автомобиль транспорти билан жўнатилувчи умумий юк миқдори ишлаб чиқарувчи корхоналар куввати, қишлоқ хўжалиги майдонлари ва улардаги иш унумдорлиги билан боғлиқдир.

Айрим даврларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жойларда ва омборларда йиғилиб қолиши мумкин. Юкларнинг бир жойда йиғилиб қолишига мисол тариқасида завод, шахта ва конларнинг суткали маҳсулоти, жамоа хўжаликларининг тайёрлов пункти ёки элеваторларга топширилгунга қадар йиғилиб қолган дон маҳсулоти, пахта хом ашёси ва бошқаларни келтириш мумкин.

Юк ҳосил этувчи пунктлар қаторига ҳар куни кам миқдорда юк ташиладиган бир қанча обьектлар ҳам киритилиши мумкин. Буларга бозорлар, дўконлар, аҳоли яшовчи жойлардан чиқувчи ахлатларни ташиш киради.

Юк қабул этувчи пунктлар таъминот зарурати, маҳсулотларни етказиб бериш имконияти билан боғлиқдир. Ҳар хил турдаги юкларни етказиб бериш вақтлари кўпинча моддий-техник таъминотнинг йулга қўйилганилиги билан боғлиқдир. Баъзи ҳолатларда келтирилган юкларнинг маълум қисми ишлов берилгандан сўнг тайёр маҳсулот ёки ярим тайёр маҳсулот сифатида қайтадан транспортга қайтарилиши мумкин (дастгоҳлар, ун, озиқ-овқат маҳсулотлари, пахта толаси, газлама), баъзиде эса юклар тўла ишлатилиб, транспортга қайтарилмайди (ёнилғи, мойлаш ёғлари, кислота, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилишда ишлатилувчи материаллар ва конструкциялар).

Баъзи пунктлар ишлаб чиқариш хусусияти ёки фаолиятига қўра бир маҳалнинг ӯзида комбинациялашган юк жўнатилувчи ва қабул этувчи бўлиши ҳам мумкин ( завод ва Фабрикалар, темир йўл ва сув транспорти бекатлари, ултурси база ва омборлар). Бундай комбинациялашган пунктларнинг тоиналарда ўлчанувчи юк обороти жўнатилувчи ва қабул этилувчи, баъзиде эса улар орқали транзит юкларнинг йиғиндиси билан ўлчанади.

### 3.5. Автотранспорт корхоналарининг юк ташиш ҳажми ва юк обороти

Ҳар қандай автотранспорт корхонасининг юк ташиш ҳажми — бу ташишга мўлжалланган ёки маълум давр ичидаги ташилган, тонналарда ўлчанувчи юк миқдоридир.

Автотранспорт корхонасининг юк обороти дейилгандаги маълум давр ичидаги ташилган юк миқдорининг ташиш софасига кўпайтмаси тушунилади ва у тонна-километрда ўлчанади.

Юк ташиш ҳажми ва юк обороти бажарилиш вакти кўра бир суткали, бир ойли, бир чоракли, ярим йилли ва бир йилли бўлиши мумкин.

Бир йилли юк ташиш ҳажми ва юк обороти одатдаги нотекис бўлиб, унга баъзи юклар ташилишининг мавсумийлиги, ойлар бўйича календарь ва иш кунлари сонни йул-иклим шароитлари ва бошқалар таъсир этади.

Бир йилли юк обороти (ташиш ҳажми) нотекислигининг Узбекистон шароитида охирги йиллардаги чораклар бўйича бўлиниши қўйидагича: I чорак — 23....23,5 % II — чорак 24....24,5 %, III — 26....27 % ва IV-25....25,5 % ни ташкил қилаётir.

Юк оборотининг нотекислик даражаси нотекислик коэффициенти билан характерланиб, у максимал юк оборотининг ўртача юк обороти қийматига нисбати билан аниқланади, яъни

$$\eta = \frac{P_{\max}}{P_{\text{ср}}}.$$

Юк обороти нотекислигининг юқори бўлиши транспорт воситаларининг йил давомида нотекис юкланишига олиб келади. Бу ҳол эса улардан самарали фойдаланишни камайтиради ҳамда ташиш таннархининг қимматлашишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис автотранспорт корхоналарининг раҳбар ходимлари юк оборотининг нотекислик коэффициенти миқдорини аниқлаш билан чекланиб қолмай, уни текислаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши ва транспорт воситалари иш режимини юк оборотининг йил давомидаги нотекислигига қараб ташкил қилишлари зарур.

Юк ташиш ҳажми ва юк обороти қуйидагилар билан тавсифланади:

— ташилувчи юк таркиби ёки номенклатураси (дон, пахта, қанд лавлаги, қурилиш материаллари, машина ва жиҳозлар, нефть маҳсулотлари ва бошқалар);

— юк миқдорига кура: катта миқдордаги, яъни ташиш йўналишида кўп миқдорда бир хил турдаги юклар; тўп-тўп (партион), яъни бир хил турдаги юклар миқдори нисбатан кам бўлган, юк обороти, юк жўнатувчилар (қабул этувчилар) ўзгарувчан; майда партияли ёки йигиб ташилувчи — юк миқдори оз, юк жўнатувчилар ва қабул этувчилар ўзгарувчан. Майда партияли юкларга мисол қилиб савдо ва овқатланиш корхоналари юкларини, аҳолига миший хизмат кўрсатиш корхоналари (кимёвий тозалаш, кир ювиш пунктлари ва ҳ.к.) юкларини ташишни кўрсатиш мумкин;

— ташиш вақтини ўзлаштириш бўйича: доимий, яъни йил ойлари ичida ўзгармас; вақтингчалик — маълум даврда ташилгандан сўнг, ташилиши қайтарилмайдиган юклар; мавсумий — йилнинг маълум фаслида, қисқа вақт ичida кўп миқдордаги юкларни ташиш (дон ташиш, пахта хом ашёси, қанд лавлаги, картошка, сабзавот, ҳўл мева ва шу кабилар. Улар йигим-терим ва тайёрлов вақтларида гина ташилади).

Баъзи юкларни ташишда амалдаги ташиш ҳажми унинг мавжуд миқоридан бирмунча юқори бўлиши мумкин. Бу уларни бир неча бор қайта ташиш билан изоҳланади: аввал вақтингчалик сақлов омбор ва базаларга ва кейинчалик искечмоғлигига. Масалан, пахта хом ашёсининг 70 фоизи аввал тайёрлов пунктига, кейинчалик йил давомида пахта тозалаш заводига ёки йигилган донлар аввал қуритиш жойларига, кейин темир йўл ёқаси тайёрлов пунктларига ва кейинчалик йил давомида элеваторларга ташилади ва ҳ.к.

Қайталаб ташиш ҳам ўз коэффициенти билан характеристидир ва унинг қиймати амалда ташилган юклар миқдори ( $Q_{\text{амал}}$ ) нинг унинг мавжуд миқдори ( $Q_{\text{мавж}}$ ) га нисбати орқали аниқланади:

$$\eta_{\eta} = \frac{Q_{\text{амал}}}{Q_{\text{мавж}}}.$$

Қайталаб ташиш коэффициентининг 1,1...1,5 дан ош маслиги мақсадга мувофиқ. Қайта ташишга йўл қўймаслик учун юкларни ташишда ишлаб чиқариш жойидан ис-теъмол жойигача оралиқ омбор, база ва тайёрлов пунк-ларига туширмасдан бир марта ташишга интилиш зарур. Масалан, Ўзбекистон шароитида етиштирилган пахта хом ашёсининг 70 фоизи, ишлов берувчи заводлар узоқ бўлгани-лиги учун, оралиқ тайёрлов пункларига ҳаракат тезлиги кичик бўлган тракторларда ташилади. Агар трактор по-ездларининг ўрнига тезюар ва кўп юк ташувчи маҳсус пахта ташиш автомобилларидан фойдаланилса, «дала-ав-топоезд-завод» схемаси билан пахта хом ашёсининг бир қисмини тайёрлов пунктига туширмасдан тўғридан-тўғри жамоа ва фермерлар далаларидан заводга ташилиши на-тижасида қайта ташишга йўл қўйилмайди.

Юк ташиш ҳажми ва юк обороти юк оқимларини ўрга-ниш орқали белгиланади, масалан:

— саноат корхоналарига зарур бўлган юк ташиш ҳаж-мини аниқлаш учун уларга келтирилиши керак бўлган (хом ашё, материаллар, жиҳозлар, асбоб, ёнилғи ва шу кабилар) ва олиб чиқилувчи юклар (тайёр маҳсулот ёки ярим тайёр маҳсулот, ишлаб чиқариш чиқиндилари) ҳисоблаб чиқилади;

— қурилиш обьектлари учун эса келтирилиши зарур бўлган фиштлар, темир-бетон конструкциялар, қум, ша-гал, цемент, металл ва бошқалар ҳамда обьектдан чиқар-ливчи грунт, қурилиш чиқиндилари ҳисоблаб чиқилади;

— қишлоқ хўжалик корхоналари учун келтириладиган уруғлик, минерал ва органик ўғитлар, етиштириладиган маҳсулот экин майдони миқдори ва ҳосилдорлик ёрда-мида аниқланади;

— савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун та-шиш ҳажми ва юк обороти аҳоли талабини қондириш учун зарур маҳсулот меъёрлари орқали аниқланади.

Хулоса қилиб айтганда, юк ташиш ҳажми ва юк оборо-ти хизмат этилувчи ишлаб чиқариш обьектлари, уларнинг қуввати ва аҳолининг юк ташишга бўлган талабини ўрга-ниш орқали аниқланади

### 3.6. Юк оқимлари

Бирон иқтисодий ҳудуддаги юк ташиш ҳажми ва юк оборотини юк ҳосил этувчи ва қабул қилувчи асосий пунктлар жойлашуви, улар ўртасидаги ишлаб чиқариш (хўжалик-иқтисодий) алоқалари бўйича аниқлаш учун белгиланган юк оқими схемаси, яъни маълум вақт ичидан ташилувчи юк массаси, улар йўналишларидан фойдаланиш зарур бўлади.

Бунинг учун юк жўнатиш ва қабул этиш пунктлари ўртасидаги энг яқин асосий йўналишларни олиб, юк ташиш тури ва ҳажмини ўрганилади. Бунда катта массали юкларни алоҳида гуруҳлаш, юк автомобиллари ҳаракати тақиқланган кўча (йўналиш) ларни ҳисобга олиш, юк жўнатиш ва қабул этиш оралигини аниқлаш, транспорт шохобчалари схемасини белгилаш зарур.

Юк оқимлари бир томонлама ва икки томонлама (қарама-қарши йўналишда) бўлиши мумкин. Юк оқими икки томонлама бўлганда юк массаси кўп бўлган йўналиш асосий (тўғри) ва кам юк массали йўналиш эса тескари йўналиш деб юритилади.

Тўғри ва тескари йўналишлар ўртасидаги фарқ, яъни массаси катта бўлган юк оқими миқдорини кам юк оқимига нисбати нотекислик коэффициенти билан баҳоланаади. Тўғри ва қарама-қарши йўналишлар бўйича юк оқими нотекислиги натижасида ташиш нотекислиги вужудга келади. Бундай ҳолларда транспорт воситалари босиб ўтган маълум масофа юксиз қатновга тўғри келади ва натижада ташиш таннархи нисбатан қимматлашади.

Юк оқими нотекислиги, одатда, мавсумий ташиш ҳамда юклар тури (дон, пахта хом ашёси, нефть маҳсулотлари ва бошқ.) ва хом ашёларга қайта ишлов бериш характеристи (тескари йўналишида ташилувчи юклар оғирлигининг камайиши, ёки ҳажмининг ошиши, масалан, енгил саноат маҳсулотлари, қадоқлаш омборхоналари ва бошқ.) билан боғлиқдир.

Юк обороти ва оқими миқдорининг тебраниши ишлаб чиқариш мароми ва саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари истеъмоли билан боғлиқдир. Шунга кўра барча ташишлар тўрт гуруҳга бўлинади: 1) кескин тебранувчи иш-

лаб чиқариш ва истеъмол маҳсулотлари (сабзавот, картошка, ҳўл мева ва бошқалар)ни ташиш; 2) ишлаб чиқариш мавсумий, истеъмол бир маромда — дон, пахта ҳом ашёси ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиш; 3) ишлаб чиқариш бир маромда, истеъмол нотекис — тошкўмир ташиш; 4) ишлаб чиқариш ва истеъмол бир маромда — қайта ишлов бериш ва кон саноати маҳсулотлари ташиш. Тұртингчи гуруҳ юкларини ташишда ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши билан боғлиқ кичик миқдорда тебраниш булиши мумкин.

Юк оқими таркибига ҳар хил юклар кириши мумкин. Бундай таркиб кўп омиллар билан боғлиқдир. Юк оқими тузилишининг уч турини ажратиш мумкин: тармоқли, гурухли ва турдош.

Тармоқли тузилиш ҳалқ хўжалигининг маълум тармоғидаги юкларни ташиш билан боғлиқдир: тоғ-руда саноати, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, савдо ва шу кабилар.

Гурухли тузилиш умум фойдаланиладиган ва маълум гурухга мансуб юкларни ташиш билан боғлиқ қурилиш юклари, қаттиқ ва суюқ ёнилғи, озиқ-овқат товарлари.


Турдош тузилиш муайян турдаги юкларнигина ташиш билан боғлиқ.

Ташиш нотекислигини бирмунча камайтириш ёки йўқотиш учун режалиштиришни такомиллаштириш, оқилона жойлаштирилган омборларда захиралар жамлаш, тез бузилувчи маҳсулотларга жойларда ўз вақтида ишлов бериш, транспорт воситаларидан йилнинг зарур мавсумларида жадалроқ фойдаланиш каби тадбирларни амалга ошириш лозим.

### 3.7. Юк оқими эпюраси ва схемасини чизиш

Юк оқими тузилишини эпюра тарзда тасвирлаш мумкин. Эпюра бу масштабда бир қатор эни ҳар хил тасмалар чизиш бўлиб, унда ташиладиган юклар миқдори ифодаланади.


Юк оқими эпюрасини юк ҳосил этувчи пунктдан бошлаб тузилади **Фарз қилдайлик**, А ва **Б пунктлар орасида** иккита монолама йўналишда юк ташиш бажарилаётир. Маршрут




1-расм. Юк оқими чизмаси:  
а тузилиши бүйича, б оғирлиги бүйича.

ицида  $B_1$ ,  $B_2$  ва  $B_3$  нүкталарда ортиш-тушириш пунктлари жойлашган. Юклар жұнатыладын ва қабул қилинадын бағыттарда охирғи пунктлар билан биргә улар бешта пункттден иборат болады. Эпюра тузиш учун горизонтал үк бүйлаб (километрда үлчанувчи) ташиш пунктлари орасидаги масштабда құйиб чиқылады, вертикал үк бүйича юк мөкдори (тоннада) құйириліб, тасмалар чизилады. Қара-ма-қарши йұналишлардагы ташишлар чизиқнинг иккінчи томонига үнг құл қоидасига биноан жойлаштириледі (1-расм).

Юк оқими эпюраси юклар ұжымы (тонналарда) ұмда бажарылған тонна-километрларда үлчанувчи транспорт иши ташишни түфри ташкил этиш билан биргә автомобиллардан шаҳарларда ва шаҳардан ташқары магистрал йүлларда оқилона фойдаланишни бутун маршрут бүйлаб ва



2-расм. Юк оқими бөгичи.



3-расм. Микрохудуд пайдо бўлиш чизмаси.

унинг айрим булакларида аниқлаш имконини беради; оралық масофалар ва ортиш-тушириш пунктларининг ўтказиш хусусиятларини белгилайди; маршрут ёки унинг айрим бўлаги бўйича тўғри ва тескари йўналишларда ҳаракатни ташкил этишга ёрдам беради; транспорт воситасининг бир қатор иш кўрсаткичларини аниқлаш имконини беради.

Юк оқимлари бир неча тармоқларга ажralган ва кесишган бўлса, юк оқимида тугунлар ҳосил бўлади (2-расм).

Юк оқимлари баязи ҳолларда ҳудуд хариталаридан фойдаланиб схемаларда (йўл шохобчалари бўйлаб) ҳам берилиши мумкин. Схемада юк пунктлари ёки микрохудуд марказлари — юк ҳосил ва қабул этувчи пунктлар келтирилади. Бунда ташиб ҳууди харитаси тенг квадратларга бўлиб чиқилади. Ҳар бир жўнатилувчидан қабул қилинувчига ташилувчи юкларнинг миқдори бир хил масштабда схемада кичик айланаларда (икки хил бўёқда — жўнатилувчиси бир хил ва қабул этилувчиси иккинчи хил бўёқда) секторларга бўлиб берилади (3-расм).

### 3.8. Микрохудудлар ва уларнинг ҳосил бўлиши

Амалиётда йирик шаҳар, иктиносий ҳудуд ёки аҳоли яшаш жойларида юк обороти кичик бўлиб, юк жўнатувчи ва қабул қилинувчи пунктлар сони кўп ва тарқоқ жойлашган бўлса, уларни ўзаро микрохудудларга бирлаштириш мумкин.

Микроҳудуд дейилгандан катта бўлмаси ер участкаси (бўлгаги) тушунилтиб, унда ҳар хил миқдордаги юк обиротли пунктлар жойлаштирилган бўлади Амалда айни пунктлардаги юк обиротининг катта-кликлиги, илгаридан мавжуд йўул шоҳобчалари ва кўчалар, кўприклар жойлашуви, сув (анхор, дарё) туsicлари ву улардан ўтиш ҳамда рухсат этилган ҳаракат йуналишилари ва шу кабиларни ҳисобга олувчи транспорт алоқалари инобатга олиниб, микроҳудуд чегаралари белгиланади. Амалдаги қоидаларга кўра ҳар бир микроҳудудда юк жўнатувчи ёки қабул этилувчи Биргинча юк пункти бўлиши тавсия этилади.

Микроҳудуд чегараси қўйидагича белгиланади: йирик юк ҳосил этувчи ёки юк қабул этувчи пунктлар мустақил нуқта сифатида ажратилади, майдалари — кичик юк обиротлилари эса микроҳудуд маркази деб аталувчи шартли равишдаги нуқтага бирлаштирилади. Микроҳудуд марказлари ўргасидаги масофа сифатида микроҳудуднинг геометрик маркази бўйича эмас, ҳар бир объект юк обиротини ҳисобга олувчи ўртача масофа бўйича қабул қилинади.

З-расмдаги микроҳудудда юк пункларни доирачалар шаклида берилган бўлиб, уларнинг юзаси айни пункти юк обироти миқдорига мутаносибdir. Доирачалар юзаси секторларга бўлинган бўлиб, улар тонналарда ўлчанувчи олиб келинаётган ва жўнатилаётган юклар миқдорига мутаносибdir.

#### 4 - боб

### АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВОСИГАЛАРИНИНГ ЭКСПЛУАТАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ

#### 4.1. Автомобиллардан фойдаланиш самараадорлиги

Халқ хўжалигининг турли тармоқларида сарфланувчи капигал маблағларнинг иқтисодий самараадорлигини аниқлашнинг намуналий ўриқномасига кўра жорий этилган ҳар қандай янги техника ёки технологиянинг иқтисодий

самарадорлигини келтирилган харажатларининг энг кам (минимал) бўлишилигига қўра таққосланиб аниқлаш тавсия этилади. Келтирилган харажатлар жорий харажатлар билан капитал харажатлардан белгиланган самарадорлик меъёрий коэффициенти орқали бир йилда олинган самарадорликкунинг йифиндисидир.

Ушбу намунали йўриқномани ҳисобга олган ҳолда проф. Д.П. Великанов автомобиль (автобус) ишининг самарадорлигини баҳоловчи асосий кўрсаткич сифатида ташиш билан боғлиқ бўлган келтирилган харажатлар (транспорт иши бирлигига тўғри келувчи жорий эксплуатация харажати ва капитал маблағлардан фойдаланишнинг бир йиллик самарадорлиги йифиндиси)дан ҳамда автомобилларни ишлатишдаги меҳнат сарфини камайтириш, иссиқлик қуввати ва материаллар сарфи тежамлигидан фойдаланишни таклиф этди. Ташишга сарфланган келтирилган харажатлар миқдори қўйидаги формула орқали аниқланиши мумкин:

$$X_{\text{келг}} = X_0 + \frac{0,15[K - B]}{P_{\text{йил}}}, \text{ сўм/ткм} \quad (1)$$

бунда:

$X_0$  — маҳсулот (ташиш, хизмат) таннархида ҳисобга олинадиган йиллик жорий харажатлар миқдори;

$0,15$  — капитал харажатлар самарадорлигининг тармок меъёрий коэффициенти;


$K$  — янги техника сотиб олиш ёки янги технологияни жорий этишга сарфланган бир йула капитал маблағлар;

$B$  — автомобиль (тиrkама)ни ҳисобдан чиқаришдаги қолдиги (янгисидан 10 % миқдорда олинади), сўм.

$P_{\text{йил}}$  — транспорт воситасининг бир йиллик ўртача иш унуми, ткм (пасс.км).

Келтирилган харажатларга кўп жиҳатдан автобуслар сифими, юқ автомобильларининг юқ кўтарувчанлиги таъсир этиади (4-расм). Бинобарин, транспорт воситаларининг самарадорлигини ошириш учун, иложи борича, катта сифимли автобуслар, юқ кўтарувчанлиги юқори бўлган автомобиль ва автопоездлардан фойдаланиш зарур экан.

Транспорт воситасининг ташини билан бонлиқ меҳнат сифими транспорт ишининг 100 бирлигига (ткм, пасс.км. ва ҳ.к.)



4 - расм. Ташишга сарфланган келтирилган харажатларнинг автомобилнинг юк күттарувчанлигига боғлиқлиги.

түғри келувчи мөхнат сарфи миқдори билан баҳоланади. Ушбу курсаткич автобуслар ёки юк автомобиль (автопоезд)лари учун кийидаги формула билан аниқланади.

$$M_c = \frac{100(M_x + M_{o-t(k)} + M_{txk} + M_{mbx})}{P_{\text{иил}}}, \text{ соат} \quad (2)$$

бунда:


$M_x$  — ҳайдовчиларнинг бир йиллик мөхнат сарфи, соат.

$M_{o-t(k)}$  — ортиш-тушириш операциясида ишловчи ишчиларнинг бир йиллик мөхнат сарфи, автобусларда кондукторларнинг бир йиллик мөхнат сарфи, соат.

$M_{txk}$  — техник хизмат күрсатиш ва жорий таъмирлаш ишчиларининг бир йиллик мөхнат сарфи, соат.

$M_{mbx}$  — маъмурий-бошқарув ва ёрдамчи хизматчиларнинг бир йиллик мөхнат сарфи, соат.

Пассажирлар ва юк ташишда ҳайдовчилар, кондукторлар ва юкловчиларнинг мөхнати анча каттадир. Ортиш ва тушириш операцияларини механизациялаш ва түғри ташкил этиш транспорт воситаларидан фойдаланишдаги мөхнат сифимини анчагина камайтириш имконини беради. Автобуслар сифими



5 - расм. Автомобиллар, транспорт катлары (киши-соат).  
харжаттары ташишга (tkm) түгри келувчи мәжнат

ва юк автомобилдің (автоспорт иши бирлигига түгри келувчи қанча катта бўлсса, транспорт катларынин мәжнат сифими шунча кама бўлади (5-расм). Пассажирлар оқими кичик сифими автобуслардан фойдаланиш, зарур бўлганда уларнинг ҳаракат интервалини қисаланиш, қартириши керақ. Кам узунлик шарур.

шунда тарзда ташкил қилинуда булслар ва юк кўтарувчанлиги кичик

Кичик сифимли автомобилларидан бажарилган иш бирлигига түгри бўлган юк автомобилларининг нисбий мәжнат сарфи анча юкори келувчи ҳайдовчиларни ҳайдовчилар мәжнатига қўшиб бўллади. Баланд ишларни га нисбий сарфини бирмунчага камайтиради.

Транспорт восьиталарининг ишончлилиги ва узоқ вақт ишлай олишинни ошириш ташиш сермеҳнатлигини камайтириши.

реди. Шунинг билан бирга автомобилларга техник хизмат түрсатиш ва таъмиrlаш ишлари сифатини ошириш ҳамда уларни технологик жараёнларни такомиллаштириш таъмиrlараро масофаларни ошириб, бундай ишлар сермеҳнатлигини камайтириш имконини бериши ҳам мумкин.

Юк автомобиллари ва автопоездларига нисбатан иссиқлик қуввати сарфини қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

$$K_s = \frac{[K_\phi E_m + (G_t + q_n \gamma \beta) E_{tkm}] \delta \lambda}{100 q_n \beta \gamma}, \text{ ккал} \quad (3)$$

бунда:

$K_s$  — ҳар бир 100 ткм бажарилган ишга сарфланган иссиқлик қуввати миқдори ;

$K_\phi$  — ёнилғи сарфи меъерининг фаслий үзгариши;

$E_m$  — ҳар 100 км масофага сарфланадиган ёнилғи меъери, литр/100 км;

$G_t$  — тиркаманинг оғирлиги ёки ихтисослаштирилган автомобилнинг қўшимча оғирлиги, т;

$q_n$  — автомобиль ёки автопоезднинг юк кўтарувчанлиги, т;

$\gamma$  — юк кўтарувчанликдан фойдаланиш коэффициенти ;

$\beta$  — босиб ўтилган йўлдан фойдаланиш коэффициенти;

$E_{tkm}$  — бажарилган ҳар бир 100 ткм ишга сарфланган ёнилғи меъёрига қўшимча;

$\delta$  -ёнилғининг солиштирма оғирлиги;

$\lambda$  -ёнилғининг иссиқлик бериш хусусияти.

Автобус ва енгил автомобилларда сарфланувчи иссиқлик қуввати миқдори улар ёрдамида пассажирларни ташибга нисбатан аниқланади:

а) автобуслар учун

$$K_s = \frac{K_\phi E_m \lambda \delta}{q_n \gamma \beta}, \text{ ккал} \quad (3)$$

б) енгил автомобиллар учун

$$K_s = \frac{K_\phi E_m \lambda \delta}{W}, \text{ ккал} \quad (3)$$


Бунда: W — енгил автомобилнинг иш ҳажми.

Амалда бор автомобиль (автопоездлар) учун ёнилғи сарғи эксплуатацион меъёрлари қуидаги жадвалда берилған.


2-жадвал

**Автомобиллар (автопоездлар) учун ёнилғи  
сарғининг эксплуатацион меъёрлари**

Транспорт воситалари тури	Хар 100км масофага сарфланувчи меъёр	Ёнилғи тури
УАЗ-451 ва унинг модификациялари	15	A-72
ГАЗ-53А ва унинг модификациялари	25	A-76
ЗИЛ-130, ЗИЛ-130-76,130 Г-76, 130С-76	31	A-76
МАЗ-500, 500А, 500А, 500В,5335	23	ДЁ
КрАЗ-257, 257Б1, 257С	40	ДЁ
КамАЗ-5320	25	ДЁ
ЗИЛ-130В, 130-В1, 130В1-76 ярим тиrkamasи билан	37	A-76
МАЗ-504, 504А, 504АБ,504Г,5429лар МАЗ-5245 ярим тиркамаси билан	28	ДЁ
МАЗ-504 тягачи МАЗ-5205А ярим тиrkamasи билан	38	ДЁ
КрАЗ-221Б тягачи, МАЗ-5245 ярим тиркамаси билан	50,5	ДЁ
КамАЗ-5410,54101 тягачлари ОдАЗ-9370 тиркамаси билан	31	ДЁ
МАЗ-503 ва унинг модификациялари	28	ДЁ
ЛАЗ-695,695Б,695Е,695М	41	A-76
ПАЗ-672,672А,672Г,672С	35	A-76
ГАЗ-24-01,24-04	13	A-76, A-93
ВАЗ-2101 ва бошқа (жугилилар учун)	8,5	A-93



6-расм. Ташиш қуввати сифими-  
нинг  $q_{\text{н}}$  билан боғлиқлиги.



7-расм. Ташиш қуввати  
сифимиининг шаҳар  
автобусларида сиёдирувчалик  
бидан боғлиқлиги.


Иссиқлик қуввати сарфи автобуслар сифими ва юк автомобилларининг юк күтәрүвчанлиги билан боғлиқдир. Айниқса, бу боғлиқлик юк күтәрүвчанлик 12 т гача бұлғанда яқында яқынади.

Автомобилларнинг ёнилғи тежамкорлигини дизель ёнилғили двигателлар жорий этиш ҳисобига анча яхшилаш мүмкін. Автомобилларнинг ёнилғи тежамкорлиги хусусиятидан унумли фойдаланиш учун уларнинг эксплуатацион шароитларга мосланғанлиги, ҳаракатланишга қаршилик құлувчи омилларни камайтириш (шина конструкциясини такомиллаштириш, ҳаво қаршилигини камайтирувчи мосламаларни құллаш) катта ажамиятта эга (6- ва 7-расмлар).


Ташиш билан боғлиқ материаллар сарфини бағолаш учун ташишни амалға оширишда сарфланған материаллар миқдоридан фойдаланилади.

Автомобиллар учун ишлатылувчы материалларнинг аксарияти металдан иборат бұлғанлиги учун унинг сарфи ташишда катта ажамиятта эга. Автобус ва юк автомобилларнинг ташишга нисбатан металл сарфи күйидаги формула билан ифодаланади:

$$M = \frac{(G + G_{\text{в}} + G_{\text{м}} + K_{\text{нн}} G_{\text{ж}}) \cdot 100}{P_{\text{нн}} T}, \text{ кг/1000 км} \quad (4)$$



8 - расм. Ташишга түрғи келувчи металл сифимининг жиынтығы билан боғлиқлиги.



9 - расм. Ташишга түрғи келувчи металл сифимининг автомобилнинг юк күтәрүчөлөлигиге боғлиқлиги.

бунда:

$G$  — автомобильнинг барча анжомлари билан оғирлиги, кг;

$G_m$  — тұлдирилган ёнилғи оғирлиги, кг;

$K_{\text{ш}}$  — нометалл қисмлар оғирлиги, кг;

$K_{\text{ж}}$  — йүл шароитлари коэффициенти;

$G_{\text{эк}}$  — эксплуатация (амортизация) даврида сарфланған агрегат, әхтиёт қисмлар оғирлиги, кг;

$T$  — автомобильнинг амортизация даври, йил;

$\eta$  — ишлаб чиқаришда металдан фойдаланиш коэффициенти.

Ташиш билан боғлиқ металлар сарфи ҳам автобуслар сифими ва юк автомобилларининг юк күтәрүчөлөлигиге күп жиҳатдан боғлиқдир (8 ва 9 расмлар).

Пассажирлар сиғими ва юк күтәрүчөлөликтен оширишға транспорт воситасининг үз оғирлигини енгиллаштириш, енгил қотишмалар, пластмасса ҳамда чидамли ва енгил материаллардан фойдаланиш орқали эришиш мүмкін.

#### 4.2. Транспорт воситаларининг эксплуатацион хусусиятлари

Автомобиль транспорти воситалари ишончли, юқори тортиш-динамик хусусиятли, үтагон, етарли даражада жүргүз

захирасига эга, юқори тежамли, енгил хизмат талаб этувчи ва ҳайдовчилар меҳнат шароити меъёрли, максимал миқдорда таший олиш хусусиятларига эга бўлиши зарур. Транспорт воситаларининг юқорида баён этилган асосий хусусиятлари автомобиль транспорти учун олий малакали кадрлар тайёрлашга мўлжалланилган тегишли фанларда муфассал ўрганилади. Шунинг учун айни дарсликда транспорт воситаларининг автомобилларда ташишни ташкил этишга кўпроқ таалуқли айrim хусусиятларигина ёритилади.

Ҳайдовчиларнинг меҳнат шароити меъёрда бўлиши учун қуйидагилар бажарилиши лозим: бошқаришнинг енгиллиги, бошқарув механизмларининг автоматлашганилиги, кўриш кенглиги, кабинанинг иситилиши, вентиляцияси, ўриндиқнинг қулайлиги, ростланиши ва бошқалар.

Транспорт воситасининг таший олиш хусусиятларига айни ташишга қўйиладиган талабларга риоя қилинган ҳолда автобуслар учун пассажирларни сифдира олиши, юк автомобили ва автопоездлар учун кузовнинг юк кўтариши ва сифдира олиш хусусиятлари киради.

Автобус сифими унинг салонига белгиланган жоиз меъёрга кўра қанча пассажирни сифдира олишидир. Автомобиль (автопоезд)нинг кўтарувчанлиги, бу унинг кузовдаги, юкнинг солиштирма оғирлигини инобатга олган ҳолда тоннада ўлчанувчи юк миқдори билан белгиланади. Юк кўтарувчанлик ёки автобус сифими белгиланган ортиш баландлигига улар кузови ва салони габарит ўлчамларига боғлиқ. Ортиш баландлиги ташилаётган юклар тури, характеристи, улар упаковкаси ёки тарасига боғлиқдир. Автобуслар сифими эса, ўриндиқлар сони, салоннинг бўш сатҳи ва нисбий меъёrlарга боғлиқдир.

Ташиш хусусиятининг юқори даражасига эришиш учун транспорт габаритидан юқори даражадалар фойдаланиш лозим.

Юк автомобилларини яратувчи автомобилларнинг олдига қўйиладиган зарур вазифалардан бири юк кўтарувчанлик билан кузовнинг сифдирувчанлигини иложи борича яқин қилишдир. Бу эса, уз навбатида ҳар хил юкларни ташишда улардан янада самарали фойдаланиш имко-

нини яратади. Автобусларга құйиладиган талаб уларнинг тежамкорлиги ва пассажирларга яратиладиган қулайлик дид.

Юк автомобилларининг таший олиш хусусиятига бу-  
лардан ташқари қүйидагилар таъсир этади: юкларнинг та-  
шишга мослашганлиги (гүшт, сут, курилиш панель ва фер-  
малари ва ҳ.к.); автомобиллар кузовининг ташилувчи юк-  
лар тури ва характеристика мослиги (қуйилувчи, сочиувчи,  
узун үлчамли, тирик мол ва ҳ.к.); ортиш-тушириш опера-  
цияларининг тез бажарилишига мосланганлиги (ўзи афда-  
рувчи-самосваллар); баъзи санитария-техник ишларни тез  
ва қулай бажаришга мослиги (дезинфекция-юқумсизлаш-  
тириш, ювиб-тозалаш, вентиляция). Қатновнинг равонли-  
ги (эластиклиги), яъни автомобилнинг ўнқир-чуқурлардан  
ўтишдаги тебранишини зудлик билан сўндириш хусусияти  
алоҳида ўрин эгаллади. Чунки шундагина ташилаётган  
юклар сифат ва микдорининг сақлануви юқори даражада  
бўлади. Қатновнинг равонлиги осмалар конструкцияси ва  
махсус амортизаторлар ҳамда қўлланилаётган шина турла-  
рига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Пассажирларни ташишни ташкил этишда автобуслар  
қўйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим: пассажирларнинг  
чиқиши ёки тушишидаги қулайлик, пассажирлар ўрин-  
диқларининг комфортабеллиги ҳамда бошқарувнинг енгил-  
лиги.

Пассажирларнинг чиқиши ва тушишидаги қулайлик  
автобус эшиги қурилмалари ва чикув (тушув) зинапояси  
баландлиги (айниқса шаҳар типидаги автобуслар учун)  
билан аниқланади.

Пассажир ўриндиқларининг комфортабеллиги ўрин-  
диқлар конструктив параметрлари, бўш фазонинг ва са-  
лондаги микроиқлим билан боғлиқдир.

Бошқарувнинг енгиллиги ҳайдовчилар иш жойининг  
қулайлиги ва бошқаришга сарфланувчи куч ҳамда улар ка-  
бинасининг микроиқлими билан боғлиқдир.

Автобусларда пассажирларнинг чиқиши ва тушишидаги  
қулайлик эшикларнинг эни ва баландлиги, эшик тавақа-  
ларининг очилиш йўналиши, зинапоялар сони ва улар  
баландлиги, қўл ушлагичлар қандай ўриатилганлигига  
боғлиқдир.

Шаҳарлараро автобуслар учун тұхтов жойларидан чиқыш ва тушиш вақтінің катта ақамияти йўқ, чунки тұхтов жойларидан пассажирларнинг чиқыш ва тушишига сарфланувчи вақт автобус умум қатновининг оз миқдорила бўлиб, асосий ва кўп вақт автобус ҳаракатига тўғри келади. Шунинг учун шаҳарлараро автобусларнинг эшиклари иккита ва битта ҳам бўлиши мумкин. Улар салоннинг поли анча баланд ва унга чиқыш учун бир неча зинапоя талаб этилади, ўтиш жойлари нисбатан тор ва пассажирлар тўпланиб турувчи сатҳ нисбатан кичик қилиб ишланади.

Шаҳар автобусларидан, пассажирларнинг чиқыш ва тушиш вақти, улар умум қатнов вақтінің кўпроқ улушини ташкил этганлиги учун пассажирлар ўртача алоқа тезлигига анчагина таъсир этади. Бундай вақт сарфи иложи борича камайтирилиши зарур. Шунинг учун ҳам шаҳар автобуслари конструкциясида бир неча (иккитадан кам бўлмаган) эшиклар бўлади. Эшиклар эни кенг, салон поли паст, иложи борича зинапоя сони кам бўлиши керак. Эшик яқинида пассажирлар тўпланиши учун каттароқ сатҳ бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Автомобиллардаги пассажир ўриндиқларининг комфортабеллиги асосан улар қурилмасига боғлиқ. Ўриндиқлар одам танаисига қулай бўлиши, ростланиши, кузовнинг ҳаракати билан боғлиқ тебраниш даражаси бир мунча камайтириши, зарурий ўлчамда ва қопламаси (жилди) сифатли бўлиши лозим. Пассажирларни ёғингарчилликлардан, ишлатилган газ ва ёнилғи буғи (ҳиди), чанг, шовқин ва ҳар хил тебранишлардан ишончли ҳимоялаш ҳам пассажирлар комфорtabеллигига киради. Узок манзилларга, давлатлараро ҳамда шаҳарлараро қатновчи автобусларга киритилган баъзи қўшимча қурилмалар билан улар комфорtabеллигини янада ошириш мақсадга мувофиқдир. Булар қаторига индивидуал вентиляция, ёриткич ва радио, салонга телевизор ўрнатиш, автобус ичидаги хожатхона, буфет, музлатгич ва ҳ.к. бўлиши киради.

Автомобилларни бошқаришнинг енгиллиги вақт бирлигига ҳайдовчилар ҳаракат миқдори, бошқарув органдарини ҳаракатга келтиришга сарфланувчи куч ва бошқариш жараёнининг автоматлашганлиги билан характер-

ланади. Бошқаришнинг енгиллиги ҳайдовчилар иш жойларининг, бошқарув органларининг ва назорат-ўлчов жиҳозларининг жойлашуви, салон (кабина)ни иситиш ва вентиляциялаш самарадорлиги, атрофни кўриш кенглиги, ёритиш ва сигнализация жиҳозлари, шовқин ва тебраниш даражаларига ҳам боғлиқдир.

Автомобилни бошқаришнинг енгиллигини мужассамлаштирувчи кўрсаткич, ҳайдовчиларнинг толиқиб қолиш дарајаси кўрсаткичидир.

Ишлатилган газлардаги заҳарли моддалар билан атроф-муҳитни ифлослантириш асосан автомобиль двигатели конструкциясининг такомиллашганилиги, ҳар хил режимларда ишлашда ундаги ёнилғининг тўла ёниши, ишлатилган газларда одам организмини заҳарловчи (концероген) моддалар йўқлиги, ишлатилган газлардаги заҳарли моддалар кучини қирқувчи нейтрализатор ва унинг самарадорлиги, картер газларининг атроф-муҳитга чиқишининг олдини олиш кабилар билан боғлиқдир.

Кейинги йилларда автомобиллар кўп бўлган катта шаҳарларда ишлатилган газлар таркибида киши саломатлигига путур етказувчи заҳарли моддалар меъёрга нисбатан анча кўпаймоқда. Бинобарин автомобиллар конструкциясини такомиллаштириш орқали атроф-муҳитга чиқарилувчи заҳарли моддалар миқдорини камайтириш долзарб муаммодир. Карбюратори, ёнилғи аппаратлари бузилган ёки созланмаган транспорт воситаларидан фойдаланмаслик зарур. Вақти-вақти билан ишлатилган газлардаги заҳарли моддаларнинг меъёрини назорат қилиб туриш мақсадга мувофиқдир.

#### 4.3. Автомобилларни эксплуатация қилиш шароитлари

Автомобилларни эксплуатация қилиш шароитлари дейилганда ташишни бажариш билан боғлиқ транспорт, йўл, табиий-икълим ва ташкилий-техник каби ташқи омилларнинг биргаликдаги таъсири тушунилади.

**Транспорт шароитлари.** Бу тушунчага қўйидагилар кирди: юкнинг тури ёки унинг номи, физик-механик хусусиятлари; ҳажмий массаси (солиштирма оғирлиги); упа-

ковкаси (жойлаштириш) тури; масса миқдори ва бирлиги, ташишда бузилмай боришни таъминлаш шартлари, нархи, етказиб бериш муддати. Юк ташиш ҳажмига қуйидагилар киради: вақт бирлигига (йил, ой ёки кун) ташишга мўлжалланилган юкнинг тонна ўлчамидаги миқдори; жўнатиш партияси — бир автомобиль (автопоезд)да бир маҳалда тонна ўлчамида қанча юк жўнатиш мумкинлиги; жўнатиш партиясини йириклиштириш имконияти.

**Ортиш ва тушириш усуллари.** Ортиш ва тушириш операциялари механизациялаш воситаларининг у ёки бу турини қўллаб, ёки қўл (мускул) кучи билан бажарилиши мумкин.

**Ташиш масофаси.** Юк ва пассажирларнинг қанча масофага (км) ташилишидир.

**Йўл шароитлари.** Йўл шароитлари йўл дейилганда қопламасининг кўприк ва бошқа иншоотларга транспорт воситалари ўқларидан тушувчи жоиз чегаравий юкланишлардаги мустаҳкамлиги тушунилади.

**Жой рельефи** — текис, баланд-паст, тоғли рельефда бўлиши мумкин.

**Йўл плани ва профили элементларига** йўлнинг бўйлами энг катта нишаблиги (унинг такрорланиши, узунлиги), йўлнинг пландаги эгри-буғрилиги, юриш (ҳаракатланиш) қисмининг эни, полосалари сони ва тегишли меъёрлар билан белгиланувчи бошқа кўрсаткичлари киради.

**Йўл қонламасининг текислиги** йўлнинг тури (капитал цемент ёки асфальт-бетон), қоплама текислигининг барқарорлиги ёки унинг барқарор эмаслиги, ўткинчи типдаги қопламалилиги (шагал, чақиқ тош ва ҳ.к.) билан аниқланади.

**Ҳаракат жадаллиги.** Йил, сутка ичida ўртача ҳаракат зичлигининг барқарорлигидир. Бундай кўрсаткич ҳафтанинг кунлари ва сутканинг ҳар бир соати бўйича инобатга олинади; ҳаракатнинг характеристери (онда-сонда ёки бетухтов); ҳаракат тури (шаҳар ичи, шаҳардан ташқари, йўлдан ташқари).

**Ўта олиш ҳолатининг барқарорлиги.** Бунда қиши вақтларида йўлнинг қор билан қопланиши (унинг давом этиши),

қопламасиз йўлларда эса ёғингарчилик натижасида ҳаракатнинг оғирлашиши, чанглилик ва бошқа шароитлар киради.

**Табиат-иклим шароитлари.** Бунда ҳудудлар назарда тутилади. Улар совуқ иклимли жойлар, иссиқ иклимли жойлар ҳамда мұттадил иклимли жойларга бўлинади. Ҳудудлар асосан ҳавонинг ҳарорати ва бошқа хусусиятларга биноан бўлинади.

**Ташкилий-техник шароитлар.** Иш режими: автомобилнинг ишда бўлиш вақти; сутка давомида босиб ўтилган ўртача масофа (км); йил давомидаги иш кунлари; йиллик босиб ўтилган ўртача масофа (км); йил давомида ойлар бўйича, ҳафта кунлари ичida, сутка соатлари бўйича ташишнинг бир текисдалиги, ҳайдовчилар ишининг ташкил этилиши.

**Ташишни ташкил этиши ва маршрутлар тури:** маршрутлар маятник ва айланга тарзда бўлиши мумкин. Узоқ масофаларга ташишлар «ташиш елкалари» ёки тўғридан-тўғри автопоездлар қатнайдиган тизимларда ташкил этилиши мумкин.

**Автомобилларни сақлаш, техник хизмат кўрсатиши ва таъмирлаш шароитлари.** Автомобилларни ёпиқ биноларда ёки усти очиқ майдонларда сақлаш мумкин; техник хизматни марказлаштирилган ёки тарқоқ усулда ўtkазиш мумкин; автомобилларни таъмирлаш ва уларни ўtkазишни механизациялаш даражаси каби шароитлар назарда тутилади.

Юк ва пассажирларни ташишда юқорида баён этилган шароитларнинг ҳар хил турлари биргаликда бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам автомобилларни эксплуатация қилиш шароитлари кўп қиррали бўлади. Аксарият ҳолларда автомобиллар конструкцияси кўп учрайдиган эксплуатация шароитларига мослаштирилиши билан бирга уларни ҳар хил маҳсус шароитларга зудлик ва осонлик билан мосланиши ҳисобга олиниши лозим.

Юқорида баён этилган эксплуатацион шароитлар ичida автомобилсозлар томонидан камроқ ҳисобга олинидиганларидан бири табиат-иклим шароитларидир. Аксарият ҳолларда совуқ иклимли жойларда ишловчи автомобиллар конструкцияси (С-индекси билан) ишлаб чи-

Қарылган бўлиб, ўта иссиқ жойларга мосланган автомобиллар конструкциясини яратиш анча орқада қолган. Бундан ташқари баланд тоғли жойларда ишловчи автомобилларни серия билан ишлаб чиқариш ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Ўрта Осиё худуди асосан иссиқ иқлимидир, иссиқ ойлардаги ўртача ҳарорат  $+26^{\circ}\text{C}$  дан иборат бўлади. Иссиқ иқлими жойлар уч турли: чўлли жойлар, баланд тогли жойлар ва субтропик жойлар бўлиб, уларнинг ҳар бирининг ўзига хос томонлари бор.

Иссиқ иқлими жойларнинг чўл зоналарига Ўрта Осиёнинг марказий ва фарбий қисмлари киради. Бу жойлардаги ҳавонинг максимал ҳарорати  $45\text{--}58^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этади. Ер усти қатламининг ҳарорати  $70\text{--}80^{\circ}\text{C}$  гача қизийди. Ёз ойлари ўта иссиқ ва қуруқ. Намликтарнинг озлиги натижасидан чанг жуда кўп миқдорда, айниқса лёс грунтли жойларда ҳосил бўлади. Асосан бу жойларнинг кўпчилик қисмida қишининг қорли кунлари ниҳоятда оз бўлади.

Иссиқ иқлими баланд тоғли жойларга Ўрта Осиёнинг шарқий худудлари киради. Тоғли жойлардан ўтишдаги до-вонларнинг баландлиги 2000 метрдан ошиқ бўлиб, денгиз сатҳидан 4700 метргача баландликгача етади. Бундай ерларда ҳавонинг атмосфера босими кичикилиги сабабли двигателлар қуввати анча миқдорда ( $30\text{--}40$  фоиз) камаяди ва бунинг натижасида автомобилларнинг тортиш-тезлик хусусияти сезиларли камайиб, улардан фойдаланишни анча қийинлаштиради.

Ҳаво ҳарорати  $+30^{\circ}\text{C}$  дан ошгандан сунг двигателлар қуввати камаяди. Масалан, ўтказилган илмий-тадқиқотларимиз натижасида КАЗ-608В тягачли паҳта ҳом ашёси ташувчи автопоезди двигателининг қуввати ҳаво температураси  $+35\text{--}36^{\circ}\text{C}$  етганда, 30 фоизга қалар камаиди. Проф. Д. П. Великанов кўрсаткичларига қўра, иссиқ иқлими шароитда ишловчи автомобилларнинг совитиш тизими кучайтирилган ва ёпиқ турда бўлиши лозим. Совитиш тизимининг ёпиқ турда бўлиши совитувчи суюқликнинг буғланиш натижасида йўқолишининг олдини олади. Мойлаш тизимида эса мойни совитувчи маҳсус радиатор ўрнатилиши лозим. Чўл зоналарига ишлашга ҳисобланган автомобилларнинг двигателлари ва барча мойлаш узеллари чангдан сақловчи конструктив элементга эга бўли-

ши лозим. Двигателнинг карбюратори (ёнилги аппарати)га сўридувчи ҳаво капот (кабина) ташқарисидан қилиб ишланган бўлиши ва сўридувчи ҳавони чангдан тозалаб ўтказувчи узеллари назарда тутилиши лозим. Шина, барча резина-техник буюмлар ва полимер материалдан ишланган қисмлар, ёнилғи, мой, тормоз суюқлиги ва бошқа материаллар ўта иссиқ ҳавога чидамли бўлиши лозим.

Аккумулятор батареяси ва бензин насосини автомобилнинг энг кам исидиган ерига жойлаштириш лозим. Кабина ва салоннинг том қисмини қўёш нуридан келувчи иссиқликни ўтказмайдиган қилиш чоралари кўрилиши керак.

Ҳайдовчилар кабинаси чанг ўтказмайдиган қилиб жиҳозланиши, вентилятор ёки кондиционерлар бўлиши мақсадга мувофиқдир. Автомобилнинг қўёш нури тушадиган юзалари қаттиқ исиб кетмаслиги учун оқ тонли ва қўёш радиациясига бардош берувчи бўёқ билан ишланиши зарур, ўриндиқларни эса филофлаш керак.

Ўта баланд жойларда ишловчи автомобиллар двигатели маҳсус конструкция асосида ишланиши керак. Бунда, иложи борича, двигатель қувватининг баландлик билан боғлиқ камайишининг олдини олиш лозим. Бунинг учун таъминлаш тизими конструкциясини баландлик билан боғлиқ корректировкалаш ва сиқиши даражасини ўзгартириш лозим бўлади. Ўта баланд тоғ йўлларида ишлашни ҳисобга олувчи маҳсус оптималь нисбатли трансмиссия ва секинлаштириш тормоз механизми ўрнатиш ҳам зарур бўлади.

#### 4.4. Автомобиллар саройи таркиби

Маҳсус илмий-текшириш институтларининг тадқиқотларига кўра юк автомобиллари саройининг оқилона таркибида юк кўтарувчанлиги кичик (яъни 2 т гача) автомобиллар 22-24 фоизни, юк кўтарувчанлиги ўртacha (яъни 2,1-5,0 т гача) 40-42 фоизни ва юк кўтарувчанлиги катта (яъни 5,1 т дан ортиқ) 32-36 фоизни, шу жумладан 8 т дан ортиқ бўлгандарни 19-21 фоизни ташкил этиши зарур.

Келажакда кам юк кўтарувчи автомобилларга талаб ўзгармаган ҳолда, ўртacha юк кўтарувчи автомобиллар улуши 31-33 фоизгача камайиши уларнинг тиркама билан

ишловчилари 8 фоиз ва ярим тиркамали тягачлари 2-3 фоизни ташкил этиши мақсадга мувофиқ деб топилган. 5,1-8,0 т гача юк күттарувчи автомобилларга бўлган талаб 13-15 фоиз, 8,0 т дан ортиқ юк күттарувчи автомобиллар 26-28 фоиз, бунда тиркама билан ишловчилари 5-6 фоиз ва ярим тиркамали тягачлар 8-9 фоиз миқдорида бўлиши мўжалланган.

Автомобиль транспортида асосий эътибор транспорт воситалари, авваламбор, уларнинг двигателларини такомиллаштиришга қаратилиши лозим. Автомобиль двигателларининг техник даражасини яхшилаш заруратини уларни ишлатиш кўлами билан изоҳлаш мумкин. Мамлакатимизда ишлатилаётган двигателлар саройининг қуввати жуда катта бўлиб, автомобиль двигательларига тобора кўп суюқ ёнилғи сарф бўлмоқда. Шунинг учун автомобиль двигательларининг тежамилигини ошириш ва автомобилларда ташиш моддий харажатларини камайтиришнинг асосий йўлларидан бири мазкур транспорт турининг қувват сифимини камайтиришdir. Бу масалани ҳал қилишда бошқа техник ечимлар билан бир қаторда юк автомобилларини дизеллаштириш ва тиркамалар билан ишловчи автопоездларни кенг қўллаш алоҳида аҳамият касб этади. Карбюраторли двигателлар ўrniga дизеллардан фойдаланиш автомобиль транспорти турлари ва уларни ишлатиш шароитларига кўра ёнилғи сарфини ўрта ҳисобда 15-30 фоиз камайтириш имконини беради. Автомобилларни тиркама билан ишлатиб, кўп массали юкларни ташишни ташкил этиш ҳам ёнилғи нисбий сарфи ни кескин камайтиради.

Мутахассисларнинг ҳисобига кўра, юк автомобиллари таркибларини такомиллаштириш уларни ишлатиш харажатларини 16 фоизгacha камайтириши, ёнилғига бўлган талабга нисбатан 27 фоизгacha ҳамда ишловчиларга бўлган талабга нисбатан 35 фоизгacha самара бериши мумкин экан.

Келажак 10 йил давомида тиркамалар сони юк кўтارувчанлиги 3-5 т бўлган автомобиллар сонига нисбатан 25-30 фоиз, 5 т дан кўп бўлган автомобиллар сонига кўра 2-3 марта ортиқ ва ҳар бир тягач автомобиллари учун 3 тадан тиркама бўлиши зарур.

Автомобиль транспорти илмий-текшириш институти-нинг тадқиқотларига биноан, умумий ҳажмда ташилаётган юкларнинг 70 фоизи самосвал-автомобилларда, 23-24 фоизи универсал бортли ва бошқа автомобилларда ҳамда қолгани цистерна ва фургон кузовли автомобилларда ташилиши мақсадга мувофиқ деб топилган. Амалда эса самосвал автомобилларда 65 фоиз, универсал автомобилларда 30-35 фоизгача (юқорида белгиланган тавсиядан кам) миқдорда ташилаёттир. Бунинг натижасида ҳалқ ҳўжалиги тармоқла-ри қўшимча чиқимдор бўлиши билан бирга автомобиль транспорти корхоналари ҳамда юқ эгалари нобудгарчиликка йўл қўймоқдалар.

Узоқ йиллар мобайнида юқ автомобиллари саройи юқ кўтарувчанлиги асосан ўрта (2,1-5,0 т) ва универсал бортли автомобиллар билан тўлдирилганлиги ҳисобига уларнинг улуши тавсияларга нисбатан анча каттадир. Юқ автомобиллари саройи таркибини такомиллаштириш муаммосининг ажралмас қисмларидан бири бу тиркамалар билан тўлдиришdir. Автомобилларни тиркамалар билан қўшиб ишлатиш меҳнат унумдорлигини бир ярим баробар ошириш билан бирга, ташиш таннархини 25-30 фоиз арzonлаштиради. Бундан ташқари, тиркамалар қўшимча двигателлар талаб қилмаслиги маҳсулот бирлигига нисбатан ёнилғи ва транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва жорий туза-тиш сарфларини анча камайтиради. Лекин автомобилларни тиркама билан фаол ишлатиш тиркамалар мавжудлиги ва автомобиль транспорти ходимлари хоҳишлирагагина боғлиқ булиб қолмай, двигателларнинг зарур тортиш динамикаси ва автопоезд умумий массасининг ҳар бир тоннасига тўғри келувчи нисбий қувват 8-10 от кучи атрофида бўлиши лозим. Текис йўлларда ишловчи автопоездлар умумий массасининг ҳар бир тоннасига эса двигателнинг нисбий қуввати 4-6 от кучи атрофида бўлиши кифоя.

Автомобиль транспорти самарадорлигини оширишда юқ кўтарувчанлиги катта бўлган автомобиллар улушкини кўпайтириш билан бирга кам юқ кўтарувчи автомобилларни кўплаб сотиб олиш ёки ишлаб чиқариш муаммосини ҳал қилиш лозим. Бу муаммони контейнерларни кенг қўллаш ҳисобига ечиш мумкин, деган баъзи мутахассислар фикри-ни жуда ҳам тўғри деб бўлмайди. Бундай фикр дунё бўйича

юк автомобилларини ишлатишнинг амалдаги кўрсаткичлари-га ҳам мос келмайди. Масалан, ривожланган мамлакатларда юк кўтарувчанилиги 2 т гача автомобиллар сони уларнинг умумий миқдорига нисбатан: АҚШда 70 фоизни, ГФРда 60 фоизни, Италияда 70 фоизни ва Францияда 73 фоизни ташкил этади. Ўзбекистоннинг умум фойдаланилдиган автомобиль транспорти саройида бундай автомобиллар улуши 5 фоизга яқин, бу рақам халқ ҳўжалиги бўйича ундан ҳам кам. Агар юқорида келтирилган давлатлардаги рақамларни майдага фермер ҳўжаликларини ҳисобга олиб, бир-икки марта камайтирганимизда ҳам бизнинг давлатимиздаги кам юк кўтарувчи автомобиллар сонини етарли деб бўлмайди. Кам юк кўтарувчи автомобиллар самараси амалда бир ҳайдовчига тури келувчи юк массасининг камлиги билан эмас, балки бундай юкларни ўрта ва катта юк кўтарувчи автомобилларда ташиш халқ ҳўжалигига қиммат тушиши билан белгиланади. Айни вақтда яна шуни ҳам қайд қилиш зарурки, кейинги йилларда қабул қилинган янги мулкчилик сиёсати мамлакатимизда ҳам шахсий деҳончилик ва фермер ҳўжаликлари кўпайишига олиб келади.

Кам юк кўтарувчи автомобиллар конструкциясининг соддалиги, ихчамлиги ва ташиш таннархининг арzonлиги билан алоҳида ажralиб туриши лозим. Автомобиль транспорт самарасини ошириш ва халқ ҳўжалиги тармоқлашибига сифатли хизмат кўрсатиш муаммосини ҳал қилиш мамлакатимиз автомобиль саройини ихтисослаштирилган транспорт воситалари билан тўлдиришга ҳам боғлиқдир. Бу ерда шуни таъкидлаш зарурки, ихтисослаштирилган транспорт воситаларининг бир хил шароитларда универсал бортили автомобилларни ишлатишга нисбатан, уларга ўрнатилган маҳсусузел ва агрегатлар массаси ҳисобига, юк кўтарувчанилиги бироз камаяди. Натижада ихтисослаштирилган автомобиллар иш унуми бирмунча кам бўлади ва ҳар бир тонна ташилган юкка нисбатан ўзгарувчан харажатлар ортиқ бўлади. Шу билан бирга ихтисослаштирилган автомобилларни кўллашда ортиш-тушириш ишларида уларнинг беҳисор туриб қолиши ҳамда юкларнинг камайиши миқдорлари кескин пасаяди, юкларни ташишда тара ва ўров-боғлопеъериаллари харажатлари тежалади. Ихтисослаштирилган транспорт воситаларини ишлатишнинг иқтисодий

самаrasи күп ҳолларда транспорт соҳасига нисбатан хизмат қилинаётган истеъмол соҳасига күп даражада боғлиқдир. Лекин шу билан бирга юкларни ортиш-тушириш, ташишга тайёрлаш ишларни камайтириш ҳисобига транспорт корхоналари ҳам бирмунча иқтисодий самара олади.

Автомобиль транспорти илмий-текшириш институтининг ҳисобларига кўра шаҳар шароитларида ишловчи автобус саройларининг мақсадга мувофиқ таркиби келтирилган харажатлар энг кам бўлиши учун кичик классли автобуслар (пассажирлар сигими 40 гача) улуши 33 фоиздан ошикроқ, ўрта классли автобуслар (пассажирлар сигими 60 гача) 17,2 фоиз, катта классли автобуслар (пассажирлар сигими 80-110 гача) ва алоҳида катта классли автобуслар (пассажирлар сигими 120дан ортик) 27,4 фоиз бўлиши тавсия этилади. Тегишлича, бу ракамлар шаҳар атрофи йўналишларида 30, 29, 36 ва 5 фоизда ҳамда шаҳарлараро пассажирларни ташишда эса 26, 24 ва 50 фоизда бўлиши тавсия этилади. Шаҳарлараро пассажирларга хизмат қилишда алоҳида катта сифимли автомобилларга эҳтиёж бўлмайди.

## 5 - 6 о б

### ТАШИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Автомобиль транспортида ташишни ташкил этиш мурakkаб жараён булиб, у юк ёки пассажирларни бир ердан иккинчи жойга кўчиришда умум ташиш технологияси билан боғлиқ изчил жараён ва операциялар мажмуудан иборатдир.

Автотранспорт корхонаси барча бўгинларининг ўзаро мувофиқ ҳолда ишлаши автомобилларда ташиш технологик жараёнининг асосий тамоили бўлиши лозим.

#### 5.1. Автомобилларда пассажирлар ташиш таърифи ва таснифи

Автомобилларда пассажирлар ташиш қандай ҳудудда бажарилиши, вазифаси ва ташкил этиш шаклига кўра таснифланади.

**Қандай ҳудудда бажарилишига күра:** шаҳарларда, шаҳар атрофида, қишлоқ ҳудудлари ичидә, шаҳар ва вилоятлароро ва халқаро ташишларга ажратилади.

**Вазифасига күра:** доимий маршрутларда, экскурсион, туристик, хизмат юзасидан пассажирлар ташишларга бўлиниади.

**Ташкил этиш шаклига күра:** маршрутлардаги, буюртмали, тўғридан-тўғри ва аралаш ташишларга бўлинади.

Шаҳарлардаги пассажирларни автобусларда ташиш шаҳар ва шаҳар туридаги поселкалар ичидә бажарилади. Бундай ташишларда барча турдаги автобусларда ташишнинг энг катта нисбий қисми-пассажирлар сони бўйича 70 фоиз ва пассажирлар айланиши (обороти) бўйича 43 фоиз ишлар бажарилади. Бундай ташишларнинг охирги 20 йил давомидаги ўсиши пассажирлар бўйича 3 баробарни ва пассажир обороти бўйича 6 баробарни ташкил этди. Шаҳарларда пассажирлар ташувчи барча турдаги транспортлар (трамвай, троллейбус, метро) ичидә автобусларда пассажирлар ташиш нисбий ўрни 60 фоиздан ортиқ бўлиб, бу кўрсаткич йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Умуман, шаҳарлардаги пассажирларни ташиш ҳажмининг катталиги шаҳарлар аҳолисининг ўсиб бориши билан боғлиқdir. Ҳозирги давр ирик шаҳарлар ҳудудларининг кенгайиши ҳамда аҳолининг транспортдан фойдаланиш талабининг ўсиши билан характерлидир ва бу омил, пассажирларнинг ўртача қатнов масофаси ошиши ҳисобига, пассажир оборотининг ўсишига олиб келади. Агар 1980 йили пассажирларнинг транспортда ўртача қатнов масофаси 4,8 км бўлган бўлса, бу кўрсаткич ҳозирги кунда 5,8 км етган.

Ҳозирги даврда шаҳарлардаги АТСлар катта ва жуда катта сигимили автобуслар билан тўлдирилаётгани улар умумий номинал сигимининг ошишига олиб келаётir. Шаҳарлардаги пассажирлар ташиш ҳажми ҳафта ичи кунлари ва суткадаги соатлар бўйича катта миқдорда ўзгариши билан характерлидир. Эрталабки ва кечқурунги ташиш “пик” соатларида ташишлар ҳаддан ташқари ортади, сутканинг бошқа соатларида камайиб кетади. Автобусларда пассажирлар ташиш асосан доимий маршрутларда ва жадвалга биноан ташкил этилади.

Енгил такси автомобиллари билан шаҳар ичи ва атрофидаги туманларнинг барча ҳудудларида пассажирлар ташилади. Йирик шаҳарларда енгил такси автомобиллари туну-кун узлуксиз ишлайди. Баъзи ҳолларда такси автомобилларида олдиндан белгиланган буюртма асосида ҳам пассажирларга хизмат кўрсатиш мумкин.

Шаҳарлардаги пассажирларни ташишдаги энг долзарб муаммо — “пик” соатлардаги ташиш жараёнларини такомиллаштиришидир.

Шаҳар ва шаҳар атрофидаги ташишларнинг ўзига хос томонларидан яна бири ҳафта кунлари ва йил ойлари (мавсум, фасл) ичидаги ташиш ҳажмларининг катта ўзгаришидир. Ташиш ҳажмининг сезиларли даражада ўсиши дам олиш куни олдида, айниқса ёз ойларидаги кўзга ташланади.

Қишлоқ ҳудудларидаги ташишлар туманлар марказлари, жамоа ҳўжаликлари марказлари, сут-товар фермалари, аҳоли яшаш жойларини бирлаштиришга мүлжалланган; уларни бирлаштирувчи йўллар ҳар доим ҳам такомиллаштирилган, қаттиқ қопламали йўллар бўлмаганлиги сабабли, йил давомида ҳаракат узилиб қолиши ҳам мумкин. Бундай ташишларда умум фойдаланиш транспорти саройлари автобусларидан ташқари бошқармалар (жамоа ҳўжаликлари) нинг автобусларидан фойдаланиш мумкин.

Қишлоқ ҳудудларидаги ташишларнинг ўзига хос томонлари ҳам ташиш ҳажмининг сутка давомида, ҳафта кунлари, йил мавсумларида ўзгариб туриши ва ҳаракат интервалининг катталигидир. Кўпинча бундай ташишларда пассажирларнинг кўп миқдорда багаж (юк)лари бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб, керакли транспорт воситаларини ажратиш зарур бўлади.

Шаҳарлараро ташишларга шаҳар ва поселка чегарасидан 50 км дан ортиқ масофага ташишлар киради. Улар, асосан, мамлакат (вилоятлараро), вилоят аҳамиятидаги йўлларда бажарилади. Ташишлар асосан умум фойдаланиш автобуслари билан қатнов жадвалига биноан доимий, баъзи ҳолларда вақтинчалик маршрутларда бажарилади. Ташишларнинг кичик бир қисми енгил такси автомобилларида буюртмага биноан ёки шахсий енгил автомобилларда ба-

жарилади. Бозор иқтисодиёти шароитига ўтиш мунда мулкчилик шаклиниң ўзгариши ташишларни ташишда ҳам катта ўзгаришларга олиб келиши шубхадир.

Шаҳарлараро ташишларнинг энг катта ҳажми узунлиги 200 км гача бўлган маршрутларга тўғри келади. 200 км дан ортиқ масофаларда автобусларда ташиш ҳажмининг 6% атрофида пассажирлар ташилади. Бу темир йўл ва ҳаво транспортларининг ривожланганилиги ва улар ёрдамида пассажирларга қулийлик яратиш ҳамда манзилларга тезроқ етиб борилиши билан боғлиқдир.

300-400 км масофаларда пассажирларни ташишда автобусларнинг бошқа транспорт турларига нисбатан афзаллilikлари ҳам мавжуд. Уларга қуйидагиларни киргазиш мумкин: сутка давомида темир йўл транспортига нисбатан пассажирларга хизмат кўрсатишнинг тез-тез ташкил этилиши; маршрутдаги барча пассажирлар ҳосил бўлувчи нуқталарда тўхтаб ишлай олиши; манзилга етиб бориш ҳаракат тезлигининг нисбий юқорилиги. Айтилганларга кура, йўл шоҳобчаларини такомиллаштириш, манзилга етиб бориш тезлигини ошириш, пассажирларга олис жойларга бориш учун зарур қулийк (комфорт)лар яратиб бериш узоқ маршрутларда автобусларда пассажирлар ташиш самарасини оширади.

Халқаро автомобиль транспорти билан пассажирларни ташишда давлатлараро чегаралар кесиб ўтилади. Бундай ташишлар ҳозирги кунда умум фойдаланиш АТСлари автобусларида амалга оширилмоқда. Баъзи ҳолларда бундай ташишлар лицензияли ва сертификати бор такси автомобилларида, сайдёнлик бошқармаларига қаражали автобуслarda ҳам олдиндан белгиланган буюртмага биноан бажарилиши мумкин. Халқаро пассажирлар ташишни ривожлантириш учун автобус саройларини айни ташишга мўлжалланган маҳсус автобуслар билан тўлдириш лозим ҳамда пассажирларга ва экипажга хизмат кўрсатувчи қулий шароитли йўл иншоотлари (автовокзаллар) яратиш зарур. Халқаро автобусларда пассажирлар ташишни маълум тартиб-қоидаларга бўйсундиришга қаратилган меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш бўйича кўп йиллар давомида БМТнинг

Оврупо иқтисодий комиссияси ички транспорт құмитаси шуғулланади.

Халқаро шахсий ҳуқуқ институти (Рим) таклифларини ҳисобға олған ҳолда ҳалқаро маршрутларда пассажирлар ва улар юк (багаж) ларини ташиш шартномаси бўйича Конвенция тайёрланиб, уни имзолаш очиқ деб эълон этилган. Бу Конвенцияга мустақил Ўзбекистон давлати ҳам қўшилган.

Амалдаги қоидаларга биноан ҳалқаро пассажирлар ташиш умум фойдаланиш транспортлари билан мунтазам, олдиндан ишлаб чиқилган ва келишилган маршрутларда, ҳаракат жадвали ва ягона ташиш тарифи орқали ташкил этилади. Мунтазам бўлмаган маршрутларни лицензия ва сертификати бор якка ёки гурухланган автобус ёки енгил автомобилларда бажариш ҳам мумкин.

Экскурсион-сайёхлик пассажирлар ташиш, одатда, умумфойдаланиш транспорти ҳамда бошқармаларга қарашли автобусларда доимий, олдиндан ишлаб чиқилган маршрутларда ва ташкилотлар буюртмасига биноан бажарилади.

Хизмат юзасидан пассажирлар ташиш ҳам умумфойдаланиш ва бошқармаларга тегишли транспорт воситалари ёрдамида бажарилади. Бунда айни корхона ёки ташкилот ишчи ва хизматчиларини ишга келтириш ёки уйига етказиш ҳамда кун давомида хизмат юзасидан ташишлар бажарилади.

Қишлоқ жойларида ўқувчиларни мактабларга ташишда, автобус мунтазам маршрутлари бўлмаган жойларда ёки автобуслар оралиқ интервали катта бўлганда маҳсус автобуслар ишлатиш мақсадга мувофиқ. Бундай автобуслар маҳсус маршрутда белгиланган жадвал асосида ишлаши лозим. Бунда мактаблардаги дарсларнинг бошланиш ва тугалланиш вақти ҳисобга олинади. Баъзи ҳолларда мактаб ёшигача тарбия ташкилотларига ўш болаларнинг ота-онасиз қатнашларига қулийлик яратиш мақсадида, олдиндан ишлаб чиқилган ва келишилган маршрутларда пассажирлар қатновини ташкил этиш ҳам мумкин. Бунда ота-оналар эрталаб маҳсус тұхтов жойларига нағбатчи ота-она ихтиёрига болаларини келтириб құядылар. Навбатчи ота-она уларни автобусга үтказади.

Манзилга етиб боргандың кондуктор ёки ҳайдовчи болаларни эҳтиётлаб тушириб күяди. Кечкүрун автобусны ота-оналар белгиланган тұхтов жойыда кутиб олишиб, болаларни кондуктор (ҳайдовчи)дан қабул қилиб оладылар.

## 5.2. Автомобилларда юк ташиш таснифи

Ташиш ҳажмига күра юк ташишни ташкил этишнинг қуйидаги тамойиллари булиши мүмкін: бир турлы жуда күп ҳажмдаги юкларни ташиш; бир турдаги юкларни нисбий күп миқдорда ташиш; кам миқдорли ёки юкларни йиғиб ташиш.

Бир турдаги жуда катта ҳажмда юкларни ташишда бир турдаги юкларни күп миқдорда ташиш тушунилади. Бундай ташишлар юк оқимининг тузилиши, миқдори ва йұналишининг барқарорлығы билан харakterlidir. Бундай ташишларда, иложи борича, бир турдаги ва иш унуми юқори транспорт воситаларини ишлатыш мақсадға мувоғиқ.

Бир турдаги юкларни нисбий күп миқдорда ташишда ҳар хил турли ва моделли юк ташиш транспорт воситаларидан фойдаланилади. Бундай ташишлар ортиш-тушириш жойларининг тез-тез үзгариб туриши ҳамда юк оқимларининг үзгарувчанлиғы билан харakterlidir.

Кам миқдорли юкларни ташишда жұнатувчилар ва қабул қилувчиларнинг майда ҳажмдаги юклари ташилади ҳамда ақолининг майший эҳтиёжлари қондириллади. Бундай ташишлар транспорт воситаларида бир пайтнинг үзіде бир неча хил юклар ташилиши, баъзіде эса уларни ортиш-тушириш жойлари **хар** хил жойдалиғы билан харakterlidir.

Ташкилий жиҳатдан юклар умумфойдаланиш автотранспортида ва бошқармаларга тегишли автотранспортда ташишга булинади. Биринчи турдаги ташишлар саноат, қышлоқ құжалиғи, қурилиш савдо-сотиқ соҳаларидан ҳамда коммунал хұжалик, ақолининг майший хизмати талабларини қондиришга қаратылғандыр. Иккінчи турдаги ташишлар эса халқ құжалигининг аниқ бир бошқармасининг юк ташиш талабларини қондириш билан бөліккіледір. Корхона ичидаги ташишлар ҳам ташкилий жиҳатдан бошқармалар ташувига киргизилади.

**Ташиш ҳудудий белгисигъа кўра:** юк ташишлар пассажирлар ташишдаги шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлар (вилоятлар)аро, туманлараро, туманлар ичи ташишларга бўлиниди.

Шаҳардаги ташишлар номенклатурадаги юкларини ташиш билан характерлидир. Бундай ташишларда ортиш-тушириш жойлари жуда тез ўзгарувчан, юк оқими тузилиши ва йўналиши номунтазам бўлади. Шаҳардаги ташишларда бир хил юкни қарама-қарши йўналишларда ташиш ҳоллари ҳам тез-тез учраб туради. Юк ташиш ўргача масофаси одатда 8-10 км дан ошмайди. Бир суткали транспорт воситаси Қатнови ҳажмбай юкларни ташишда 150-200 км, автомобилларни соатбай ишлатишида 120-130 км дан ошмайди. Бунда автомобилларнинг ўргача ҳаракат тезлиги 20-30 км/соат атрофидан бўлиб, шаҳар шароитидаги ҳаракатни тартибга солиш қойидаасига мосдир. Автотранспорт хизматидан фойдаланувчи мижхозларнинг сутка ичи режимлари ҳар хиллиги билан характерлидир. Шаҳардаги АТСлар, одатда, иш маршрутларига яқини жойлашади. Йўл шароитлари яхши бўлган жойларда юкларни бетұхтов йил давомида ташиш имкониятига эга.

Шаҳар атрофидаги ташишларда юк ҳосил этувчи ва юк қабул этувчиларнинг жойлашув масофасига кўра бир сменада камида бир марта бориб-қайтиш имконияти булиши керак. Шаҳар атрофидаги ташишларда мижхозлар сони шаҳардагига нисбатан анча кам ҳамда аксарият юк ортиш-тушириш жойларининг мунтазамлиги, юк оқими (аммо, улар куввати бир хил эмаслиги) билан характерлидир. Юк ташиш ўртача масофаси 20 км дан 50 км гача, транспорт воситаларининг суткалик боссигб ўтиш масофаси 100 км дан 130 км гача бўлади. Йўл шароитлари ҳар хил бўлганлиги боис улар ҳар хил ҳаракат тезликларига (25-40 км/соат) эга бўлади. Бундай ҳаракат тезлиги жой рельефи, йўлнинг категорияси, фаслий иклим шароитлари билан боғлиқдир.

Шаҳарлараро (магистрал) ташишлар юк турлари ва миқдорига кўра барқарорлиги, ортиш-тушириш жойларининг кам ўзгарувчанлиги, юк оқимлари тузилишининг нисбий барқарорлиги билан ҳарактерлидир. Юклар узок масофаларга ташилади. Транспорт воситасининг бир сут-

қали ўртача қатнов масофаси 250-350 км ни ташкил этади. Транспорт воситасининг ҳаракат тезлиги йўл профили, қопламасининг тури ва ҳолати билан боғлиқдир. Кўпинча, кўп юк кўтарувчи транспорт воситалари, шу жумладан кўп юк кўтарувчи автопоездлар бундай ташишларда кенг ишлатилади. Ҳаракатни ташкил этиш фаслий-икклим шароитларига боғлиқдир. Транспорт воситалари алмашиб турувчи ҳайдовчилар билан ишлатилса, улар ҳаракатини сутка давомида бетўхтов бўлишига эришилади.

Туманлараро ва тумандаги юк ташишлар қишлоқ жойлардаги бир ва унга қўшни туманлар чегарасидаги ташишлардан иборатдир. Бунда транспорт воситалари алоқаларини ташкил этиш кўпинча йил фасли, юк оқимининг барқарормаслиги (узгарувчанлиги) ва ҳар хиллиги, ҳаракат тезлигининг кичиклиги, ҳаракатнинг номунтазамлиги билан боғлиқдир. Кўпинча транспорт воситалари ҳаракати куннинг ёруф соатларida, баъзи ҳолларда эса тӯшамасиз (грунтли) йўлларда ташкил этилади.

### 5.3. Ташишни ташкил этиш тамойиллари

Ташишни ташкил этишда унинг бир маромдалиги ва ўз вақтида бажарилишига ҳамда юкларнинг миқдори ва сифатли сақланишига, техника, материаллар ва пул харажатлари энг кам бўлишига, юқори даражали тежамкорлик ва таннархи энг арzon бўлишига эътиборни жалб этиш лозим. Белгиланган миқдордаги ташиш ҳажмини бажариш учун зарур бўлган транспорт воситалари ва бошқа ҳар хил қурилмалар сони минимал миқдорда ва улар унумдорлиги максимал бўлишини таъминлаш керак.

Юк ташишни оқилона ташкил этиш учун ўз вақтида ишлаб чиқилган ва вақти белгиланган режа зарур. Бундай режани ишлаб чиқишига алоқадор мижозлар кенг жалб этилиши зарур. Бунда транспорт воситаларининг линиядаги иши меъёрли бўлишига ҳамда ортиш-тушириш операциялари ўз вақтида бажарилишига эришиш лозим.

Автотранспорт саройи ва мижозларнинг ўзаро муносабатлари белгиланган топшириқни бажаришда ўзаро манфаатдорлик асосида бўлишини таъминлаш, уни амалга оширишда эса муайян шартнома ва айрим келишувларга

таяниш керак. Ташишларнинг ўз вақтида бажарилиши учун мижозлар ва автотранспорт саройлари баробар жавобгардирлар.

Умумфойдаланиш автотранспорт саройлари ташиш учун барча юкларни қабул қилишлари зарур. Айни саройда бор транспорт воситалари билан ташиб бўлмайдиган юклар бундан истисно.

Жуда кўп миқдордаги бир хил юкларни ташишда марказлаштирилган тартибда умумфойдаланиш транспорти хизматидан фойдаланиш ҳамда бошқармаларга қарашли транспорт воситаларини юқори самарада ишлатиш, ташиш таннархини анчагина арzonлаштириш имконини беради. Ташишни майдалаштириш, қуввати кичик автотранспорт саройлари ичида бўлаклаб ташлаш хўжалик юритиш ва иқтисодий жиҳатдан мақбул эмас. Бир ердан майда юкларни жўнатишда, ортиш-тушириш ишларини бажаришда ҳам ташиш жараёнини йириклиштириш лозим. Бу эса ташиш таннархини арzonлаштириш имконини беради. Одатда, ортиш-тушириш ишларини мижозлар ўз кучлари ва воситалари билан бажарадилар. Автотранспорт саройи бундай операцияларни мижозлар талашибга кўра ва улар билан келишилган ҳолда бунинг учун етарли (шароит) имконлари бўлгандагина бажариши мумкин.

Ташиш режасини ўз вақтида ва рационал амалга ошириш ҳамда корхона ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишини назорат қилиб бориш катта аҳамиятга эга. Барча ташиш ишлари мижозлар ва уларнинг бажарилиш вақтларидан қатъи назар шартнома (ўзаро мажбурият) билан ташиш режасига биноан бажарилади.

Автотранспорт корхонаси ва мижозларнинг ўзаро муносабатларини шартнома орқали тартибга солинади. Шартномада улар алоқалари, ташиш қатнашчилари, молиявий тартибни мустаҳкамлаш кабилар белгиланади. Ташишга тааллуқли шартнома иш ҳужжатларининг асоси сифатида жорий (йиллик), чорак ва тезкор (смена-суткали) режалар тузишни кўрсатиш мумкин.

Умумфойдаланиш автотранспорт саройларида юк ташишда фойдаланиладиган шартномалар одатда намунавий бўлади. Бундай шартнома икки томонлама мажбури-

ят булиб, уни маълум вақт учун тузилади. Унда АТС маълум ҳажмдаги юк ташиш мажбуриятини ўз зиммасига олиб, тұлов ҳақлари белгиланади, тұловлар банк идоралари ёрдамда нақд пул ишлатилмай, ҳисоб-китоб йўли билан ўтказип орқали амалга оширилади.

Автотранспорт саройи билан шартнома тузувчи мижоз одатда юк жүнатувчи, баъзи ҳолларда эса юк қабул этувчи бўлади. Юк жүнатувчи томон муайян ташкилот (корхона) ёки унинг номидан юк жүнатувчи шахс бўлиши мумкин. Юк жүнатувчи ҳар доим ҳам юк эгаси бўлиши шарт эмас. Юк қабул этувчи бу унинг номига юк жүнатилган ташкилот ёки унинг номидан ҳаракат этувчи шахсdir. Юк қабул этувчи юк жүнатувчининг ўзи ёки учинчи томон бўлиши ҳам мумкин. Кейинги ҳолдаги шартнома тузишда юк қабул этувчи амалда ташиш жараённида қатнашмаса ҳам, унинг ташишдаги айrim мажбуриятлари (масалан, туширишни механизациялаш ёки юкни қабул этиш кабилар) бўлганлиги учун учинчи томон ҳам шартнома тузишда қайд қилинади.

Шартнома ёзма тарзда умумий шаклда ёки бир маротабали талабнома (буюртма) шаклида бўлиши мумкин. Талабнома режада белгиланмаган мижозга хизмат қилишда ишлатилади ва унинг кучи шартномага тенгглаштирилади.

Шартномада қўйидагилар кўрсатилади:

- а) шартнома тузишда ваколатли ташкилот ва унинг масъул шахси;
- б) ташиш миқдори ва юк турларига кўра ташиш характеристи кўрсатилган шартнома предмети;
- в) ташишни бажариш шарти. Бунда ташиш вақти белгиланган режа, юкни бериш тартиби, ташиш масофаси, ортиш-тушириш операциялари бажарувчи воситалар ва уларнинг ишлаш тартиби, экспедиция ишлари, талабнома бериш вақти ва уни расмийлаштириш тартиби ва ҳ.к. бўлади;
- г) келишилаётган томонлар жавобгарлиги;
- д) бажарилган ишга ҳисоб-китоб қилиш муддати ва уни бажариш тартиби, шартномага кўра даъвони кўриб чиқиш тартиби, томонлар манзили, банкдаги ҳисоб-китоб рақами, жарималар ва ҳ.к.

#### **5.4. Юкларни ўз вақтида, тұлиқ миқдорда ва сифатини пасайтиrmай етказиб бериш**

Юкларни ўз вақтида етказиб бериш мижозларнинг юкларни жүннатишга ва қабул этишга бұлған талабларини ўз вақтида қондириш билан чамбарчас боғлиқ. Масалан, сабзавот маҳсулотларини уларни сақлаш жойларига ва бошқа жойларға ташиш йилнинг муайян фаслида бажарилади. Бундай шартни бажармаслик уларнинг бузилишига олиб келади. Ташишни ўз вақтида бажариш шартномада ёки режада күзда тутилади.

Ташишни ўз вақтида бажариш юклар харakterи билан боғлиқ булып, у амалда юкни жүннатиш жойидан етказиб бериш жойигача сарфланған муайян вақт билан аникланади. Бу вақтда жүннатиш жойидаги ортишни кутиш, яъни юк қабул этилғандан жүннатишгача бұлған вақт ва тушириш жойидаги юк әгасига топширишгача бұлған кутиш вақтлари ҳам назарда тутилади.

Юкларни ўз вақтида ташиш ва уларни манзилига етказиб бериш транспорт иши ташкилотчиси ва мижозлар иш режимларини тұла мувофиқлаштириш асосида бажарилади. Юкларни манзилларига ўз вақтида етказиб бериш автотранспорт эксплуатациясининг муҳим омили ҳисобланади. Айни вақтни камайтириш юк әгалари ва бошқа мижозларнинг юкни қабул қылиб олиш ҳамда ортиш-тушириш ишларини оқылона ташкил этиш ва транспорт воситаларининг ҳаракат тезлигига бевосита боғлиқдир. Юкларни манзилларига ўз вақтида етказилишидан транспорт ташкилотлари ва мижозлар бир хилда манфаатдордирлар. Етказиб бериш вақтларини қисқартирганлик учун моддий раfbатлантириш жорий этилиши лозим.

Юк ўз әгаларига бузилтирилмасдан, захмат етказмай ва миқдоран камайтирилмай етказилиши лозим. Автотранспорт корхоналари ташиш жараёнида юкларни тұлаттүкис ва сифатини пасайтиrmай ташиб беришга тұла жағов берадилар. Агар юклар қисман ёки тұла миқдорда йүқотилса ҳамда уларнинг сипати бузилса, юкни әгасига топширишда тегишли далолатнома тузилади. Бунда автотранспорт саройи мижозға етказилған заарарни тұлиқ қоплаши лозим. Бундай жарима миқдори товар баҳоси-

ни камайиши ёки камомад миқдорида, аммо товарнинг ҳужжатда кўрсатилган нархидан баланд бўлмаслиги керак.

Табиий оғатлар ёки ташилаётган юк хусусияти билан боғлиқ бузилишларга, ёки уларни ортиш-тушириш шартларига мижозлар томонидан риоя қилинмаганлиги натижасидаги камомад ва сифат пасайишларига транспорт ташкилоти жавобгар эмас.

Юкларни ташишда қисман, баъзида эса тўла бузилишдан сақлаш уларни транспорт воситаси кузовига тўғри жойлаштиришга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Кўйидаги ташишларда юкларнинг бус-бутунлиги учун автотранспорт саройлари жавоб бермасликлари мумкин:

- ташиладиган юкларни маҳсус шахслар қўриқлаб бориши лозим бўлса (қимматбаҳо металл, тош, заргарлик буюмлари ва шу кабилар);

- ташиладиган юклар йўлда қаровни талаб этса (қора моллар, паррандалар);

- ташилаётган юк таралари бузук бўлса;

- ташиладиган юклар алоҳида шароит талаб этса (хавфли юклар, маҳсус упаковка этилмаган шиша ва чинни буюмлар ва ҳ.к.) ёки хусусиятига кўра тез бузилувчи юклар.

### 5.5. Юкларни ташиш билан биргаликда амалга ошириладиган операциялар

Юкларни ташишда уларни жўнатувчидан қабул қилиш ва эгаларига топшириш операциялари бажарилади.

**Ташишга талабнома.** Ташишга бўлган зарурат маҳсус ҳужжат, яъни юкларни қабул қилиш ва топшириш талабномаси орқали расмийлаштирилади. Ташиш шартномасига қўшимча юк ташишнинг ойлик режасини тузиш автотранспорт корхоналари ва мижозлар учун мажбурийдир. Ташишдан олдин (1-2 кун) мижозлар белгиланган шаклда талабнома беришлари лозим. Бундай талабнома тезкор режалаштириш ҳужжати ҳисобланади.

**Юкларни ташишга қабул этиш.** Автотранспортда марказлаштирилган усулда юк ташишда белгиланган шартномага асосан юкни автомобиль ҳайдовчиси, марказлаш-

тирилмаган ташиш усулида эса мижознинг вакили (экспедитор) қабул қилиб олади.

Ташиладиган юкларни юк жўнатувчилар олдиндан топширишга тайёрлаб қўйишлари зарур. Масалан, упаковкада ташилувчи юклар, юк турига мос бузилмаган тараға жойлаштирилади. Тортимиши лозим юклар оғирлигини тортиш орқали, жойлари саналадиган юклар жойлари сони ва ҳ.к.

**Юк баҳоси.** Бузилганликда ёки йўқотилганликда моддий жавобгарлик миқдорини аниқлаш учун жўнатилувчи баъзи юклар (пул бирлигига) баҳоланади. Бунда белгиланган баҳо товар нархидан (хужжатда кўрсатилган) ортиқ бўлмаслиги зарур. Баҳоси кам бўлган юкларга (кум, шағал, маидаланган тош, тупроқ ва ҳ.к.) баҳо белгилаш одатда татбиқ этилмайди.

**Юкини топшириш.** Ташилган юк эгасига жойларда топширилиши зарур. Бунда юк расмийлаштирилган транспорт хужжатида кўрсатилган манзилга келтирилади. Кимнинг манзилига юк жўнатилган бўлса, ўша ташкилот юкни қабул этишдан бош торта олмайди. Баъзи ҳолларда жўнатувчини огоҳлантириб, юкни бошқа манзилга жўнатиш ҳам мумкин.

## 5.6. Табиий хусусиятига кўра юклар вазнининг камайиши

Ҳар қандай эҳтиёткорлик чора-тадбирлари кўрилишига қарамай, ташиш жараёнида ортиш-тушириш операцияларида, омборларда сақлашда юклар вазнининг маълум қисми табиий хусусиятларига кўра камаяди. Юклар вазнининг табиий хусусиятига кўра йўқолиши (камайиши) дейилганда ташишга ёки сақлашга жавобгар шахсларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолда юклар бошланғич оғирлигининг йўқотилиши (камайиши) тушунилади. Табиий йўқотишлар амалда юкларнинг табиий қурий бориши (буфланиши, шамолланиши), оқиб камайиши (сиরқиб чиқиши, эриши), сочилиши, увокланиши ва бошқа сабабларга кўра бўлади.

Ташишдаги юк вазнининг табиий йўқолиши миқдорига об-ҳаво ва ташиш фасли, юклар хусусияти, таралар

ва улар сифати, кузовнинг ҳолати ёки унинг ташилаётгани юкка мослиги, йўллар ҳолати (үнқир-чўнқирлиги), ташиш оралиғи, ҳаракат тезлиги, юкловчилар маҳорати (квалификацияси) кабилар таъсир этади.

Автомобилларда ташишда юклар вазни миқдорининг камайиши белгиланган табиий камайиши меъёрига таққослаб борилади. Белгиланган миқдордан ортиқ камайишлар ноқонуний бўлиб, бундай ҳоллар учраганда уларни қайд этувчи далолатнома билан расмийлаштириш мажбурийдир.

Сақлашнинг нотўғри йўлга қўйилганлиги, ортиш-тушириш ишларининг ёмон ташкил этилганлиги, уларни бепарво бажариш ва ҳар хил хиёнатларга қўра камайишларни юкларнинг ўз хусусиятларига қўра вазнининг камайиши деб ҳисоблаш мумкин эмас. Сақлаш ва ташиш жараёнинг нотўғри йўлга қўйилиши юклар вазнинигина камайтириб қолмай, сифатининг ҳам бузилишига олиб келади. Бундай ҳолларга йўл қўювчилар моддий жавобгарликка тортиладилар.

## 6 - б о б

### АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИНИНГ АСОСИЙ ИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Транспортда ташиш жараёни ўзаро боғлиқ ва кетма-кет бажарилувчи операциялар (пассажирларнинг транспорт воситасига чиқишига тайёрланиши ёки юкларни ташишга тайёрлаш, уларнинг транспорт воситаларига чиқиши ёки ортиш, белгиланган манзилга етказиш, тушириш, юкларни эгаларига топшириш, транспорт воситасини навбатдаги ташишга келтириш) йиғиндисидан иборат бўлиб, уни транспорт воситаси орқали бажарилади. Транспорт ишини режалаштириш, ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш учун муайян техник-эксплуатацион кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Уларга қўйидагилар киради: транспорт воситасининг маршрутдаги иш режими, ҳаракат тезлиги, юк кўтарувчанликдан ёки пассажирлар сифимидан фойдаланиш коэффициенти, маълум ма-

софадаги йўлдан унумли (ёки иш бажариш учун) фойдаланиш коэффициенти, транспорт воситасига чиқиш-түшиш ёки ортиш-тушириш операциясига сарфланган вақт ва бошқалар.

Транспорт воситасидан фойдаланиш самарадорлиги юқорида келтирилган ҳар бир омилнинг ва уларни биргаликдаги самарадорлиги билан баҳоланади.

### 6.1. Умумий тушунчалар

Автомобиль транспортидаги ишлаб чиқариш жараёни кечадиган шарт-шароитлар (ҳар хил йўллар, тарқоқ жойлашган чиқиб-түшиш ёки юк ортиш-тушириш жойлари, уларнинг ҳар хил жиҳозланганлиги, турил хил моделдаги транспорт воситалари ва бошқалар) ташишни режалаштириш ва ташкил этишда ўзига хос ташиш ишлари ва уларни ўлчаш тизимларини яратишни талаб этади.

Автомобиль транспортида қўлланилувчи иш ўлчовлари тизими қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- 1) транспорт жараёни ва унинг элементларини аниқ акс эттириш;
- 2) транспорт жараёни тушунчаси ва ҳодисаларини аниқ ифодалаш;
- 3) транспорт жараёнининг айрим омилларининг ўзаро боғлиқлиги ва таъсир этишининг қонуний тизимини кўрсата билиш;
- 4) транспорт воситалари иш унумининг миқдор ва сифат жиҳатдан ўзгаришини акс эттириш.

Транспортда қўлланиладиган ўлчов бирликлари қўйидагилардан иборатdir: а) транспорт жараёнига сарфланувчи вақт, соат; б) километрларда ўлчанувчи, транспорт воситаси босиб ўтган масофа, километр; в) пассажирлар ёки тонналарда ўлчанувчи, ташилган пассажирлар сони ёки юк вазни. Айни ўлчов бирликларига асосланган ҳолда автомобиль транспортининг ишлаб чиқариш жараёнини акс эттирувчи ўлчагичлар тизими тузилади. Автотранспорт корхонаси ёки унинг айрим ишлаб чиқариш элементларининг иш кўрсаткичлари абсолют қийматларда аниқланувчи сонли ифодалардан, масалан, автомобилнинг бир кунлик босиб ўтган ўртacha йўли — 210 км ёки

бир ой мобайнида ташилган юк — 100 минг тонна ва ҳоказалардан иборат бўлади.

Ташиш ишлари ўлчови тизимига қўйидагилар киради:

1) автомобиль саройи (корхонаси)да фойдаланилаётган автомобиллар сони;

2) маршрутлардаги транспорт воситаларининг иш кўрсаткичлари;

3) автотранспорт воситаларининг иш унуми кўрсаткичлари;

4) транспорт маҳсулотининг таннархи кўрсаткичлари.

Ташиш ишлари бажарилиши ва транспорт воситалари иш кўрсаткичлари фоизларда ёки маҳсус катталиклар (автомобиль саройидан, пассажирлар сифими ёки юк кўттарувчанликдан, босиб ўтилган йўлдан ва вақтдан фойдаланиш коэффициентлари) орқали ифодаланади.

## 6.2. Автомобиллар саройи ва ундан фойдаланиш

Автотранспорт саройи дейилганда унинг ихтиёридаги автомобиллар, тиркама ва яримтиркамалар тушунилади. Улар ўз навбатида турлари, маркалари ва транспорт воситалари миқдори билан характерланиб, ташиш билан боғлиқ ишлаб чиқариш дастурини тўлиқ бажаришга қаратилгандир. Транспорт воситалари турлари ва моделлари автотранспорт саройининг олдига қўйилган вазифа ҳамда бажарилиши лозим бўлган ишларга боғлиқдир.

Транспорт воситаларининг миқдорий тавсифи барча автотранспорт саройлари учун умумий бўлиб, қўйидаги элементлардан иборатdir:

$A_x$  — ҳисобдаги ёки инвентар китобида ҳисобда турувчи автомобиллар ва тиркамаларнинг умумий сони.

Ҳисобдаги автомобиллар техник ҳолатига кўра эксплуатация қилишга тайёр ( $A_{э.т}$ ) ва кун давомида таъмирда ёки техник хизмат кўрсатишда турувчи автомобилларга ( $A_{т.т.}$ ) бўлинади, яъни  $A_x = A_{э.т.} + A_{т.т.}$

Амалда эксплуатацияга тайёр автомобиллар ҳам баъзи сабабларга кўра тўла ишлатилмайди. Уларнинг бир қисми турли сабаблар (ёнилғи, мой, автошина, аккумулятор йўқлиги, ҳайдовчиларнинг йўқлиги ёки бетоблиги,

йўллардан фойдаланиб бўлмаслиги ва ҳ.к лар)га кўра бекор туриши мумкин. Бинобарин:  $A_{\text{Э.т.}} = A_{\text{Э}} + A_{\text{б.т.}}$

Демак, сарой ҳисобидаги автомобиллар  $A_{\dot{x}} = A_{\text{Э}} + + A_{\text{т.т.}} + A_{\text{б.т.}}$  дан иборат бўлади.

Ҳар бир саройдаги автомобиль, тиркама ҳамда ярим тиркама маълум давр (режадаги ёки ҳисобий) ичida эксплуатацияда, бекор туришда ва таъмирида булиши мумкин. Шунинг учун, саройдаги барча календарь кунлар ўз навбатида  $AK_{\text{к}}=AK_{\text{Э}} + AK_{\text{б.т.}} + AK_{\text{т.т.}}$  бўлади.

1-мисол. Бир ой (30 кун) мобайнида автотранспорт корхонасидаги 5 та автомобиль учун календарь кунлар ( $K_{\text{к}}$ ) қўйидагича бўлсин (3-жадвал):

3-жадвал

#### Саройдаги автомобилларнинг календарь кунларда булиши

Автомобиллар тартиби	Кунлар ҳисобида булиш миқдори			
	$K_{\text{к}}$	$K_{\text{Э}}$	$K_{\text{т.т.}}$	$K_{\text{б.т.}}$
1	30	28	-	2
2	30	27	2	1
3	8	8	-	-
4	30	26	4	-
5	15	10	5	-

Автомобиль транспорти саройининг ишга тайёргарлик даражасини аниқлаш учун, саройнинг техник жиҳатдан ишга тайёргарлик коэффициенти ( $\alpha_{\text{т.}}$ ) аниқланиши лозим.

$$\alpha_{\text{т.}} = \frac{AK_{\text{Э.т.}}}{AK_{\text{к}}} = \frac{AK_{\text{Э}} + AK_{\text{б.т.}}}{AK_{\text{к}}} \quad (5)$$

Бизнинг мисол учун

$$\alpha_{\text{т.}} = \frac{AK_{\text{Э}} + AK_{\text{б.т.}}}{AK_{\text{к}}} = \frac{99+3}{113} = 0,903$$

**2-мисол.** Автомобиль саройининг техник жиҳатдан тайёргарлик коэффициентини аниқлаш учун қуидагилар маълум: АКк — сарой бўйича автомобиль-кунлар — 6400, ундан таъмир ва ТХК да бўлиш кунлари — 650.

$$\text{Ечими: } \text{АКЭ.т.} = \text{АКк} - \text{АКт.т.} = 6400 - 650 = 5750$$

$$\alpha_T = \frac{5750}{6400} = 0,89.$$

Автомобилларнинг техник жиҳатдан ишга тайёргарлик коэффициенти улардан қанчалик интенсив (жадал) фойдаланиш, қабул этилган ТХК ва таъмирлаш тизими, корхонада эҳтиёт қисм ва агрегатлар, материаллар етарли миқдорда борлиги, устахона ва ТХК ўтказиладиган жойлар ҳолатига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Автомобилларни жадал ишлатиш кун давомида ўртача қанча масофа босилишига, эксплуатация қилинадиган йўл ва иқлим шароитига, транспорт иши ҳажми (фойдаланиш даражаси) га боғлиқдир. Бу омиллар автомобилларнинг емирилиш ва техник жиҳатдан ишга тайёргарлик коэффициенти миқдорига кўп жиҳатдан таъсир этади. Бундан ташқари, ташиладиган юклар (масалан, сочиувчан, чангланувчан) ҳам автомобилларнинг кўпроқ емирилишига сабаб бўлади. Ортиш-тушириш ишларини нотўғри бажариш, масалан, оғир юкларни кузовга нисбатан юқоридан ташлаб юбориш автомобиль рессорларининг синишига олиб келади. Сочиувчан юкларни экскаватор билан ортишда ҳам ушбу ҳолатни ҳисобга олиш зарур. Автомобилларнинг ишлатиш жараённада емирилиши кўп жиҳатдан ёнилғи-мойлаш материалларининг сифатига ҳам боғлиқ. Уларни айни транспорт воситасига мосланганидан фойдаланишлик зарур.

Автомобилларни техник жиҳатдан ишга яроғли қилиб ишлатиш кўп жиҳатдан уларни ишлатувчи ҳайдовчилар ва ТХК ва таъмирловчи чилангарлар малакасига ҳам боғлиқдир.

**Автомобиллар саройидан фойдаланиш коэффициенти.** Автомобилларнинг техник жиҳатдан ишга тайёргарлик коэффициенти уларнинг техник ҳолатига кўра ишга яроқ-илигини, яъни бузук эмаслигини белгиловчи коэффи-

циентдир. Аммо бундай автомобилларни баъзи тацкилий сабабларга кўра ишлата олмаслик ҳолатлари амалда бўлиб туради. Масалан, ҳайдовчилар, ёнилғи-мойлаш материаллари, автошина, аккумулятор, маҳсуслаштирилган автомобилларда ташиладиган юклар ва ўз кабилар етиш маслиги ёки йўл ҳолати ва иқлим шароитлари туфайли ва ҳоказо. Бундай ҳолларда автомобилларнинг ишга чиқа олмаслиги, одатда, режалаштирилмайди, чунки улар АТС ва бошқа тегишли ташкилотлар иши нуқсонлари натижасидир. Шунинг учун автомобиллардан фойдаланиши режалаштиришда ва ҳисоблаб борищда автомобиллар саройидан фойдаланиш коэффициенти кўрсаткичи қўлланилади. Бу коэффициент эксплуатациядаги автомобиль-кунлар (АК<sub>Э</sub>) йиғиндисининг автомобиль-календарь кунлар (АК<sub>К</sub>) йиғиндисига нисбати сифатида аниқланади, яъни:

$$\alpha_{\phi} = \frac{AK_3}{AK_k} \quad (6)$$

Юқорида келтирилган 1 мисол учун бу коэффициент

$$\alpha_{\phi} = \frac{99}{113} = 0,876.$$

АТС ларидаги автомобиллардан фойдаланиш коэффициентига яна ҳафта давомидаги иш кунлари (5, 6 ёки 7 кун) катта таъсир кўрсатади.

3-мисол. 300 та автомобили бор АТС ишга (маршрутга) 210 та автомобиль чиқарган бўлиб, улар биргаликда 2520 соат ишлаган. Бунда  $\alpha_{\phi}$  ва ишда ўртacha ҳисобда неча соат ( $T_{иш ўрт.}$ ) ишланганлиги топилсин.

*Ечими:*

$$\alpha_{\phi} = \frac{AK_3}{AK_k} = \frac{210}{300} = 0,7;$$

$$T_{иш ўрт.} = \frac{AK_k}{AK_3} = \frac{2520}{210} = 12 \text{ соат.}$$

4-мисол. 200 та автомобили бор АТС йил давомида (365 кун) АКт.т. = 7200 кун ва эксплуатацион сабабларга кўра турган кунлар АК б.т. = 2900 кун ва ишда бўлган автомобиль-соатлар миқдори АТ<sub>иш</sub> = 622200 соат. Йил давомида автомобиллар ишлаш режими 253 кун, яъни ҳафтасига 5 иш куни.  $\alpha_{\phi}$ ,  $T_{иш \text{ ўрт.}}$  аниқлансан.

*Ечими:*

а) барча автомобилларнинг йил давомидаги календарь кунлар йигиндиси

$$AK_k = 365 \cdot 200 = 73000 \text{ авт. кун}$$

б) қабул қилинган иш режимига нисбатан бекор туриш автомобиль-кунлар йигиндиси  $(104 + 8) \cdot 200 = 22400$  авт. кун

в) эксплуатациядаги автомобиль-кунлар йигиндиси:

$$AK_{\phi} = AK_k - AK_{\pi} - AK_{бт} - AK_{бт} \\ = 73000 - 7200 - 2900 - 22400 = 40400.$$

Унда

$$\alpha_{\phi} = \frac{AK_{\phi}}{AK} = \frac{40400}{73000} = 0,55.$$

Автомобилларнинг бир кундаги ўртача ишда бўлиши вақти

$$T_{иш \text{ ўрт.}} = \frac{AT_{иш}}{AK_{\phi}} = \frac{622200}{40400} = 15,4 \text{ соат.}$$

### 6.3. Автомобиллар саройи қуввати ва таркиби

Автомобиллар саройи қуввати тушунчаси фақатгина автомобиллар миқдори билангина аниқланиб қолмай, балки бунда саройда бор барча тур ва моделли автомобилларнинг бир йўла умумий юк кўтарувчанлиги ёки пассажирлар сифдира олиши тушунилади ва уни қўйидаги формула билан аниқланади:

$$Q = \sum A x_i \cdot q_h = A x_1 q_{h1} + A x_2 q_{h2} + \dots + A x_n q_{hn}, \quad (7)$$

бунда  $A x_i$  — маълум модел (марка)ли автомобиллар сони;

$q_{hi}$  — маълум моделли автомобилнинг номинал юк кўтарувчанлиги ёки пассажирлар сифдира олиш хусусияти.

Номинал юк күтартувчанлик ёки пассажир сиғдира олиш курсаткичи автомобилларни ишлаб чиқарувчи завод конструкторлари томонидан белгиланади.

Автомобиллар саройи таркиби дейилгандында уларда бор автомобилларнинг турлари ва моделларининг умумий автомобиллар сонига нисбатан фоиз ҳисобидаги курсаткичdir. Бундай курсаткичга зарурат, АТС олдига күйилган вазифаларга боғлиқdir. Масалан, катта шаҳарлардаги автобус саройларида ўта катта сиғимли автобуслар ёки уюлиб ташилувчи кўп миқдорли юклар учун самосвал автомобиллар зарур. Хулоса қилиб айтганда, автотранспорт саройи таркибининг эксплуатация қилиш шароитига кўра мослашиши кўп жиҳатдан автомобиллардан самарали фойдаланиш имкониятини яратиб беради.

#### 6.4. Маршрутларда автомобилларни ишлатиш

Транспорт воситасининг юк күтартувчанлиги (пассажирлар сиғдириши) ва ундан фойдаланиш. АТС даги автомобилларнинг юк күтартувчанлиги (пассажирлар сиғдира олиши) битта шартли автомобилнинг ўртача юк күтартувчанлиги (пассажирлар сиғдира олиши) билан қуйидагича белгиланади:

$$q_{\text{урт.}} = \frac{\sum A x_i \cdot q_n}{\sum A_i} \cdot t \text{ (пасс.)} \quad (8)$$

Хозирги кунда автомобиллар саройидаги автомобилларнинг ўртача юк күтартувчанлиги ёки пассажирлар сиғдира олиш курсаткичи ўсиб бориши кузатилмоқда.

Муайян календарь давр ичидағи автомобилларнинг ўртача юк күтартувчанлиги қуйидаги формула орқали топилади:

$$q_{\text{урт.}} = \frac{\sum A x_i \cdot q_n K_k}{\sum A_i K_x} \quad (9)$$

Юқоридаги (8) ва (9) формулалар билан ҳисобланиб топилган ўртача юк күтартувчанлик (пасс.сиғдириш) қийматлари юк күтартувчанлиги турлича бўлган автомо-

билларнинг АТС да бўлиш муддатлари ўзгариши туфайли бир хил бўлмаслиги мумкин.

Мисол. АТС даги автомобиллар таркиби қўйидагича бўлганда уларнинг ўртача юк кутарувчанлиги аниқлансан:

100 та ГАЗ-53 ( $q_n = 4,0$  т) автомобиллар АТСда 90 кун бўлган;

50 та ЗИЛ-130-76 ( $q_n = 6,0$  т) - " " - 60 кун бўлган;

40 та МАЗ-500 ( $q_n = 8$  т) - " " - 60 кун бўлган.

Ечими: автомобиль-тонна ҳисобида (8-формулага биноан):

$$Q_{урт.} = \frac{\sum A_i \cdot q_n}{\sum A_i} = \frac{100 \cdot 4,0 + 50 \cdot 6,0 + 40 \cdot 8,0}{100 + 50 + 40} = \frac{1020}{190} = 5,37 \text{ т.}$$

автомобиль-тонна-кун ҳисобида (9-формулага биноан)

$$Q_{урт.} = \frac{\sum A_i \cdot q_n \cdot K_k}{\sum A_i \cdot K_k} = \frac{100 \cdot 4,0 \cdot 90 + 50 \cdot 6,0 \cdot 60 + 40 \cdot 8,0 \cdot 60}{100 \cdot 90 + 50 \cdot 60 + 40 \cdot 60} = 4,76 \text{ т.}$$

Ўртача юк кутарувчанлик ёки пассажирлар сиғдира олиш кўрсаткичини иккинчи формула билан аниқлаш автомобилларнинг саройда бўлганлиги ҳисобга олинган бўлиб, кўпроқ жиҳатдан тўғрироқ. Айниқса, АТС ишининг келажак режаларни белгилашда айни формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Пассажирлар сиғими ёки юк кутарувчанликдан фойдаланиш кўпинча бир хил бўлмайди ва улар ушбу курсаткичлардан фойдаланиш коэффициенти билан аниқланади. Айни коэффициент кузов (салон) ларнинг тури ва ўлчамлари, уларнинг сиғдира олиши, юк ташишда таралар шакли ва тури, юкларни кузовга жойлаштириш усуллари, юк оқими, бир йўла жўнатилишга тайёрланган юк ҳажми, йўл ва иқлим шароитлари ва ташишни ташкӣл этиш усулларига боғлиқдир.

Мазкур масалада аникроқ тасавурга эга бўлиш учун кузов (салон) габарит ўлчамлари (ёки сиғимлари)нинг ошиши юк кутарувчанлик (пасс. сиғдириш)нинг ортишига боғлиқлигини кўрсатиш лозим (4-жадвал).

**Кузов нисбий юзаси ва ҳажмининг автомобиллар  
юк кўтарувчалигининг ортишига боғлиқ ҳолда ўзгариши**

Автомобиль модели	Юк кўта- рувчан- лиги, т	Ортиши ёки кама- йиши, фоиз	Кузов юзаси $m^3$	Кузов ҳажми $m^3$	Юк кўтарувчалик	
					кузовнинг $1m^3$ юзасига тўгри келадиган	кузовнинг $1m^3$ ҳажмига тўгри келадиган
ГАЗ-53	4,0	100	6,37	3,82	0,39	0,655
ЗИЛ-130-76	6,0	240	8,73	5,02	1,46	0,837
МАЗ-500	8,0	320	12,10	8,10	1,51	1,010

Жадвалдаги миқдорларга кўра, шуни таъкидлаш зарурки, юк кўтарувчанилиги турлича бўлган автомобилларнинг юк кўтарувчанилигидан оғир вазнили ва ихчам (компакт) юкларни ташишдагина тўлиқ фойдаланиш мумкин экан.

Транспорт воситасининг юк кўтарувчанилик (пассажирлар сифдириш) даражасини белгилашда статик ( $\gamma_{ct}$ ) ва динамик ( $\gamma_{d}$ ) коэффициентлардан фойдаланилади.

Юк кўтарувчанилик (пассажирлар сифдириш) дан фойдаланишининг статик коэффициенти бу амалда ташилган юк (пассажир) миқдорининг автомобилнинг номинал юк кўтарувчанилиги (пассажирлар сифдири олиши)га нисбатидир.

1 марта қатнов учун

$$\gamma_{ct} = \frac{q_s}{q_n} \quad (10)$$

Бир неча қатнов ( $Z_k$ ) лар учун унинг ўртача қиймати:

$$\gamma_{ct} = \frac{q_{a_i}}{q_n \cdot Z_k} \quad (10')$$

Ҳар хил миқдордаги юк ва пассажирларни юк кўтарувчанилиги (пассажирлар сифими) ҳар хил автомобилларда турли масофаларга ташишда статик юк кўтарувчанилик (пасса-

жирлар сүндира олиши) коэффициентидан фойдаланиш етари бүлмайды. Шунинг учун, унга құшимча равища амалда бажарилған ткм (пасс.км) транспорт ишининг ташиш жарёнида номинал юк күтәрүвчанликдан тұла фойдаланилғандаги миқдорға нисбати бүлмиш динамик коэффициентдан ҳам фойдаланилади.

Бир автомобиль ва бир неча юкли қатнов учун ушбу коэффициент

$$\lambda_{\text{д}} = \frac{P_2}{q_h \cdot l_{\text{юк}} \cdot Z_k} = \frac{P_2}{q_h L_{\text{юк}}} \quad (11)$$

АТС даги барча автомобиллар учун

$$\gamma_d = \frac{\sum P_d}{q_h \cdot A L_{\text{юк}}} \quad (11')$$

Қандай ҳолларда у ёки бу коэффициентдан фойдаланиши аниқлаш учун қуйидаги уч мисолни күриб чиқамиз.

1-мисол. Номинал юк күтәрүвчанлити 7,5 т бүлган МАЗ-503Б автомобили 1 марта қатнаб амалда 6 т. юкни 10 км га ташиған.

Бұз қол учун:

$$\lambda_{\text{ср.}} = \frac{6 \text{т.}}{7,5 \text{т.}} = 0,8; \quad \lambda_d = \frac{6 \text{т} \cdot 10 \text{км}}{7,5 \text{т} \cdot 10 \text{км}} = 0,8,$$

яъни  $\gamma_{\text{ср.}} = \gamma_d$

2-мисол. Ұша автомобиль бир сменада 3 марта юк билан қатнаган, шу жумладан 1-қатновда у 7,5 тонна юкни 10 км масофага ташиған ( $l_{\text{юк}} = 10 \text{км}$ ), 2-қатновда 7,5 т юкни 15 км масофага ва 3-қатновда 6,0 т юкни 50 км масофага ташиған.  $\gamma_{\text{ср.}}$  ва  $\gamma_d$  аниқлансын.

$$\gamma_{\text{ср.}} = \frac{Q_{\text{д.}}}{q_h \cdot Z_k} = \frac{7,5 \text{т} + 7,5 \text{т} + 6 \text{т}}{7,5 \cdot 3} = \frac{21}{22,5} = 0,933;$$

$$\gamma_d = \frac{P_d}{q_h L_{\text{юк}}} = \frac{7,5 \cdot 10 + 7,5 \cdot 15 + 6 \cdot 50}{7,5(10 + 15 + 50) \text{км}} = \frac{487,5 \text{ткм}}{562,5 \text{ткм}} = 0,87$$

3-мисол. Ўша автомобиль 2 марта юк ташиган, шу жумладан 1-қатновда 4 т юкни 10 км масофага ва 2-қатновда 7 т юкни 40 км масофага ташиган.  $\gamma_{ct}$  ва  $\gamma_d$  ларни аниқлаш лозим.

$$\gamma_{ct} = \frac{Qa}{q_h \cdot Z_K} = \frac{4t + 7t}{7,5 \cdot 2} = \frac{11t}{15t} = 0,733;$$

$$\gamma_d = \frac{P\phi}{q_h \cdot L_{\text{тас}}^{\text{авт}}} = \frac{4t \cdot 10 \text{км} + 7t \cdot 40 \text{км}}{7,5t \cdot (10 \text{км} + 40 \text{км})} = \frac{320 \text{ткм}}{375 \text{ткм}} = 0,853$$

Хулоса қилиб айтганда, юк ташиш автомобилларидан фойдаланишда статик ва динамик юк күтарувчанликдан фойдаланиш коэффициентлари күйидаги икки хусусий ҳолда ўзаро тенг бўлади:

1. Агар бир автомобиль ҳар хил масофага ва амалда бир хил ҳажмдаги юк ташиса, яъни  $q_{\text{авт}} = \text{const}$ .

2. Агар бир автомобиль ҳар хил ҳажмдаги юкни, бир хил масофага ташиганда, яъни  $l = \text{const}$ .

Бундай ҳолларда  $\gamma_d$  дан фойдаланилади.

Автомобиль бир неча юкли қатновни ҳар хил масофада амалга ошириб, ҳар сафар ҳар хил ҳажмдаги юкни ташиганда  $\gamma_d$  дан фойдаланилади.

Юк күтарувчанликдан фойдаланиш коэффициенти тезкор режалаштириш ва ташиш режасини таҳлил қилиш, айниқса транспорт воситалари турини танлаш ҳамда уларнинг зарур миқдорини ҳисоблашда катта аҳамиятга эга. Юк күтарувчанликдан фойдаланиш коэффициентини ошириш берилган ҳажмдаги юк ташишга зарур бўлган транспорт воситалари сонини камайтириш имконини беради.

Юк күтарувчанликдан фойдаланиш коэффициенти юқори даражада бўлиши учун: танланаётган транспорт воситаси тури ташишга мўлжалланган юк ҳажми ва юк оқими таркибига мос бўлиши керак; автомобилнинг кузови ташладиган юк тури ва характеристига мос бўлиши керак; ихтисослаштирилган автомобиллардан фойдаланиш (масалан, пахта хом ашёси ташишда қоп-қанорсиз ташишга мўлжалланган ва бортлари ортирилган пахта ташувчи автопоезд); юкларни иложи борича зичлаб жой-

лаш (масалан, хашак ва хашаксизон юкларни пресслаб зичлаш ва ҳ.к.); майда партияли юкларни олдиндан йўналишларига қараб (айниқса шаҳарлараро ташишда) гурухлаш лозим.

Автобус саройи ва унинг ўртача сифимидан фойдаланиш тушунчалари, юк автомобиллари саройи ҳамда унинг ўртача юк кўтара олиш тушунчасидан принципиал фарқланмайди. Автобуслар сифими ҳам юк автомобилларининг юк кўтарувчанигидан фойдаланиш коэффициенти каби пассажирлар сифимидан фойдаланиш коэффициенти билан ифодаланади. Бундай коэффициент пассажирлар оқими билан бевосита боғланган бўлиб, кун мобайнидаги соатларда, кун давомида пассажирлар ҳаракати йўналишига кўра, ҳафта кунларида, йил ойлари ҳамда мавсум ва шунга ўхаш сабабларга кўра ўзгариб туради.

Пассажирлар сифимидан фойдаланиш коэффициенти ( $\gamma$ ) автобуснинг тўлганлиги билан характерланади. Юк ташувчи автомобиллардаги каби пассажирлар сифимидан фойдаланишнинг статик ва динамик коэффициентлари мавжуд.

Пассажирлар сифимидан фойдаланишнинг статик коэффициенти рейс давомида ташилган пассажирлар умумий сонини автобуснинг номинал сифимига нисбати сифатида аниқланади. Пассажирлар сифимидан фойдаланишнинг динамик коэффициенти эса амалда бажарилган транспорт иши (пассажир обороти)нинг бутун ташиш мақосаси давомида автобус номинал сифимидан тўла фойдаланилгандаги транспорт ишига нисбати сифатида аниқланади.

Соатбай ишловчи автобусларда, енгил такси ва бошқа автомобилларда ташилган пассажирлар сони инобатга олин-маслиги учун, бундай ташишларда улар сифимидан фойдаланиш коэффициенти аниқланмайди.

Автобуслар сифимидан фойдаланишнинг статик коэффициенти пассажирларнинг рейс давомидаги алмашувини ҳисобга олмаганлиги учун, амалда бу кўрсаткичдан фойдаланилмайди. Автобус саройи ишини режалаштириш ва таҳлил этишда  $\gamma$ , ишлатилади.

Пассажирлар сифимидан фойдаланиш коэффициенти автобусларнинг иш унумига катта таъсир этувчи кўрсаткич-

Транспорт воситасининг қатнов масофаларидан фойдаланиш даражасини белгиловчи коэффициент  $\beta$  унумли қатнов масофаларини умумий масофага нисбати сифатида аниланади.

Бир автомобильнинг бир юкли қатнови учун:

$$\beta = \frac{l_{ок}}{l_{ум}} = \frac{l_{ок}}{l_{ок} + l_{бк} + l_0} \quad (12)$$

Бир автомобильнинг смена ёки бир сутка давомидагиси:

$$\beta = \frac{L_{ок}}{L_{ум}} = \frac{L_{ок}}{L_{ок} + L_{бк} + L_0} \quad (12^*)$$

Автомобиллар саройининг бир кунлик иши давомидагиси

$$\beta = \frac{L_{вок}}{L_{ум}} = \frac{L_{ок}}{L_{ок} + L_{бк} + L_0} \quad (12'')$$

Ушбу кўрсаткич календарь кунлар учун

$$\beta = \frac{AK_k \cdot L_{ок}}{AK_k \cdot L_{ум}}$$

Транспорт воситаларининг босиб ўтган масофаси ташишнинг самарали булишига катта таъсир этади. Маблағлар ва вақт сарфи талаб этилишини ҳисобга олинса, қатнов масофаларидан фойдаланиш коэффициентининг иложи борича катта булиши ва унинг қиймати бир ёки унга яқинлашиши ташиш таннархини арzonлаштиришга имкон беради.

Қатнов масофасидан фойдаланиш коэффициенти қийматига қўйидаги омиллар таъсир этади:

— юк ва пассажирлар оқими таркиби ва йўналиши, ортиш-тушириш пунктларининг жойлашганлиги, пунктлар аро ҳаракат йўналиши ва ташишни ташкил этиш. Икки ёқлама юк ва пассажирлар оқими мақсадга мувофиқдир. Аммо, юк ташишда қатнов масофасидан кўпроқ фойдаланишга юк ва кузов турлари маълум даражада таъсир кўрсата-

ди. Масалан, сут ёки бензинни маҳсуслаштирилган цистерна-да ташилганда  $\beta$  коэффициент қиймати 0,5 га яқин, холос. Чунки автомобиль шассисига ўрнатилган цистерна бошқа турдаги юкларни ташиш имконини бермайды ва юкли ҳаракат бир томонлама бўлади. Яна бошқа мисол: биринчи йўналишда тошкўмир ташилган автомобилда, орқа йўналишда кузовни юваб, тозалаб ва санитария талабига етказмасдан туриб дон маҳсулотини ташиб бўлмайди;

— юк ташишни маршрутлаш, қатнов масофаларидан фойдаланиш коэффициентини оширишнинг муҳим бир йўлидир. Катта шаҳарларда ва аҳоли яшовчи жойларда қатнов масофалари коэффициентини ошириш учун илдам режалаштиришда чизиқли математик дастурлар усулини қўллашнинг аҳамияти катта. Бунда замонавий ЭҲМ лардан фойдаланиш лозим. Шаҳарлар ва вилоятлараро узоқ масофаларга юк ташишда автомобилларни иложи борича икки томонлама юклаш жуда муҳим вазифадир;

— автомобилларни орқа йўналишларда ҳам юк билан қатновига ўз ҳиссасини қўшувчи ҳайдовчиларга моддий рафбатлантириш тизимини кенг қўллаш;

— иложи борича нолинчи қатновлар масофасини камайтириш.

Бунинг учун АТС ларни катта ҳажмли юк жўнатувчилар ёки қабул қиливчиларга яқинлаштириш ҳамда кун (смена) давомида ёнилгини қайта олишликка йўл қўймаслик зарур. Нолинчи қатнов масофаси катта бўладиган ҳолларда АТС филиалини юк ҳосил этувчи ёки қабул этувчиларга яқинлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Агар автомобиль  $T_{\text{нн}}$  вақтда юкни ўртача масофага ( $I_{\text{юк.урт}}$ ) ташиса ва маршрутдаги қатнов масофасидан фойдаланиш коэффициенти ( $\beta_m$ ) маълум бўлса, унинг ташишни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган маршрутдаги масофаси:

$$L_z = \frac{I_{\text{юк.}}}{\beta_m} \cdot Z_{\text{ю.к.}}, \text{ км.} \quad (13)$$

Иш куни давомидаги умумий қатнов масофаси:

$$L_{\text{ум.}} = \frac{I_{\text{юк.}}}{\beta_m} \cdot Z_{\text{ю.к.}} + I_0 = \frac{I_{\text{юк.}}}{\beta} \cdot Z_{\text{ю.к.}} \quad (13')$$

Бунда  $I_{\text{юк}}$  — юкли қатновлар масофасининг ўртача қиймати, км;

$\beta_m$  — маршрут ичи қатнов масофасидан фойдаланиш коэффициенти;

$Z_{\text{юк}}$  — кун давомида юкли қатновлар сони;

$I_o$  — автомобилнинг кунлик нолинчи қатнов масофаси, км;

$\beta$  — иш қуни давомидаги қатнов масофасидан фойдаланиш коэффициенти.

Қатнов масофаларидан унумли фойдаланиш коэффициенти күп жиҳатдан АТС маркетинг бўлими ходимларининг аниқ ва тезкор иш олиб боришиларига боғлиқ. Транспорт ҳудудидаги юк оқимлари ва юк жўнатувчи ва қабул қилувчилар зарурати аниқ бўлган тақдирда, амалда барча ҳолларда ҳам қатнов масофаларидан унумли фойдаланиш коэффициентини ошириш имкони булади. Бунда автомобилларнинг орқа йўналишда ҳам юк билан ишлашини ташкил этиш ва ҳалқасимон маршрутлар тузиш аҳамияти жуда катта.

Қатнов масофаси унумли коэффициентини шаҳарлар, вилоятлароро ва ҳалқаро ташишларда марказлаштирилган ташишларни маршрутлар бўйича ташкил этиб, ҳаракат жадвалларини транспорт-экспедицион идоралар билан йўлга солиш орқали ошириш ҳам катта аҳамиятга эга.

Маршрутли автобуслар амалда икки томонлама пассажирлар билан қатнашини инобатга олганда, автобусларнинг маршрут ичи бўш қатновлари бўлмайди.

### 6.5. Юкли ўртача қатнов масофаси, юк ташиш ўртача масофаси, пассажирлар алмашуви коэффициенти ва пассажирлар ўртача қатнов масофаси

Бир суткали ўртача қатнов масофаси транспорт воситалари ва ҳайдовчиларнинг қанчалик жадал (интенсив) ишлашига боғлиқ булиб, ёнилғи сарфи, ТХК чизмаси, режадаги ёки ҳисобий давр ичida транспорт иши ҳажмидан ўз аксини топади.

Автомобиллар саройи бўйича ўртача суткали қатнов масофаси барча марка (моделли) автомобиллар умумий

қатнов масофасининг эксплуатациядаги автомобиль-кунлар јиғиндисига нисбати сифатида аниқланади:

$$L_{\text{сұрт.}} = \frac{\Sigma L_{\text{ым.}}}{\Sigma AK_3} = \frac{L_{\text{ым.1}} + L_{\text{ым.2}} + \dots + L_{\text{ым.п}}}{AK_{31} + AK_{32} + \dots + AK_{3п}} \quad (14)$$

Суткали ўртача қатнов масофаси иш режими, автомобиллар ҳаракат тезлиги, ортиш-тушириш ёки чиқиш-тушиш вақтларида тұхтаб туриш, автобус (ёки улар бригадасы) маршруттарининг сұнгги тұхташ жойларida тұхтаб туришларга боғлиқдир. Ҳаракат тезлигини оширишни ва тұхтаб туриш жойларida (сұнгги тұхтаб туриш жойларida) туриш вақтларини камайтириш суткали ўртача қатнов масофасини оширади.

Ҳаракат хавфсизлигига оид барча талаблар бажарилған ҳолда суткали ўртача қатнов масофаси ва босиб үтилған масофадан фойдаланиш коэффициентини ошириш автотранспорт саройларининг асосий вазифаларидан бири-дир.

Юк ташишда юкланған автомобилларнинг ортиш-тушириш жойлари орасидаги қатнови *юкли қатнов* ва унинг масофаси *юкли қатнов масофаси* деб аталади. Одатда эксплуатацион ҳисобларда юкли қатнов масофаларининг ҳар хиллигини инобатта олиб юкли қатнов масофаларининг ўртача миқдоридан фойдаланилади.

Юкли қатнов масофалари ( $I_{\text{юк.}}$ )нинг ўртача миқдори, умумий юкли қатнов масофасининг ўша даврдаги юкли қатновлар сони ( $Z_{\text{юк.}}$ ) га нисбати сифатида аниқланади:

$$I_{\text{юк. ұрт.}} = \frac{L_{\text{юк.}}}{Z_{\text{юк.}}}, \text{ КМ.} \quad (15)$$

Агар ишдаги вақт ( $T_{\text{иш.}}$ ), юкли қатновлар сони ( $Z_{\text{юк.}}$ ), юкли қатнов масофасининг ўртача қиймати ва маршрутдаги қатнов масофасидан фойдаланиш коэффициенти ( $\beta_m$ ) маълум бўлса, ташишни бажариш учун босиб үтилған масофа:

$$L_k = \frac{I_{\text{юк.}}}{\beta_m}, \text{ КМ} \quad (16)$$

бир күн давомидаги умумий қатнов масофаси

$$L_{ym} = \frac{L_{yok}}{\beta_m} Z_{yok} + L_o = \frac{L_{yok}}{\beta} Z_{yok} = \frac{L_{yok}}{\beta} \text{ дан} \quad (17)$$

иборат бұлади.

Юк ташишда 1 т юкни ўртача ташиш масофаси юк ҳосил этувчи пунктлар жойлашуви, уларнинг юк оборо-ти, юк оқими таркиби, транспорт воситалари тури. но-минал юк күтариш коэффициентларига бағлиқдир.

Ўртача ташиш масофаси 1 т юкнинг ўртача қанча ма-софага ташилғанligини күрсатади ва у тонна-километр-ли юк оборотининг тонналарда ўлчанувчи ташилған юк-лар миқдори ( $Q$ ) га нисбати тарзидә аниқланади:

$$L_{ypt} = \frac{P_{tkm}}{Q_r}, \text{ км.} \quad (18)$$

Бир марта юкли қатнов учун  $l_{yok}$  миқдори билан  $l_{ypt}$  үзаро тенгдір, чунки

$$l_{ypt} = \frac{P_k}{Q_k} = \frac{q_a l_{yok}}{q_a} = l_{yok}. \quad (19)$$

Бир күн ёки смена давомидаги  $l_{yok}$  ва  $l_{ypt}$  бир автомобилда ҳар хил миқдордаги юкларни бир хил масофага ёки бир хил миқдордаги юкларни ҳар хил масофага ташил-ганда үзаро тенг бўлади:

$$l_{ypt} = \frac{P}{Q} = \frac{q_a l_{yok} + q_{a2} l_{yok} + \dots + q_{an} l_{yok}}{q_{a1} + q_{a2} + \dots + q_{an}} = \frac{l_{yok} (q_{a1} + q_{a2} + \dots + q_{an})}{(q_{a1} + q_{a2} + \dots + q_{an})} = l_{yok}$$

$$\begin{aligned} l_{ypt} &= \frac{P}{Q} = \frac{q_a \cdot l_{yok1} + q_a l_{yok2} + \dots + q_a \cdot l_{yoki}}{q_a Z_{yok}} = \\ &= \frac{q_a (l_{yok1} + l_{yok2} + \dots + l_{yoki})}{q_a Z_e} = \frac{L_{yok}}{Z_{yok}} = l_{yok} \end{aligned}$$

Буни мисоллар ечимида кўриб чиқамиз.

1-мисол. Юк күтаришувчанлиги 6 т бўлган 8 та ЗИЛ-130-76 автомобилининг ҳар бири 2 маротаба 60 км масофага

юк ташиган, 4 т юк күттарувчи 4 та ГАЗ-53Ф маркали автомобиллар 10 маротаба юкли қатновни 10 км масофада бажарди. Иккала автомобилларни ишлатишда уларнинг юк күттарувчанлигидан тұла фойдаланилған.  $I_{\text{юк}}$  ва  $L_{\text{урт}}$  ни аниқлаш зарур.

Ечими:

а) ЗИЛ-130-76 маркали автомобиллар учун:

$$Z_{\text{юк1}} = 8 \text{ авт} \times 2 \text{ юк} = 16 \text{ юк};$$

$$L_{\text{юк1}} = 16_{\text{юк}} \times 60 \text{ км} = 960 \text{ км};$$

$$Q_1 = 16_{\text{юк}} \times 6 \text{ т} \times 1,0 = 96 \text{ т};$$

$$P_1 = 96 \text{ т} \times 60 \text{ км} = 5760 \text{ ткм};$$

б) ГАЗ-53 Ф маркали автомобиллар учун:

$$Z_{\text{юк2}} = 4 \text{ авт} \times 10 \text{ юк} = 40 \text{ юк};$$

$$L_{\text{юк2}} = 40_{\text{юк}} \times 10 \text{ км} = 400 \text{ км};$$

$$Q_2 = 40_{\text{юк}} \times 4 \text{ т} \times 1,0 = 160 \text{ т};$$

$$P_2 = 160 \text{ т} \times 10 \text{ км} = 1600 \text{ ткм};$$

$$\text{Умумийси } Z_{\text{юк}} = Z_{\text{юк1}} + Z_{\text{юк2}} = 16_{\text{юк}} + 40_{\text{юк}} = 56_{\text{юк}}$$

$$L_{\text{юк}} = L_{\text{юк1}} + L_{\text{юк2}} = 960 \text{ км} + 400 \text{ км} = 1360 \text{ км}$$

$$Q = Q_1 + Q_2 = 96 \text{ т} + 160 \text{ т} = 256 \text{ т}$$

$$P = P_1 + P_2 = 5760 \text{ ткм} + 1600 \text{ ткм} = 7360 \text{ ткм}$$

Юк билан қатнов масофаларининг ўртача қиймати:

$$I_{\text{юк}} = \frac{L_{\text{юк}}}{Z_{\text{юк}}} = \frac{1360 \text{ км}}{56 \text{ юк}} = 24,3 \text{ км.}$$

Юк ташиш ўртача масофаси:

$$L_{\text{урт}} = \frac{P}{Q} = \frac{7360 \text{ ткм}}{256 \text{ т}} = 28,75 \text{ км.}$$

Мазкур мисолда юк ташиш ўртача масофаси юкли қатнов масофаларининг ўртача қийматидан фарқли ва қиймати жиҳатдан анчагина катта. Буни шу билан изохлаш керакки, ЗИЛ-130-76 автомобилининг юк күттарувчанлиги каттароқ ва узоқ масофага юк ташигани учун унинг умумий юкли қатнов масофасидаги нисбий ўрни каттадир. 1360 км умумий юкли қатновдаги ЗИЛ-13-76 автомобилининг улуси 960 км ёки 87,3%, 7360 ткм умумий юк оборотидаги улуси 5760 ткм ёки 78,3 % .

бир

ибс

хос  
ти  
ми

са  
ли  
л

2-мисол. Юклар 8 та КамАЗ-5320 автомобилида ташиган. Улардан 2 таси 4 марта юк күтариш коэффициент  $\gamma = 1,0$  бўлган ҳолда 10 км масофага юкли қатнаган; 5 тасида  $\gamma = 0,6$  бўлиб, 20 км масофага 3 марта юкли қатналган. Ўзганда автомобиль юк күтариш коэффициенти  $\gamma = 0,9$  бўлган ҳолда 40 км масофага 2 марта юк ташиган.  $l_{\text{юк}}$  ва  $l_{\text{урт}}$  ларни аниқлаш лозим.

Ечими:

Юкли қатновлар ўртача миқдори:

$$l_{\text{урт}} = \frac{A_1 Z_{\text{юк}1} l_{\text{юк}1} + A_2 Z_{\text{юк}2} l_{\text{юк}2} + A_3 Z_{\text{юк}3} l_{\text{юк}3}}{A_1 Z_{\text{юк}1} + A_2 Z_{\text{юк}2} + A_3 Z_{\text{юк}3}} = \\ = \frac{2 \cdot 4 \cdot 10 + 5 \cdot 3 \cdot 20 + 1 \cdot 2 \cdot 40}{2 \cdot 4 + 5 \cdot 3 + 1 \cdot 2} = 18,4 \text{ км.}$$

Юк ташиш ўртача масофаси:

$$l_{\text{урт}} = \frac{A_1 Z_{\text{юк}1} l_{\text{юк}1} \gamma_1 + A_2 Z_{\text{юк}2} l_{\text{юк}2} \gamma_2 + A_3 Z_{\text{юк}3} l_{\text{юк}3} \gamma_3}{A_1 Z_{\text{юк}1} \gamma_1 + A_2 Z_{\text{юк}2} \gamma_2 + A_3 Z_{\text{юк}3} \gamma_3} = \\ = \frac{2 \cdot 4 \cdot 10 \cdot 8 \cdot 1,0 + 5 \cdot 3 \cdot 20 \cdot 8 \cdot 0,6 + 1 \cdot 2 \cdot 40 \cdot 8 \cdot 0,9}{2 \cdot 4 \cdot 8 \cdot 1,0 + 5 \cdot 3 \cdot 8 \cdot 0,6 + 1 \cdot 2 \cdot 8 \cdot 0,9} = 13,4 \text{ км.}$$

Демак, ҳар бир тонна юк ташиш масофаси ( $l_{\text{урт}}$ ) — автомобилнинг ҳар бир юкли масофасинигина қамраб қолмай, ҳар қатновда қанча юк ташилишини ҳам ҳисобга олувчи, яъни юк күтарувчаниликдан фойдаланиш коэффициенти даражасини ҳисобловчи қўрсаткичdir.

$l_{\text{юк}}$  нинг  $l_{\text{урт}}$  дан фарқ қилиши автомобиль ёки автопоездлар хар хил миқдорда юк ташиши билан боғлиқdir. Бошқача қилиб айтганда,  $\gamma_y$  нинг  $\gamma_{ct}$  га нисбати  $l_{\text{урт}}$  нинг  $l_{\text{юк}}$  га нисбатига тенг, яъни

$$\frac{\gamma_d}{\gamma_{ct}} = \frac{l_{\text{урт}}}{l_{\text{юк}}} \quad (20)$$

Бундан  $\gamma_d = \frac{\gamma_{ct} l_{\text{урт}}}{l_{\text{юк}}}$  келиб чиқади.

Буни мисолда текшириб чиқамиз.

Мисол. ГАЗ-53Ф автомобили 2 марта юкли қатновни бажариб, биринчи қатновда 2 т юкни 9 км масофага ва иккинчи қатновда эса 3,4 т юкни 30 км масофага ташиган. Айни ҳол учун юқоридаги формуланинг аниқлиги текшириб кўрилсин.

Ечими:

$$l_{\text{ок}} = \frac{L_{\text{ок}}}{Z_{\text{ок}}} = \frac{9 \text{ км} + 30 \text{ км}}{2} = 19,5 \text{ км},$$

$$l_{\text{ок}} = \frac{P}{Q} = \frac{2t \cdot 9 \text{ км} + 3,4t \cdot 30 \text{ км}}{2t + 3,4t} = 22,2 \text{ км},$$

$$\gamma_{ct} = \frac{Q_a}{q_h Z_{\text{ок}}} = \frac{2t + 3,4t}{4t \cdot 2} = 0,675,$$

$$\gamma_a = \frac{P_a}{q_h L_{\text{ок}}} = \frac{2t \cdot 9 \text{ км} + 3,4t \cdot 30 \text{ км}}{4t \cdot (9 \text{ км} + 30 \text{ км})} = 0,77;$$

$$\frac{l_{\text{упт}}}{l_{\text{ок}}} = \frac{22,2}{19,5} = 1,13,$$

$$\frac{\bar{\gamma}_E}{\gamma_{ct}} = \frac{0,77}{0,675} = 1,13.$$

Маршрутдаги пассажирларни автобусда ташишда тугалланган транспорт жараёни *рейс* деб аталади. Пассажирларнинг алмашиши дейилганда бажарилган рейс давомида ташилган пассажирлар сонининг автобусдан тұла фойдаланылған ўринларга нисбати тушунилади. Микдор жиҳатдан бу күрсаткыч ҳар бир ўриндиқтан рейс давомида нечта пассажир фойдаланғанлигини билдиради. Айни коэффициент маршрут узунлиғи масофаси ( $L_m$ ) нинг пассажирлар ўртаса қатнов масофаси ( $l_{\text{урт}}$ )га нисбатига тенгdir:

$$\eta_{\text{урт.}} = L_m / l_{\text{урт.}}$$
 (21)

Пассажирларнинг ўртаса юриш масофаси дейилганды, барча пассажирлар босиб ўтган ўрта арифметик микдор тушунилади:

$$l_{\text{урт.}} = \sum l_{\text{урт.}} / Q, \text{ км}$$
 (22)

Бунда  $Q$  — ташилган умумий пассажирлар сони.

**Транспорт воситаларининг маршрутлардаги иш режими ( $T_{\text{иши}}$ )** иш вақти бирлигига ўлчанувчи уларнинг АТС назорат жойидан ишга чиқиб кетиб, иш ниҳоясида яна саройга қайтиб келиб, юқоридаги назорат жойидан ўтишгача вақт тушунилади. Бунда айтилган вақтдан тушлик учун берилған вақт чегириб ташланади.

Транспорт воситалари иш режими у ишлайдиган маршрут, мижозларнинг ортиш-тушириш жойлари иш режими ҳамда ҳайдовчилар билан таъминланганликка боғлиқdir. Транспорт воситалари сутка давомида ҳайдовчилар ҳамда пассажирлар оқими етарли даражада ва ортиш-тушириш жойлари бетұхтов ишлаганда бир, икки ёки ундан ҳам күп сменада тұхтамасдан ишлаши мүмкін. Масалан, темир йүлнинг юқ ва пассажирлар бекатларида, сув портларида ва ҳ.к жойларда.

Одатда, бир иш смена вақти 6 соатдан 12 соатгача давом этиши мүмкін. Юқ ташувчи автомобилларнинг иш маршрутида булиш вақти ташкилий жиҳатдан яхши йүлга қўйилган умум фойдаланиш автотранспортида бу кўрсаткич 10 соат атрофидадир, баъзи АТС ларда иш режими 15-16 соатгача етади. Очиқ конларда ишловчи (жуда күп юқ кўттарувчи) автосамосвалларнинг иш режимини туну-кун бетұхтов қилиш мақсадга мувофиқdir.

Автомобилларнинг иш режимини иложи борича ошириш автотранспорт саройи ходимларининг мұхим вазифаларидан ҳисобланади. Бунинг ижобий ечими эса транспорт воситаларининг иш унумни ошириш ҳамда ташиш таннархини арzonлаштиришнинг асосий шартидир.

Транспорт воситаларининг иш вақти транспорт жараёнини бажариш учун зарур бўлган вақт ва бекор туриш (шу жумладан, ТХК ва таъмирда булиш) вақтларидан иборат. Транспорт жараёнини бажариш учун зарур бўлган вақтга транспорт воситаси ҳаракати билан боғлиқ вақт ва пассажирларнинг уларга чиқиш-тушиш ёки юкларни ортиш-тушириш вақтлари киради.

Автомобилларнинг ишда бўлиш вақти, уларнинг айни маршрутда бўлиш вақти ( $T_m$ ) ва нолинчи қатнов ҳаракатига зарур вақт йиғиндисидан иборат бўлади:

$$T_{\text{иши}} = T_m + t_{\text{нолинчи}} \text{ соат} \quad (23)$$

Ўз навбатида, юқ автомобилларининг маршрутда бўлиш вақти қўйидагича бўлади:

$$T_m = T_x + T_{o-t} + T_{6.t}, \text{ соат} \quad (24)$$

бунда,  $T_x$  — автомобилнинг маршрутдаги ҳаракат вақти;

$T_{o-t}$  — автомобиль (автопоезд)га юқ ортиш-туширишга сарфланган вақт (унга ҳужжатларни расмийлаштириша унумсиз туриш вақти ҳам киради);

$T_{6.t}$  — транспорт воситасининг ҳар хил сабабарга кўра бекор туриш вақти.

Пассажирлар ташиш маршрутдида ишловчи автобусларнинг маршрутдаги вақти, уларни ҳаракат вақти, орлиқ тўхташ жойларида чиқиш (тушиш) вақти ( $T_{q-t}$ ) ва маршрутлар ниҳоясидаги тўхтаб туриш вақти ( $T_{t.t}$ ) йиғиндисидан иборат бўлади. Маршрутда техник ёки ташкилий ва ҳ.к сабабларга кўра (иш ҳужжатида белгиланган) туриб қолиш вақтлари  $T_{6.t}$  га киритилиши зарур. Айтилганларга кўра, маршрутда ишловчи автобусларнинг вақт сарфи, қўйидаги йиғиндидан иборат бўлади:

$$T_m = T_x + T_{q-t} + T_{t.t} + T_{6.t} \quad (25)$$

Маятниксимон маршрутларда ишловчи автобуслар учун:

$$t_x = \frac{2L_m}{V_t}, \text{ соат}; \quad (26)$$

$$t_x + T_{q-t} = \frac{2L_m}{V_{II.t}}, \text{ соат}; \quad (26')$$

$$t_x + T_{q-t} + T_{t.t} = \frac{2L_m}{V_3}, \text{ соат}. \quad (26'')$$

Автобуснинг маршрутнинг иккала томонига бориб қайтиш (айланиб келиш) вақти ( $t_{a.y.l.}$ ) қўйидагича бўлади:

$$t_{a.y.l.} = \frac{2L_m}{V_3} = \frac{2L_m}{V_t} + T_{q-t} + T_{t.t}, \text{ соат}, \quad (27)$$

бунда  $L_m$  — маршрут масофаси, км;

$V_t$  — ҳаракат тезлиги, км/соат;

$V_{пт}$  — пассажирнинг ўз манзилига етиб бориш тезлиги, км/соат;

$V$  — эксплуатацион тезлик, км/соат.

Юк ташиш транспорт жараёни учун шарт бўлган ортиш-тушириш вақтида автомобилнинг бекор туриш вақти меъёр билан чекланган булиб, у транспорт жараёни учун зарур вақт қаторига киради. Аммо, автомобилнинг бундай бекор туришини ортиш-тушириш ишларини механизациялаш ҳамда бундай операцияларни оқилона ташкил этиш ҳисобига иложи борича камайтиришга интилиш керак. Ҳар хил сабабларга кўра бекор туриб қолиш (масалан, ишга чиқарилган автомобилнинг техник бузуқлиги ва ҳ.к.) транспорт ва мижозлар ишида камчиликлар борлигини кўрсатади. Бундай бекор туришларга батамом барҳам бериш учун курашиб зарур. Бундай туришлар транспорт ишида режалаштирилмайди, аммо уларни аниқ белгилаб бориш ва кейинчалик таҳлил этиб, уларнинг олдини олиш зарур.

Ўртacha иш режими ёки бир автомобилнинг ишда ўртacha бўлиш вақти ( $T_{ишиш.урт}$ ), барча ишдаги автомобиллар иш соатларининг календарь давр ичида автомобилнинг эксплуатацияда бўлиш кунларига нисбати сифатида аниқланиди:

$$T_{ишиш.урт} = \frac{AT_{ишиш}}{AK}, \text{ соат} \quad (28)$$

Автомобилнинг ўртacha иш режими транспорт воситалари учун режа (иш чизмаси)да белгиланган вақт билан тўғри келмаслиги мумкин. Бунинг сабаби турлича бўлиши мумкин. Кўпинча бундай ҳоллар юк ташишда автомобилларнинг иш маршрутида бўлишининг ортиш-тушириш жойлари ишларига ўзаро боғланмаганлиги туфайли юзага келади. Бунинг натижасида баззи автомобиллар режада белгиланган вақтдан анча кеч автотранспорт саройига қайтиши мумкин. Бундай ҳолларда режани тўғрилаш ва муаммони илдам суръатда транспорт ташкилотлари ва мижозлар биргаликда ҳал қилишлари лозим.

Үртача ҳаракат вақти ( $t_{x,ypt}$ ) ҳаракатдаги барча автомо-  
биль-соатлар (АТх)нинг автомобилларнинг эксплуатацияда  
бўлган кунларига нисбати тарзида аниқланади:

$$t_{x,ypt} = \frac{AT_x}{AK_3}, \text{ соат} \quad (29)$$

Автомобилларнинг бир кунлик бекор туриб қолган вақ-  
тлари

$$t_{6.t.k.} = \frac{AT_{6.t.}}{AK_3}, \text{ соат} \quad (29')$$

Ушбу кўрсаткичнинг бир қатновга тўғри қилувчи миқ-  
дори:

$$t_{6.t.} = \frac{AT_{6.t.}}{AK_3}, \text{ соат} \quad (29'')$$

Ишда бўлган автомобилларнинг жадал ишланганилиги иш  
вақтидан фойдаланиш коэффициенти ( $\eta_{iss}$ ) орқали аниқла-  
нади:

$$\eta_{iss} = \frac{AT_x}{AK_{iss}} \quad (30)$$

Бу коэффициентнинг миқдори барқарор ортиш-туши-  
риш жойли маршрутларда, ортиш-тушириш меъёrlари аниқ  
бажарилувчи жойларда юқори бўлиши мумкин. Бу кўрсат-  
кичнинг энг юқори даражаси ортиш-тушириш ишлари ме-  
ханизацияшган ерларда бўлади. Ташиб масофаси кичик  
бўлган жойларда бундай коэффициентнинг турғунлигини  
сақлаб туриш қийин бўлиб, унинг энг юқори турғунлиги  
узоқ масофаларга (масалан, шаҳарлар ва вилоятлараро) юқ  
ташишда сақланиши мумкин.

Иш вақтидан фойдаланиш коэффициенти ижобий  
кўрсаткич бўтишига қарамай, у муайян шароитларга боғ-  
лиқдир. Масалан, оғир юклар, қурилиш юкларини (мон-  
таж учун мўлжалланган) ташишда маълум вақтда қури-  
лиш-монтаж механизмларини кутиб автомобилларнинг  
тўхтаб туриши иқтисодий жиҳатдан номақбулдир. Бун-  
дай ҳолларда ташиб ишларини тягачли автопоездлардан

фойдаланган ҳолда моки усулини құллаб, ишни яхшилаш мүмкін.

Иш вақтидан фойдаланишни баҳолашнинг яна бир усули бориб-келиш (айланиш) вақтига құра  $\sigma = t_x/t_{av}$  формулага биноан аниқданилади.

**Ҳаракат тезліктері.** Транспорт воситасининг иш унумы автомобилнинг ҳаракат тезлегі билан тұғридан-тұғри боғлиқдір. Ҳаракат тезлегі эса, авваламбор, автомобилнинг тортиш-динамик хусусияти ва унинг техник ҳолатига боғлиқдір. Бундан ташқари, ҳаракат тезлегі йүл-иктим шароитлари, йүлларда ҳаракатланиш жадаллігі, ҳайдовчилар малакасига боғлиқдір. Ҳар қандай шароитда ҳам белгиланған ҳаракат тезлегі ҳаракат хавфсизлігі ва иш ҳалокат-сизлигини таъминлаши лозим.

Йүл шароитлари ичіда ҳаракат тезлегінде күпроқ таъсир этувчи күрсаткичларға йүл ҳаракат қысмінинг көнглигі, ҳаракат жадаллігі, йүл қопламаси ҳолати, күриниш шароити, йүл әгрилігі радиуси, нишаблық узунлігі ва ажамияти, транспорт ҳаракатини тартибға солишини такомилластириш кабилар киради.

Ҳаракат жадал бұлған йирик шаҳарлар ва улар атрофидаги ҳаракат тезлегі, транспорт оқымлары умумий тезлегінде боғлиқ бұлади.

Автомобилларда юк ташишда транспорт воситаларининг ҳаракат тезлегі ва эксплуатацион тезлегі бир-биридан фарқ қиласы. Автомобилларнинг энг катта тезлегі түшүнчеси ҳам мавжуд.

Техник ҳаракат тезлегі ( $V_t$ ) автомобиллар босиб үтган йүлларнинг ( $L_{km}$ ) шу йүлларни босиб үтишга сарфланған вақт ( $T_x$ )га нисбати тарзіда аниқланади:

якка автомобиль учун  $V_t = L/\Gamma$ , км/соат;  
автомобиллар саройи учун  $V_t = L_{ym}/AT_x$ , км/соат.

Техник ҳаракат тезлегини ҳисоблашда йүл ҳаракатини тартибға солиши билан боғлиқ жуда қисқа вақт йүлдә тұхташлар (светофорлы ёки оддий чоррача, темир йүл шохобчаларидан үтиш) ва шу кабилар ҳаракат вақтига құшилади.

Хозирғи давр автомобиллари юқори даражали тортиш-динамик хусусияттарға зәңгірлеңген, улар миқдори эски моделли автомобиль күрсаткичларидан анча юқори.

Одатда, автомобиль двигателининг қуввати унинг күтартуучылыгы мосланган бўлади. Шунинг учун юк күтартувчанлик ошгани билан автомобилларнинг ҳаракат тезликлари шаҳардан ташқаридаги магистраль йўлларда камаймайди. Масалан, МАЗ-516 маркали автомобилнинг юк күтартуучылыги ГАЗ-53 автомобилига нисбатан 4 маротаба ортиқ бўлишига қарамай, уларнинг энг юқори (максимал) ҳаракат тезликлари фарқи 3% дан ошмайди. Бинобарин, юк күтартувчанлиги ҳар хил бўлган ҳозирги давр автомобиллари бир хил йўл шароитларида тахминан ўзаро тенг тезлик билан ҳаракатланади. Шуни ҳисобга олиб, шаҳардан ташқаридаги I, II ва III гурӯҳга мансуб йўллардаги ҳаракат тезликлари уларнинг юк күтартувчанликларидан қатъи назар бир хил меъёрда белгиланади.

Шаҳар ичи йўлларининг қопламасидан қатъи назар юк автомобиллари учун ҳисобий ҳаракат тезлиги: юк күтартувчанлиги 7 т (цистерналарда бт) гача — 25 км/соат; юк күтартуучылыги 7 т ва ундан ортиқ бўлса — 24 км/соат қилиб меъёrlанади. Катта шаҳарлар чегарасидан 10 км ташқаридаги йўлларда ҳам юқоридаги ҳисобий меъёр қўлланилади. Кичик шаҳар ва аҳоли зич яшовчи жойларда эса фақат улар чегараси ичидагина айтилган ҳисобий меъёр қўлланилади.

Транспорт воситаларининг йўллардаги тезликлари ҳар хил техник-эксплуатацион омиллар йиғиндисига боғлиқ. Йўллар тури ва тўшамасига кўра белгиланувчи уларнинг синфи (таснифи) ҳаракат тезлигини белгилашга асос бўлмайди, чунки тўшаманинг ҳолати йилнинг мавсумига, ёғингарчилик ва едирилганлик даражасига боғлиқдир. Булар ҳаракат тезлигига таъсир этиб, унинг миқдорини 15-20 % га камайтириши мумкин. Баландлик (тепалик) ларга эга жойлардаги ҳисобий ҳаракат тезлиги 30-40% га, тоғли ерларда эса 40-50% га камайтирилади. Якка автомобилнинг ҳаракат тезлигига нисбатан тиркамали автопоездлар ҳаракат тезлиги 10-20% га камайтирилади. Юксиз автомобиллар ёки кам пассажирли автобусларнинг ҳаракат тезликлари бироз (8% гача) кўпроқлиги кўзга ташланади. Баъзи шароитларда ҳаракат тезлигининг ҳисобий меъёри ташлаётган юк характеристига (масалан, хавфли юклар) кўра камайтирилиши мумкин.

Юк ва пассажирлар ташиш тезлигини аниқлашда ҳаракат тезлиги барча масалани ҳал этмайди. Автобусларнинг оралиқ (маршрут ичи) тұхтов жойларида туриши, ортиш-туширып операцияларини бажаришда транспорт воситаларининг тұхтаб туриши ташишга зарур бұлған вақтни анча күпайтириб юборади. Ҳаракат ва барча турдаги тұхтаб туришларни ҳисобға олувлы бир соат мобайніда транспорт воситасининг километрларда ұлчанувчи босиб үтган масофаси шартлы равищда эксплуатацион тезлик деб аталади.

Эксплуатацион тезлик ( $V$ ) миқдори транспорт воситасининг бутун иш давомида умумий босиб үтган масофаси ( $L$ ) нинг үша давр (ишдаги) вақт ( $T_m$  соатда) га нисбати тарзда аниқланади:

бир автомобиль учун  $V_s = L/T_m$ , км/соат;  
автомобиллар саройи учун  $V_s = L_{ym}/AT_{ish}$ , км/соат.

Юқоридагига күра автомобильнинг ишда бұлған вақти қуийдеги тенглема билан аниқланади:

$$T_{ish} = L/V_s, \text{ соат} \quad (31)$$

$T_{ish}$  ҳаракат вақти ва барча тұхтаб туриш вақтларини үз ичига олади, яғни

$$\frac{L}{V_s} = \frac{L}{V_t} + T_{o-t}(T_{m..i} + T_{m..r}), \quad (31')$$

Юқоридагига күра эксплуатацион тезлик:

$$V_s = \frac{L}{\frac{L}{V_t} + T_{o-t}(T_{m..i} + T_{m..r})} \text{ км / соат.} \quad (31'')$$

Га тенг бұлади.

Формулалардан күриниб турибиди, эксплуатацион тезлик аниқ йўл шароитидаги ҳаракат техник тезлиги, яғни иш бўғинидаги ўртача юкли қатнов масофаси, йўлдан самарали фойдаланиш коэффициенти ва транспорт воситасининг маршрутда тұхтаб туриш вақтларига боғлиқ экан.

Эксплуатацион тезлик ҳаракат тезлигидан (тахминан 10-30% га) кам бўлади. Эксплуатацион тезлик миқдорига

ташиш масофаси катта таъсир этади. Бу масофа қанча **кичик** бўлса, автомобилнинг маршрутдаги вақти (Тм) га тўғри келувчи пассажирларни автобусга чиқариш ва тушириш ҳамда маршрут ниҳоясида тўхтаб туриши ёки юк ортиш-тушириш операцияларида тўхтаб туришига тўғри келувчи вақт улуши кўп бўлиши ҳисобига, эксплуатацион тезлик шунча кичик бўлади. Демак, ташиш масофаси катта бўлганда, айниқса вилоятлароро (шаҳарлароро) ташишларда, эксплуатацион тезлик шаҳардаги ташишлардагига нисбатан катта бўлади, унинг миқдори ҳаракат тезлигига яқинлашади.

Юк ташишда эксплуатацион тезлик даражасининг ошиши ёки камайиши босиб ўтилган йўлдан самарали фойдаланиш коэффициенти миқдорига қараб ўзгаради. Айни коэффициентнинг юқори бўлиши юкли қатновларнинг кўплигига bogлиқ бўлиб, бунда транспорт воситасининг ортиш-тушириш операциялари кўп бўлиши билан bogлиқ эксплуатацион тезлиги камаяди. Бундаги камайиш салбий ҳол эмас, чунки эксплуатацион тезлик камайгани билан, ташилган юк ҳажми кўп. Шунинг учун эксплуатацион тезликни баҳолашда транспорт воситаларининг аниқ ишлаш шароитлари ҳисобга олиниб, уларнинг иш унуми ҳисобланиши зарур. Эксплуатацион тезликни ошириш учун ортиш-тушириш ишларига белгиланган вақт меъёrlарини қисқартириш, бекор туриб қолиш сабаблари ўрганилиб, уларни йўқотиш ёки камайтириш, ҳаракат техник тезлигини ошириш зарур. Бундай ишлар, кўпинча, ташишни ташкил этишга боғлиқ.

Маршрутда пассажирлар ташувчи автобусларда пассажирларни ўз манзилларига элтиб қўйиш (алоқа тезлиги) тушунчаси киритилади. Алоқа тезлиги деб пассажирларнинг ўз манзилларига етиб бориш ўртача тезлигига айтилади. Бундай тезлик миқдори пассажирларнинг босиб ўтган йўлларини уларнинг йўлда бўлган (автобусгача чиқишига тайёрланнишидан то тушиб кетгунгача) вақтга нисбати сифатида аниқланади. Алоқа тезлиги эксплуатацион тезликдан каттадир. Чунки бундай тезликни ҳисоблашда автобусларнинг бошланғич ва сўнгги бекатлардаги бироз тўхтаб туришлари ҳисобга киритilmайди.

Автомобилларнинг энг катта жоиз тезлиги деб йўл ҳаралати қоидаларига асосан руҳсат берилган тезлик тушунилади. Тезликнинг бундай чекланиши ҳаракат хавфсизлиги ва мунтазамлиги билан боғлиқ. Унинг миқдорига ҳаракат жадаллиги, йўл ва иқлим (об-ҳаво) шароитлари таъсир этади.

## 7-боб

### ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ИШ УНУМИ

#### 7.1. Транспорт воситаларининг иш унумига таъсир этувчи асосий эксплуатацион кўрсаткичлар

Ҳар қандай ускуна ёки жиҳознинг иш унуми дейилгандага унинг вақт бирлигига ишлаб чиқарган маҳсулоти тушунилади. Автомобиллар юк ва пассажирларни маълум масофага ташиб беришини ҳисобга олинса, уларнинг иш унуми вақт бирлигига ташилган юк ва пассажирлар миқдоридан, яъни тонна(пассажир)-километрларда ўлчанувчи транспорт ишидан иборатдир. Масалан, автомобилнинг юк билан бир қатновидаги юк миқдорида ўлчанувчи иш унуми:

$$Q = q_h \gamma_{ct}, \text{ т} \quad (32)$$

бўлса, тонна-километрда бажарилган транспорт иши:

$$P_{юк} = Q_{юк} l_{юк} = q_h \gamma_{ct} l_{юк}, \text{ ткм} \quad (33)$$

дан иборат бўлади.

Айтилганларга қўра, автомобилнинг бир иш куни давомидаги унуми:

$$Q_K = Q_{юк} \times Z_{юк} = q_h \times \gamma_{ct} \times Z_{юк}, \text{ т} \quad (34)$$

$$P_K = P_{юк} \times Z_{юк} = q_h \times \gamma_g \times Z_{юк} \times l_{юк}, \text{ ткм} \quad (35)$$

булади. Бунда  $Z_{\text{юк}}$  — бир иш куни давомида юкли қатновлар сони.

Үз навбатида, нолинчи қатновга сарфланган вақт ҳам ҳисобга олинган бир иш куни давомидаги юкли қатновлар сони:

$$Z_{\text{юк}} = \frac{T_{\text{иш}}}{t_{\text{авл}}}. \quad (36)$$

Бунда  $T_{\text{иш}}$  — автомобильнинг ишда бўлиш вақти, соат;  $t_{\text{авл}}$  — бир тўлиқ қатнов учун зарур вақт, соат.

Бир тўлиқ қатнов учун зарур вақт автомобильнинг юк ортиши пунктидан уни тушириш пунктигача юкли қатнов вақти, юк тушириш пунктидан навбатдаги юк ортиши пунктигача бўш қатнов вақти ҳамда ортиш-тушириш вақти йиғиндисидан иборат бўлади:

$$t_{\text{авл}} = t_x^{\text{юк}} + t_x^{\text{б.к}} + t_{\text{o-t}}, \text{ соат.} \quad (37)$$

бунда:  $t_x^{\text{юк}}$  — автомобильнинг юкли қатнов вақти;

$t_x^{\text{б.к}}$  — бўш қатнов вақти;

$t_{\text{o-t}}$  — транспорт воситасининг юк ортиш-туширишда туриш вақти.

Ҳаракат вақтини аниқлаш учун юкли ва бўш қатновлар масофасини ҳаракат тезлигига бўлиш лозим:

$$t_x = \frac{l_m}{V_t} = \frac{l_{\text{юк}} + l_{\text{б.к}}}{V_t} = \frac{l_{\text{юк}}}{\beta V_t}, \text{ соат.} \quad (38)$$

бунда  $l_{\text{юк}}$  — автомобильнинг юкли қатнов масофаси;

$l_{\text{б.к}}$  — автомобильнинг бўш қатнов масофаси;

$V_t$  — автомобильнинг техник ҳаракат тезлиги.

Амалда бўш қатнов масофасининг аниқ миқдорига кўра, унинг юкли қатновга нисбатан тутувчи ўрни аниқланишини ҳисобга олиб, қатнов масофаларидан унумли фойдаланиш, яъни юкли қатнов коэффициенти кўрсаткичидан фойдаланилади. Бу коэффициент умум қатновдан қайдаражада унумли фойдаланилганини характерлаб, унинг миқдори юкли қатновлар умумий миқдорининг умумий

масофага нисбати сифатида аниқланади ва уни техника адабиётларида  $\beta$  (бетта) ҳарфи билан белгиланади.

Агар автомобильнинг юкли қатновлар масофаси ва йўл қатновидан (йўлдан) фойдаланиш коэффициенти маълум бўлса, автомобильнинг ҳаракат вақти қуийдагича аниқланади:

$$t_x = \frac{l_{ок}}{\beta_m V_T} + \text{соат.} \quad (39)$$

Бир айланиш вақти эса:

$$t_{авл} = t_x + t_{o-t} = \frac{l_{ок}}{\beta_m V_T} + t_{o-t} = \frac{l_{ок} + \beta_m V_T t_{o-t}}{\beta_m V_T} \text{ соат.} \quad (40)$$

Айланиш вақти ва автомобильнинг маршрутда бўлиш вақти ( $T_m$ ) маълум бўлса, иш куни давомидаги қатновлар миқдорини қуийдаги формула бўйича ҳисоблаб топиш мумкин:

$$Z_{ок} = \frac{T_m}{t_{авл}} = \frac{T_m \beta_m V_T}{l_{ок} + \beta_m V_T t_{o-t}}. \quad (41)$$

Нолинчи қатнов ҳам ҳисобга олинганда:

$$Z_{ок} = \frac{T_m \beta V_T}{l_{ок} + \beta V_T t_{o-t}}. \quad (42)$$

бунда  $\beta$  — кун давомидаги, нолинчи қатновни ҳам ҳисобга оловчи, йўлдан фойдаланиш коэффициенти.

Демак, кун давомидаги юкли қатновлар сонини ошириш учун автомобильнинг иш куни (иш вақти ёки каср сурати)ни узайтириш ёки бир айланиш вақти (касрнинг маҳражи)ни камайтириш, ёки бир маҳалнинг ўзида каср суратини ошириш ва маҳражини камайтириш зарур.

Ташиб масофаси берилган ҳолда бир айланиш вақтини камайтириш учун автомобильнинг техник ҳаракат тезлигини ошириш ва автомобильнинг оптиш-тушириш операцияларида бекор туриш вақтини камайтириш лозим бўлади.

*Мисол.* Агар бирор автомобиль маршрутда  $T_m = 10,2$  соат бўлиб, унинг юкли қатнов масофаси  $l_{ок} = 12 \text{ км}$ , тех-

ник ҳаракат тезлиги  $V_t = 20$  км/соат, ортиш-туширишда туриш вақти  $t_{o-t} = 0,5$  соат, юк бир ёқлама ташилса, яъни  $\beta_m = 0,5$  бўлса, юкли қатновлар сони аниқлансин.

Ечилиши:

$$Z_{\text{юк}} = \frac{T_m \beta_m V_t}{l_{\text{юк}} + \beta_m V_t t_{o-t}} = \frac{10 \cdot 2 \cdot 0,5 \cdot 20}{12 + 0,5 \cdot 20 \cdot 0,5} = 6$$

(42) формуладаги кун давомида юкли қатновлар со-  
нини (34) ва (35) формулаларга кўйсак, автомобиль (ав-  
топоезд) нинг бир кунлик иш унумини топамиз:

$$Q_k = \frac{q_h \gamma_{ct} T_{ish} \beta V_t}{l_{\text{юк}} + \beta_m V_t t_{o-t}}, \text{т} \quad (43)$$

$$P_k = \frac{q_h \gamma_{ct} T_{ish} \beta V_t l_{\text{юк}}}{l_{\text{юк}} + \beta_m V_t t_{o-t}}, \text{ткм} \quad (44)$$

*Мисол.* Юк кутарувчанлиги 7 т ли автомобиль бир ой ( $K_k=30$ ) мобайнида қўйидаги кўрсаткичлар билан ишла-  
ганда: автомобиль саройидан фойдаланиш коэффициен-  
ти  $\alpha_{ish} = 0,8$ , ўртача иш режими  $T_{ish} = 14$  соат, йўлдан фой-  
даланиш коэффициенти  $\beta = 0,9$ , юк кутариш қобилияти-  
дан фойдаланиш коэффициенти  $\gamma_{ct} = 1,0$ , техник ҳаракат  
тезлиги  $V_t = 30$  км/соат, юкли қатнов масофаси  $l_{\text{юк}} = 54$  км,  
ортиш ва туширишда туриш вақти  $t_{o-t} = 0,8$  соат бўлганда  
қанча ҳажмдаги юк ташилишини аниқлаш керак.

Ечиши: автомобильнинг календарь даврдаги эксплуата-  
цияда булиш кунлари:

$$K_s = K_k \cdot \alpha_{ish} = 30 \cdot 0,8 = 24 \text{ кун.}$$

Автомобильнинг бир кунлик иш унуми:

$$Q_s = \frac{q_h \gamma_{ct} T_{ish} \beta V_t}{l_{\text{юк}} + \beta_m V_t t_{o-t}} = \frac{7 \cdot 1,0 \cdot 14 \cdot 0,9 \cdot 30}{54 + 0,9 \cdot 9 \cdot 30 \cdot 0,8} = 35 \text{ т}$$

Бир ой мобайнида автомобиль

$$Q_{\text{оълиқ}} = Q_k \cdot K_s = 35 \text{ км} \cdot 24 \text{ т} = 840 \text{ т}$$

юк ташир экан.

(43) ва (44) формулалардан кўриниб турибдики, транспорт воситаларининг бир кунлик иш унумига автомобилларнинг ишда бўлиш вақти ( $T_{шш}$ ) катта таъсир қилар экан. Агар бирор автотранспорт саройи кун давомида 7 соат, иккинчиси эса 11 соат ишда бўлса, улардаги транспорт воситаларини бир кунлик иш унуми бўйича таққослаб бўлмайди. Бундай ҳолларда транспорт воситалари ҳар бир соат ишда бўлгандаги иш унуми билан ўзаро таққосланishi лозим. Шунинг учун бир кун давомидаги транспорт воситаларининг иш унуми, уларнинг ишда бўлиш ўртача соатларига бўлиниб, уларнинг бир соатлик иш унуми ( $W$ ) аниқланади. Агар турли таҳдил ишлари учун зарур бўлса, рўйхатдаги ҳар бир автомобилнинг ҳам иш унуми аниқла-ниши мумкин.

Транспорт воситасининг бир соатлик иш унуми қўйидаги формулага биноан ҳисобланади:

$$W_Q = \frac{Q_k}{T_{шш}}; \quad W_p = \frac{P_k}{T_{шш}}$$

Бунда  $W_Q$  — транспорт воситаси бирлигининг т/соат да ўлчанувчи бир соатлик иш унуми;

$W_p$  — транспорт воситаси бирлигининг ткм/соат да ўлчанувчи бир соатлик иш унуми.

Юқоридаги формулаларга (43) ва (44) формулаларда-ги транспорт воситаларининг 1 кунлик иш унуми қўйилса, юқоридаги формуланинг кўриниши:

$$W_Q = \frac{q_n \gamma_{ct} \beta V_f}{I_{ок} + \beta V_t t_{0-T}}, \text{т / соат} \quad (45)$$

$$W_p = \frac{q_n \gamma_p \beta V_t I_{ок}}{I_{ок} + \beta V_t t_{0-T}}, \text{ткм / соат} \quad (46)$$

бўлади.

Бу формулаларга кўра автомобиль (автопоезд)лар иш унумига таъсир этувчи омиллар: транспорт воситасининг юқ кўтарувчанлиги ( $q_n$ ), юқ кўтарувчанликдан фойдаланиш коэффициенти ( $\gamma$ ), юкли қатнов масофаси ( $I_{ок}$ ), йўлдан фойдаланиш коэффициенти ( $\beta$ ), ортиш-тушириш

операцияларида бекор туриш вақти ( $t_{o-t}$ ), автомобилнинг техник ҳаракат тезлиги ( $V_t$ ) дан иборат бўлади. Қайд этилган ушбу олти омил юк ташиш билан боғлиқ барча эксплуатацион шароитларни ўз ичидаги қамраган бўлиб, амалда улардан бирортасининг ўзгариши ҳам автомобилнинг иш унумига таъсир этади.

Одатда, автотранспорт саройида ҳар хил тип ва моделли транспорт воситалари бўлиб, уларнинг юк кўтарувчанликлари ҳамда иш унуми ҳар хил бўлгани учун автотранспорт саройи рўйхатида бор автомобилларнинг бир автомобиль-тонна қувватига соатлик иш унуми аниқланади:

$$W_{Qtr} = \frac{\gamma_{ct}\beta V_t}{l_{jok} + \beta V_t t_{o-t}}, \text{т / соат} \quad (47)$$

$$W_{ptr} = \frac{\gamma_a\beta V_t l_{jok}}{l_{jok} + \beta V_t t_{o-t}}, \text{ткм / соат}. \quad (48)$$

(45),(46),(47),(48) формулаларни навбати билан  $\beta V_t$  ва  $\beta V_t l_{jok}$  миқдорларга бўлинса, формулалар кўриниши ўзгарида:

$$W_Q = \frac{q_n \gamma_{ct}}{l_{jok} + t_{o-t}}, \text{т / соат}; \quad (45')$$

$$W_p = \frac{q_n \gamma_d}{\frac{l}{\beta V_t} + \frac{t_{o-t}}{l_{jok}}}, \text{ткм / соат}; \quad (46')$$

$$W_{QI} = \frac{\gamma_{ct}}{l_{jok} + t_{o-t}}, \text{т / соат}; \quad (47')$$

$$W_{pl} = \frac{\gamma_d}{\frac{l}{\beta V_t} + \frac{t_{o-t}}{l_{jok}}}, \text{ткм / соат}; \quad (48')$$

Юқоридаги формулалардан кўриниб турибдики  $\gamma$ ,  $\beta$ ,  $V_t$ ,  $l_{jok}$ ,  $t_{o-t}$  автомобиль саройининг умумий юк кўтарувчанлиги ва режадаги даврда иш автомобиль-соатлар миқдорини бил-

ган ҳолда, транспорт воситаларининг ва автотранспорт саройининг иш унумини ҳисоблаб чиқиш мумкин.

## 7.2. Транспорт воситаларининг иш унумига асосий техник-эксплуатацион омиллар таъсири

Автомобиль транспорти воситалари самарадорлигини ошириш йўл-йўриклири ва усуллари, ташиш жараёнини тўғри ташкил этиш, автомобиллар иш унумини ошириш ва ташиш таңнахига айрим техник-эксплуатацион омилларнинг таъсири даражаси ва характеристикини билишнинг аҳамияти катта. (45) ва (46) формулалардан фойдаланиб, уларнинг ўнг томонида берилган барча омилларни боғлиқ эмас, яъни уларнинг ҳар бирি ўзаро функционал боғланмаган деб қабул қилинса, унда ҳар бир кўрсаткични галма-гал ўзгартириб, қолганларини эса ўзгармас деб қабул этиб, автомобилнинг бир соатлик иш унуми ( $W_0$  ва  $W_p$ )га барча эксплуатацион омиллар таъсирини аниqlаш мумкин бўлади.

Амалда юқоридаги барча формулаларда баъзи эксплуатацион омиллар бир-бири билан нисбатан боғлиқ эмас. Улар қаторига:  $q_n$ ,  $\gamma$ ,  $I_{ок}$  ва  $\beta$  лар киради.

Ҳаракат тезлиги ( $V$ ), автомобилнинг ортиш-тушириш операцияларида туриши ( $t_{o-n}$ ) ва юк кўтарувчанликдан фойдаланиш коэффициенти ( $\gamma$ )ларнинг ўзаро функционал боғлиқлиги уларнинг транспорт воситаси иш унумига таъсири даражасини аниqlашни бироз қийинлаштиради. Эксплуатацион ҳисоблашларда эса  $\pm 5$  фоизли ўзгариш аниqlигини амалда ҳисобга олмасликка йўл қўйилади. Бу эса таҳтил этиш масалаларини анча осонлаштиради.


Автомобилнинг юк кўтарувчанлиги ( $q_n$ ) ва ундан фойдаланиш коэффициенти ( $\gamma$ )нинг автомобиллар иш унумига таъсирини қўйидагича аниqlаш мумкин. Юк кўтарувчанлик ( $q_n$ )ни ўзгарувчан миқдори, қолган омилларни ўзгармас деб, (46<sup>1</sup>) формулани қўйидагича ифода этиш мумкин:

$$W_p = a_q \cdot q_n, \quad (48^{11})$$

бунда ўзгармас  $a_q$  коэффициенти миқдори  $a_q = \frac{\gamma}{\frac{1}{I_{ок}} + \frac{t_{o-n}}{V_T}}$  га

тeng бўлади.

(48<sup>11</sup>) формулага күра автомобиль иш унуми-нинг ўзгариши унинг номинал юк құарувчанлиги ўзгариши түрі мутаносиб (пропорционал), яғни автомобиль иш унумининг ўзгариши түрі чизик қонунға бўйсунар экан.  $W_p$ -д қоординаталар тизимида (48) формула-га күра иш үзуми чизиги координаталар бошидан  $\alpha$  бурчаги (унинг тангенсі  $\operatorname{tg}\alpha_p = W_p$ ) билан ўтар экан (10-расм). Юқутарувчанликдан фойдаланиш коэффициенти ( $\gamma$ )нинг транспорт воси-тасининг иш унумига таъсири таҳдил этилганда ҳам юқоридаги холоса, яғни улар ўртасидаги боғлиқлик ҳам түрги чизик қонуниң биноан бўлиши келиб чиқар экан. Фақат бунда  $W_p = a \gamma$



10-расм. Юқутарувчанликдан фойдаланиш коэффициенти ( $\gamma$ )нинг транспорт воситасининг иш унумига таъсири таҳдил этилганда ҳам юқоридаги холоса, яғни улар ўртасидаги боғлиқлик ҳам түрги чизик қонуниң биноан бўлиши келиб чиқар экан.

— назарий жиҳатдан, 2—амалда баъзи ўзгаришларга кўра.

Ўзгармас коэффициент  $a\gamma = \frac{q_h}{\frac{1}{\beta V_t} + \frac{t_{o-t}}{l_{o,k}}}$  га тенг булиб, миқдордан жиҳатдан олдинги коэффициент миқдоридан фарқ қилгани учун бурчак миқдори ҳам фарқланади.

Йўлдан фойдаланиш коэффициенти ( $\beta$ )нинг автомобилнинг иш унумига таъсири кўйидагича аниқланади.

(46') формуладаги  $\beta$  ни ўзгарувчан, қолган омилларни эса ўзгармас деб қабул этиб, формулани кўйидаги кўринишга келтирамиз:

$$\frac{1}{\beta V_t} W_p + \frac{t_{o-t}}{l_{o,k}} W_p = q_h \gamma. \quad (49)$$

(49) формуланинг ўнг ва чап томонларини  $\frac{q_h}{t_{o-t}}$  га кўпайтирасак, тенглик бузилмайди:

$$\frac{q_h}{t_{o-t}} - \frac{1}{\beta V_t} W_p + \frac{q_h}{t_{o-t}} \frac{t_{o-t}}{l_{o,k}} W_p = \frac{q_h}{t_{o-t}} q_h \gamma \quad (50)$$

Маълум қисқартиришлардан сўнг тенгламани қўйидаги кўринишга келтирамиз:

$$\beta W_p - \frac{I_{ок} q_n \gamma}{t_{0-T}} \beta + \frac{I_{ок}}{V_T t_{0-T}} W_p = 0 \quad (51)$$

Олдинги қабул этилган шартга кўра  $\beta$  омилини боғлиқ бўлмаган ва  $W_p$ ни  $\beta$  га боғлиқ ўзгарувчи, қолган омилларни шартли равишда ўзгармас деб, (51) формулани қўйидаги кўринишда ёзиш мумкин:


$$\beta W_p - \alpha_\beta \beta + b_\beta W_p = 0 \quad (51')$$

Бунда ўзгармас  $a_\beta$  ва  $b_\beta$  коэффициентлар қўйидаги миқдорларга тенг:

$$\alpha_\beta = \frac{I_{ок} q_n \gamma}{t_{0-T}}; \quad b_\beta = \frac{I_{ок}}{V_T t_{0-T}}.$$

(51') формула математик нуқтаи назардан иккинчи даражали эгри чизиқ (тeng томонли гипербола) тенгламасидир. Демак, транспорт воситаси иш унумининг  $\beta$  коэффициент таъсирида ўзгариши тенг томонли гипербola қонунига биноан бўлиб,  $W_p$  –  $\beta$  координаталар тизимининг бошланиш нуқтасидан ўтувчи эгри чизиқ экан (11-расм).

Юкли қатнов масофаси ( $I_{ок}$ )нинг автомобилнинг иш унумига таъсирини аниклаш учун юқоридаги (49) формуладан фойдаланиш мумкин. Унда  $I_{ок}$  омилини боғлиқ бўлган ва  $W_p$ ни  $I_{ок}$  га боғлиқ ўзгарувчи, қолган омилларни шартли равишда ўзгармас деб қабул этамиз.



11-расм.  $\beta$  пинг иш унумига боғлиқлиги.

(49) формуланинг икки томонини ҳам  $\beta V / t_{ок}$  га кўпайтириб формуланинг ўнг томонини чап томонга ўтказсак, қўйидаги кўринишни олади:

$$\frac{\beta V_t l_{\text{ок}}}{\beta V_T} \cdot W_p - \beta V_t q_n \gamma l_{\text{ок}} + \frac{t_{o-t} \beta V_t l_{\text{ок}}}{l_{\text{ок}}} W_p = 0.$$

Формуладаги баъзи қисқартиришлардан сўнг эса, у қўйидагича бўлади:

$$l_{\text{ок}} W_p - \beta V_t q_n \gamma l_{\text{ок}} + t_{o-t} \beta V_t W_p = 0 \quad (52)$$

ёки унинг кўринишини ҳам иккинчи даражали эгри чизик, яъни тенг томонли гипербola кўринишига келтириш мумкин:

$$l_{\text{ок}} W_p - a_1 l_{\text{ок}} + b_1 W_p = 0 \quad (53)$$

Бунда ўзгармас коэффициентлар

$$a_1 = \beta V_t q_n \gamma; \quad b_1 = t_{o-t} \beta V_t \text{га тенг.}$$

(53) формулани (51) билан солишириб, иккала тенглама ҳам математик нуқтаи назардан бир хил деган хulosага келамиз.

Шунинг учун (51<sup>1</sup>) тенгламага ҳам нисбатан чиқарилган хulosса, (53) тенгламага ҳам тўлиқ мос келади, яъни автомобиль иш унумининг  $l_{\text{ок}}$  таъсирида ўзгариши ҳам тенг томонли гипербola қонунига тўғри келиб,  $W - l_{\text{ок}}$  координаталар тизимининг бошланиш нуқтасидан ўтувчи эгри чизик бўлади. Унинг чизмасини беришдан аввал қўйидаги икки мисолни кўриб чиқамиз.

*1-мисол.* Агар МАЗ-503Б самосвал автомобили ( $q_n = 7.5 \text{т}$ ) ўюлиб ташилувчи юкни  $l_{\text{ок}} = 5 \text{ км}$  га ташишда қўйидаги кўрсаткичларга:  $\beta = 0.5$ ;  $\gamma = 1.0$ ;  $V_t = 20 \text{ км/соат}$ ;  $t_{o-t} = 0.27 \text{ соатга эга бўлса}$ , автомобилнинг бир соатли (тоннадаги) иш унуми аниқлансин.

$$W_Q = \frac{q_n \gamma \beta V_t}{l_{\text{ок}} + t_{o-t} b V_t} = \frac{7.5 \cdot 1.0 \cdot 0.5 \cdot 20}{5 + 0.5 \cdot 20 \cdot 0.27} = 9.74 \text{ т/соат}$$

Юк обороти эса

$$W_p = W_Q \cdot l_{\text{ок}} = 9.74 \cdot 5 = 48.7 \text{ ткм/соат}$$

Агар айни ташишдаги юкли қатнов масофаси ( $I_{\text{юк}}$ ) 2,5 гача қисқарса, унинг бир соатли иш унуми қуйидагига тенг булади:

тоннада

$$W_Q = \frac{7,5 + 1,0 + 0,5 \cdot 20}{2,5 + 0,5 \cdot 20 + 0,27} = 14,4 \text{ т/соат};$$

тонна-километрда

$$W_p = W_Q \cdot I_{\text{юк}} = 14,4 \cdot 2,5 = 36 \text{ ткм/соат}.$$

Юкли қатнов масофасининг 5 км дан 2,5 км гача камайиши, яъни унинг икки мартагача қисқариши автомобилнинг тоннадаги иш унумини 48 фоизга ва тонна-километрдаги иш унумини эса 35 фоизга ошириди.

2-мисол. Номинал юк кўттарувчанлиги 8 т ли, универсал бортли МАЗ-500А автомобили 8 т ли ГКБ-8350 тиркамаси билан 180 км масофага қуйидаги қўрсаткичлар:  $\beta_m = 1,0$  (икки томонлама юкланган);  $\gamma_d = 1,0$ ;  $V_t = 40 \text{ км/соат}$  ва  $t_{\text{о-т}} = 1,0$  соат билан ишлаганда унинг иш унуми аниqlансин.

Ечими:


$$W_p = \frac{\beta_m V_t q_h \gamma_d I_{\text{юк}}}{I_{\text{юк}} + \beta V_t t_{\text{о-т}}} = \frac{16 \cdot 1,0 \cdot 1,0 \cdot 40 \cdot 180}{180 + 1,0 \cdot 40 \cdot 1,0} = 523,6 \text{ ткм/соат}.$$

Агар ташиш масофаси 200 км гача ошса, автопоезднинг тонна-километрдаги иш унуми:


$$W_p = \frac{16 \cdot 1,0 \cdot 1,0 \cdot 40 \cdot 200}{200 + 1,0 \cdot 40 \cdot 1,0} = 533,3 \text{ ткм/соат}.$$

Демак, ташиш масофаси 180 км дан 200 км гача ёки 11 фоизга ошса, автопоезднинг иш унуми 523,6 дан 533,3 ткм/соат микдоргача, яъни 1,9 фоизгагина ошар экан.

Юқоридаги мисоллар ечимидан кўриниб турибдики, автомобиль (автопоезд) қисқа масофада ишлатилганда, унинг юк ташиш масофасининг оз микдорда ўзгариши ҳам унинг иш унуми ўзгаришига катта таъсир этар экан. Агар транспорт воситаси узоқ масофада ишласа, ташиш масофасининг ўзгариши, унинг иш унуми ўзгаришига кам таъсир этар экан (12-расм).



12-расм.  $l_{\text{ок}}$  нинг иш унумига боғлиқлиги.



13-расм. Техник тезликнинг иш унумига боғлиқлиги.

Автомобиль техник тезлигининг унинг иш унумига таъсири қўйидагича аниқланади. (49) тенгламадаги техник ҳаракат тезлиги ( $V_T$ ) боғлиқ бўлмаган ўзгарувчи ва иш унумигинг ўзгариши эса унга боғлиқ, қолган омилларни шартли ўзгармас деб, тенгламанинг иккала томонини ҳам  $\frac{l_{\text{ок}} W_p}{t_{0-T}}$  га кўпайтириб, уни бошқа кўринишга келтирамиз:

$$V_T W_p - \frac{q_h \gamma_d l_{\text{ок}}}{t_{0-T}} + \frac{l_{\text{ок}}}{\beta t_{0-T}} W_p = 0. \quad (54)$$

Тенгламани ўзгармас қийматли  $a_v$  ва  $b_v$  коэффициентлари билан алмаштирсак, қўйидагича бўлади:

$$a_v = \frac{q_h \gamma_d l_{\text{ок}}}{t_{0-T}} \quad b_v = \frac{l_{\text{ок}}}{\beta t_{0-T}}; \quad (55)$$

(55) тенглама олдингиларидан ўзгармас  $a_v$  ва  $b_v$  коэффициентларнинг миқдорлари билангина фарқланади. Демак, техник ҳаракат тезлигининг автомобильнинг иш унумига боғлиқлiği ҳам тенг томонли гипербола эгри чизиги қонуниятига бўйсунар экан (13-расм).

Автомобиль (автопоезд)ларнинг ортиш-тушириш операцияларидаги туришларининг уларнинг иш унумига таъ-

Агар айни ташишдаги юкли қатнов масофаси ( $I_{\text{юк}}$ ) 2,5 гача қисқарса, унинг бир соатли иш унуми қуйидагига тенг бўлади:

тоннада

$$W_Q = \frac{7,5 \cdot 1,0 \cdot 0,5 \cdot 20}{2,5 + 0,5 \cdot 20 \cdot 0,27} = 14,4 \text{ т/соат};$$

тонна-километрда

$$W_p = W_Q \cdot I_{\text{юк}} = 14,4 \cdot 2,5 = 36 \text{ ткм/соат}.$$

Юкли қатнов масофасининг 5 км дан 2,5 км гача камайиши, яъни унинг икки мартагача қисқариши автомобилнинг тоннадаги иш унумини 48 фоизга ва тонна-километрдаги иш унумини эса 35 фоизга ошириди.

2-мисол. Номинал юк кўтарувчанлиги 8 т ли, универсал бортли МАЗ-500А автомобили 8 т ли ГКБ-8350 тиркамаси билан 180 км масофага қуйидаги кўрсаткичлар:  $\beta_m = 1,0$  (икки томонлама юкланган);  $\gamma_d = 1,0$ ;  $V_t = 40 \text{ км/соат}$  ва  $t_{\text{п-т}} = 1,0$  соат билан ишлаганда унинг иш унуми аниqlансин.

Ечими:


$$W_p = \frac{\beta_m V_t q_n \gamma_d I_{\text{юк}}}{I_{\text{юк}} + \beta V_t t_{\text{п-т}}} = \frac{16 \cdot 1,0 \cdot 1,0 \cdot 40 \cdot 180}{180 + 1,0 \cdot 40 \cdot 1,0} = 523,6 \text{ ткм/соат}.$$

Агар ташиш масофаси 200 км гача ошса, автопоезднинг тонна-километрдаги иш унуми:


$$W_p = \frac{16 \cdot 1,0 \cdot 1,0 \cdot 40 \cdot 200}{200 + 1,0 \cdot 40 \cdot 1,0} = 533,3 \text{ ткм/соат}.$$

Демак, ташиш масофаси 180 км дан 200 км гача ёки 11 фоизга ошса, автопоезднинг иш унуми 523,6 дан 533,3 ткм/соат миқдоргача, яъни 1,9 фоизгагина ошар экан.

Юқоридаги мисоллар ечимидан кўриниб турибдики, автомобиль (автопоезд) қисқа масофада ишлатилганда, унинг юк ташиш масофасининг оз миқдорда ўзгариши ҳам унинг иш унуми ўзгаришига катта таъсир этар экан. Агар транспорт воситаси узоқ масофада ишласа, ташиш масофасининг ўзгариши, унинг иш унуми ўзгаришига кам таъсир этар экан (12-расм).



12-расм.  $t_{\text{н}}$  нинг иш унумига боғлиқлиги.



13-расм. Техник тезликкінг иш унумига боғлиқлиги.

Автомобиль техник тезлигининг унит иш унумига таъсирі күйидаги аниқланади. (49) тенгламадаги техник ҳаракат тезлиги ( $V_T$ ) боғлиқ бұлмаган үзгарувларынан иш унумигин үзгариши эса унга боғлиқ, қолган омилларни шартлы үзгармас деб, тенгламанинг иккала томонини ҳам  $\frac{I_{\text{жк}} W_p}{t_{0-T}}$  га күпайтириб, уни бошқа күринишігә келтирамиз:

$$V_T W_p - \frac{q_h \gamma_d I_{\text{жк}}}{t_{0-T}} + \frac{I_{\text{жк}}}{\beta t_{0-T}} W_p = 0. \quad (54)$$

Тенгламаны үзгармас қыйматлы  $a_v$  ва  $b_v$  коэффициенттерін алғандай, олардың мәндерін сипаттауда:


$$a_v = \frac{q_h \gamma_d I_{\text{жк}}}{t_{0-T}}, \quad b_v = \frac{I_{\text{жк}}}{\beta t_{0-T}},$$

билин алмаштырсақ, күйидагида бұлади:

$$V_T W_p - a_v V_T + b_v W_p = 0 \quad (55)$$

(55) тенглама олдингиларидан үзгармас  $a_v$  ва  $b_v$  коэффициенттерін сипаттауда. Демек, техник ҳаракат тезлигининг автомобильнинг иш унумига боғлиқлиги ҳам тенг томонли гипербола әзгери чизиги қонуниятiga буйсунар экан (13-расм).

Автомобиль (автопоезд)ларнинг ортиш-тушириш операцияларидаги туришларыннан уларнинг иш унумига таъсирін сипаттауда:



14 - расм. Ортиш-туширишда бекор туриш вақтининг иш унумига боғлиқлиги.

сирини қуйидаги тартибда аниклаймиз. (49) тенгламадағи автомобиль(автопоезд)нинг ортиш-тушириш операцияларыда бекор туриш вақтини бошқа омилларга боғлиқ бўлмаган ўзгарувчи ва иш унумининг ўзгариши эса унга боғлиқ, қолган омилларни шартли ўзгармас деб, тенгламанинг иккала томонини ҳам  $I_{ок}$  миқдорига кўпайтирасак, натижавий тенглама қуйидагича бўлади:

$$t_{o-t} W_p - q_n \gamma I_{ок} + \frac{I_{ок}}{\beta V_t} W_p = 0 \quad (56)$$

Ўзгармас қийматлар  $a_t = q_n \gamma I_{ок}$ ;  $b_t = I_{ок} / \beta V_t$  ларга алмаштириб, тенгламани қайта ёзсак:

$$t_{o-t} W_p - a_t + b_t W_p = 0. \quad (57)$$

Айни тенглама ҳам иккинчи даражали эгри чизик формуласидир. Бу тенглама олдингиларидан  $a_t$  коэффициент ёнида  $t_{o-t}$  шартли ўзгарувчи миқдор йўқлиги билангина фарқланади.


Демак, автомобильнинг ортиш-тушириш операцияларыда бекор туриш вақти ( $t_{o-t}$ )нинг унинг иш унумига таъсири ҳам тенг томонли гипербола эгри чизиги қонуниятига бўйсунар экан ва унинг  $W_p - t_{o-t}$  координаталар тизимидағи куриниши 14-расмдагидек бўлади.

### 7.3. Аниқ шароитда ишловчи транспорт воситасининг иш унумини ифодаловчи чизма

Автомобилларнинг иш унумига таъсир этувчи айрим омиллар даражасини аниклашда проф. С. Р. Лейдерман томонидан таклиф этилган аниқ шароитда ишловчи автомобилнинг иш унумини ифодаловчи чизмадан фойдаланиш мумкин.

Аниқ шароитда иш-  
унымини ифодаловчи чиз-  
ма дейилганды унинг иш  
унумига таъсир этувчи  
бирлаштирилган эксплуа-  
тацион кўрсаткичлар ту-  
шунилади. Бундай чизма  
автомобилнинг аниқ иш-  
лаш шароитини ҳисобга  
олувчи ва автотранспорт  
сарайи кўрсаткичлари  
микдорига биноан чизи-  
лади. Мисол тариқасида  
15-расмда келтирилган  
юкли қатнови 4 км  
бўлган чизмани кўриб чи-  
қайлик.

Чизмадаги АА чизиги  
айни автотранспорт са-  
райига хос бўлган эксплуатацион кўрсаткичлардаги иш  
унумини ифодалайди. Чизмада ҳар хил эксплуатацион  
кўрсаткичларнинг иш унумига таъсири қўйидаги кетма-  
кетлик билан ўз аксини топган: автомобилнинг номи-  
нал юк кўтарувчанлиги ( $q_u$ ), юк кўтарувчанликдан фой-  
даланиш коэффициенти ( $\gamma$ ), автомобилнинг ортиш-ту-  
шириш операциясида туриш вақти ( $t_{o-t}$ ), йўлдан фойда-  
ланиш коэффициенти ( $\beta$ ) ва автомобилнинг техник ҳара-  
кат тезлиги ( $V_t$ ). Масалан, агар автомобилнинг бир соатлик  
иш унумини 10 дан 12 ткм/соат гача ошириш вазифаси  
қўйилса, унда 15-расмдаги ВВ тўғри чизиқнинг, бу бо-  
шқа чизиқлар билан кесишган жойи қўйилган вазифани  
қандай эксплуатацион кўрсаткич ҳисобига ечиш мум-  
кинлигини кўрсатади. Чизмадан кўриниб турибдики, бу-  
нинг учун юк кўтарувчанликдан фойдаланиш коэффи-  
циенти микдорини 0,5 дан 0,6 га кўтариш ёки йўлдан  
фойдаланиш коэффициентини 0,5 дан 0,75 гача оши-  
риш, ёки автомобилнинг техник ҳаракат тезлигини 20  
дан 30 км/соат гача ошириш, ёки автомобилнинг ҳар



15 - расм . Транспорт воситасининг  
характеристик чизмаси.

бир юкли юришидаги ортиш-тушириш операциясида бекор туриш вақтини 0,4 дан 0,27 гача камайтириш лозим.

Агар автомобилнинг иш унумини 20 ткм/соат гача (СС чизифи) кўтариш зарурати бўлса, уни фақат юк кўтарувчанлик  $q_n$  ни тиркама билан ишлаш ҳисобига кўтариш (яъни  $q_n$  у ни кўтариш) ёки бир неча эксплуатацион кўрсаткичларни биргаликда яхшилаш зарур экан.

Бундан ташқари, айни чизма ёрдамида аниқ ташиш шароитида иш унумини оширишнинг энг оқилона усули яққол берилган. Бунинг учун ҳар бир эксплуатацион кўрсаткичлар эгриларига чизмада айни кўрсаткични реал яхшилаш шароити узлуксиз чизма билан берилган. Пунктирли чизик қисмлари амалда жорий этиш имконияти йўқлигидан далолат беради. 15-расмдаги чизмага кўра  $γ$  кўрсаткични амалда 0,5 дан 1,0 гача етказиб, иш унумини 2 маротаба ошириш мумкинлиги кўзга яққол ташланади. Тиркамаларни улаб, автомобилнинг юк кўтарувчанлигидан фойдаланиш коэффициентини ошириш иш унумини 3-3,5 баробар кўтариш имконини берар экан. Бизнинг мисолдаги чизмага биноан автомобилнинг ортиш-тушириш операциясида бекор туришини камайтириш иш унумини 1,5 баробар ошириш имконини беради.

Энди автобусларда пассажирлар ташиш унумини кўриб чиқайлик. Бир рейс ичида автобусдан фойдаланган пассажирлар сони қўйидагича аниқланади:

$$Q_p = q_n \gamma_{ct} \eta_{am}, \text{ пасс.} \quad (58)$$

Ҳар бир рейс давомида автобуснинг бажарган транспорт иши (пассажир обороти)  $P_p = Q_p l_{ypt} = q_n \gamma_{ct} \eta_{am} l_{ypt}$  пасс. кмга тенг. Пассажирлар алмашуви коэффициенти ( $\eta_{am} = L_m / l_{ypt}$ )ни айни формулага қўйсак:

$$P_p = q_n \gamma_{ct} L_m. \quad (59)$$

Агар юқоридаги формулаларни бир рейсни бажариш учун сарфланган вақтга бўлсак, автобуснинг бир соат давомидаги пассажир ва пассажир-километрларда ўлчанувчи иш унумини аниқлаймиз:

$$W_Q = \frac{q_n Y_{ct} \eta_{alim}}{\frac{L_m}{V_t} + t_{M.I.T}}, \text{ пасс/соат.} \quad (60)$$

$$W_Q = \frac{q_n Y_{ct} \eta_{alim}}{\frac{L_m}{V_t} + \frac{t_{M.I.T}}{L_m}}, \text{ пасс-км/соат.} \quad (61)$$

Автобусларнинг пассажирлар сифими ҳар хиллигини ҳисобга олиб, улардан қандай фойдаланилаётганлигини таққослашлик учун амалиётда ҳар бир пассажир-уриндиққа түри келувчи иш унуми кўрсаткичидан фойдаланилади. Бунинг учун автобуснинг бир соатли иш унуми кўрсаткичини унинг номинал сифими ( $q_n$ ) га булиш лозим.

Математик нуқтаи назардан қаралганда автобусларнинг бир соатли иш унуми [(60) ва (61) формуналар]га юк автомобилларининг бир соатли иш унуми [(45') ва (46')] формуналар] жуда ўхшайди. Автобусларнинг бир соатли иш унуми формуласи қўшимча рейс давомидаги пассажир алмашуви коэффициенти борлиги билангина фарқланади.

Транспорт жараёнидаги автобуслар иш унумининг эксплуатацион омиллар билан боғлиқлиги таҳлил қилинганда уларнинг юк автомобилларидаги қонуниятлар билан бир хиллиги яққол кўринади.

Енгил такси-автомобилларнинг иш унуми вақт бирлигига улар томонидан бажарилган ҳақ тўланувчи масофа билангина ўлчанади. Бир енгил такси-автомобилнинг бир соат давомида босиб ўтган ҳақ тўланувчи қатнов масофаси:

$$L_{xt} = V_s \beta_{xt}, \text{ км} \quad (62)$$

бунда  $V_s$  — эксплуатацион ҳаракат тезлиги, км/соат;  $\beta_{xt}$  — ҳақ тўланувчи масофа коэффициенти.

Бир енгил такси-автомобилнинг иш куни давомида босиб ўтган ҳақ тўланувчи масофаси:

$$L_{xt} = T_{ish} V_s \beta_{xt}, \text{ км} \quad (62')$$

бунда  $T_{ish}$  — соатларда ўлчанувчи иш куни давомийлиги.

Юк автомобили, автобус ва енгил такси-автомобилларининг иш унуми автомобиллар саройининг иш самарасини умумлаштирувчи кўрсаткич бўлиб, саройдаги барча автомобилларнинг қандай эксплуатация қилинаётганини баҳолайди. Автомобиль транспорти саройи ва унинг ҳар бир бошқарув бўғини (хизматчи) ишини режалаштириш ва ҳисоблаб бориша юқорида келтирилган техник-эксплуатацион кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Автотранспорт саройи ва унинг ярим хизматлари ишини таҳлил этишдан мақсад ташиш жараёнини яхшилашга қандай омиллар тъясир кўрсатишини аниқлаш ҳамда пассажирларга хизмат кўрсатишни яхшилаш ва юк эгаларининг эксплуатацион харажатларни иложи борича тежаш тадбирларини ишлаб чиқиши йўлга қўйишдан иборат. Таҳлил ишларини бажариша автомобилларнинг амалдаги ҳамда ҳисобий кўрсаткичларини ўзаро таққослаш тавсия этилади.

## 8 - боб

### АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВОСИТАЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА УЛАРНИ ҲИСОБЛАШ

Автомобиль транспорти саройидаги автомобиллар айни иқтисодий худуд талабларига тўлароқ мосланган бўлиши зарур. Ҳажми катта ва маҳсуслаштирилган юкларни ташиш учун мўлжалланилган автомобилларни танлашга алоҳида аҳамият берилиши лозим. *Транспорт воситалари турларини танлаш дейилганда, автомобиль транспорти саройига юк ва пассажирлар ташиши характерига кўпроқ мосланган автомобиль (автобус), ярим тиркамалар олиши тушунилади.* Транспорт воситаларини танлашда уларнинг юқори самара билан ишлаши учун зарур техник-эксплуатацион ва иқтисодий жиҳатларга эътиборни қаратиш лозим. Айниқса, юкларни ташишда улар миқдори ва сифатини камайтирмасдан, ташиш таннархининг иложи борича арzon бўлишига эришиш лозим.

### 8.1. Юк автомобилларини танлашга қўйиладиган асосий талаблар

Юк автомобилини танлашда ундан энг самарали фойдаланишини назарда тутиш ҳамда қўйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

- танлангаётган юк автомобилининг ташилувчи юк тури ва унинг упаковкасига мослиги;
- юк оқими ёки юк партияси миқдори (ҳажми) характеристери, таркиби ва ташиш масофаси;
- ҳар хил, айниқса алоҳида шароитни талаб этувчи юкларни ташишда автомобилларни ишлатиш йўл ва иқдим шароитлари;
- ортиш-тушириш операцияларини бажариш усуллари. Механизациялаштирилган усулларни қўллашда автомобиль юк кўтарувчанлигининг ортиш-тушириш воситалари тури ва қувватига мослиги;
- юк обороти таркибини ҳисобга олган ҳолда айни ташишнинг келажакда ривожланиши;
- юкларни ташиб бериш муддати;
- транспорт воситасининг аниқ шароитлардаги иш унуми;
- ҳар хил турдаги транспорт воситаларини қўллашдаги ташиш таннахи.

Юк оқимининг йўналиши ва миқдори транспорт воситаларининг юкланиш даражаси ва юк кўтарувчанлигидан фойдаланиш имкониятини кўрсатади. Бунда ташиладиган юк тури, унинг упаковкаси ва кузовнинг юк сифдира олиш хусусиятларининг алоҳида аҳамияти бор. Шунинг учун ҳам ташиладиган юк хусусияти, автомобилнинг юк кўтарувчанлиги ва кузовнинг сифдира олиши ўртасидаги боғлиқлик ҳисобга олиниши лозим.

Автомобилларни танлашда уларнинг конструкциясига эътибор бериш муҳим. Бунда, бир томондан, автомобилнинг тортиш-динамик ва иқтисодий хусусиятларини, иккинчи томондан, айни кузов турининг ташиладиган юк тури (упаковкаси), солиштирма оғирлиги ва габаритларини ҳисобга олган ҳолда ташиш хусусиятлари инобатга олиниши лозим.

Хозирги кунга қадар транспорт воситаларини ҳар хил эксплуатация шароитлари учун танлашга мос келувчи ягона усул мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам биз транспорт воситасидан аниқ шароитда фойдаланиш шарт-шароитларига хос айрим ҳолларнигина күриб чиқамиз. Масалан, қандай аниқ шароитда универсал бортли ва самосвал автомобили, қаерда тиркамали ёки ярим тиркамали автопоездлар ва ёлғиз автомобиллар, қаерда тягачларни алмашинувчи тиркама ёки ярим тиркамалар билан ишлатилгани яхши ва ҳ.к аниқ эксплуатация шароитларини ҳисобга олган ҳолдаги транспорт воситаларини танлаш усуулларини күриб чиқамиз.

### **8.2. Универсал(бортли) ва самосвал (ўзи афдарувчи ёки ўзи ортувчи) автомобиллардан фойдаланиш**

Самосвал автомобили ишлатилганда юкни тушириш жараёни механизацияланади, ўзи ортувчи автомобиллар (самопогрузчиклар) қўлланилганда эса юкларни ортиш ва тушириш ишлари механизациялашганлиги ҳисобига, бундай операцияларда ишловчилар меҳнати енгиллашади.

Самосвал ва ўзи ортувчи автомобиллардан фойдаланишда уларнинг ортиш-тушириш операцияларида туриш вақти кескин қисқариши ва ташиб жараёнининг ўзида эса кўпроқ бўлиши ҳисобига иш унуми анча ошади. Бир хил вақт ичida самосвал ёки ўзи ортувчи автомобилларни қўллашлик универсал бортли автомобилларга нисбатан юкли қатнов сонларини оширади.

Самосвал ёки ўзи ортувчи автомобилларга ўрнатилган орткич ёки афдаргич механизмлари ҳисобига айни базадаги автомобилга нисбатан уларнинг юк кўтарувчанлиги ва иш унуми камаяди. Демак, автомобилнинг ортиш-тушириш операциясида туриш вақти камайиши ҳисобига унинг иш унуми ортади, юк кўтарувчанликнинг бир мунча камайиши эса унинг иш унумини камайтиради. Шунинг учун самосвал ёки ўзи ортувчи автомобилларни қаерда ишлатиш мақсадга мувофиқлигини аниқ билиш лозим.

Ташиб масофаси ошиб борган сари самосвал ва ўзи ортувчи автомобилларни қўллаш афзаллиги камайиб боради, чунки уларнинг юк кўтарувчанлиги, қўшимча меха-

низмлар ўрнатилиши ҳисобига, универсал бортли автомобилдан бирмунча кам (масалан, КрАЗ-256Б самосвалининг юк кутарувчанинг 11т, универсал бортли КрАЗ-225 автомобилинику эса 12т), ўз навбатида, ташиш учун сарфланувчи умумий вақтдаги ортиш-тушириш операциясига сарфланувчи вақт улуши ҳам камайди. Юқорида айтилган-

ларга кўра, универсал бортли ва самосвал автомобилларини ишлатишнинг шундай ташиш масофаси борки, унда уларнинг иш унуми ўзаро тенг бўлади. Бундай масофа тенг баҳоли масофа деб аталади (16-расм). Демак, универсал бортли, самосвал ёки ўзи ортувчи автомобилларни танлашда асосий эътибор юқорида келтирилган тенг баҳоли масофани аниқлашга қаратиласди.

Тенг баҳоли масофани аниқлашда транспорт воситаларининг бир соатли иш унумидан фойдаланамиз. Универсал бортли автомобилларда “б” ва самосвал автомобилларда “с” индексини ишлатамиз.

Демак, универсал бортли автомобиль учун:


$$W_{q6} = \frac{q_6 \gamma_{cr} \beta V_t}{l_{ok} + V_t t_{o-t(6)}} \text{, т/соат.} \quad (63)$$

Самосвал (ўзи ортувчи) автомобиль учун:

$$W_{q6} = \frac{(q_6 - \Delta q) \gamma_{cr} \beta V_t}{l_{ok} + \beta V_t (t_{o-t(6)} - \Delta t)} \text{, т/соат.} \quad (64)$$

Бунда:  $\Delta q$  — бортли, универсал базали автомобилга нисбатан самосвал автомобиль юк кутарувчанинг камайиши;

$\Delta t$  — ортиш-туширишда туриш вақтидан ютиш, соат.



16 - расм. Тенг баҳоли ташиш чизмаси:

- 1) универсал бортли автомобиль;
- 2) самосвал автомобиль.

125

Агар, юқорида айтилғанларга күра  $I_{\text{ок}} = I_{\text{тб}}$  тенг бұлса,  $W_{Q_6} = W_{Q_c}$  бұлади ( $\beta$ ,  $V_t$  ва  $\gamma_{ct}$  бир хил бұлғанда).

Үндә:

$$\frac{q_u \gamma_{ct} \beta V_t}{I_{\text{ок}} + V_t t_{0-t(6)}} = \frac{(q_b - \Delta q) \gamma_{ct} \beta V_t}{I_{\text{ок}} + \beta V_t (t_{0-t(6)} - \Delta t)}$$

бұлади.

Баъзи бир математик үзгартыришлардан сұнг:

$$I_{\text{тб}} = \beta V_t (q_b - \frac{\Delta t}{\Delta q} - t_{0-t(6)}), \text{ км} \quad (65)$$

Универсал бортли автомобилни самосвал (үзи ортувчи) автомобиль билан таққослаб танлашда тенг баҳоли масофа (65) формулага биноан топылади. Агар ташиш масофаси топилған тенг баҳоли масофадан катта бұлса, универсал бортли автомобиллардан, агар кичик бұлса, самосвал (үзи ортувчи) автомобилдан, фойдаланиш мақсадға мувофиқ бұлади.

*Мисол.* Юк күттарувчанлиги 12 т бұлған универсал бортли КРАЗ-257 автомобилидан ёки унинг базасида тайёрланған, юк күттарувчанлиги 11 т бұлған КРАЗ-256Б самосвал автомобилидан фойдаланиш афзаллигини аниқлаш зарур. Бунда юк ташиш масофаси  $I_{\text{ок}} = 16$  км, ортиш-тушириш операцияларда бұлиш вақты КРАЗ-257 автомобилида  $t_{0-t(6)} = 0,5$  соат, КРАЗ-256Б автомобилида эса  $t_{0-t(c)} = 0,3$  соат, ҳаракат тезликлари иккала автомобилда ҳам  $V_t = 23$  км/соат, йүлдан фойдаланиш коэффициенті  $\beta = 0,5$ .

*Ечими:*  $\Delta t$  ва  $\Delta q$  миқдорларни аниқтаймиз.

$$\Delta q = q_b - q_c = 12 \text{ т} - 11 \text{ т} = 1 \text{ т};$$

$$\Delta t = t_{0-t(6)} - t_{0-t(c)} = 0,5 \text{ соат} - 0,3 \text{ соат} = 0,2 \text{ соат};$$

У ҳолда:  $I_{\text{тб}} = 0,5 \times 23 (12 \text{ т} / 0,2 / 1,0) - 0,5 = 21,85$  км бұлади.

Ташиш масофаси ( $I_{\text{ок}} = 16$  км) тенг баҳоли масофадан кам бұлғанлиги учун самосвал автомобилидан фойдаланиш самарааси юқориrok бұлади.

Универсал бортли ва самосвал (ёки үзи ортувчи) автомобилларни танлашда тенг баҳоли масофани 1 ткм ташиш иши таннархига биноан ҳам аниқлаш мүмкін. Бундаги тенг баҳоли масофа универсал бортли ва самосвал (ёки үзи ортувчи) автомобилларда бажарылған ҳар 1 ткм иш таннархига биноан бұлади.

I ткм транспорт ташиш иши таннархи:  
Универсал бортли автомобилларда:

$$S_b = \frac{1}{q_b \gamma_{ct}} \left( \frac{C_{y_{zr},b} + C_{doim,b}/V_t}{\beta_k} + \frac{C_{doim,b} t_{0-t,b} + X_{ix,b}}{l_{ok}} \right)$$

Самосвал (ёки ўзи ортувчи) автомобилларда:

$$S_c = \frac{1}{q_c \gamma_{ct}} \left( \frac{C_{y_{zr},c} + C_{doim,c}/V_t}{\beta_k} + \frac{C_{doim,c} t_{0-t,c} + X_{ix,c}}{l_{ok}} \right)$$

Агар  $l_{ok} = l_{t,b}$  бўлса,  $S_b = S_c$  бўлади, яъни:

$$\begin{aligned} & \frac{1}{q_c \gamma_{ct}} \left( \frac{C_{y_{zr},c} + C_{doim,c}/V_t}{\beta_k} + \frac{C_{doim,c} t_{0-t,c} + X_{ix,c}}{l_{ok}} \right) = \\ & = \frac{1}{q_b \gamma_{ct}} \left( \frac{C_{y_{zr},b} + C_{doim,b}/V_t}{\beta_k} + \frac{C_{doim,b} t_{0-t,b} + X_{ix,b}}{l_{ok}} \right) \end{aligned}$$

Айни тенгликка баъзи математик ўзгаришлар кири-  
тиб, ташиш буйича тенг баҳоли масофани топамиз:

$$l_{t,b} = \frac{\frac{C_{doim,b} t_{0-t,b} + X_{ix,b}}{q_b} + \frac{C_{doim,c} t_{0-t,c} + X_{ix,c}}{q_c}}{1/q_c (C_{doim,c}/V_t + C_{y_{zr},c}) - 1/q_b (C_{doim,b}/V_t - C_{y_{zr},b})}$$

Иш унуми кўрсаткичи орқали ва ташиш иши таннар-  
хи кўрсаткичи орқали тенг баҳоли масофани аниқлаш  
усуллари бир хил, яъни  $l_{ok} > l_{t,b}$  бўлса, универсал бортли  
автомобиль ва  $l_{ok} < l_{t,b}$  бўлса, самосвал автомобиль тан-  
лаш тўғри бўлади.

Микдор жиҳатдан ташиш ишлари таннархи ва транс-  
порт воситаси иш унуми кўрсаткичлари буйича аниқлан-  
ган тенг баҳоли ташиш масофалари амалда тенг бўлмай-  
ди. Кўпинча, ташиш иши таннархи бўйича аниқланган  
тенг баҳоли ташиш масофаси, транспорт воситасининг  
иш унуми бўйича аниқланган масофадан кичик бўлади.

### 8.3. Автопоезд ва якка автомобиллардан фойдаланиш

Автомобилларда ташишни ташкил этишдаги энг илғор усуллардан бири автопоездлардан фойдаланишdir. Автомобилларга тиркама ва ярим тиркама күшиб ишлатиш, транспорт воситаси бирлигининг юк кутарувчанлигини ошириш ҳисобига унинг унумини оширади. Бунда тягач автомобилнинг двигатели қувватидан тұлароқ фойдаланиш ҳамда тягачларнинг алмашынуичи тиркамалар билан ишлатилиши ортиш-тушириш операцияларида бўлиш вақтини камайтириш имкони бўлади.

Автопоездлар кўлланилиши натижасида транспорт иши бирлигининг таннархи якка автомобилдагига нисбатан анча арzon бўлади. Шунинг билан бирга, қайд қилиш лозимки, бир шароитда автопоезд кўллаш самараси ошса, бошқа шароитда камайиши мумкин. Баъзи ҳолларда эса транспорт воситасининг юк кутарувчанлигини ошириш, бошқа иш кўрсаткичларининг камайишига ҳам олиб келиши мумкин. Натижада транспорт воситаси иш унуми ошмайди ва, ҳатто, камайиши ҳам мумкин, ташиш иши таннархи эса ошиб кетади.

Якка автомобилни ишлатиш ёки уни тиркама (ярим тиркама) билан ишлатишни аниқлашда ҳам олдинги параграфда берилган усулдан фойдаланамиз. Автопоезд тузиш натижасида уларни транспорт воситасининг З кўрсаткичидаги ўзгариш бўлади: юк кутарувчанлигига, ортиш-тушириш операцияларида бўлиш вақтида ва ҳаракат тезлигига. Амалда юк кутарувчанликдан фойдаланиш коэффициенти  $\gamma$  ва йўлдан фойдаланиш коэффициенти  $\beta$  ўзгармайди.

Бунда якка автомобиллар кўллашда “а” индексидан ва автопоездларда “ап” индексидан фойдаланамиз. Демак, якка автомобиллар учун юк ташиш бўйича бир соатли иш унуми:

$$W_p = \frac{q_a \gamma_a \beta_a V_p I_{vte}}{I_{kox} + \beta_a V_a t_{0-1,2}}, \text{ткм/соат.} \quad (66)$$

Автопоездлар учун:

$$W_p = \frac{q_{an} \gamma_{an} \beta_{an} V_{T,an} l_{ok}}{l_{ok} + \beta_{an} V_{T,an} t_{o-an}}, \text{ткм/соат.} \quad (67)$$

Агар юқорида айтилғанларга күра,  $l_{ok} = l_{ta}$  ва  $\gamma_a = \gamma_{an}$ ;  $\beta_a = \beta_{an}$  бўлса,  $W_p = W_{pan}$  бўлади. Унда:

$$\frac{q_a \gamma_a \beta_a V_{T,a} l_{ok}}{l_{ok} + \beta_a V_{T,a} t_{o-a}} = \frac{q_{an} \gamma_{an} \beta_{an} V_{T,an} l_{ok}}{l_{ok} + \beta_{an} V_{T,an} t_{o-an}}$$

баъзи математик ўзгартиришлардан сўнг

$$l_{ta} = \beta V_{T,a} V_{T,an} \frac{q_{an} t_{o-an} - q_{an} t_{o-a}}{q_{an} V_{T,an} - q_a V_{T,a}}, \text{км.} \quad (68)$$

бўлади.

Якка автомобилни автопоезд билан таққослаб танлашда тенг баҳоли ташиш масофаси (68) формула билан аниқланади. Агар ташиш масофаси аниқланган тенг баҳоли ташиш масофасидан катта бўлса, автопоезддан фойдаланиш, яр кичик бўлса, якка автомобилдан фойдаланиш тўғри бўлади.

*Мисол.* 11 т юк кўтарувчаникка эга бўлган ЗИЛ-130-76 автомобили ва тиркамали автопоезд билан якка ишлатилувчи 6 т ли ЗИЛ-130-76 автомобилидан фойдаланиш афзаллигини аниқлаш керак. Бунда юк ташиш масофаси  $l_{ok} = 20$  км, ортиш-тушириш операциясида туриши ҳар бир юкли қатновда якка автомобилларда:  $t_{o-t} = 0,5$  соат, автопоездда эса  $t_{o-T,an} = 0,83$  соат, ҳаракат тезлиги автомобиль якка (тиркамасиз) ишлаганда  $V_{ta} = 30$  км/соат, автопоезд бўлиб, (тиркама билан) ишлаганда  $V_{T,an} = 25$  км/соат, юк бир томонлама ташилади, яъни  $\beta = 0,5$ .

*Ечими:* (65) формула орқали иш унуми бўйича тенг баҳоли бўлган ташиш масофаси:

$$l_{ta} = 0,5 \cdot 30 \cdot 25 (6 \cdot 0,83 - 11 \cdot 0,5 / 11 \cdot 25 - 6 \cdot 30) = -2,1 \text{ км}$$

Манфий миқдорли натижага кўра автопоездларни ишлатиш самарали экан.

Автопоездларни якка автомобилга таққослаб, уларнинг иқтисодий кўрсаткичларини ҳам I ткм ташиш иши таннархи бўйича аниқлаш мумкин. Бундай кўрсаткичли автопоезд ва якка автомобиль бажарған ишлар таққослаб аниқланади. Бу кўрсаткични аниқлашда ҳам тенг баҳоли ташиш масофасидан фойдаланилади.

#### 8.4. Автомобилларни ёнилгининг солишиштирма сарфи бўйича танлаш

Транспорт воситалари тури ёки моделини уларнинг ёнилги сарф этиш солишиштирма кўрсаткичи бўйича ҳам танлаш тавсия этилади. Бунда таққосланувчи транспорт воситаларининг бажарган ҳар 1 ткм ишига тўғри келувчи ва литрда ўлчанувчи ёнилги сарфи қўйидагича аниқланилади:

$$g = \left( \frac{M_a}{100q_n \gamma \beta_m} + \frac{M_k}{100} \right), \text{л/ткм} \quad (69)$$

бунда:  $M_a$  — ҳар 100 км босиб ўтилган йўлга сарфланган асосий ёнилги меъёри, л;  $M_k$  — қўшимча бажарилган ишга сарфланган ёнилги меъёри, л.

Автомобиль (автопоезд)ларни солишиштирма ёнилги сарфи бўйича танлашнинг аҳамияти катта, чунки ёнилги сарфининг ташиш таннархидаги умумий сарфлардаги улуши 55-65 фоизни ташкил этмоқда.

*Мисол.* Ёнилги сарфи бўйича ГАЗ-53А ва ЗИЛ-130-76 автомобилларининг қайсинаси самаралилиги аниқлансин. ГАЗ-53А автомобили кузови сифимига кўра юк кўтарувчанликдан фойдаланиш  $\gamma=0,8$ , ЗИЛ-130-76 автомобилида  $\gamma=0,7$ , йўлдан фойдаланиш коэффициенти  $\beta_m=0,5$ , яъни ташиш бир томонлама. Ҳар 100 км масофага белгиланган ёнилги сарфи меъёри ГАЗ-53А автомобилида 25 литр, ЗИЛ-130-76 автомобилида 30 литр. Бажарилған ҳар бир 100 ткм транспорт ишига белгиланган қўшимча меъёр ҳар иккала автомобиль учун 2 литр.

Ечими:  
ёнилғининг сомиширма сарфи:

$$g_{ГАЗ-53А} = \left( \frac{25}{100 \cdot 4 - 0,8 \cdot 0,5} + \frac{2,0}{100} \right) = 0,176 \text{ л/ткм}$$

$$g_{ЗИЛ-130-76} = \left( \frac{30}{100 \cdot 6 - 0,7 \cdot 0,5} + \frac{2,0}{100} \right) = 0,163 \text{ л/ткм}$$

Айни ечимдан маълум бўлдики, берилган вазиятда ЗИЛ-130-76 автомобилидан фойдаланиш ГАЗ-53А автомобилига нисбатан афзал экан.

### 8.5. Автомобилларни юк кўтарувчанлик бўйича танлаш

Автомобиллар тури ва моделини уларнинг юк кўтарувчанликлари бўйича танлаш усули ҳам бор. Бундай усул энг содда усулdir. Транспорт воситасининг юк кўтарувчанлиги каттаси ҳар қандай ташиш масофасида ҳам унумлироқdir. Чунки юк кўтарувчанлиги катта автомобилларнинг ортиш-тушириш операциясида туриш вақтларининг ўсиши уларнинг юк кўтарувчанлиги ўсишига нисбатан ҳар доим кам бўлади. Бунда афзаллик чегараси сифатида ҳаракатда бўлиш вақтининг ортиш-тушириш вақтига нисбатининг бирдан ортиклиги ҳисобланади, яъни:

$$\delta = \frac{t_{\lambda}}{t_{0-\tau}} > 1$$

Ҳаракатда бўлиш вақти  $t_{\lambda} = \frac{I_{\text{юк}}}{\beta_m V_{\tau}}$  ни юқоридаги формулага қўйилса:

$$\delta = \frac{I_{\text{юк}}}{\beta_m V_{\tau} t_{0-\tau}} > 1$$

бўлади.

Автокорхонада юк кўтарувчанлиги ҳар хил автомобиллар мавжуд бўлганида δ юк кўтарувчанлиги энг катта автомобиллар учун аниқланади. Агар унинг қиймати бирлан катта чиқса, автомобилнинг шу маркаси танланади ва кейинги ҳисоблашлар тўхтатилади.

Мисол. Юк 10 км масофага бир томонлама ( $\beta_m=0,5$ ) ташилзётir. Автотранспорт корхонасида юк кўтарувчанлиги

7,4 ва 2,5 т бўлган 3 хил марка (моделли) автомобиллар бор. Ўз навбатида, ортиш-тушириш операцияларида бўлиш вакът ( $t_{o,t}$ )лари 1,1; 0,7 ва 0,5 соат. Техник ҳаракат тезлиги 7 т ли автомобилларда 20 км/соат, қолгандаридаги эса 22 км/соат.

Ечими: 7 т юк кўтарувчи автомобиллар учун:

$$\delta_{4t} = \frac{10}{0,5 \cdot 20 \cdot 1,1} = 0,9.$$

Топилган миқдор бирдан кичик бўлганлиги учун юк кўтарувчанлиги 4 т бўлган автомобиллар учун ечимни давом эттирамиз:

$$\delta_{4t} = \frac{10}{0,5 \cdot 22 \cdot 0,7} = 1,3.$$

4 т ли автомобиллар учун  $\delta_{4t}$  бирдан ортиқ бўлганлиги учун айни ташишда юк кўтарувчанлиги 4 т ли автомобилдан фойдаланилади.

### 8.6. Моки усулида автомобилларда юк ташишини ташкил этишда зарур бўлган тягач ва тиркама (ярим тиркама)лар сонини аниқлаш

Ташишининг моки усули дейилгандан, тягач автомобилларнинг маятникини маршрутларда узларига уланган бир тиркама (ярим тиркама)ни узуб чиқариш ва бошқасини унинг ўрнига улаб жўнатиш усули тушунилади. Ташишни бундай усулда ташкил этганда тиркамаларни ортиш-тушириш операцияларида тягачлар бекор туриб қолмаслиги лозим. Аммо бундай усулни жорий этиш учун тиркамалар сони тягачлар сонига нисбатан анча кўп бўлиши зарур.

Агар маршрутда фақат биргина тягач ҳаракат этадиган бўлса, унинг бетўхтов ҳаракатини ташкил этиш учун камидаги тиркама керак бўлади: улардан бири ортишда, иккинчиси туширишда ва учинчиси эса тягач билан бирга ҳаракатланиди. Маршрутда ишловчи тягачлар сони бир нечта бўлганида эса, улар билан ишловчи тиркамалар сони ортиш-тушириш ҳаракатда бўлиш вақтларига кўра аниқланади.

Тиркамаларга бўлган талаб уларнинг тягач билан бирга ҳаракатдаги миқдори ( $T_1$ ), юк ортиш жойидаги миқдори ( $T_o$ ) ва юк тушириш жойидаги миқдори ( $T_r$ ) ийғининг сидан иборат бўлади:

$$T_{ym} = T_x + T_o + T_t \quad (70)$$

Ортиш ва тушириш жойларидаги тиркамалар сони тягачларнинг ҳаракатланиш оралиғи I ва ортиш ёки тушириш операциялари мароми  $R_{o(t)}$  нинг тенг бўлишига кўра аниқланади. Тягачларнинг ҳаракатланиш оралиғи уларнинг юк ортиш ёки тушириш жойларига кириб келиш ёки чиқиб кетиш вақтларига тенг бўлиб, қўйидаги формула билан топилади:

$$I_t = \frac{t_{ayl}}{A_t}, \quad (71)$$

бунда  $A_t$  — маршрутда ишловчи тягач автомобилларнинг сони;  $t_{ayl}$  — тягачнинг бир маротаба бориб-қайтиш вақти.

Тиркамани юклаш мароми, яъни навбатдаги тиркамани ҳаракатга тайёрлаш вақти:

$$R_{o(t)} = \frac{t_{o(t)} + t_{yy}}{T_{o(t)}}, \quad (72)$$

бунда:  $t_{o(t)}$  — тиркаманинг юклаш(ортиш ёки тушириш)да туриш вақти;  $t_{yy}$  — бир тиркамани узиш ва иккинчисини улашга сарфланувчи вақт;  $T_{o(t)}$  — тиркамаларнинг ортиш (тушириш) жойларидаги сони.

Тягачлар ортиш ва тушириш жойларida узлуксиз ишлаши учун:

$$R_{o(t)} = I_t$$

бўлиши керак.

Одий маятникли маршрутда ташишда тягачнинг бир марта бориб-қайтиши учун сарфланган вақт:

$$t_{ayl} = \frac{2 l_{ok}}{V_t} + 2 t_{yy}; \quad (73)$$

тягачларнинг ҳаракатланиш оралиғи эса

$$I_t = \frac{t_{ayl}}{A_t} = \frac{2(l_{ok} + t_{yy} V_t)}{A_t V_t} \quad (74)$$

Ортиш-тушириш жойларидаги тиркамалар сони  $I_t = R_{o(t)}$  шартга биноан:

$$T_{o(t)} = \frac{(t_{o-t} + t_{yy}) A_t V_t}{2(I_{\text{юк}} + T_{yy} V_t)}. \quad (75)$$

Бинобарин тиркамаларнинг умумий сони:

$$T_{ym} = T_x + T_o + T_t = A_t \left[ 1 + \frac{V_t (t_{o-t} + 2t_{yy})}{2(I_{\text{юк}} + t_{yy} V_t)} \right], \quad (76)$$

бунда:  $t_{o-t}$  — бир юкли қатнов учун ортиш жойидаги юқлаш ва тушириш жойидаги юқдан бұшатыш вақтлари йиғиндиси.

**Мисол.** Юкли қатнов масофаси  $I_{\text{юк}} = 10$  км, техник ҳаралат тезлиги  $V = 20$  км/саат, тиркаманы юқлаш вақти  $t_o = 0,26$  соат, тушириш вақти  $t_t = 0,2$  соат, бир тиркамани узиш ва иккінчисини улаш учун сарфланадиган вақт  $t_{yy} = 0,1$  соат. Агар маршрутдаги тягачлар сони  $A_t = 40$  та бұлса, уларнинг бетұхтов (узлуксиз) ишлаши учун неча тиркама кераклиги аниқлансин.

Ечими:

$$t_{o-t} = t_o + t_t = 0,26 + 0,20 = 0,46 \text{ соат}.$$

Зарур тиркамалар сони:

$$T_{ym} = 40 \left( 1 + \frac{20(0,46 + 2 \cdot 0,1)}{2(10 + 0,4 \cdot 20)} \right) = 62.$$

### 8.7. Юк күтәрүвчанлығы бир хил бұлған автомобиллар ва тиркамали тягачлардан фойдаланиш

Тиркамали тягачлардан фойдаланиш транспорт воситасининг юқ ортиш-тушириш вақтида бекор туриш вақтини камайтириш ҳисобига унинг айланиш вақтини қисқартиради ҳамда двигательнинг тортиш кучи ва қувват ресурсларидан яхшироқ фойдаланиш имконини беради.

Юк күтәрүвчанлығы ва ундан фойдаланиш коэффициенти бир хил бұлған ҳолда ва аниқ иш маршрутида автомобилдан ёки тиркамали тягачдан фойдаланишининг қайсинаси афзаллығы уларнинг иш натижалари ёки айланишлар сони, ёки бир айланиб келиш вақти, ёки улар-

нинг иш унумларини таққослаш орқали аниқланади. Уларни таҳдил қилиб чиқамиз:

**а) Айланишлар сони бўйича ҳисоблаш:**  
автомобилнинг айланишлари сони

$$Z_a = \frac{T_m V_{Ta}}{2 l_{\text{юк}} + V_T t_{o-t}}; \quad (77)$$

тиrkамали тягачнинг айланишлари сони:

$$Z_t = \frac{T_m V_{Tr}}{2 l_{\text{юк}} + V_T t_{yy}}, \quad (78)$$

бунда:  $T_m$  — транспорт воситасининг маршрутда ишлаш вақти, соат;  $V_{Ta}$ ,  $V_T$  — автомобиль ва тягачнинг техник ҳаракат тезлиги, км/соат;  $l_{\text{юк}}$  — ўртача юкли қатнов масофаси, км;  $t_{o-t}$ ,  $t_{yy}$  — ортиш-тушириш ва узиш-улашда бўш туриш вақти.

Автомобиль ва тягачнинг муайян маршрутда маълум вақт мобайнинда айланиш сонлари нисбати қўйидаги формула билан ифодаланади:

$$\frac{Z_a}{Z_t} = \frac{V_{Ta}(2 l_{\text{юк}} + V_{Tr} t_{yy})}{V_T(2 l_{\text{юк}} + V_{Ta} t_{o-t})}. \quad (79)$$

Агар  $Z_a = Z_t$  ёки  $Z_a/Z_t = 1$  бўлса, автомобильдан ва тягачдан фойдаланиш афзаллиги бир хил бўлади. Агар  $Z_a/Z_t > 1$  бўлса, автомобильни ишлатиш фойдалироқ бўлади.

Мисол.  $V_{Ta} = 20$  км/соат,  $V_T = 10$  км/соат,  $t_{o-t} = 0,5$  соат,  $2l_{\text{юк}} = 20$ ; 10 ва 5 км.,  $t_{yy} = 0,05$  соат.

Бу ҳолда автомобиль ва тягач айланиш нисбати қўйидагича бўлади: ташиш масофаси 20 км бўлганда 1,3, ташиш масофаси 10 км бўлганда 1,05 ва ташиш масофаси 5 км бўлганда 0,73.

Биз келтирган мисолда ташиш масофаси 5 км бўлганда тягачни ишлатиш фойдалироқ бўлар экан.

**б) бир айланиш давомийлиги бўйича ҳисоблаш:**  
автомобилнинг бир айланишига сарфланадиган вақт:

$$t_{\text{айл}} = \frac{2l_{\text{юк}}}{V_{Ta}} + nt_{o-t} = \frac{2l_{\text{юк}} + V_{Ta}nt_{o-t}}{V_{Ta}}; \quad (80)$$

тягачнинг бир айланишига сарфланадиган вақт:

$$t_{\text{айл.т}} = \frac{2l_{\text{юк}}}{V_{T_a}} + nt_{yy} = \frac{2l_{\text{юк}} + V_{T_t}nt_{yy}}{V_{T_t}}, \quad (81)$$

Уларнинг ўзаро нисбати:

$$\frac{t_{\text{айл.а}}}{t_{\text{айл.т}}} = \frac{V_{T_t}(2l_{\text{юк}} + V_{T_a}nt_{o-t})}{V_{T_a}(2l_{\text{юк}} + V_{T_t}nt_{yy})}$$

Агар  $t_{\text{айл.а}} = t_{\text{айл.т}}$  ёки  $t_{\text{айл.а}}/t_{\text{айл.т}} = 1$  тенг булса, улардан фойдаланиш афзалиги бир хил бўлади. Агар  $t_{\text{айл.а}}/t_{\text{айл.т}} < 1$  бўлса, автомобильни ишлатиш афзалроқ бўлади.

*Мисол.* Оддинги келтирилган мисол кўрсаткичларига кўра тягач ва автомобилнинг бир айланишига сарфлаган вақтлари нисбати: 20 км масофага юк ташишда 0,73, 10 км масофага юк ташишда 0,95 ва 5 км масофага юк ташишда 1,36.

Мисол кўрсаткичларига биноан, тягачларни ишлатиш юк ташиш масофаси 5 км бўлганда афзалроқ экан.

в) тенг баҳоли масофа бўйича ҳисоблаш:

Юқоридаги мисоллар ҳисобларига кўра тенг баҳоли автомобиль ва тягач ишлари кўпчилик иш шароитлари бир хил бўлганда юкли қатнов масофасига боғлиқ экан. Юкли қатнов масофасининг аниқ бир қийматида автомобиль ва тягачни ишлатиш бир хилда фойдали бўлади. Бундай юкли қатнов масофасини топиш учун  $t_{\text{айл.а}}/t_{\text{айл.т}}$  нисбат бирга тенг бўлиши керак. Бундай ҳол учун:

$$\frac{V_{T_t}(2l_{\text{юк}} + V_{T_a}nt_{o-t})}{V_{T_a}(2l_{\text{юк}} + V_{T_t}nt_{yy})} = 1$$

Бу формулага биноан автомобиль ва тягач тенг миқдорда ишлайдиган масофа қуйидагича бўлади:

$$l_{v.b} = \frac{V_{T_a}V_{T_t}(t_{o-t} + t_{yy})}{2(V_{T_a} - V_{T_t})}, \text{ км} \quad (82)$$

(82) формуладан кўриниб турибдики, тенг баҳоли масофа узунлиги ҳаракатлар тезлиги, автомобиль ва тягачларнинг ортиш-тушириш ҳамда узиб-улашда туришлари билан боғлиқ экан.

г) иш унуми бүйича ҳисоблаш:  
автомобилнинг иш унуми:

$$W_{Pa} = \frac{q_a \gamma_a \beta_a V_{Ta} t_{ok}}{l_{ok} + \beta_a V_{Ta} t_{o-t}}, \text{ ТКМ/соат}; \quad (83)$$

тиркамали тягачнинг иш унуми:

$$W_{pa} = \frac{q_t \gamma_t \beta_t V_{Tr} l_{ok}}{l_{ok} + \beta_t V_{Tr} t_{o-t}}, \text{ ТКМ/соат}; \quad (84)$$

Юқоридаги формулалардан кўриниб турибдик, автомобиль ва тягачнинг иш унуми уларнинг ҳаракат тезликлари, юк кўттарувчанликлари, ортиш-тушириш ёки узбullaшда бўш туриш вақтлари билан bogliқ экан.

Бундай кўп ўзгарувчан кўрсаткичлар орқали транспорт воситаларини танлаш аниқ иш шароити (маршрути)га қараб ҳисоблаш зарурлигини билдиради. Транспорт воситаларининг афзаллигини тўғрироқ белгиловчи усул автомобиль ва тиркамали тягачлар иш унумини таққослаш усулидир.

### 8.8. Транспорт воситаларига бўлган талабни ҳисоблаш

Транспорт воситаларининг зарур миқдорини умумий ҳолда аниқлаш учун барча кўрсаткичлар ўртача миқдорда, эксплуатацион ишлар бир хил шароитда кечиши ва уларни бажариш учун бир турдаги транспорт воситалари бўлиши лозим. Бундай шароитлар амалда жуда кам учрайди.

Одатда, автотранспорт корхоналарида бор транспорт воситалари ҳар хил турда, эксплуатацион ишлар ҳам турли шароитларда кечиб, улар ҳар хил омиллар таъсирида ўзгариб туради. Шунинг учун транспорт воситаларини ҳисоблашни уларнинг турлари бўйича, баъзи ҳолларда эса транспорт воситаларининг маркалари бўйича амалга ошириш лозим бўлади.

Режа даврида ташилиши лозим бўлган ташиш ҳажми маълум бўлса ва транспорт воситасининг бир кунлик иш унуми ҳисоблаб топилиб, улар (автомобиль ва тиркама)нинг

эксплуатациядаги миқдорини ва автомобиль саройидан фойдаланиш коэффициенти орқали зарур автотранспорт саройини аниқлаш мумкин. Бунинг учун лойиҳалаштирилаётган ташиш ҳажми ёки иши (обороти) бир кунлик транспорт воситалар иш унумига бўлинса, авто сарой бўйича эксплуатациядаги автомобиль-кунлар миқдори аниқланади:

$$AK_3 = \frac{\Sigma P}{P_k} \text{ ёки } AK_3 = \frac{\Sigma Q}{Q_k}.$$

Бунда:  $\Sigma P$  — АТС бўйича лойиҳадаги юк ташиш иши (обороти), ткм;  $\Sigma Q$  — АТС бўйича лойиҳадаги юк ташиш ҳажми, т;  $P_k$  — бир автомобилнинг бир кунлик ткм даги иш унуми;  $Q_k$  — бир автомобилнинг бир кунлик т даги иш унуми.

Эксплуатациядаги автомобиль-кунлар миқдорини келажак даврдаги эксплуатациядаги календарь-кунларга (қабул этилган автомобиль саройи бўйича иш режимига биноан) бўлиб, эксплуатация қилиш учун зарур бўлган автомобиллар миқдори ( $A_3$ ) аниқланади.

$$A_3 = \frac{AK_3}{K_3}$$

Рўйхатдаги (ёки инвентар китобидаги) автомобиллар сонини аниқлаш учун эксплуатациядаги автомобиллар сони ( $A_x$ ) саройдан фойдаланиш коэффициентига булиниади:

$$A_x = \frac{A_3}{\alpha_{и.ф}}.$$

### 8.9. Транспорт воситаларини эксплуатация қилиш бўйича ишлаб чиқариш дастурини ҳисоблаш

Транспорт воситаларини эксплуатация қилишнинг ишлаб чиқариш дастури автомобиль саройи қуввати ҳамда унинг иш унуми бўйича ҳисобланади. Ишлаб чиқариш дастурини аниқлашда эксплуатацион курсаткичларнинг ўртача даражаси ва календарь давр учун юк ташиш ҳажми, юк ташиш иши (юк обороти) ҳамда километрларда улчаш

Нувчи умумий босиб ўтилган масофа, юкли қатновларнинг умумий миқдори куйидаги формулаларга биноан аниқланади:

$$\sum Q = AK_k q \alpha_{n,\phi} \frac{\gamma_{ct} T_{ish} \beta V_t}{l_{ok} + \beta V_t t_{o-t}}, T \quad (85)$$

$$\sum P = AK_k q \alpha_{n,\phi} \frac{\gamma_d T_{ish} \beta V_t l_{ok}}{l_{ok} + \beta V_t t_{o-t}}, TKM \quad (86)$$

$$\sum L_{ym} = AK_k \alpha_{n,\phi} \frac{T_{ish} \beta V_t l_{ok}}{l_{ok} + \beta V_t t_{o-t}}, KM \quad (87)$$

$$\sum Z_{ok} = AK_k \alpha_{n,\phi} \frac{T_{ish} \beta V_t}{l_{ok} + \beta V_t t_{o-t}}, \text{ қатнов} \quad (88)$$

Үз навбатида, пассажирларни автобусларда ташишда ташилувчи пассажирлар сони ва пассажирлар обороти ҳамда километрларда ўлчанувчи босиб ўтилган умумий масофа, пассажирлар қатновларининг умумий миқдорлари куйидаги формулаларга биноан аниқланади:

$$\sum Q = AK_k q \alpha_{n,\phi} \frac{\gamma_{ct} T_{ish} \beta V_t l_{ok} V_t}{L_{MK} + \beta V_t t_{M.H.T}}, \text{ пасс.} \quad (85')$$

$$\sum P = AK_k q \alpha_{n,\phi} \frac{\gamma_d T_{ish} \beta L_m V_t}{L_{MK} + \beta V_t t_{M.H.T}}, \text{ пасс. KM} \quad (86')$$

$$\sum L_{ym} = AK_k \alpha_{n,\phi} \frac{T_{ish} L_m V_t}{L_{MK} + \beta V_t t_{M.H.T}}, KM \quad (87')$$

$$\sum Z_{ok} = AK_k \alpha_{n,\phi} \frac{T_{ish} \eta_{alm} V_t}{L_{MK} + \beta V_t t_{M.H.T}}, \text{ қатнов} \quad (88')$$

Барча эксплуатацион кўрсаткичлар ва иш унумларини хисоблаш бир маркали автомобиллар гурухи бўйича аниқланади. Юк ташишла тиркамалар учун хисоблашлар алоҳида бажарилади.

*Мисол.* ЗИЛ-130-76 маркалы автомобиллари бор автотранспорт саройининг ишлаб чиқариш дастури ҳисоблансин. Бунда автомобилларнинг йиллик рўйхатдаги сонг  $A_x = 350$  ва улар қуидаги кўрсаткичлар билан ишлайди:

$\alpha_{и\cdot\phi} = 0.64$ ;  $T_{и\cdotш} = 9.4$  соат;  $q_h = 6$  т;  $\gamma_{ct} = 0.96$ ;  $V_t = 40$  км/соат;  $\beta_m = 0.58$ ;  $l_0 = 8$  км;  $l_{юк} = 17.4$  км ва  $t_{о\cdotт} = 0.4$  соат.

*Ечими:*

маршрутдаги иш вақти:

$$1. T_m = T_{и\cdotш} - l_0/V_t = 9.4 - 8/40 = 9.2 \text{ соат}$$

$$2. \sum Q = A K_k q \alpha_{и\cdot\phi} \frac{\gamma_{ct} T_{и\cdotш} \beta V_t}{l_{юк} + \beta V_t t_{о\cdotт}} = \\ = 350 \cdot 365 \cdot 0.64 \cdot 6 \text{ т} \frac{0.96 \cdot 9.2 \cdot 0.58 \cdot 40}{17.4 + 0.58 \cdot 40 \cdot 0.4} = 376456,7 \text{ т}$$

$$3. \sum P = A K_k q \alpha_{и\cdot\phi} \frac{T_{и\cdotш} \beta_m V_t l_{юк}}{l_{юк} + \beta_m V_t t_{о\cdotт}} = 65553746,6 \text{ ткм};$$

$$4. \sum L_{y_m} = A_k K_k \alpha_{и\cdot\phi} \frac{T_m \beta_m V_t l_{юк}}{l_{юк} + \beta_m V_t t_{о\cdotт}} = 13532700 \text{ км};$$

$$5. \sum Z_{юк} = A_k K_k \alpha_{и\cdot\phi} \frac{T_m \beta_m V_t}{l_{юк} + \beta_m V_t t_{о\cdotт}} = 451090 \text{ қатнов.}$$

Бунга қўшимча ишлаб чиқариш дастурини ҳисобдаги ҳар бир автотонна ва автомобиль учун ишлаб чиқиш мумкин.

Бизнинг мисолдаги ҳар бир автотонна қуввати бўйича:

$$\sum Q_{a|t} = \frac{\sum Q}{\sum A_x q_h} = \frac{376456,7}{350 \cdot 6 \text{ т}} = 1794 \text{ т},$$

$$\sum P_{a|t} = \frac{\sum P}{\sum P_x q_h} = \frac{65553746,6}{350 \cdot 6 \text{ т}} = 31216 \text{ ткм};$$

ҳисобдаги ҳар бир автомобиллар учун

$$\sum Q_a = \frac{\sum Q}{\sum A_k} = \frac{376456,7}{350} = 10764 \text{ т};$$

$$\sum P_a = \frac{\sum P}{\sum A_k} = \frac{65553746,6}{350} = 187296,6 \text{ ткм.}$$

Хар хил маршрутлардаги транспорт воситалари иши-ни ҳисоблаш “Юк ташувчи транспорт воситалари ҳарака-тини ташкил этиш” бобида берилади.

### 9 - б о б

## МАРШРУТДА ИШЛОВЧИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ҲИСОБИ

### 9.1. Орқа йўналишда юксиз қатналадиган маятникили маршрут

Маятникили маршрутда орқага бўш қатновчи транспорт воситаларининг (17-расм) иш ҳисобини бажариш учун қуидагиларни кўриб чиқамиз: юкли масофаси  $I_{юк} = 10$  км, нолинчи қатновлар  $|I| = 4$  км,  $|I''| = 8$  км. Ташиб-лувчи юк 1-синфга мансуб, донали ( $\gamma = 1,0$ ). Юкнинг умумий ҳажми  $Q = 30660$  т. Ташиб ЗИЛ-130-76 автомобилида 30 кун давомида қуидаги эксплуатацион кўрсаткичлар билан бажарилади:  $V = 24$  км/соат,  $t_{o-t} = 0,7$  соат, ишдаги вақт  $T_{иш} = 14$  соат.  $A$ ,  $L$  ва  $\beta$  ларни аниқлаш зарур.

1. Автомобилнинг маршрутда бўлиш вақтини топамиз. Айни мисолда  $\beta_m = 0,5$  бўлгани учун:

$$T_u = T_{иш} - t_0 = T_{иш} - \frac{|I_0| + |I''|}{V_t} = 14 - \frac{4+8}{24} = 13,5 \text{ соат.}$$

2. Кун давомидаги юкли қатновлар сони:

$$Z_k = \frac{T_u \beta_m V_t}{T_{юк} + \beta_m V_t t_{o-t}} = \frac{13,5 \cdot 0,5 \cdot 24}{10 + 0,5 \cdot 24 \cdot 0,7} = 8,8.$$

Қатновлар сони  $Z_k = 9$  бутун деб,  $T_m$  ни қайтадан ҳисоблашылады:

$$T_m^I = \frac{Z_e^I (l_{ок} + \beta_m V_T t_{0-T})}{\beta_m V_T} = \frac{9(10 + 0.5 \cdot 24 - 0.7)}{0.5 \cdot 24} = 13.8 \text{ соат};$$

Ишдаги вақт.

$$T_{ишиш} = T_m^I + t_0 = 13.8 + 0.5 = 14.3 \text{ соат}.$$

3. Автомобилнинг бир күнлик иш унумини аниқладылады тоннада

$$Q_k = q_n \cdot Y_{ct} \cdot Z_e^I = 6 \cdot 1 \cdot 9 = 54 \text{ т},$$

тонна-километрда

$$P_k = q_n \cdot Y_{ct} \cdot Z_e^I l_{ок} = 6 \cdot 1,0 \cdot 9 \cdot 10 = 540 \text{ ткм}.$$

Ташиш режасини бажариш учун зарур автомобилларнинг эксплуатациядаги сони:

$$A_3 = \frac{Q_{режа}}{\Delta_{ишиш} Q_k} = \frac{30660 \tau}{30 \cdot 54 \tau} = 19.$$

4. Автомобилнинг бир күнлик қатнов масофаси

$$L_K = \frac{l_k \cdot Z_e^I}{\beta_m} - l_{6, K} + (l_0^I + l_0^{II}) = \frac{10 \cdot 9}{0.5} - 10 + (4 + 8) = 182 \text{ км}.$$

Күн давомида қатнов масофасидан фойдаланиш коэффициенти:

$$\beta = \frac{l_{ок} \cdot Z_e^I}{L_K} = \frac{10 \cdot 9}{182} = 0,495.$$

## 9.2. Орқа йўналишда ҳам юкли қатналадиган маятникли маршрут

Орқа йўналишда ҳам билан қатналадиган маятникли маршрут (18-расм) даги юк ташувчи транспорт воситалари ишини ҳисоблашда қўйилдаги бирламчи кўрсаткичларни оламиз:  $l_{ок} = 10$  км, нолинчи қатновлар  $l_0^I = l_0^{II} = 4$  км, транспорт воситасининг ишда бўлиш вақти  $T_{ишиш} = 16$  соат, А нуқта (жой)

дан Б нүктагача ташилувчи юклар ҳажми  $Q_{AB} = 20000$  т. Б нүктадан А нүктагача (оркага) ташилувчи юклар ҳажми  $Q_{BA} = 20000$  т. Иккала томонга ҳам ташитувчи юклар I-синфга мансуб, яни  $Y_{ct} = 1,0$  тенг. Ташиш муддати 20 кун. Ишловчи автомобиль ГАЗ-53А ( $q_n = 4$  т), ҳаракат тезлиги 25 км/соат, ҳар бир юкли қатновда ортиш-туширишда туриш вақти  $t_{ot} = 0,6$  соат.

Хисоблаш тартиби:

1. Маршрут ичи йўлдан фойдаланиш коэффициенти  $\beta_m = 1,0$  эканлигини назарда тутиб, автомобильнинг маршрутда ишлаш вақтини аниқлаймиз:

$$T_m = T_{ish} - t_o = T_{ish} - \frac{t_{ot} + t_{ot}}{V_t} = 16 - \frac{4+4}{25} = 15,68 \text{ соат.}$$

2 Автомобилнинг бир кундаги юкли қатновларини хисоблаймиз:

$$Z_{yok} = \frac{T_m \beta_m V_t}{l_{yok} + \beta_m V_t t_{o-t}} = \frac{15,68 \cdot 1,0 \cdot 25}{10 + 1,0 \cdot 25 \cdot 0,6} = 15,68.$$

Қатновлар сонини яхлитлаб (16 га келтириб), маршрутдаги вақтни қайта хисоблаймиз:


$$T_m^I = \frac{Z_{yok}^I (l_{yok} + \beta_m V_t t_{o-t})}{\beta_m V_t} = \frac{16(10 + 1,0 \cdot 25 \cdot 0,6)}{1,0 \cdot 25} = 16 \text{ соат.}$$

Иш вақти эса

$$T_{ish}^I = T_m^I + t_o = 16 + 0,32 = 16,32 \text{ соат бўлади}$$

3. Автомобилнинг бир кунлик иш унуми: тоннада

$$Q_k = q_n Y_{ct} \cdot Z_{yok} = 4 \cdot 1,0 \cdot 16 = 64 \text{ т;}$$



18 - расм. Орқа йўналишда ҳам юк билан қатналадиган майтники маршрут.

тонна-километрда

$$P_k = q_n \cdot Y Z_{\text{юк}} \cdot l_{\text{юк}} = 4,0 \cdot 1,0 \cdot 16 \cdot 10 = 640 \text{ ткм}$$

Ташиш режасини бажариш учун зарур автомобильлар сони:

$$A_3 = \frac{Q_{AB} + Q_{BA}}{K_{\text{нш}} \cdot Q_k} = \frac{20000 \text{ т} + 20000 \text{ т}}{20 \cdot 64 \text{ т}} = 31.$$

4. Автомобилнинг кунлик қатнов масофаси:

$$L_{\text{сут}} = Z_{\text{юк}}^1 \cdot l_{\text{юк}} + (l_o^1 + l_o^{11}) = 16 \cdot 10 + (4+4) = 168 \text{ км.}$$

Кун давомида автомобильнинг йўлдан фойдаланиш коэффициенти:

$$\beta = \frac{l_{\text{юк}} \cdot Z_{\text{юк}}^1}{L_{\text{сут}}} = \frac{10 \cdot 16}{168} = 0,95.$$

Агар иккала йўналишдаги юкли қатновларда ҳам ҳар хил синфга мансуб юклар ташилса, яъни юк кўтарувчанликлардан фойдаланиш коэффициентлари бирдамчи ва орқа йўналишда ўзаро тенг бўлмаганда транспорт воситасининг тоннада ўлчанувчи иш унуми қуидагича аниқлалади:

$$Q_k = (q_n Y_{AB} + q_n Y_{BA}) = \frac{Z_{\text{юк}}^1}{2},$$

бунда  $q_n$  ни қавсдан чиқарсак,

$$Q_k = q_n (Y_{AB} + Y_{BA}) = \frac{Z_{\text{юк}}^1}{2}.$$

Айни шартта кўра транспорт воситасининг тонна-километрдаги иш унуми қуидагича:

$$P_k = (q_n \cdot Y_{AB} \cdot l_{\text{юк}} + q_n Y_{BA} l_{\text{юк}}) = \frac{Z_{\text{юк}}^1}{2} \cdot l_{\text{юк}},$$

ёки  $P_k = Q_k \cdot l_{\text{юк}}$  бўлади. Қолган ҳисобларда ўзгариш бўлмайди.

### 9.3. Орқа йўналишда юкли қатнашадиган маятникли маршрут


Мазкур маятникли маршрутда юк ташувчи транспорт воситаларини хисоблашда куйидаги бирламчи кўрсаткичлардан фойдаланамиз (19-расм):

$$l_{\text{юк}}^{\text{AB}} = 12 \text{ км};$$

$$l_{\text{юк}}^{\text{BB}} = 8,0 \text{ км};$$

$$l_{\text{бк}}^{\text{BA}} = 4,0 \text{ км};$$

$$l_{\text{бк}}^{\text{B}} = l_{\text{бк}}^{\text{A}} = 5 \text{ км};$$



19-расм. Орқага тўлиқ бўлмаган юкли маятникли қатнив.

автомобилнинг ишда бўлиш вақти  $T_{\text{иш}} = 12$  соат.

АБ бирламчи (тўғри) йўналишда ташилувчи юклар ҳажми 200 000 т, биринчи синфли юк ( $\gamma_{\text{AB}} = 1,0$ ), маршрутнинг тескари йўналишдаги БВ бўлагида ташилувчи юклар ҳажми 180 000 т бўлиб, юк кўтарувчаниликдан фойдаланиш коэффициенти  $\beta_{\text{BV}} = 0,9$ . Ташилувчи юклар уюлиб ташилувчи ва сочилиувчан бўлганлиги учун уларни юк кўтарувчанилиги 4,5т ли самосвал автомобилларда ташиш мўлжалланган. Юкни ортиш учун зарур вақт  $t_o = 0,15$  соат, тушириш вақти  $t_r = 0,1$  соат. Ташиш муддати 120 кун. Автомобилнинг ҳаракат тезлиги  $V_t = 24$  км/соат.

Хисоблаш тартиби:

1. Автомобилнинг маршрутда ишлаш вақтини топамиз:

$$T_m = T_{\text{иш}} - \frac{l_{\text{бк}}^{\text{A}} + l_{\text{бк}}^{\text{B}}}{V_t} = 12 - \frac{5+5}{24} = 12 - 0,42 = 11,58 \text{ соат};$$

автомобилнинг маршрутдаги бир айланиш вақтини аниқлаймиз:

$$t_{\text{айл}} = \sum t_x^A + \sum t_{x \rightarrow x} = t_o^A + l_x^{\text{AB}} + t_r^B + t_o^B + l_x^{\text{BB}} + t_r^A + t_{\text{бк}}^{\text{BA}},$$

$$\begin{aligned} t_{\text{айл}} &= t_o^A + \frac{l_{\text{юк}}^{\text{AB}}}{V_t} + t_r^B + t_o^B + \frac{l_{\text{юк}}^{\text{BB}}}{V_t} + t_r^A + t_{\text{бк}}^{\text{BA}} = \\ &= 0,15 + \frac{12}{24} + 0,1 + 0,15 + \frac{8}{24} + 0,1 + \frac{4}{24} = 1,5 \text{ соат} \end{aligned}$$

2. Автомобилнинг маршрутдаги бир кунлик айланишлари сони

$$Z_{\text{аил}} = \frac{T_m}{t_{\text{аил}}} = \frac{11.58}{1.5} = 7.7$$

Айланишлар сонини яхлит 8 га келтириб, вақтларни қайта ҳисоблаймиз:

маршрутдагиси

$$T_{\text{иц}}^1 = Z_{\text{аил}}^1 \cdot t_{\text{аил}} = 8 \cdot 1.5 = 12 \text{ соат}$$

ищдагиси

$$T_{\text{иш}}^1 = T_{\text{иц}}^1 + t_o = 12 + 0.42 = 12.42 \text{ соат}$$

3. Автомобилнинг бир кунлик иш унумини ҳисоблаймиз: тоннада

$$Q_k = (q_n Y_{AB} + q_n Y_{BB}) \cdot Z_{\text{аил}}^1 = q_n (Y_{AB} + Y_{BB}) \cdot Z_{\text{аил}}^1 = \\ = 4.5 (1.0 + 0.9) 8 = 64.6 \text{ т;}$$

тонна-километрда

$$P_k = (q_n \cdot Y_{AB} \cdot l_{\text{юк}}^{AB} + q_n \cdot Y_{BB} \cdot l_{\text{юк}}^{BB}) \cdot Z_{\text{аил}}^1 \text{ ТКМ} \\ \text{ёки}$$

$$P_k = q_n (Y_{AB} \cdot l_{\text{юк}}^{AB} + Y_{BB} \cdot l_{\text{юк}}^{BB}) \cdot Z_{\text{аил}}^1 = \\ = 4.5 (1.0 \cdot 12 + 0.9 \cdot 8) \cdot 8 = 584,8 \text{ ткм.}$$

Юкларни ташиш учун зарур бўлган автомобиллар сони:

$$A_3 = \frac{Q_{AB} + Q_{BB}}{K_3 \cdot Q_k} = \frac{200000 \text{ т} + 180000}{120 \cdot 64.6 \text{ т}} = 49.$$

4. Автомобилнинг бир кунлик умумий босиб ўтиш ма-софаси:


$$L_{\text{сүр}} = (l_{AB} + l_{BB} + l_{BA}) \cdot Z_{\text{аил}}^1 + (l_0^1 + l_0^{II}) - l_{BA} = \\ = (12 + 8 + 4) \cdot 8 + (5 + 5) - 4 = 198 \text{ км.}$$

Кун давомида автомобилнинг йўлдан фойдаланиш ко-эффициенти

$$\beta = \frac{(l_{\text{юк}}^{AB} + l_{\text{юк}}^{BB}) \cdot Z_{\text{аил}}^1}{L_{\text{сүр}}} = \frac{(12 + 8.0) \cdot 8}{198} = 0.81.$$

#### 9.4. Ҳалқасимон маршрут

Ҳалқасимон маршрут - да юк ташувчи автомобилнинг ишини ҳисоблашда (20-расм) қўйидаги бирламчи кўрсаткичлардан фойдаланамиз. Қатнов масофалари оралифи  $l_{\text{юк}}^{\text{АБ}} = 10 \text{ км}$ ,  $l_{\text{юк}}^{\text{БВ}} = 4 \text{ км}$ ,  $l_{\text{юк}}^{\text{ВГ}} = 14 \text{ км}$ ,  $l_{\text{юк}}^{\text{ГД}} = 12 \text{ км}$ ,  $l_{\text{юк}}^{\text{ДА}} = 6 \text{ км}$ , нолинчи қатнов масофаси  $l_o = 6 \text{ км}$ .



20 - расм . Ҳалқасимон маршрут.

Автомобилнинг иш вақти  $T_{\text{иш}} = 16$  соат. Қатновнинг АБ бўлағида ташиливчи 1-синфга мансуб юкнинг ( $\Upsilon_{\text{AB}} = 1,0$ ) ҳажми 200 000т, ВГ бўлагида 2-синфга мансуб юкнинг ( $\Upsilon_{\text{ВГ}} = 0,8$ ) ҳажми 160 000 т ва ГД бўлагида 3-синфга мансуб юкнинг ( $\Upsilon_{\text{ГД}} = 0,6$ ) ҳажми 120 000 т. Ташиш муддати  $K_s = 360$  кун. Юк ташишда ЗИЛ-130-66 автомобилларидан фойдаланилади. Юк ортиш вақти  $t_o = 0,5$  соат, тушириш вақти  $t_t = 0,3$  соат. Қатнов шароитлари айрим йўл бўлакларида бир хил эмаслиги учун, ҳаракат тезликлари қўйидагича: йўлнинг АБ ва ВД бўлакларида  $V_t = 20 \text{ км/соат}$ , БВ ва ВГ бўлакларида  $V_t = 22 \text{ км/соат}$  ва ДА бўлагида ва нолинчи қатновда  $V_t = 20 \text{ км/соат}$

Ҳисоблаш тартиби:

1. Автомобилнинг маршрутда ишлаш вақтини топамиз:

$$T_m = T_{\text{иш}} - \frac{l_o + l_{\text{юк}}}{V_t} = 16 - \frac{6+6}{20} = 16 - 0,6 = 15,4 \text{ соат};$$

Автомобилнинг маршрутда тўлиқ бир айланишида ҳаракатланиш ва ортиш-туширишда туриш вақтларининг жами:

$$t_{\text{айл.}} = \sum t_x + \sum t_{\text{-о-т}}, \text{ соат}$$

жумладан

$$\begin{aligned} \sum t_x &= t_{\text{АБ}} + t_{\text{БВ}} + t_{\text{ВГ}} + t_{\text{ГД}} + t_{\text{ДА}} = \frac{l_{\text{юк}}^{\text{АБ}}}{V_t^{\text{АБ}}} + \frac{l_{\text{юк}}^{\text{БВ}}}{V_t^{\text{БВ}}} + \frac{l_{\text{юк}}^{\text{ВГ}}}{V_t^{\text{ВГ}}} + \\ &+ \frac{l_{\text{юк}}^{\text{ГД}}}{V_t^{\text{ГД}}} + \frac{l_{\text{юк}}^{\text{ДА}}}{V_t^{\text{ДА}}} = \frac{10}{24} + \frac{4}{22} + \frac{14}{22} + \frac{12}{24} + \frac{6}{20} = 2,04 \text{ соат}; \end{aligned}$$

$$\sum t_{o-f} = t_o^A + t_r^B + t_o^B + t_r^C + t_o^C + t_r^D = \\ = 0,5 + 0,3 + 0,5 + 0,3 + 0,5 + 0,3 = 2,4 \text{ соат.}$$

У ҳолда:

$$t_{\text{авт.}} = 2,04 + 2,4 = 4,44 \text{ соат.}$$

2. Автомобилнинг маршрутдаги бир кунлик айланишлари сони

$$Z_{\text{авт.}} = \frac{T_u}{t_{\text{авт.}}} = \frac{15,4}{4,44} = 3,4,$$

Айланишлар сонини яхлит 3 га келтириб, вақт сарфларини қайта ҳисоблаймиз:  
маршрутдаги вақт

$$T_m^1 = t_{\text{авт.}} \cdot Z_{\text{авт.}}^1 = 4,44 \cdot 3,0 = 13,32 \text{ соат};$$

ишда бўлиш вақти

$$T_{\text{иши}} = T_m^1 + t_o = 13,32 + 0,6 = 13,92 \text{ соат.}$$

3. Автомобилнинг бир кунлик иш унумини ҳисоблаймиз:  
тоннада

$$Q_e = (q_n \cdot Y_{AB} + q_n \cdot Y_{BR} + q_n \cdot Y_{GD}) \cdot Z_{\text{авт.}}^1 = \\ = q_n (Y_{AB} + Y_{BR} + Y_{GD}) \cdot Z_{\text{авт.}}^1 = 5(1+0,8+0,6) \cdot 3 = 36 \text{ т.}$$

тонна-километрда

$$P_k = (q_n \cdot Y_{AB} l_{\text{кк}}^{AB} + q_n \cdot Y_{BR} l_{\text{кк}}^{BR} + q_n \cdot Y_{GD} l_{\text{кк}}^{GD}) \cdot Z_{\text{авт.}}^1 = \\ = q_n (Y_{AB} \cdot l_{\text{кк}}^{AB} + Y_{BR} \cdot l_{\text{кк}}^{BR} + Y_{GD} \cdot l_{\text{кк}}^{GD}) \cdot Z_{\text{авт.}}^1 = \\ = 5 (1 \cdot 10 + 0,8 \cdot 14 + 0,6 \cdot 12) \cdot 3 = 426 \text{ ткм.}$$

Юкларни ташиш учун зарур бўлган автомобиллар сони

$$A_3 = \frac{Q_{AB} + Q_{DF} + Q_{GL}}{K_3 \cdot Q_k} = \frac{200000 \text{ т} + 160000 \text{ т} + 120000 \text{ т}}{360 \cdot 36 \text{ т}} = 37.$$

4. Автомобилнинг бир кунлик умумий қатнов масофа-  
си:

$$\begin{aligned} L_{\text{сүт}} &= L_{\text{авт.}} Z_{\text{авт.}}^1 + l_0 - l_{6k} = \\ &= (l_{\text{юк}}^{AB} + l_{6k}^{BB} + l_{\text{юк}}^{BГ} + l_{\text{юк}}^{ГД} + l_{6k}^{ДA}) \cdot Z_{\text{авт.}}^1 + l_0 - l_{6k} = \\ &= (10 + 14 + 12 + 4 + 6) \cdot 3 + (6 + 6) - 6 = 144 \text{ км} \end{aligned}$$

Йўлдан фойдаланиш коэффициенти:

$$\beta = \frac{l_{\text{юк,авт.}} Z_{\text{авт.}}^1}{L_{\text{сүт}}} = \frac{(l_{\text{юк}}^{AB} + l_{\text{юк}}^{BГ} + l_{\text{юк}}^{ГД}) Z_{\text{авт.}}^1}{L_{\text{сүт}}} = \frac{(10+14+12) \cdot 3}{144} = 0,75.$$

### 9.5. Бир гуруҳ маршрутларда юк ташувчи транспорт воситалари ишини ҳисоблаш

Бир гуруҳ маршрутларда 21-расм юк ташувчи автомобиллар ишини ҳисоблашда 5-жадвалда келтирилган бирламчи курсаткичлардан фойдаланамиз.

Ҳар бир маршрутда ишловчи автомобиллар ишини алоҳида ҳисоблаймиз ва бунинг учун барча маршрутларни ажратиб оламиз: орқага бўш қатналадиган маятникили АБ маршрут, ҳалқасимон ВГДЕЖВ маршрут ва икки томонлама юк ташилувчи ЗИЗ маршрути. Ташиш муддати  $K_3 = 20$  кун.

Ҳар бир алоҳида маршрут учун ҳисоблашларни алоҳида бажарамиз.

Орқага бўш қатналадиган АБ маршрути (21-расм).

1. Автомобилнинг маршрутда ишлаш вақти:

$$T_m = T_{\text{иши}} - t_0 = 12 - \frac{8}{24} = 12 - 0,33 = 11,67 \text{ соат}$$

айни маршрутда йўлдан фойдаланиш коэффициенти  $\beta_m = 0,5$ .

5-жадвал.

Маршрут тартиби			Каерда! юк ошилади			Каерга ва кимга юк келтирилади			Юк тури			Юк хужми. минг, т.						Автомобиль маркаси		
1	A Б	B А	Б кум -	30 -	1,0 -	8 -	10 -	- 10	12 -	0,2 -	0,1 -	24 24	МАЗ-503							
2	B	G	тап- рав- ли юк -	20	1,0	12	16	-	14	0,4	0,3	20	ГАЗ-53							
		D	Д - та- рап- ли юк -		-	-	-	8	-	-	-	24								
	E Ж	J	Ж - та- рап- ли юк -	16 12	0,8 0,6	-	12 14	-	-	0,4	0,3	24 22								
3	Z И	I	И йи- фил- ма юк -	20	1,0	5	15	-	12	0,5	0,3	25	Зил-130							
		3		20	0,8	-	15	-	-	0,5	0,3	25								

2. Автомобилнинг кун давомидаги юкли қатновлари сонини аниқлаймиз:

$$Z_k = \frac{T_m \cdot \beta_m V_t}{l_{\text{юк}} + \beta_m V_t t_{0-T}} = \frac{11,67 \cdot 0,5 \cdot 24}{10 + 0,5 \cdot 24 \cdot 0,3} = 10,3$$

Қатновлар сонини яхлит 10 га келтириб, вақт сарфларини қайта ҳисоблаймиз.

Маршрутдаги вақт:

$$T_m^I = \frac{Z_k^I (l_{\text{юк}} + \beta_m V_t \cdot t_{0-T})}{\beta_m V_t} = \frac{10(10 + 0,5 \cdot 24 \cdot 0,3)}{0,5 \cdot 24} = 11,33 \text{ соат.}$$



21-расм. Бир гурұх маршрутлардаги транспорт воситаси иши ҳисоби.

Автомобилнинг ишда бўлиш вақти:

$$T_{\text{ш}} = T_m^1 + t_o = 11,33 + 0,33 = 11,66 \text{ соат.}$$

3. Автомобилнинг бир кунлик иш унумини ҳисоблаймиз:

тоннада

$$Q_k = q_h \cdot Y_{ct} \cdot Z_m^1 = 7 \cdot 1,0 \cdot 10,0 = 70 \text{ т.}$$

тонна-километрда

$$P_k = Q_k \cdot l_{yok} = 70 \cdot 10 = 700 \text{ ткм.}$$

4. Юкларни ташиш учун зарур бўлган автомобиллар сони

$$A_s = \frac{Q_{\text{режа}}}{K_s \cdot Q_k} = \frac{30\,000}{30 \cdot 70 \text{ т}} = 14$$

5. Юк ташиш чизмасига кўра автомобилнинг бир кунлик умумий қатнов масофаси қуидагича бўлади:

$$L_{\text{сүт}} = \frac{l_{yok} Z_k^1}{B_m} + (l_o^1 + l_o^{II}) - l_{6k} = \frac{10 \cdot 10}{0,5} + 8 - 10 = 198 \text{ км.}$$

## Йўлдан фойдаланиш коэффициенти

$$\beta = \frac{l_{\text{ко}} \cdot Z_k^l}{L_{\text{сум}}} = \frac{10 \cdot 10}{198} = 0,505.$$

**ВГДЕЖВ** маршрут (21-расм). Чизмага кўра мазкур маршрут ҳалқасимон бўлиб, унинг ГД ва ЕЖ йўл бўлагида автомобиль бўш (юксиз) қатнайди. Ҳалқасимон маршрутда ишловчи автомобиль ишини ҳисоблашда маршрут бўйича айланиш вақтидан фойдаланилади, маятникли маршрутда эса қатновлар вақтидан фойдаланилади.

1. Автомобилнинг маршрутда ишлаш вақти:

$$T_m = T_{\text{иши}} - t_0 = 14 - \frac{12}{24} = 14 - 0,5 = 13,5 \text{ соат.}$$

2. Автомобилнинг маршрутдаги бир айланиш вақти:

$$\begin{aligned}
 t_{\text{айл}} &= t_o^B + t_x^{BT} + t_r^r + t_{\text{ГД}}^D + t_o^D + t_x^{DE} + t_r^E + t_o^E + t_x^{EX} + t_r^K + \\
 &+ t_x^{XB} = t_o^B + \frac{l_{\text{ко}}^{BT}}{V_{\text{т}}^{BT}} + t_r^r + \frac{l_{\text{ко}}^{ГД}}{V_{\text{т}}^{ГД}} + t_o^D + \frac{l_{\text{ко}}^{DE}}{V_{\text{т}}^{DE}} + t_r^E + t_o^E + \frac{l_{\text{ко}}^{EX}}{V_{\text{т}}^{EX}} + t_r^K + \\
 &+ \frac{l_{\text{ко}}^{XB}}{V_{\text{т}}^{XB}} = 0,4 + \frac{16}{24} + 0,3 + \frac{8}{20} + 0,4 + \frac{12}{24} + 0,3 + 0,3 + \frac{14}{22} + 0,2 + \\
 &+ \frac{6}{24} = 0,4 + 0,67 + 0,3 + 0,4 + 0,4 + 0,5 + 0,3 + 0,3 + 0,64 + \\
 &+ 0,2 + 0,25 = 4,36 \text{ соат.}
 \end{aligned}$$

3. Автомобилнинг маршрутдаги бир кунлик айланишлар сонини аниқлаймиз:

$$Z_{\text{айл}} = \frac{T_m}{t_{\text{айл}}} = \frac{13,5}{4,36} = 3,1$$

4. Айланишлар сонини яхлит 3 га келтириб, вақт сарфларини қайта ҳисоблаймиз.

Маршрутдаги вақт:

$$T_m^! = Z_{\text{айл}}^! \cdot t_{\text{айл}} = 3,0 \cdot 4,36 = 13,08 \text{ соат.}$$

Ишдаги вақт

$$T_h^! = T_m^! + t_o = 13,08 + 0,5 = 13,58 \text{ соат.}$$

5. Автомобилнинг бир кунлик иш унумини топамиз:  
тоннада

$$Q_k = q_h (Y_{BГ} + Y_{ДE} + Y_{EЖ}) \cdot Z_{aил.}^1 = \\ = 4,0 \cdot (1,0 + 0,8 + 0,6) \cdot 3,0 = 28,8 \text{ т};$$

тонна-километрда

$$P_k = q_h (Y_{BГ} l_{юк}^{BГ} + Y_{ДE} l_{юк}^{ДE} + Y_{EЖ} l_{юк}^{EЖ}) \cdot Z_{aил.}^1 = \\ = 4 \cdot (1,0 \cdot 16 + 0,8 \cdot 12 + 0,6 \cdot 14) \cdot 3,0 = 374 \text{ ткм.}$$

6. Режадаги юкларни ташиш учун зарур бўлган автомобиллар сони:

$$A_s = \frac{Q_{BГ} + Q_{ДE} + Q_{EЖ}}{K_3 \cdot Q_k}.$$

Маршрут бўйлаб ташилувчи юклар ҳар хил синфга мансуб бўлгани учун, уларни келтириш коэффициенти орқали бир синфга келтириш зарур. Барча юкларни 1-синфга келтириш анча енгиллик беради.

$$Q_{келт.} = \frac{Q_x}{Y_x},$$

бунда  $Q_x$  — муайян синфга мансуб юк ҳажми, т;  $Y_x$  — муайян синфга мансуб юк учун юк кўтарувчанликдан фойдаланиш коэффициенти.

Юқорида айтилганларга кўра, маршрутнинг ДЕ бўлагидаги келтирилган юк миқдори:

$$Q_{келт.}^{ДE} = \frac{Q^{ДE}}{Y_{ДE}} = \frac{16\,000}{0,8} = 20\,000 \text{ т.}$$

ЕЖ бўлакдаги келтирилган юк ҳажми:

$$Q_{келт.}^{EЖ} = \frac{Q^{EЖ}}{Y_{EЖ}} = \frac{12\,000}{0,6} = 20\,000 \text{ т.}$$

Юқорида айтилганига кўра, маршрутда ташилувчи юкларнинг барчаси 1-синфга мансуб юкларга келтирилди ва бу ҳажмдаги юкларни ташиш учун зарур автомо-

Йўлдан фойдаланиш коэффициенти

$$\beta = \frac{l_{\text{юк}} \cdot Z_k^l}{L_{\text{сур}}} = \frac{10 \cdot 10}{198} = 0,505.$$

**ВГДЕЖВ маршрут (21-расм).** Чизмага кўра мазкур маршрут ҳалқасимон булиб, унинг ГД ва ЕЖ йўл булагида автомобиль бўш (юксиз) қатнайди. Ҳалқасимон маршрутда ишловчи автомобиль ишини ҳисоблашда маршрутда айланиш вақтидан фойдаланилади, маятникли маршрутда эса қатновлар вақтидан фойдаланилади.

1. Автомобилнинг маршрутда ишлаш вақти:

$$T_m = T_{\text{иш}} - t_0 = 14 - \frac{12}{24} = 14 - 0,5 = 13,5 \text{ соат.}$$

2. Автомобилнинг маршрутдаги бир айланиш вақти:

$$\begin{aligned} t_{\text{айл}} &= t_0 + t_x^{B\Gamma} + t_r^\Gamma + t_{\text{ГД}} + t_0^D + t_x^{DE} + t_r^E + t_0^E + t_x^{EX} + t_r^X + \\ &+ t_x^{XB} = t_0 + \frac{l_{\text{юк}}^{B\Gamma}}{V_r^{B\Gamma}} + t_r^\Gamma + \frac{l_{\text{юк}}^{\Gamma D}}{V_r^{\Gamma D}} + t_0^D + \frac{l_{\text{юк}}^{DE}}{V_r^{DE}} + t_r^E + t_0^E + \frac{l_{\text{юк}}^{EX}}{V_r^{EX}} + t_r^X + \\ &+ \frac{l_{\text{юк}}^{XB}}{V_r^{XB}} = 0,4 + \frac{16}{24} + 0,3 + \frac{8}{20} + 0,4 + \frac{12}{24} + 0,3 + 0,3 + \frac{14}{22} + 0,2 + \\ &+ \frac{6}{24} = 0,4 + 0,67 + 0,3 + 0,4 + 0,4 + 0,5 + 0,3 + 0,3 + 0,64 + \\ &+ 0,2 + 0,25 = 4,36 \text{ соат.} \end{aligned}$$

3. Автомобилнинг маршрутдаги бир кунлик айланишлар сонини аниқлаймиз:

$$Z_{\text{айл}} = \frac{T_m}{t_{\text{айл}}} = \frac{13,5}{4,36} = 3,1$$

4. Айланишлар сонини яхлит 3 га келтириб, вақт сарфларини қайта ҳисоблаймиз.

Маршрутдаги вақт:

$$T_m^l = Z_{\text{айл}}^l \cdot t_{\text{айл}} = 3,0 \cdot 4,36 = 13,08 \text{ соат.}$$

Ишдаги вақт

$$T_h^l = T_m^l + t_0 = 13,08 + 0,5 = 13,58 \text{ соат.}$$

5. Автомобилнинг бир кунлик иш унумини топамиз:  
тоннада

$$Q_k = q_h (Y_{BГ} + Y_{ДE} + Y_{EЖ}) \cdot Z_{\text{дн}}^1 = \\ = 4,0 \cdot (1,0 + 0,8 + 0,6) \cdot 3,0 = 28,8 \text{ т};$$

тонна-километрда

$$P_k = q_h (Y_{BГ} |_{юк}^{BГ} + Y_{DE} |_{юк}^{DE} + Y_{EЖ} |_{юк}^{EЖ}) \cdot Z_{\text{дн}}^1 = \\ = 4 \cdot (1,0 \cdot 16 + 0,8 \cdot 12 + 0,6 \cdot 14) \cdot 3,0 = 374 \text{ ткм}.$$

6. Режадаги юкларни тасиши учун зарур бўлган автомобиллар сони:

$$A_s = \frac{Q_{BГ} + Q_{DE} + Q_{EЖ}}{K_s \cdot Q_k}.$$

Маршрут бўйлаб ташилувчи юклар ҳар хил синфга мансуб бўлгани учун, уларни келтириш коэффициенти орқали бир синфга келтириш зарур. Барча юкларни 1-синфга келтириш анча енгиллик беради.

$$Q_{\text{келт.}} = \frac{Q_x}{r_x}.$$

бунда  $Q_x$  — муайян синфга мансуб юк ҳажми, т;  $r_x$  — муайян синфга мансуб юк учун юк кутарувчанликдан фойдаланиш коэффициенти.

Юқорида айтилганларга кўра, маршрутнинг ДЕ бўладигаги келтирилган юк миқдори:

$$Q_{\text{келт.}}^{DE} = \frac{Q^{DE}}{r_{DE}} = \frac{16\,000}{0,8} = 20\,000 \text{ т.}$$

ЕЖ бўлакдаги келтирилган юк ҳажми:

$$Q_{\text{келт.}}^{EЖ} = \frac{Q^{EЖ}}{r_{EЖ}} = \frac{12\,000}{0,6} = 20\,000 \text{ т.}$$

Юқорида айтилганига кўра, маршрутда ташилувчи юкларнинг барчаси 1-синфга мансуб юкларга келтирилди ва бу ҳажмдаги юкларни тасиши учун зарур автомобилининг бир кунлик иш унумини топамиз:

биллар сони аниқланиши керак. Агар маршрутнинг бирор бўлагидаги ташилувчи юклар ҳажми бошқа маршрутнинг бошқа бўлагидаги юк ҳажмидан кўп (ёки кам) бўлса, айни бўлакдаги фарқ учун қўшимча майтникили маршрут тузилади. Агар маршрутнинг ДЕ бўлагидаги 2-синфга мансуб юк ҳажми 18 000 т бўлса, унинг 16 000 тоннасини ташиш ҳалқасимон маршрутга киритилади. 2000 т юк учун эса алоҳида майтникили маршрут тузиш лозим бўлади.

Бизнинг мисолимиздаги юкларни ташиш учун зарур бўлган автомобиллар сони:

$$A_3 = \frac{20\ 000\ t + 16\ 000\ t + 12\ 000\ t}{30 \cdot 28,8\ t} = 55.$$

7. Автомобилнинг бир кунлик босиб ўтган масофаси:

$$\begin{aligned} L_{\text{сут}} &= l_{\text{авт}} Z_{\text{авт}}^1 + (l_0^1 + l_0^{11}) - l_{\text{бк}} = \\ &= (16 + 8 + 12 + 14 + 6) \cdot 3,0 + (6+6) - 6 = 174 \text{ км.} \end{aligned}$$

8. Автомобилнинг йўлдан фойдаланиш коэффициенти

$$\beta = \frac{l_{\text{бк}}^{\text{авт}} Z_{\text{авт}}^1}{L_{\text{сут}}} = \frac{(l_{\text{юк}}^{\text{ВГ}} + l_{\text{юк}}^{\text{ДЕ}} + l_{\text{юк}}^{\text{ЕЖ}}) \cdot Z_{\text{авт}}^1}{L_{\text{сут}}} = \frac{(16 + 12 + 14) \cdot 3}{174} = 0,725$$

Орқага ҳам юкли қатналадиган ЗИЗ майтникили маршрути.

1. Автомобилнинг маршрутдаги иш вақтини аниқлайдиз:

$$T_m = T_{\text{иш}} - t_0 = 12 - \frac{5}{25} = 12 - 0,2 = 11,8 \text{ соат.}$$

2. Бир автомобилнинг кун давомидаги қатновлар сонини ҳисоблаймиз:

$$Z_k = \frac{11,8 \cdot 1,0 \cdot 25}{15 + 1,0 \cdot 25 \cdot 0,8} = 8,4$$

Қатнов сонини яхлитлаб (8 бутунга келтириб), иш баржариш вақтларини қайта ҳисоблаймиз . Агар қатновлар

сонини тоқ 9 бутунга келтирсак, иш кунининг сўнгига автомобиль маршрутнинг И нуқтасида бўлиб, нолинчи қатнов масофасининг қўпайишига олиб келарди. Шунинг учун қатновлар сонини жуфт сон 8 га келтирдик.

3. Автомобилнинг иш вақтларини қайта ҳисоблаймиз: маршрутдаги вақт

$$T_m^I = \frac{8(15 + 1,0 \cdot 25 - 0,8)}{1,0 \cdot 25} = 11,2 \text{ соат};$$

иш вақти

$$T_{ish}^I = T_m^I + t_0 = 11,2 + 0,2 = 11,4 \text{ соат}$$

4. Бир автомобильнинг кунлик иш унуми:  
тоннада

$$Q_k = (q_n \cdot Y_{3n} + q_n Y_{n3}) \cdot \frac{Z_k^I}{2} = \\ = q_n (Y_{3n} + Y_{n3}) \cdot \frac{Z_{aill}^I}{2} = 5 (1,0 + 0,8) \cdot \frac{8}{2} = 36 \text{ т};$$

тонна-километрда

$$P_k = Q_k \cdot l_{yok} = 36 \text{ т} \cdot 15 \text{ км} = 540 \text{ ткм}$$

4. Режадаги юкларни ташиш учун зарур бўлган автомобиллар сони:

$$A_3 = \frac{Q_{3n} + Q_{n3}}{K_k Q_k}.$$

Маршрутда 2 хил синфга мансуб юклар ташилишини ҳисобга олиб, 2-синфга мансуб юкни 1-синфга келтирамиз:

$$Q_{kelt} = \frac{20\,000}{0,8} = 25\,000 \text{ т.}$$

Аниқланган миқдорга кўра, ташишнинг тўғри йўналиш билан тескари йўналишдаги юк миқдорлари эквивалент эмас экан. Шунинг учун бу ерда 2 та мустақил маршрут тузилади: ЗИ маршрутда (тўғри йўналишда) 20 000 т 1-синфга мансуб юк, орқа ИЗ йўналишда эса  $20\,000 \times 0,8 = 16\,000$  т 2-синфга

мансуб юк ташилади. ИЗ йұналишдаги қолган 5 000 т 2-синф-  
га мансуб юк қүшимчама майтникли мустақил маршрут бүйін-  
ташилади. Бу йұналишда орқага бұш қатналади.

Бинобарин, биринчи (ЗИЗ) маршрутта юк ташиш учун  
зарур автомобиллар сони:

$$A_3 = \frac{20\ 000\ t + 16\ 000\ t}{30 \cdot 36\ t} = 33.$$

6. Бир автомобилнинг биринчи маршрут бүйінша кун-  
лик босиб үтган масофаси:

$$L_{\text{сүт}} = l_{\text{юк}} Z_k^I + l_o = 15 \cdot 8 + 5 = 125 \text{ км.}$$

7. Автомобилнинг кунлик йўлдан фойдаланиш коэф-  
фициенти:

$$\beta = \frac{l_{\text{юк}} \cdot Z_k^I}{L_{\text{сүт}}} = \frac{8 \cdot 15}{125} = 0,96.$$

Қўшимча ИЗ маршрутта 5 000 т юк ташиш учун ҳисобни  
давом эттирамиз.

1. Автомобилнинг маршрутдаги иш вақти:

$$T_m = T_{\text{иши}} - t_0 = 12 - \frac{5+15}{25} = 12 - 0,8 = 11,2 \text{ соат.}$$

2. Бир автомобилнинг кун давомидаги қатновлар со-  
нини ҳисоблаймиз:

$$Z_k^I = \frac{11,2 \cdot 0,5 \cdot 25}{15 + 0,5 \cdot 25 \cdot 0,8} = 5,6.$$

Қатновлар сонини бутунга келтириб, автомобилнинг  
иш вақтини қайта ҳисоблаймиз:

маршрутда

$$T_m^I = \frac{6(15 + 0,5 \cdot 25 \cdot 0,8)}{0,5 \cdot 25} = 12 \text{ соат},$$

ишида

$$T_{\text{иши}}^I = T_m^I + t_0 = 12 + 0,8 = 12,8 \text{ соат}$$

3. Автомобилнинг кунлик иш унуми:

$$Q_k = 5 \cdot 0,8 \cdot 6 = 24 \text{ т.}$$

4. Юк ташиш учун зарур автомобиллар сони

$$A_3 = \frac{Q_{\text{кушмича}}}{K_k \cdot Q_k} = \frac{5000}{30 \cdot 24} = 7.$$

5. Автомобилнинг бир кунлик қатнов масофаси:

$$L_{\text{сут}} = \frac{15+6}{0,5} + (5+15) = 200 \text{ км.}$$

6. Кун давомида автомобилнинг йўлдан фойдаланиш коэффициенти:

$$\beta = \frac{15 \cdot 6}{200} = 0,45.$$

#### 9.6. Бир гуруҳ маршрутларда ишловчи транспорт воситаларининг ўртача иш кўрсаткичлари

Бир гуруҳ маршрутларда ишловчи транспорт воситаларининг ўртача иш кўрсаткичлари автомобиллар саройининг кўрсаткичлари бўлиб, ўртача (алгебраик) миқдор сифатида аниқланади.

1. Автомобилларнинг ўртача ҳисобда ишда бўлиш вақти барча маршрутларда ишланган автомобиль-соатлар умумий сонининг айни маршрутда ишлаган автомобиллар сонига нисбати сифатида аниқланади:

$$T_{\text{иш ўрт}} = \frac{\sum A_3 T_{\text{иш}}}{\sum A_3} = \frac{A_{31} T_{\text{иш}1} + A_{32} T_{\text{иш}2} + \dots + A_{3n} T_{\text{иш}n}}{A_{31} + A_{32} + \dots + A_{3n}}.$$

Юқоридаги мисол учун бу кўрсаткич:

$$T_{\text{иш ўрт}} = \frac{14 \cdot 11,66 + 55 \cdot 13,68 + 33 \cdot 11,4 + 6 \cdot 12,8}{14 + 55 + 33 + 6} = 12,27 \text{ соат.}$$

2. Автомобиллар саройи бўйича бир кунлик ўртача қатнов масофаси автомобиль-километрларда босиб ўтилган масофалар умумий миқдорининг автомобиллар умумий сонига нисбати сифатида аниқланади:

$$L_{\text{к.үрт}} = \frac{\sum A_3 L_{\text{сур}}}{\sum A_3} = \frac{A_{31} L_{\text{сур1}} + A_{32} L_{\text{сур2}} + \dots + A_{3n} L_{\text{сурn}}}{A_{31} + A_{32} + \dots + A_{3n}}.$$

Юқоридаги мисол учун бу күрсаткич

$$L_{\text{к.үрт}} = \frac{14 \cdot 198 + 55 \cdot 174 + 33 \cdot 125 + 6 \cdot 200}{14 + 55 + 33 + 6} = 163 \text{ км.}$$

3. Йүлдан фойдаланиш коэффициентининг ўртача миқдори барча маршрутлардаги юкли қатновлар умумий миқдорининг умумий қатновлар миқдорига нисбати қилип аниқланади:

$$\beta_{\text{урт}} = \frac{\sum A_3 l_{\text{юк}}}{\sum A_3 L_{\text{сур}}} = \frac{A_{31} l_{\text{юк1}} + A_{32} l_{\text{юк2}} + \dots + A_{3n} l_{\text{юкn}}}{A_{31} L_{\text{сур1}} + A_{32} L_{\text{сур2}} + \dots + A_{3n} L_{\text{сурn}}}.$$

Айни коэффициентни қуйидаги формула билан ҳам аниқлаш мүмкін:

$$\beta_{\text{урт}} = \frac{\sum A_3 L_{\text{юк}} \beta}{\sum A_3 L_{\text{сур}}} = \frac{A_{31} L_{\text{юк1}} \beta_1 + A_{32} L_{\text{юк2}} \beta_2 + \dots + A_{3n} L_{\text{юкn}} \beta_n}{A_{31} L_{\text{сур1}} + A_{32} L_{\text{сур2}} + \dots + A_{3n} L_{\text{сурn}}}.$$

У ҳолда юқоридаги мисол учун бу күрсаткич:

$$\beta_{\text{урт}} = \frac{14 \cdot 198 \cdot 0,505 + 55 \cdot 174 \cdot 0,725 + 33 \cdot 125 \cdot 0,96 + 6 \cdot 200 \cdot 0,45}{14 + 198 + 55 + 174 + 33 + 125 + 6 + 200} = 0,707.$$

4. Юк күттарувчанликдан фойдаланиш коэффициентининг ўртача қиймати қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\gamma_{\text{урт}} = \frac{Q_1 + Q_2 + \dots + Q_n}{\frac{Q_1}{Y_1} + \frac{Q_2}{Y_2} + \dots + \frac{Q_n}{Y_n}}.$$

Юқоридаги мисол учун бу күрсаткич:

$$\gamma_{\text{урт}} = \frac{30000 + 20000 + 16000 + 12000 + 20000 + 20000}{\frac{30000}{1,0} + \frac{20000}{1,0} + \frac{16000}{0,8} + \frac{12000}{0,6} + \frac{20000}{1,0} + \frac{20000}{0,8}} = 0,87.$$

5. Техник тезликнинг ўртача қиймати қуйидаги формула билан аниқланади:

$$V_t = \frac{L_{\text{сур1}} + L_{\text{сур2}} + \dots + L_{\text{сурn}}}{\frac{L_{\text{сур1}}}{V_{T1}} + \frac{L_{\text{сур2}}}{V_{T2}} + \dots + \frac{L_{\text{сурn}}}{V_{Tn}}} \text{ км/саат.}$$

## ЮК ТАШИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЗИМЛАРИ

### 10.1. Ҳажми катта бир турли юкларни ташиш

Автомобиль транспортида бир турли катта ҳажмдаги қыйидаги юклар: қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари (ғалла, қанд лавлаги, пахта хом ашёси, турли сабзавотлар), ҳар хил ёнилгилар (тошкүмир, ёғоч, торф), қурилиш материаллари (тупроқ, қум, шағал, чақиқ тош, фишт, панеллар, фермалар, ёғоч материаллари) ва бошқалар ташилади. Бу юкларни ишлаб чиқариш ва истеъмол этиш, уларнинг ҳосил бўлиш ва қабул қилиш пунктларининг жойлашуви, улар орасидаги боғланишлар ниҳоятда жадал товар оборотига олиб келади.

Бир турли жуда кўп ҳажмдаги юкларни ташишда ортиш-тушириш пунктларининг жойлашуви, амалдаги юк оқимининг тузилиши ва қуввати ўзгармас бўлади. Юк оқимининг ўзгариши режали бўлиши мумкин. Юк ҳажмининг катта қисмини ўзгармас ортиш-тушириш пунктлари ўртасида ташиш, юк оқимининг жадаллиги ташишни бир ойлик ва тезкор (смена-сутка) режаларга таянган ҳолда ишлаб чиқилган ҳаракат чизмалари ёрдамида ташкил этишга ёрдам беради. Ортиш-тушириш ишларининг яхши ва аниқ ташкил этилиши маршрутли ташишларни транспорт воситалари жадвали ва ҳаракат чизмаси билан бажариш имконини беради.

Бир турли кўп миқдордаги юкларни ташишда автопоезд ва маҳсус транспорт воситаларини ишлатиш алоҳида аҳамиятга эга. Уларни қўллаш иш унумини оширади. Тиркамалар сони етарли даражада бўлса, ташиш самараси ошиади. Маршрутли юк ташишда автопоездларни қўллаш автомобиллар тортиш кучидан яхшироқ фойдаланиш ва транспорт воситаларининг умумий юк кўтурувчанлигини ошириш имконини беради. Буларнинг натижасида ташиш таннархи камидаги 20 % арzonлашади.

Юк ташишни маршрутлаш, айниқса, қишлоқ хұжалик маҳсулотлари ҳамда улкан қурилиш объектлари юкини ва шунга ухшашларни ташишда алоҳида аҳамиятга эга.

Бир турли жуда кўп юкларни ташишда тўғри ва орқа йуналишда ташиладиган юклар хусусиятига кўра маҳсус

жиҳозли кузов талаб этилмаса ёки зудлик ва топширик билан ташишлар бўлмаса, транспорт воситаларининг бўш катнаши мақсадга мувофиқ эмас.

Бир турдаги жуда кўп ҳажмдаги юклар ташиш ташкилий жиҳатдан тўғри йўлга кўйилган жойларда диспетчерлик аппарати томонидан ҳар бир транспорт воситаси харатини бошқариш ва уни назорат қилиш имкони бўлади.

## 10.2. Кам миқдордаги юкларни ташиш

Амалда баъзи муайян ҳолларда юк қабул этувчилар юкни кам миқдорда оладилар. Шунинг учун юк жўнатувчилар уларга юкларни майда партиялаб беришга мажбур бўлади. Натижада юк ташувчи автомобилларнинг юк кутарувчанлигидан тўла фойдаланилмайди. Масалан, мактаб буфетларига, кичик дуқонларга (нон, сут, гүшт ва ҳ.к.), мавшиий хизмат (кир ювиш ёки кимёвий тозалаш пунктлари юклари) талабларига биноан, озиқ-овқат молларини уйларга келтириб бериш, қишлоқ жойлардаги ҳалқ истеъмоли моллари юкларини ташиш шулар жумласига киради. Агар бундай юкларни ташишда бирор чора-тадбир кўрилмаса, автомобилларнинг юк кутарувчанлигидан тўла фойдаланилмаганлиги сабабли уларнинг иш унуми кескин пасайиб кетиши мумкин.

Бундай юкларни ташишда бир неча жўнатувчилар юкларини йиғиб, яъни ҳар ерларда тарқоқ бўлган жўнатувчилар юкларини бир жойга йиғиб, уларни йўналишлар бўйича ва юк қабул этувчилар жойлашувига кўра комплектлаб ташиш тизими мақсадга мувофиқдир. Бундай юк ташиш, энг аввало, шаҳардан унинг атрофига жўнатилувчи юкларни комплектлаб ташишда қўлланилади.

Шаҳарлараро ташишдаги майда партияли юкларни бир жойга йиғиб комплектлаб ташишни ташкил этишда юк ташиш автомобили бекати (ЮТАБ)нинг аҳамияти катта. Бундай бекатлар омборига юкларни тегишли транспорт воситалари келтиради. Юкларни йўналишларига қараб комплектлаб, автопоездларда юк эгаларига жўнатилади. Юкларни олдиндан комплектлаб ташиш тизими автомобиль ва автопоездларнинг юк кутарувчанлигидан унумли фойдаланиш имконини беради.

Баъзи майда партияли юкларни ташиш режали эмас, таҳсодифий (эпизодик) бўлиши мумкин. Бундай ташишларни

ташкыл этишда юкни ми-  
жоларнинг омборларидан  
ЮТАБ га келтирилмасдан,  
түридан-түғри транспорт  
воситаларида йигиб юк  
қабул этувчиларга таши-  
шили. Бундай ташишлар-  
ни ташкыл этишда белги-  
ланган вақтда ташишга  
кетта эътибор бериш ло-  
зим бўлади. Умуман ол-  
ганда, юкларни ЮТАБ ор-  
қали ташиладиган ташиш-  
да ташиш вақтининг қатъий  
регламенти бўлиши шарт. Юклар-  
ни ЮТАБ да йигиб ташиш тизими товар оборотининг меъёри  
бўлишига ва ташишни тезлатишга қаратилган бўлиши лозим.  
Транспорт ходимлари мижозлар талабини қондиришга алоҳида  
эътибор бериб, ташишнинг тежамли бўлишига интилишлари  
зарур.

Шаҳар ичи (шаҳар атрофи) шароитларида майдада партия-  
ли юкларни йигиб ёки тарқатиб ташиш маршрутларини  
тузиш лозим (22-расм). Йигиб ташиш маршрутида автомо-  
биль маршрутда йўл-йўлакай майдада партияли юкларни  
кетма-кет йигиб бориб, уни сўнгги манзилга юк эгасига  
топширади (масалан, кийимларни қабул пунктларидан  
кимёвий тозалаш фабрикасига ташишда). Тарқатиб ташиш-  
да эса автомобиль бош юк жўнатиш жойидан тўла орти-  
либ (масалан, нон заводи), уни қабул этувчиларга (дўкон-  
ларга) кетма-кет етказиб берилади.

Йигиб ва тарқатиб ташиш маршрутлари учун қуйида-  
ги кўрсаткичлар аниқланиши мумкин:


1. Юк кўтарувчанликдан фойдаланиш:

$$\gamma_{ct} = \frac{Q_{o(t)a}}{q_n},$$

бунда  $Q_{o(t)a}$  — бир оборотда амалда ташилган юк миқдори.

2. Бир айланишга сарфланган, вақт

$$t_{ayl} = \frac{L_w}{V_t} + t_{o-t} + t_{kq} (n_{kq} - 1), \text{ соат}$$



22-расм. Йигма ташиш  
маршрути чизмаси.

бунда  $L_m$  — маршрутнинг умумий масофаси, км;  $V_t$  — ҳар-  
кат техник тезлиги, км/соат;  $t_{ki}$  — ҳар бир жойга кириб-  
чиқишишга құшимчы вақт (бунга манёвр қилиш ҳамда ҳуж-  
жатларни расмийлаштириш вақти ҳам киради);  $n_{ki}$  — ки-  
риб-чиқишилар умумий сони.

3. Иш куни давомидаги айланишлар сони:

$$Z_{\text{айл.}} = \frac{T_m}{t_{\text{айл.}}}$$

4. Иш куни давомида ташилган юк миқдори:

$$Q_m = Z_{\text{айл.}} q_n \cdot Y_{ct},$$

5. Иш куни давомида бажарилған юк обороти:

$$P_m = Z_{\text{айл.}} \cdot q \sum_i Y_i l_{\text{юк } i}, \text{ ТКМ}$$

бунда  $Y$  — икки кириб-чиқиши оралиғидаги юк кутарув-  
чанликдан фойдаланиш коэффициенти,  $l_{\text{юк } i}$  — икки ки-  
риб-чиқиши оралиқ масофаси, км.

*Мисол.* Йигиб ташиш маршруттида ишловчى автомобиль:  
юк кутарувчанлиги  $q_n = 2,5$  т; икки кириб-чиқиши оралиқ  
масофаси  $l_{\text{юк } 1} = 2,0$  км,  $l_{\text{юк } 2} = 3,0$  км,  $l_{\text{юк } 3} = 5$  км,  $l_{\text{юк } 4} = 3,5$   
км ва  $l_{\text{юк } 5} = 1,5$  км. Бунда ташилған юклар  $Q_1 = 0,3$  т,  $Q_2 = 0,7$  т,  
 $Q_3 = 1,2$  т, ва  $Q_4 = 2,0$  т,  $t_{o-t} = 0,5$  соат,  $t_{ki} = 5$  мин,  $V = 20$  км/соат,  $Y_{ct}$ ,  $t_{ob}$  ва  $P_m$  лар анықлансын.

Ечими:

$$Y_{ct} = \frac{Q_{n,a}}{q_n} = \frac{2,0}{2,5} = 0,8;$$

$$t_{\text{зас.}} = \frac{L_m}{V_t} + t_{o-t} + t_{ki} (n_{ki} - 1) \pm \frac{15}{20} + 0,5 + \frac{5}{60} - (5 - 1) = 1,5 \text{ соат};$$

$$P_m = 0,3 \text{ т} \cdot 2,0 \text{ км} + 0,7 \text{ т} \cdot 3 \text{ км} + 1,2 \text{ т} \cdot 5 \text{ км} + 2 \text{ т} \cdot 3,5 \text{ км} = 15,7 \text{ ТКМ}.$$

### 10.3. Марказлаштирилған ташишлар

Транспорт жараённан үч томон қатнашады: юк жүннату-  
чи (етказиб берувчи), транспорт ташкилоти ва юк қабул  
этүвчи. Улар ҳар бирининг транспорт жараённаның вазиға-  
сига күра ташишлар марказлаштирилған ва марказлашти-

рилмаган хилларга булинади. Марказлаштирилган ташишлар дейнеганда, шундай ташиш жараёнини ташкил этиш тушунладики, унда транспорт ташкилоти ёки юк жұнатувчи юкларни барча истеъмолчи талабига биноан етказиб береди. **Марказлаштирилмаган ташишларнинг марказлаштирилган ташишлардан** фарқи шундаки, ҳар бир юк қабул этувчи үзига зарур бұлған юкни ташишни ҳамда ташиш билан боғлиқ бұлған ортиб-тушириш ва экспедицион ишларни үзи бажаради. Бунинг учун юк қабул этувчи автотранспорт ташкилотига талабнома билан мурожаат қиласы, ортиш пунктінде юк ортувчи ишчилар, экспедитор ва автотранспорт ташкилотига тегишли автомобиль билан келиб, юкни қабул қиласы, йұлда қараб боради (яғни, экспедицион ишни бажаради) ва үз омборига тушириб олади. Ташишни бундай ташкил этишда юк жұнатыладынгы пунктта жуда күп автомобиллар, юкловчилар, экспедиторлар йигилиб қолиб, юкни қабул этишда узоқдан-узоқ кутиш навбати ҳосил бұлади. Ортиш операцияси, одатда, құл кучи билан бажарылады, чунки етказиб берувчи (юк жұнатувчи) ортиш операциясини механизациялашыға қызықмайды ва унга жағоб бермайды. Автотранспорт саройи берилған талабномага биноан зарур миқдордагы транспорт воситасини ажратиб беради, лекин ташишни ташкил этиш ва транспорт жараёнинг бажарылишига жағоб бермайды. Ташишни ташкил этишнинг бундай тизими юк қабул этувчиларнинг үз транспорт воситалари булишига олиб келиб, транспорт саройларнинг майдалашишига олиб келади, юк оқымлари ҳам майдалашади. Бу эса юкларни рационал (оқилона) маршруттар ташкил этиб ташишга йўл қўймайды, маҳсус ва маҳсуслаштирилған транспорт воситаларидан фойдаланиш имкони ниҳоятда камайиб кетади. Буларнинг барчаси транспорт ишлатиш харажатларининг ортиши ҳисобига юк ташиш харажатларини күпайтириб юборади.

Юқорида келтирилған камчиликларнинг күпчилигини юк ташишни марказлаштирилған усулида бартараф этиб, транспорт воситаларининг иш унумини ошириш, ташиштаннархи ва мижозлар харажатларини камайтириш мүмкін. Юк ташишнинг марказлаштирилған усули юк эгаларига хизмат күрсатищ маданиятини күтариш ва транспорт ишларини ташкил этишни яхшилайды.

Юк ташишнинг марказлаштирилган усулини кўллашда транспорт жараёнларида қатнашувчи томонларнинг ўзаро алоқалари кўйидагича бўлади:

- юк жўнатувчи ёки унинг юкини етказиб берувчи ташкилот транспорт ташкилотига талабнома беради;
- юкларни автотранспорт саройи, аксарият ҳолларда, умумфойдаланиш автотранспорт саройи ташиб беради;
- юкни тушириб ва қабул қилиб олиш юк қабул этувчилар зиммасида бўлади;
- юклар автотранспорт саройи томонидан кузатиб борилади, бунда экспедиторлик вазифасини амалда ҳайдовчи бажаради. Қимматбаҳо тош ва металлар, топширишда қайта саналувчи ёки тортиб топширилувчи ва шунга ўхшаш юкларни ташиш бундан мустасно;
- ташиш учун ҳақ ва ҳисоб-китобни юк жўнатувчи, яъни транспортга талабнома берган ташкилот тўлайди. Юк жўнатувчилар харажатларини юк эгалари қоплаб, жўнатувчилар билан ҳисоб-китоб қиласди.

Шундай қилиб, марказлаштирилган юк ташиш усулида, юк қабул қилиб олувчилар транспорт жараёнидаги ташишда қатнашмайди ва улар юкларни ўз вақтида тушириб олишгагина жавоб беради. Амалда бундай ташишларни юк жўнатувчи, транспорт ташкилоти ҳамда юк қабул қилиб олувчилар биргаликда, келишилган ягона иш чизмаси (графики) асосида бажаради.

Марказлаштирилган юк ташиш тизими қўйидаги афзалликларга эга:

- юкни жўнатувчилардан уларни қабул қилувчиларга бир маромда етказиб бериш ҳамда уларни етказиб бериш вақтларини тежаш шароитлари яратилади;
- транспорт воситаларининг олдиндан келишилган чизма асосида ишлаши уларнинг ортиш операциясида кутиб туришини йўқотиш ёки камайтириш билан бирга, бундай операцияларни мезанизациялаш имкони бўлади; юкловчилар ва экспедиторларга талаб бўлмайди;
- маҳсуслаштирилган транспорт воситаларидан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш ва юк эгаларининг ташиш харажатларини анчагина қисқартириш мумкин;
- ташиш ҳажмига зарур бўлган транспорт воситаларини камайтириш ҳисобига материаллар ва ишчи кучига бўлган талаб ҳам камаяди;

- юк ташиш таннархи арzonлашади;
- транспорт воситаларининг иш унуми ва улардан фойдаланиш самараалорлиги ошади;
- тезкор режалаштиришда иқтисодий-математик усуллар ва ЭХМ дан фойдаланиш имкони яратилади.

Буларнинг барчаси биргаликда майда АТСларини тугатиш ҳисобига йириклиштирилган автомобиль саройлари улутининг кўпайишига ёрдам беради. Марказлаштирилган юк ташиш тизимига ўтиш юк эгалари ишини ҳам такомиллаштиришга олиб келади. Бундай тизимни кўллаш юк обороти, унинг таркиби, юк ташиш хусусияти, мижозлар омборига кириш йўл шарт-шароитлари, механизациялаш воситалари, транспорт воситалари турини оқилона танлаш, қатнов масофаларидан фойдаланиш коэффициентини ошириш, тезкор режалаштириш усулини аниқлаш ва бошқаларга бўлган эътиборни кучайтиришни талаб этади. Шунингдек, юк эгалари ишининг янги тизимини (масалан, темир йўл юк бекатларидан контейнерли юкларни кечасию кундузи уч сменада ташишни) ишлаб чиқиши, янгича талабнома бериш тартиби, хужжатларни расмийлаштириш ва бошқаларни жорий этишга эътиборни кучайтириш зарур.

#### 10.4. Марказлаштирилган юк ташишнинг ташкилий шакллари

Амалда марказлаштирилган юк ташиш тизимининг қуйидаги: юк жўнатувчилар орқали, тармоқлар бўйича, транспорт ташкилотлари орқали, ҳудудий ва шаҳарлараро ташкилий шакллари мавжуд.

Жўнатувчилар томонидан юк ташишни марказлаштиришда юк ташишга талабнома бериш ҳамда ташиш ва ортиш ишлари жўнатувчиларнинг ўз кучи ва воситалари орқали бажарилади. Юкни қабул қилиш, тушириб олиш қабул қилувчилар зиммасида бўлади. Транспорт бажарган ишига юк жўнатувчи, яъни талабнома берувчи ҳақ тўлайди. Бажарилган ташиш ишлари ва юкни ортиш ишларига юк эгаси, товарнинг нархига қўшимча ҳақ тўлаш ўюли билан ҳисоблашади. Юкни кузатиб бориш ҳақи шартномада белгиланганга қараб ҳисоб-китоб қилинади. Бунда автотранспорт саройининг вазифаси талабномага биноан транспорт воситаларини ажратишдангина иборат

бўлиб, ташишнинг қандай бажарилаётганига таъсир этолмайди. Бундай шаклда юк ташишнинг иқтисодий самара-  
си асосан жўнатувчи омбори олдида юк ортишни кутуб туришни бартараф этиш ва ортиш операциясини механизациялаш ҳисобига бўлади. Бу эса транспорт воситалари-  
нинг иш унумини ошириш билан бирга, уларга бўлган талабни камайтиради.

Жўнатувчилар томонидан юк ташишни марказлаштиришнинг жиддий камчиликлари ҳам бор: юк ташишни маршрутлаш ва уларни ташкил этиш жўнатувчилар зиммасида-  
дир. Жўнатувчилар эса фақатгина ўз юкини вақтида етказиб беришга қизиқади, транспорт воситасини орқа томонга юришида ундан фойдаланиш билан қизиқмагани сабабли, йўл қатновидан фойдаланиш коэффициенти 0,5 дан ошмайди. Агар нолинчи (бўш) қатновлар ҳисобга олинса, ундан ҳам камроқ бўлади. Бундай марказлаштирилган усулда юк ташишни ташкил этиш аҳоли худудида биргина жўнатувчи бўлгандагина ҳамда йўл қатновидан фойдаланиш коэффициенти чегараланган, юк ташувчи маҳсуслаштирилган автомобиллардан фойдаланишда тавсия этилади.

Марказлаштиришни тармоқлар бўйича ташкил этиш шакли маҳсулотларни сотувчи идоралар бўлишини назарда тутиб, бунда мазкур идоралар бир хил маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг тайёр маҳсулотларини сотиш ва уларни марказлаштирилган усулда барча истеъмолчиларга етказиб бериш ишларини бажаради. Бунда маҳсулотларни сотишни ташкил этувчи идоралар, масалан, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи саноатда бир гурӯҳ фишт заводлар, темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқарувчи заводлар ва ҳ.к.. нефть маҳсулотлари, ун тайёрловчи катта тегирмонлар маҳсулотини сотиш ва марказлаштирилган усулда уларни барча истеъмолчиларга етказиб бериш билан шуғулланади. Юкларни ташиш билан боғлиқ барча харажатларни юк қабул этувчи (эга)лар етказиб бериш ишлаб чиқарувчи саноат заводлари ташишни марказлаштирилган маҳсулот қиймати билан бирга уларни сотувчи идоралар тулайди. Бундай идоралар эса транспорт саройлари бажарилиши билан боғлиқ харажатларни тўла-тўкис тўлайди.

Транспорт ташкилотлари орқали юкларни марказлаштириб ташиш шакли автотранспорт саройларида юкларни марказлаштириб ташиш (маркетинг) хизматини жорий этишни назарда тутади. Бундай хизмат барча юк жўнатувчилар

билан улар юкларини марказлаштирилган усулда ташиб бериш ҳақида шартнома тузиб, барча истеъмолчилар билан юкларни етказиб бериш чизмасини биргаликда тузади. Айрим ҳолларда шартнома юк истеъмолчилари билан тузилиб, улар ваколатномаси (ишонч қофози) асосида юкларни жұнатувчи-лардан қабул этиб олиб, истеъмолчиларга үз вақтида етказиб беради. Марказлаштирилган юк ташиш хизмати режа-наряд тузиб, ташиш учун зарур транспорт воситаларини ажратади. Марказлаштирилган юк ташиш тизимининг транспорт шакли анчагина мураккаб, аммо кўп афзалликларга эга: юк қабул этиувчилар ташиш вазифасидан озод этилади; юк жұнатувчи-лар ташиш-транспорт ишларини ташкил этишдан озод қилинади, яъни улар үз юкларини юқорида баён этилган хизматта топширади. Бундан ташқари, транспорт воситаларининг ортиш-тушириш операцияларида унумсиз туриши йўқотилади ва шунинг ҳисобига уларнинг иш унуми ошади; транспорт воситаларини олдиндан белгиланган маршрутларда чизма ёки аниқ жадвал асосида ишлатиш ва бошқа имконлар яратилади.

Юк ташишни марказлаштирилган усулда ташишни ташкил этишнинг ҳудудий шакли шундан иборатки, йирик шаҳар ёки иқтисодий туманлар ҳудудида юк ташишни марказлаштиришнинг ягона маркази, яъни марказий диспетчерлик хизмати (МДХ) (марказий эксплуатация хизмати) ташкил этилиб, мазкур ҳудуддаги барча АТСларга юк ташишда кўмаклашади. МДХ барча юк эгалари (кўпинча юк жұнатувчилар) билан юк ташиб бериш шартномаси тузиб, уларни бажариш учун тезкор юк ташиш режасини ишлаб чиқади, транспорт воситаларини оқилона ишлатиш маршрутлари ва ҳаракат чизмасини белгилайди, транспорт воситалари тури ва улар миқдорини аниқлайди. Ҳудуддаги ҳар қайси АТС мижозлар билан бевосита боғланмайди, уларнинг асосий вазифаси МДХ ихтиёрига эртаси куни ишга чиқарулучи транспорт воситалари тури, маркаси ва сони бўйича ахборот беришдан иборат бўлади. Белгиланган иш маршрутларига биноан МДХ томонидан ҳар бир автомо-биль учун йўл варақаси ёзилиб, унда транспорт воситаси тури, маркаси ва ҳайдовчига кунлик топшириқ белгилаб берилади. Айни иш варақасига биноан автомобиллар ишга чиқарилади. Ташиш иши тамомлангандан сўнг автомобиллар АТСга қайтганида ҳайдовчилардан диспетчер тўлдирган йўл варақаси ва ундаги маълумотларни тасдиқловчи товар-

транспорт ҳужжати қабул этиб олиниб, ундаги ёзувларнинг тўғрилиги текширилади ва улар МДХ ишловига берилади. Йўл варақаси ва товар-транспорт ҳужжатлари ишлови на-тижалари автотранспорт саройига юборилади.

Юк ташиш билан боғлиқ ҳисоб-китобларни МДХ бажа-ради. Бунда МДХ, юк жўнатувчилар олдида АТС ларнинг ягона вакили, АТСлар учун эса ягона юк ташиш ташкилот-чиси вазифасини бажаради. АТС лар мустақил баланс ҳуж-жатига эга бўлиб, хўжалик ҳисобида ишлайди.

### 10.5. Тарасиз ташишлар

Юкларни тарасиз ташиш транспорт харажатини арzon-лаштиради, транспорт воситаларининг ортиш-тушириш операцияларида туриш вақтини қисқартиради, транспорт воситаларининг айланишини тезлатади. Тара ва таралаш харажатлари йўқлиги сабабли транспорт харажатлари баъзи ҳолларда 30 фоизгача арzonлашиши мумкин.

Тарасиз юкларни ташишни ташкил этиш учун қуий-дагилар бўлиши лозим:

- тарасиз ташиш имконияти бор юкларнинг мавжудлиги (асосан, уюлувчан ва сочишувчан юклар);
- юкларни қабул этиш, топшириш ва сақлаш учун зарур майдон ва омборлар мавжудлиги;
- қўл ёрдамида ёки механизм орқали ортиш-тушириш ишлари учун зарур асбоб ва жиҳозлар.

Бунда ортиш-тушириш ишларини имкон қадар ме-ханизациялаш ҳамда транспорт воситаларининг тарасиз та-шилаётган юкка мослашганлиги катта аҳамиятга эга.

Тарасиз ташишнинг камчиликларига қўйидагиларни кири-тиш мумкин: катта ҳажмдаги омбор, бино ва майдонлар зару-рати; қўл қучи билан ортиш-тушириш операциясида транспорт воситаларининг узоқ муддат туриб қолиши; транспорт восита-лари яхши жиҳозланмаган ҳолларда ташиш жараёнида юклар-нинг тўкилиши ҳисобига йўқотилиши.

### 10.6. Юкларни контейнер ва тагликларда ташиш

Хозирги даврда транспорт жараёнидаги энг сермехнат ва кам механизациялаштирилган ишларга юкларни транспорт

воситасига ортиш-тушириш ишларини киритиш мумкин. Бундай ишларни бажаришга транспорт умумий харажатларининг 40-75 фоизи түгри келади. Ортиш-тушириш операцияларida автомобилларнинг унумсиз туришини камайтириш, айни операцияларни комплекс механизациялаш ва ташиш жараёни сифатини оширишнинг энг самарали йўналишларидан бири барча транспорт турларидаги юк ташишларни контейнер ва тагликларда пакетлаб ташишдир.

Юкларни контейнер ва тагликларда пакетлаб ташиш куйидаги афзалликларга эга:

— транспорт воситаларининг бекор туришини камайтириш;

— транспорт жараёнининг барча босқичларida ҳам ортиш-тушириш ишларини комплекс механизациялаш;

— механизмларни самаралироқ ишлатиш ва ташилаётган юк партияларини йириклаш ҳисобига ортиш-тушириш харажатларини камайтириш;

— кам харажатли (арzonроқ) ва усти очиқ транспорт воситалари туридан фойдаланиш;

— таралаш сарфини камайтириш ҳамда ташилаётган юкларнинг сифатлироқ сақланиши.

Контеинер ва тагликларни сотиб олиш, таъмирлаш ва сақлаш ортиқча харажатларни талаб этади. Бундан ташқари, уларнинг ўз оғирлиги ҳисобига транспорт воситаларининг кўтаврувчанлиги ёки сигимидан фойдаланиш бирмунча камаяди. Контеинер ва тагликлар бўшатилгандан сўнг уларни юк ортиш пунктларига қайтариш лозим бўлади. Шуларга қарамай, юкларни контеинер ва тагликларда пакетлаб ташишни амалда жорий этиш транспорт харажатларини анча камайтиради ва ҳар хил транспорт турларида юк етказиб беришнинг энг илғор усусларидан ҳисобланади.

**Контеинерларда ташишини ташкил этиш. Ташишнинг энг кўнтарқалган схемалари (23-расм) куйидагичадир:**

— контеинерни транспорт воситасидан туширмасдан ёки юкли контеинерни тушириб қолдириб, ёки бўшатилгандарини бошқа бекатларга қайтариш;

— юкланган контеинерни юк қабул этувчига етказиб беруб, улардаги олдиндан бўшатилган бошқа контеинерни ёки ёк ортилган контеинерни олиб кетиш;



- Қабул этупчи
- Жўнатупчи
- ◐ Жўнатупчи-қабул этупчи
- Юкли қатнов
- - - Буш (юксиз) қатнов

23-расм. Контейнерлар ташиш схемаси

ташиш (23-расм, б) энг самаралидир. Агар орқага юборилувчи юклар бўлмаса, 23-а расмдаги схема бўйича ташишни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

**Контейнерлар майдони ва алмаштириш пунктлари.** Бундай майдонлар ёки терминалларда контейнерлар бир транспорт туридан иккинчисига ўтказилади, масалан, темир йўл транспортидан автомобильга ёки унинг акси. Бундай терминаллар (майдонлар) контейнерли юклар жуда кўп келадиган ва жўнатиладиган пунктлар (йирик темир йўл бекатлари, дарё ва денгиз порт ва пристанлари) ёқасида қурилиб, ташишлар ташкил этилади. Контейнер терминалларида юкланган ва бўшатилган контейнерлар қабул этилади ва жўнатилади, улар йўналишларга қараб сафланади, хужжатлар расмийлаштирилади, ортиш-тушириш ишлари бажарилади. Юк жўнатувчилардан темир йўл бекатига келтириш ва юк қабул этувчиларга темир йўл бекатидан етказиб бериш, амалда, автомобиль транспорти билан бажарилади.

Контейнерли ташишларни ташкил этишда очик ва паст қилиб ишланган, қопламаси асфальт-бетон бўлган майдонлар қурилади. Контейнерлар бундай майдонларда бир неча қатор қилиб жойлаштирилади. Қаторлар орасда тарозбонларнинг меъёрда ишлаш имкони булиши учун камида 0,6 м масофа қолдиради.

— юкланган ва буш контейнерларни юк жўнатувчига етказиб бериш ва олдиндан юкланган ёки бўшатилган бошқа контейнерни темир йўл юк бекатига қайтариш.

Контейнерларни автомобильдан туширмай бажарилувчи ташиш ишлари (23-расм, в) юк оқимлари кичик ва уларни қабул этувчиларда тушириш-ортиш механизмлари йўқ жойларда ишлатилади. Қатнов ма софасидан фўйдаланиш коэффициенти энг юқори бўлган ташишлар, яъни иккала йўналишда ҳам юкланган контейнерларни

ташиш (23-расм, б) энг самаралидир. Агар орқага юборилувчи юклар бўлмаса, 23-а расмдаги схема бўйича ташишни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Харакатланишга қулайлик яратиш учун бундай майдонлар автомобилларнинг бемалол кирув жойлари ёки у ёқдан, бу-ёққа ўтиб борувчи йўл билан таъминланган бўлиши зарур. Ҳар 25-45 м оралатиб автомобиллар қатнови ва ёнгинга қарши эни 4,0 метрли кўндаланг йўлаклар бўлиши лозим. Контейнер майдонларини қабул этувчи, жўнатувчи ва вазифасига кўра маҳсуслаштирилган бўлакларга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Темир йўл бекатларидаги контейнер майдонларида ортиш-тушириш ишлари кўпинча тўрт таянчли кранларда бажарилади, юк обороти ниҳоятда катта терминалларда кўприкли юклагичлар ҳам ўрнатилади.

Контейнер юклагичли терминаллар автомобиль транспорти тизимидағи юк бекатларida ҳам ташкил этилиши мумкин. Бунда автомобиллар билан контейнерларда шахар (вилоят)лараро юк ташиш ишлари бажарилади. Контейнерларда юк ташиш уларнинг жўнатиш партияларини йириклаштириш ҳисобига кўп юк кўтариш хусусиятига эга булган поездларда юкларни етказиб бериш имкониятини яратади.

Йирик саноат корхоналари ўз худудлари ичидаги контейнер алмаштириш пунктларини ташкил этиб, у ерда юклар қабул этилади ва юклangan (бушатилган) контейнерлар жўнатилади. Айрим ҳолларда бир неча юк эгалари бирлашиб, корхоналараро контейнер алмашуви пунктлари ташкил этилади. Бундай пунктларда контейнерлар алмашуви фонди ташкил этилиши лозим. Бундай терминалларда контейнерларни келтириш ёки жўнатиш комплекси, транспорт-экспедиция хизмати ташкил этилиши ва ортиш-тушириш операциялари механизациялаштирилган бўлиши лозим. Контейнер алмашув пунктлари фаолиятининг асоси: жўнатувчиilar олдиндан (автомобиллар келгунча) ташишга мўлжалланган контейнерларни юклаб тайёрлаб қўйиш, йўл хужжатларини олинидан расмийлаштириш тамойилида бўлиши лозим. Юк қабул этувчиilar ҳам контейнерларни автомобилдан тушириб олганларидан сўнг зудлик билан уларни бушатиш тамойили асосида ишлашлари лозим.

Моки усулидаги ташишдан фойдаланишда контейнер алмашув пунктлари ҳамда контейнерларни юклаш терминалидаги транспорт жараёни олдиндан контейнерли яrim

тиркамага ортиш орқали ташкил қилиниши мумкин. Ишлар бундай ташкил этилганда автопоезднинг асоси бўлмис тягачлар унумсиз туришини минимумга келтиришга (одатда 3-5 минутдан ошмаслигига) эришиш мумкин. Бундай пунктларда автоюклагич ёки автокранлар ишлашлари сармарали бўлади.

Юкларни тагликда пакетлаб ташиш автомобиль, темир йўл, сув ва ҳаво транспортларида аралаш ёки тўғридан-тўғри алоқали ташишларда қўлланилади. Бунда юкларнинг транспорт жараёнининг барча босқичларида ҳам пакетлари бузилмаслиги, уларни ортиш-тушириш операцияларини механизациялаштириш усуллари қўлланилиши лозим.

Автомобиль транспортида юкларни тагликда пакетлаб ташиш барча универсал (бортли) автомобиллар, тиркамана ярим тиркамаларда бажарилади. Тагликда пакетлаб ташишда фургон кузовининг таги (поли) маҳсус сурилувчи қилиб ишланган бўлса, автоюклагичлар фургон ичига киргизилмай ортиш-тушириш ишларини бажариш имкони бўлади. Баъзи ҳолларда қопланган унларни тагликда пакетлаб ташишда автомобиль кузовининг том қисми суриладиган бўлади.

Автотранспорта пакетлаб аралаш юк ташиш тизими ни жорий этишда автомобиллар иш чизмалари жўнатувчиликлар ва қабул этувчилик билан бир қаторда бошқа турдаги транспорт корхоналари билан ҳам келишиб тузилади. Тўғридан-тўғри автомобилларда пакетлаб ташишда юк эгалари омборлари айни ташишларга мосланган ва уларда етарли даражада ортиш-тушириш механизмлари борлиги мақсадга мувофиқдир.

Автомобиль транспортида фишларни ҳам тагликларда пакетлаб ташиш кенг жорий этилган. Контейнер ва пакетлаб ташишда маҳсуслаштирилган автомобиль ва автопоездлардан фойдаланиш энг яхши самара беради.

Массаси 10, 20 ва 30 тоннали контейнер ташишга мосланган автопоездлар тягач ва универсал (бортли) ярим тиркамадан иборат бўлади. Ярим тиркамалар контейнерни маҳкамловчи ушлагичлар билан жиҳозланган бўлади. 10, 20 ва 30 тоннали контейнерларнинг ост габарит ўлчамлари эни бўйича бир хил (2438 мм) ва узунлиги бўйича ўз нахбатида 2991, 6058 ва 12192 мм ёки улар нисбати 1:2:4: қилиб

ишилганнлиги учун битта ярим тиркамага 30 т ли 1 та контейнер, 20 т ли - 2 та, 20 т-ли 1 та ва 10 т-ли 2 та ёки фақат 10 т ли 4 та контейнер жойлашади.

## 11 - бөб

### ЮК АВТОМОБИЛЛАРИ ХАРАКАТНИН ТАШКИЛ ЭТИШ

#### 11.1. Ҳаракатни ташкил этиш тамойиллари

Ҳаракатни ташкил этишдан асосий мақсад маълум давр (вақт) ичидаги белгиланган ташиш ишларини бажаришдан иборат. Режада белгиланган вақт турлича булиши мумкин, масалан, бир сутка ёки смена вақти. Ҳаракатни ташкил этишда қўйидагилар таъминланиши лозим: сутка ичи соатларидаги юк оқими йўналиши ва ҳаракат зичлигига кўра транспорт воситаларидан максимал фойдаланиш; ҳар хил шароитларда йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилинган ҳолда ҳаракат тезлигини ошириш ҳисобига транспорт жараёнини жадаллатиш; таннархни камайтирган ҳолда ташишни ўз вақтида (кечиктирмасдан) ташиш; меҳнат унумдорлигини ошириш.

Шаҳар ичидаги юк жўнатувчилар ва қабул этувчилар жойлашуви ва ўзаро боғланишлари, юкларни қисқа вақт ичидаги етказиб бериш, уларни камайтирмай ва арzon ташиш имкониятига эга маршрутлар тузиб, ташишни ташкил этиш талаб этилади.

Транспорт шоҳобчаларини ташкил этиш шаҳар плавировкаси, ундаги кўчалар ёки улар айрим бўлакларидаги турли транспорт ҳаракатлари жадаллиги, сутка ичидаги турли хил транспортнинг ҳаракат вақтлари ва шунга ўхшашлар билан боғлиқдир. Кун (сутка) давомида ҳаракат йўналишларининг ўзгариб туришини назарда тутиб, транспорт воситаларини танлашда етказиб бериш вақти, уларнинг иш унумдорлиги ва ташиш таннархини ҳисобга олиш лозим.

Ташишни маршрутлаш ва маҳсуслаштириш аниқ йўналишларда ҳаракатни ташкил этишга сезиларли таъсир курсатади.

Ҳаракатни ташкил этишда транспорт воситаларининг иш унумига таъсир этувчи маршрутдаги айрим иш элементларини ҳисобга олиш зарур.

## 11.2. Линиядаги ишларни ташкил этишга доир асосий талаблар

*Транспортнинг маршрутдаги иши дейилганда, унинг автомобиль саройидан ташқаридағи ташиши ишини мұваффақиятли ташкил этиши тушуналади.*

Автомобилда белгиланған ташиш ишини аниқ тезкор раҳбарлик қылмасдан амалга ошириб бұлмайды. Автомобиль транспортининг маршрутдаги ишларини бажаришига диспетчерлик хизмати раҳбарлик қиласы. Бунда ҳайловчилар ва транспорт воситаларига топширик белгиләниб, иш жараённан пайдо бўлувчи камчиликлар ўз вақтида йўқотилиши лозим.

Маршрутдаги иши ташкил этишда, аввало, мижозлар талабини бажариш билан бирга тезкор режада белгиланған смена (сутка) топширигини бажаришга эътиборни қаратиш лозим. Бунда ишнинг ҳар бир бўғинида, яъни ортиш-туширишда ва ташишнинг ўзида-ташиш ва уткалиш имкониятларидан максимал фойдаланиш лозим.

Транспорт воситаси олдиндан белгиланған маршрутда, ҳаракат ҳавфсизлигини таъминловчи юқори техник тезлик билан ишлаши лозим. Маршрутдаги иши ташкил этишда кўп сменали ва узлуксиз транспорт жараённини ташкил қилишга алоҳида эътибор бериш керак. Бундай ишларни ташкил этишда ташишнинг ўзаро боғлиқ уч элементини ажратади билиш керак: маршрут, транспорт воситаси ва ҳайловчиларнинг иш режимлари.

## 11.3. Йўллардаги ҳаракат жадаллiği

*Ҳаракат жадаллiği (интенсивлiği) дейилганда вақт бир лигига (соат, сутка) йўлнинг ҳар бир километрига тўғри келувчи транспорт воситалари сони тушунилади. Амалда бу кўрсаткич йил давомидаги ўргача суткалик кўрсаткич билан характерланади.*

Ҳаракат жадаллiği ўзгарувчан миқдор бўлиб, у юк оқими, таркиби ва конфигурациясининг йил фасли ва сутка давомида ўзгаришлари билан боғлиқдир.

**Йүллардаги ҳаракатнинг оқилона тизимини тузиш учун  
пуднинг айрим участкаларидаги ва бутун йўл давомидаги  
ҳаракат жадаллигини ҳисобга олиш зарур.**

#### **11.4. Транспорт воситасининг маршрутдаги ҳаракатини ташкил этиш ва унинг схемаси**

Юк автомобиллари ҳаракати схемаси майтникли (2 нуқта орасида қатнов), ҳалқасимон, радиал ва сиртмоқсимон маршрутлардан иборат бўлиши мумкин.

Иш маршрутини танлаш юк жўнатувчилар ва қабул килувчилар жойлашуви ҳамда транспорт воситасининг унумли ишлаши билан боғлиқдир. Бунда ташиладиган юк тури, кузов конструкцияси, ташишнинг шошилинчлиги кабиларни эътиборга олиш лозим.

Баъзи ҳолларда икки ва ундан ортиқ маршрутларни биргаликда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Масалан, ҳалқасимон маршрутда ишлаётган автомобилнинг ишдаги вақти бир оз бажарилмай қолса, автомобилни ўша қисқа вақт ичida майтникли маршрутда ишлатиш ва ҳ.к.

*Майтникли маршрут дейилганда икки ўзгармас ортиш тушириши пункти орасида қайтарилувчи қатнашлар тушунилади.* Бунда қатновларнинг юкли ёки юксиз, ёки орқага қайтишда айрим қисм юкли, ёки юксиз бўлишининг аҳамияти йўқ. Ортиши ва тушириш пунктлари орасидаги масофа маршрут елкаси дейилади. Майтникли юк ташиш тизими тўрт хил бўлади: икки томонлама юкли қатнов, орқасига юксиз қатнов; орқага қатновда маршрут елкасининг бир қисмида юкли қатнов, орқага қайтишда асосий маршрутдан чиқиб, йўлакай юк ташиш. Охирги келтирилган қатнов тури умумий юкли қатнов масофаси, юксиз қатнов масофасидан ортиқ бўлгандагина ишлатилади. Асосий маршрутдан чиқиб ишлаш транспортнинг айланиш вақтини оширгани учун ҳар доим ҳам бундай ташишлар ўзини оқлай оғламаслигини назарда тутиш керак.

Ҳалқасимон маршрутда автомобиль бир йўналишда ўзаро бирлашувчи чизиқда бир неча ортиш-тушириш жойларидаги юкларни ташиш билан шугулланади. Купинча бундай ташишлар майдо юкларни йигиб ташиш ёки, аксинча, тарафтиб ташишда қўлланилади. Бунда ташиши асосий талаб-

ларга жавоб бериши лозим. Масалан, юк ташишнинг шошлиничилиги, юклар тури кабилар. Агар турли хил жуда кўп юклар ҳалқасимон маршрутда ташилса, ажратиладиган автомобиллар уларни ташишга мос бўлиши зарур.

Радиал маршрутда автомобиль бир юк жўнатиш жойидан барча қабул этувчилар ёки барча жўнатувчилардан бир жойга юк ташийди. Масалан, темир йўл бекатларига хизмат этиш, донларни элеваторга ташиш ва ҳ.к.

Радиал ёки маятники маршрутда ташишни ташкил этиш автомобиллар иш унумдорлигини таққослаб таҳлил қилиш билан танланади.

Сиртмоқсимон маршрутда, автомобиллар бир неча тур маршрутларда аралаш ишлатилади.

### 11.5. Маршрутда ишлаш графиклари

Маълум вақт ёки бутун смена давомида транспорт воситалари аниқ ишлаши учун маршрутда ишлаш графиги тузилади. Бунинг учун автомобилларнинг энг қулай юриш маршрути аниқланади, транспорт воситалари самарали ишланиши ва маршрут ишини ташкил этишни назарда тутиб юк ташиш учун зарур бўлган вақт ҳисоблаб чиқилади.

Графикни тузишда ҳаракат тезлиги меъёри, ортиш-тушириш ишларида бўлиш, агар заруратга кўра йўлларда тўхталса, унга сарфланувчи вақтлар ҳисобга олиниши керак. Пухта ишлаб чиқилган графиклар юкларни тез ва ўз вақтида етказиб бериш, транспорт воситалари ишининг маълум ритмда бўлиши ва мижозлардан оқилона фойдаланиш имконини яратади. Энг асосийси, транспорт жараёнидаги барча қатнашчилар (транспорт ходимлари, ортиш-тушириш пунктлари ишчилари ва мижозлар)нинг интизомли бўлишини таъминлайди.

Шаҳар шароитларида юк автомобилларининг ҳаракат графикини тузиш анча мураккаб, чунки кўпинча ортиш-тушириш пунктлари бир ва икки смена давомида бир ёки бир неча қатновларнигина амалга оширади. Одатда, аксарият мижозлар учун юк ташиш графиклари олдиндан ишлаб чиқилган бўлиши керак. Бундай графикларнинг ташкилий-тезкор аҳамияти катта.

Аниқ ишлаб чиқилган ҳаракат графиги автомобилларнинг юк оқими ўзгармас ташишларда ортиш-тушириш пунктлариаро қатнов жадвали тузиш учун асос бўлади. Графикка нисбатан жадвалнинг фарқи шундаки, жадвалда ҳар бир транспорт воситасининг аниқ ҳаракат вақтлари кўрсатилган бўлади. Айни маршрутда ишловчи кейинги автомобиллар учун иш графиги, ундан олдингисидай бўлиб, фақат бошланиш вақти автомобилларни ишга чиқариш интервал миқдорида суриласди.

## 11.6. Ҳайдовчиларнинг иш режимлари

Ҳайдовчининг иш вақти унинг автомобильни бошқариш, ишга чиқишга тайёргарлик кўриш ва иш ниҳоясидағи операцияларга сарф қилинган (автомобилни қабул этиш ва топшириш, ёнилғи қувиш, хужжатларни расмийлаштириш ва бошқа), соғлиқни тиббий текшириш вақтлари йиғиндисидан иборат. Автомобилни бошқаришдан ташқари келтирилган вақт сарфлари уларнинг маршрутда бўлиш вақтни қисқартириши сабабли, айни ишларни бажаришга сарфланувчи вақтларни иложи борича қисқартириш ёки минимумга келтириш зарур.

Ҳайдовчи маршрутда смена давомида бир ўзи ёки бошқа ҳайдовчилар билан алмашиб ишлаши мумкин. Ҳайдовчилар алмашуви усулида улар белгиланган график бўйича кун давомида алмashiшиб ишлайдилар. Ҳайдовчилар алмашуви маршрут ичida ёки автомобиль саройида амалга оширилиши мумкин. Кейинги ҳолда нолинчи қатнов ма-софаси ошади.

Транспорт иши ҳафта давомида узлуксиз бўлишини ҳисобга олганда 5 кунлик иш режимига биноан ҳар 5 автомобилга 7 ҳайдовчи, агар автомобиль икки смена ишлайдиган бўлса 14 нафар ҳайдовчи зарур бўлади. Бунда ҳайдовчилар алмашиб ишлашлари сабабли автомобиллар ҳолатига қаровга жавобгарлик ҳисси пасаяди. Лекин, айтилганга қарамай, ишни узлуксиз алмашувчи ҳайдовчилар билан ташкил этиш илғор (прогрессив) бўлиб, автомобиллардан узлуксиз (ҳафтанинг 7 кунида) фойдаланиш имкони яратилади. Айтилган (ҳайдовчилар алмашуви усули) усул бўйича **Темир йўл, сув ва ҳаво транспортларида қўлланилади**.

## 12 - бөб

# АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ОРТИШ-ТУШИРИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ

## 12.1. Ортиш-тушириш ишлари таснифи

Ҳар қандай юк ташиш транспорт жараёнини амалга оширишда юкларни транспорт воситасига ортиш билан боғлиқ сермеҳнат, баъзида эса жисмонан оғир иш бажаришга тұғри келади. Ташиш ниҳоясига етгандың эса юкларни тушириш зарур бўлади. Юкларни тушириш ҳам сермеҳнат ҳамда жисмонан оғир ишлардан биридир.

Ортиш-тушириш ишлари асосий ва қўшимча операциялардан иборат бўлади. Асосий операцияларга қуйидагилар киради: штабеллар ёки бошқа съюзлаш жойларидан юкларни олиш; ортиш жойига келтириш; транспорт воситасига ортиш; туширишда шу операцияларнинг акси бажарилади. Қўшимча операцияларга қуйидагилар киради: юкларни тарага жойлаш ва заруриятга кўра маркировкалаш; тарозидан ўтказиш (ҳажмини ўлчаш); ҳужжатларни тайёрлаш; юкларни боғлаб маҳкамлаш ёки боғловдан бўшатиш, устини брезент билан ёпиш ва бошқалар.

Амалиётда автомобильларни ортиш-тушириш операцияларда бекор туриш вақти уларнинг линия (иш)да бўлиш вақтларининг учдан бирига тұғри келади. Автомобиль транспорти учун характерли бўлган қисқа масофаларга юк ташишда баъзи юклар учун автомобильларнинг ортиш-тушириш операцияларида бўлиш вақти улуши 50 ва ундан ҳам ортиқ фоизларни ташкил этади.

Шуларга кўра, транспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлиги ўзгариб туради. Ортиш-тушириш ишларини тұғри ташкил этиш ва уларни заруриятта кўра механизациялаш автомобильларнинг буш туриш вақтларини ҳамда ташиш билан боғлиқ харажатларни камайтириш имконини беради.

Автомобилларда юк ташишни ташкил этиш амалиётіда юк ортиш-тушириш жойларida автомобильларнинг барча

бекор туриш (сабабидан қатъи назар) вақтлари ортиш-тушириш вақтига киритилади.

Ортиш-тушириш вақти қуйидаги элементлардан иборат: кутиб қолиш вақти; автомобильнинг манёвр қилишига сарфланган вақт; ортиш-туширишнинг ўзига сарфланган вақт; ҳужжатларни расмийлаштиришга сарфланган вақт.

Автомобилларнинг юк ортиш ёки тусириш операцияларини бажаришда кутиб қолиш ҳоллари мавжудлиги, бундай операцияларнинг бажарилишини такомилластириш имконияти борлигидан далолат беради. Автомобиль ва юк эгалари биргаликда бундай зарурятсиз кутиб қолишларни бартараф этишлари зарур.

Юк ортиш-тушириш ишларини бажарилишнинг механизациялаштирилган ва механизациялаштирилмаган усуллари бор.

Механизациялаштирилмаган ортиш-тушириш ишларida барча операциялар ишчиларнинг қўл меҳнати билан бажарилади. Механизациялаштирилган ортиш-тушириш ишларida эса барча операциялар тури машина ва механизмлар ёрдамида бажарилади. Механизациялаштирилган ортиш-тушириш усулини қўллаш транспорт воситаларининг айни операцияларни бажаришда бекор туриб қолишини камайтирибина қолмай, оғир ва сермеҳнат операцияларни бажаришни енгиллаштиради. Юк ортиш-тушириш ишларини бажаришда 16 ёшдан кичик бўлган шахсларни ишлатиш қатъиян ман этилади. Қўл ёрдами билан бир ердан иккинчи ерга ташиловчи юклар 16 дан 18 ёшгача бўлган ўспирин йигитлар учун 16,4 кг ва қизлар учун 10,25 кг, аёллар учун 20 кг, эркаклар учун 80 кг дан ортиқ ортиқ бўлмаслиги шарт. 80 кг дан ортиқ юкларни бир ердан иккинчи ерга кучириш ёки ортиш-тушириш ишларини бажариш фақатгина механизмлар ёрдамида амалга ошарилиши зарур.

## 12.2. Транспорт воситаларининг ортиш ва тусириш пунктларида туриш вақти меъёрлари

Автомобилларда юк ташишни ташкил этиш ва тезкор режалаштиришда, эксплуатацион ҳисобларни бажаришда ҳамда автотранспорт корхонаси юк эгалари билан шартномалар тузишда автомобиль (автопоездлар)нинг ортиш ва

**Механизациялаштирилган ортиш-тушириш операцияларини  
бажарыш учун тавсиялар**

Жұнатиш юк массасы, т	Ортиш ёки тушириш вақти мөндері, мин	
	I	II
I	2	3
1,0 тонна ва 1,0 тоннагача	12	13
1,0 тоннадан ортиқ ҳар бир түлиқ ва түлиқ бүлмаган масса оғирилгінің учун олдингігі құшимча	2	3
<b>Самосваллар, цистерналы автомобиллар учун</b>		
қарьерде ишловчи самосваллар учун	1	
карьерда ишловчи самосваллар учун	0,2	
цистерналы автомобиллар учун (куйиш, бұшатиши)	4	
еслатма:		
1. Пакта хом ашёсіні тарасыз ташишда ортиш-тушириш операцияларига зарур бүлгап вақт келишилгандың қолда аниқланады.		
2. Ортиш-тушириш ишлары құл (мускул) күчі билан бажарылғанда жадвалдагы миқдорларға яна 50 фониз құшилады		

тушириш пунктларида туриш вақти муайян мөндердің даражасыда бўлишига эришиш лозим. Қўп йиллик тажрибалар шуну кўрсатади, ортиш-тушириш ишларини бажарышда автомобилларнинг айни операцияларда бекор туриш вақтлари механизациялаштирилган ёки механизациялаштирилмаган усуллар учун дифференциалланган бўлиши лозим.

Автомобил (автопоезд)ларнинг юк жұнатиш вақтларида ортиш-туширишда бекор туриш вақтлари амалиёт тажрибасига суюнган қолда қуйидагича миқдорда бўлиши тавсия этилади.

Универсал (бортли) автомобиллар учун (I), фургон-автомобиллар, стандарт тентли автомобиль, тиркама, ярим тиркамалари билан, автомобилдан контейнерни туширмас-

дан ортиш-тушириш ишлари бажарилганда (II) 6-жадвалдаги күрсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Шуни қайд этиш мумкинки, механизациялаштирилган ортиш-тушириш ишларини бажариш учун механизациялаштирилмагандагига нисбатан автомобилларнинг ортиш-туширишда бекор туриши 2-3 марта кам бўлганлиги учун уларнинг иш унуми анча юқори бўлади.

### 12.3. Ортиш-тушириш пунктлари ва уларнинг ўтказувчанлиги

Ортиш-тушириш пункти деганда ҳар қандай юк жўна-тиш ёки қабул қилиш, баъзи ҳолларда эса жўнатиши ва қабул қилиши обьектлари тушунилади. Буларга саноат корхонала-ри, қурилиш майдонлари, савдо базалари ва шунга ўхаш обьектлар киради.

Ортиш-тушириш обьектларининг ўтказувчанлик хусусияти дейилганда бундай пунктларда бир соат давомида кўни билан қанча миқдордаги транспорт воситаси бирлиги бўлиши тушунилади. Аксарият ҳолларда транспорт воситалари сони ўрнига тонна ўлчамдаги бир соат ичида ортилувчи ёки туширилувчи юк ҳажмлари қабул қилинади. Ҳар қандай пунктнинг ўтказувчанлик хусусияти  $Q_{o(t)}$ , шу пунктдаги ортиш ёки тушириш пости миқдори ва ҳар бир тонна юкни ортиш ёки тушириш учун зарур вақт  $\tau_{o(t)}$  га ҳамда ортиш ва тушириш ишларининг ташкил этилиши, омборнинг юк обороти ва унинг жиҳозланганлигига боғлиқдир.

Бир ўрин (пост)нинг бир соатдаги ўтказувчанлик ху-сусияти

$$Q_{o(T)} = 1/\tau_{o(T)}, \text{т/соат}; \quad (89)$$

Агар айни пунктда  $X_{o(T)}$  ўрин бўлса,

$$Q_{o(T)} = X_{o(T)} / \tau_{o(T)} \cdot \eta_n \cdot t / \text{соат}, \quad (90)$$

бунда  $\eta_n$  — автомобилларнинг ортиш ёки тушириш ўринларига нотекис келиш коэффициенти.

Бирор пунктнинг ўтказувчанлик хусусияти бир соат ичида нечта автомобиль (автопоезд)га юк ортилганлиги ёки туширилганлиги билан ҳам аниқланиши мумкин.

Ортиш-тушириш пунктларининг ўтказувчанлик хусусиети автомобиль (автопоезд)лардан самарали фойдаланишга сезиларли таъсир этади. Айниқса, бундай ҳол кўп ҳажмда юклаш ёки тушириш доимий объектлари ишида яққолроқ кўринади.

Ортиш-тушириш пунктлари доимий ва вактинчалик булиши мумкин. Доимий пунктларда ортиш-тушириш операциялари мунтазам равишда бажарилади. Вактинчалик пунктларда бажариладиган юклаш операцияларида катта узилишлар бўлади, яъни юкларни жўнатиш-қабул этиш кўпчилик ҳолларда фаслий характерга эга бўлади. Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бирламчи, яъни экин майдонида ортиш пункти, қурилиш материаллари қазиб олинадиган кичикроқ каръерлар, бино ва иншоотларни қуришдаги объектлар.

Доимий ортиш-тушириш пунктлари автомобилларнинг ҳар бир юклаш жойларига бемалол борадиган кирув, бир-бирига боғлиқ бўлмаган кирув-чиқув йўлларига, ҳамда уларнинг ҳовлиларда бемалол ҳаракатланишига имкон бериси керак. Кирув йўллари ва ҳовлилардаги йўл қопгламалари қаттиқ бўлиши лозим. Автомобиллар қатнайдиган йўллар эни транспорт воситаларининг хавфсиз юра олишига, яъни бир томонлама юрувда камидга 3,5 метр, қарама-қарши юрувга ҳам мўлжалланилган бўлса, 6,25 метрдан кам бўлмаслиги лозим. Юк тахланадиган штабеллар орасида юкловчи-ишловчиларнинг ўтишлари учун эни 0,9 метрдан кам бўлмаган алоҳида йўлаклар бўлиши лозим. Кирув йўллари ва юкловчилар ўтиш йўлакларини доимо соз ҳолда сақлаш, ҳар қандай чиқинди, қор ва музлардан тозалаб туриш, қиши кунларida қум сепиб туриш керак.

Ортиш-тушириш ишларини тунда бажаришда жойлар ёритилган бўлиши керак.

Доимий ортиш-тушириш пунктларида ортиш-тушириш платформалари баландлилиги автомобиль ёки темир йўл вагони асоси баландлигига баробар қилиниб ишланиши керак.

Доимий ортиш-тушириш пунктларида ортиш-тушириш ишлари механизацияштирилган бўлиши керак. Автомобилларга юк ортиш ва тушириш ишларини алоҳида-алоҳида жойларда амалга ошириш мақсаддага мувофиқ бўлали.

Дөммий ортиш-тушириш пунктлари қуйидаги комплекс жиҳозларга эга бўлиши керак:

- 1) юк ҳовлиси майдонларида бемалол ҳаракатланишини таъминловчи кирув йўллари;
- 2) зарур миқдордаги кўтариш-элтиш машина ва механизмилари, заруриятга биноан кичик механизация воситалари;
- 3) юклаш ишлари характеристига кўра усти ёпиқ бинолар ва омборлар, юк сақлаш учун очиқ ва ярим очиқ (айвон) майдончалар;
- 4) юк эгалари ва транспорт воситалари бемалол фойдалана оладиган тарозилар;

5) қоронғида ишлаш учун атрофни ёритиш жиҳозлари;

6) хизмат ва маший бинолар.

Ортиш-тушириш жойлари сони мазкур пунктнинг ўтказувчанлик хусусиятига мос бўлиши, яъни I соат ичидан зарур бўлган юклаш операцияси ҳажми ёки автомобиллар сонига мутаносиб бўлиши лозим. Маълум T соатда Q тонна юкни ортиш ёки тушириш учун зарур бўлган жойлар миқдори қуйидагича аниқланади:


$$X_{o(T)} = Q_{o(T)} \tau_{o(T)} \eta_n / T. \quad (91)$$

Агар юкланувчи тонна юклар ўрнига ўша вақт ичидан юкланувчи автомобиллар сони  $A_{o(T)}$  берилган бўлса, юклов жойлари сони қуйидагича аниқланади:

$$X_{o(T)} = A_{o(T)} q_n \gamma_{st} \tau_{o(T)} \eta_n / T. \quad (91')$$

Ортиш ва тушириш ўрин(пост)ларининг зарур бўлган сони айни иш бажарилувчи пунктлар иш мароми ва автомобиллар келиши интервали ўзаро тенг бўлиш шартига асосан аниқланади. Агар юклов пунктлари иш ритми ва автомобиллар ҳаракат интерваллари тенг бўлса, ортиш ва тушириш пунктлари иши бир маромда кечади ва автомобилларнинг юклов постларида кутиб қолиш ҳолатлари бўлмайди.

Ортиш-тушириш пунктларини жойлаштиришда юк ҳовлиларига омборларнинг жойлашганлиги, уларга келувчи йўлларнинг қулайлиги, ортиш-тушириш машиналарини жойлаштириш ва бошқа эксплуатацион-техник талабларни инобатга олиш зарур. Ортиш-тушириш ишларини ташкил



24-расм. Ортиш-тушириш постларининг жойлашуви:  
а) ён томонлама; б) орқа томонлама; в) қия бурчак усулда.

этишда бир вақтнинг ўзида бир неча постларга зарурат бўлса, уларга қўйилувчи автомобиль (автопоездлар)ни ҳисобга олувчи иш фронти узунлигини аниқлаш зарур. Автомобилларни ортиш-туширишга қўйилиши ён томонлама, орқа томонлама ҳамда қия бурчак усулда бўлиши мумкин (24-расм).

Юклов фронти қўйидаги нисбатларга биноан аниқланади:

автомобилларни ён томонлама қўйишда

$$L_f = X_{O(T)}(L_a + a) + a, \text{ м} \quad (92)$$

автомобилларни орқа томонлама қўйишда

$$L_f = X_{O(T)}(B + b) + b, \text{ м} \quad (93)$$

бунда:  $L_f$  — ортиш ёки тушириш фронти узунлиги;

$L_a$  — автомобиль узунлиги;

$B$  — автомобиль эни;

$a$  ва  $b$  — автомобиллар орасидаги масофа.

Автопоездларни қўллашда ортиш-тушириш ишлари фронти ва улар манёври учун майдончалар бирмунча катталаштирилади. Бунда автопоездлар ҳаракатини тўғри оқимда таш-

кил этиш энг яхши ҳисобланади. Бундай юклов ишлари ён томондан ва бир вақтнинг ўзида автомобиль ва тиркамаларни юклаш имконини беради.

*a* ва *b* ўлчамларни аниқлашда автомобильларнинг юклаш (тушириш) постларидан ортиқча манёврсиз чиқиб кетишини назарда тутиш керак.


#### **12.4. Ортиш-тушириш ишларини механизациялаш воситаларини танлаш**

*Ортиш-тушириши машина ва механизмлари турини танлаш дейилганда юқори самара билан фойдаланиш мақсадида уларнинг техник, эксплуатацион ва экологик сифатларини аниқлаш ва баҳо бериши тушунилади.* Бундай танловлар, кўпинча муайян пунктдаги механизациялаш усуулларига, яъни аниқ шароит ҳамда технологик жараёнларга bogлиқдир.

Ортиш-тушириш ишларини кичик ва катта механизациялашга ажратиш мумкин.

Ортиш-тушириш операцияларини кичик механизациялашда оддий механизмлар ва турли мосламалар (блок, чиғир, қўл кучи билан ишловчи қўчма кранлар, ҳаракатланувчи араваларга ўрнатилган жиҳозлар ва ҳ.к.) ишлатилади. Юқ ортиш-тушириш ишларини кичик механизациялаш турлича булиб, бир-биридан ўёки бу оддий жиҳоз ўёки механизмлар тўпламидан фойдаланиш билан фарқланади. Автомобиль транспортида юқ обороти катта бўлмаган ортиш-тушириш пунктлари тез-тез учраб туради. Бундай пунктларда иқтисодий нуқтаи назардан катта унумли, мураккаб ва қимматбаҳо машина ва механизмлардан қўра, кичик механизация жиҳозларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Ортиш-тушириш ишларини катта механизациялашда, одатда, кичик механизация жиҳозлари ўрнига, юқори унумли, стационар ва қўчма мураккаб юклаш машина ва механизмлари ишлатилади. Доимий, кўп массали барқарор юқ обороти бўлган ортиш-тушириш пунктларида (темир йўл катта бекатларида, сув ҳавзалари порт ва бекатларида, йирик (омбор)ларда, улкан саноат корхоналарида) катта механизациялашни қўллаш мақсадга мувофиқдир.



24-расм. Ортиш-тушириш постларининг жойлашуви:  
а) ён томонлама; б) орқа томонлама; в) қия бурчак усулда.

Этишда бир вақтнинг ўзида бир неча постларга зарурат бўлса, уларга қўйилувчи автомобиль (автопоездлар)ни ҳисобга олувчи иш фронти узунлигини аниқлаш зарур. Автомобилларни ортиш-туширишга қўйилиши ён томонлама, орқа томонлама ҳамда қия бурчак усулда бўлиши мумкин (24-расм).

Юклов фронти қўйидаги нисбатларга биноан аниқланади:

автомобилларни ён томонлама қўйишда

$$L\phi = X_{O(T)}(L + a) + a, \text{ м} \quad (92)$$

автомобилларни орқа томонлама қўйишда

$$L\phi = X_{O(T)}(B + b) + b, \text{ м} \quad (93)$$

бунда:  $L\phi$  — ортиш ёки тушириш фронти узунлиги;

$L_a$  — автомобиль узунлиги;

$B$  — автомобиль эни;

$a$  ва  $b$  — автомобиллар орасидаги масофа.

Автопоездларни қўллашда ортиш-тушириш ишлари фронти ва улар манёври учун майдончалар бирмунча катталаштирилади. Бунда автопоездлар ҳаракатини тўғри оқимда таш-

кил этиш энг яхши ҳисобланади. Бундай юклов ишлари ён томондан ва бир вақтнинг үзида автомобиль ва тиркамаларни юклаш имконини беради.

а ва b ўлчамларни аниқлашда автомобильларнинг юклаш (тушириш) постларидан ортиқча манёврсиз чиқиб кетишини назарда тутиш керак.


#### 12.4. Ортиш-тушириш ишларини механизациялаш воситаларини танлаш

*Ортиш-тушириш машина ва механизмлари турини танлаш дейилганды юқори самара билан фойдаланиш мақсадида уларнинг техник, эксплуатацион ва экологик сифатларини аниқлаш ва баҳо берииш тушунилади. Бундай танловлар, кўпинча муайян пунктдаги механизациялаш усулларига, яни аниқ шароит ҳамда технологик жараёнларга боғлиқдир.*

Ортиш-тушириш ишларини кичик ва катта механизациялашга ажратиш мумкин.

Ортиш-тушириш операцияларини кичик механизациялашда оддий механизмлар ва турли мосламалар (блок, чифир, кўл кучи билан ишловчи кўчма кранлар, ҳаракатланувчи араваларга ўрнатилган жиҳозлар ва ҳ.к.) ишлатилади. Юк ортиш-тушириш ишларини кичик механизациялаш турлича бўлиб, бир-биридан у ёки бу оддий жиҳоз ёки механизмлар тўпламидан фойдаланиш билан фарқланади. Автомобиль транспортида юк обороти катта бўлмаган ортиш-тушириш пунктлари тез-тез учраб туради. Бундай пунктларда иқтисодий нуқтаи назардан катта унумли, мураккаб ва қимматбаҳо машина ва механизмлардан кўра, кичик механизация жиҳозларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Ортиш-тушириш ишларини катта механизациялашда, одатда, кичик механизация жиҳозлари ўрнига, юқори унумли, стационар ва кўчма мураккаб юклаш машина ва механизмлари ишлатилади. Доимий, кўп массали барқарор юк обороти бўлган ортиш-тушириш пунктларида (темир йўл катта бекатларида, сув ҳавзлари порт ва бекатларида, йирик (омбор)ларда, улкан саноат корхоналарида) катта механизациялашни қўллаш мақсадга мувофиқдир.



24-расм. Ортиш-тушириш постларининг жойлашуви:  
а) ён томонлама; б) орқа томонлама; в) қия бурчак усулда.

этишда бир вақтнинг ўзида бир неча постларга зарурат бўлса, уларга қўйилувчи автомобиль (автопоездлар)ни ҳисобга олувчи иш фронти узунлигини аниқлаш зарур. Автомобилларни ортиш-туширишга қўйилиши ён томонлама, орқа томонлама ҳамда қия бурчак усулда бўлиши мумкин (24-расм).

Юклов фронти қўйидаги нисбатларга биноан аниқланади:

автомобилларни ён томонлама қўйишда

$$L_{\phi} = X_{O(T)}(L_a + a) + a, \text{ м} \quad (92)$$

автомобилларни орқа томонлама қўйишда

$$L_{\phi} = X_{O(T)}(B + b) + b, \text{ м} \quad (93)$$

бунда:  $L_{\phi}$  — ортиш ёки тушириш фронти узунлиги;

$L_a$  — автомобиль узунлиги;

$B$  — автомобиль эни;

$a$  ва  $b$  — автомобиллар орасидаги масофа.

Автопоездларни қўллашда ортиш-тушириш ишлари фронти ва улар манёври учун майдончалар бирмунча катталаштирилади. Бунда автопоездлар ҳаракатини тўғри оқимда таш-

кілд этиш энг яхши ҳисобланади. Бундай юклов ишлари ён томондан ва бир вақтнинг ўзида автомобиль ва тиркамаларни юклаш имконини беради.

а ва b ўлчамларни аниқлашда автомобильларнинг юклаш (тушириш) постларидан ортиқча манёврсиз чиқиб кетишини назарда тутиш керак.

#### 12.4. Ортиш-тушириш ишларини механизациялаш воситаларини танлаш

*Ортиш-тушириши машина ва механизмлари турини танлаш дейілгандың юқори самара билан фойдаланиш мақсадида уларнинг техник, эксплуатацион ва экологик сифатларини аниқлаш ва баҳо беріши тушунилади. Бундай танловлар, күпинча мұайян пунктдеги механизациялаш усулларига, яғни аниқ шароит ҳамда технологик жараёнларга бөгликтір.*

Ортиш-тушириш ишларини кичик ва катта механизациялашга ләжратиш мүмкін.

Ортиш-тушириш операцияларини кичик механизациялашда оддий механизмлар ва түрли мосламалар (блок, чиғир, құл кучи билан ишловчи күчма кранлар, ҳаракатланувчи араваларга үрнатылған жиҳозлар ва ҳ.к.) ишлатилади. Юқ ортиш-тушириш ишларини кичик механизациялаш түрлича бұлиб, бир-биридан у ёки бу оддий жиҳоз ёки механизмлар түпламидан фойдаланиш билан фарқланади. Автомобиль транспортида юқ обороти катта бұлмаган ортиш-тушириш пунктлари тез-тез учраб туради. Бундай пунктларда иқтисодий нұқтаи назардан катта унумли, мураккаб ва қимматбаҳо машина ва механизмлардан кұра, кичик механизация жиҳозларини құллаш мақсадға мувофиқдір.

Ортиш-тушириш ишларини катта механизациялашда, одатда, кичик механизация жиҳозлари үрніга, юқори унумли, стационар ва күчма мураккаб юклаш машина ва механизмлари ишлатилади. Доимий, күп массали барқарор юқ обороти бұлған ортиш-тушириш пунктларида (темир йүл катта бескатларыда, сув ҳавзалари порт ва бескатларыда, Ыирик (омбор)ларда, улкан саноат корхоналарыда) катта механизациялашни құллаш мақсадға мувофиқдір.

Ортиш-тушириш машина ва механизмларини танлашда улардан юқори унум биләі фойдаланишни назарда тутиш лозим. Юқори унум билән фойдаланиш эса ишларни тұғри ташкил қилишга боғлиқдір. Юқлаш машина ва механизмларини танлашда юклар түри ва ортиш-тушириш ишлари характеристи, юкнинг оғирлігі, шакли, хусусиятлари, танланыётган машина ва механизмларнинг құввати, улардан мұайян объектларда фойдалана олиш имкониятлари ҳисобға олинини зарур.

Юқлов машина ва механизмларини танлаш ва ортиш-тушириш ишларини ташкил этишда сарфланувчи капитал маблағ ҳамда жорий эксплуатациян қаржатлар миқдорини ҳисобға олиш ката ахамияттаға етіледі.

Албатта, юқорида көлтирилген қаржатлар, әңг аввало, транспорт жараёнидам барча юқлов ишларидан оли-надиган иқтисодий самарілар билан боғлиқ. Бироқ бунда оғир ишларни механизациялаш билан боғлиқ ижтимоий масалаларни ҳам назарда қаржатлардың қаржатларни қаржатындарға өткізу мүмкін.

Катта массали ва юк обороти барқарор пунктларда стационар механизмлардан фойдаланиш мақсадға мувофиқ, чунки бунда улардан унұмлы фойдаланиш имкониятлары күпроқ бўлади.

Кўчма ортиш-тушириш механизацияларидан асосан катта массали, аммо юк обороти барқарор бўлмаган объектларда, яъни стационар механизмларни ишлатиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайдиган (нисбатан қисқа вақт ишлатилиши сабабли) сртиш-тушириш объектларida қўлланилади. Транспорт шассиларига монтажланган механизмлар, асосан, юк обороти кичик, жуда кўп жойларга тарқалиб кетган объектлардаги донали юкларни ортиш-туширишда, қачонки, буңдай объектлар учун ортиш-тушириш жараёнларини ўз имкониятлари билан механизациялаш иқтисодий жиҳатдан мақсадға мувофиқ бўлмаган ҳолларда қўлланилади. Мана шундай механизмларга автомобиль шассисидаги енгил кранлар, орқа борти юқлов ишларига мослашган автомобиллар, чиғирлар ва шу кабиларни киритиш мүмкін. Сочилувчан юкларни тушариш

операциясини механизациялаш мақсадида ўзи ағдарувчи автомобиллар (самосваллар)дан фойдаланилади.

Хар қандай ортиш-тушириш механизмларини автомобилларга ўрнатиш улар юк күтәрүвчанлигини камайтиришини ҳисобга олиб, уларни юк ташишлар камаядиган ва меңнатунуми ошадиган бўлгандагина қўллаш лозим.

### 12.5. Ортиш-тушириш машиналарининг иш унуми

Хар қандай машинанинг иш унуми вақт бирлигига (соат, смена, сутка, ой, йил) унинг ёрдамида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори билан аниқланади. Транспорт операциясида ишлатилувчи ортиш-тушириш машина ва механизмларининг иш унуми ҳам ана шундай йўл билан аниқланади. Фақат уларнинг ўзига хос ҳусусияти шундан иборатки, бунда ишлаб чиқарилган маҳсулот тоннада ўлчанувчи ортилган ёки туширилган юк миқдоридир. Баъзи машина (механизм) лар ёки юк турларига кўра ортиш-тушириш ишлари бўйича иш унуми дона ёки кубметрда ҳам ўлчаниши мумкин.

Барча қўлланувчи ортиш-тушириш ускуна (машина ва механизм)ларини икки турга бўлиш мумкин:

иш органи даврий ҳаракатланувчи, бунда ортиш ва тушириш ишлари бир ёки бир неча қайтарилувчи иш цикларида бажарилади (кранлар, экскаваторлар, ортқичлар ва шу кабилар);

иш органи узлуксиз ҳаракатланувчи. Бунда машина (механизм)нинг иш органи ортиш ёки тушириш ишларини бажаришда узлуксиз ҳаракатланади. Масалан, транспортёрлар (юкларни жойдан-жойга бетўхтов узатувчи механизм), элеваторлар, пневматик курилма ва шу кабилар.

Иш органи даврий ҳаракатланувчи ортиш-тушириш машиналарининг, иш унуми қўйидаги формула билан аниқланади:

$$W=3600 q \eta / t_k, \text{т/соат} \quad (94)$$

бунда:  $W$  — машинанинг бир соатлик иш унуми, т;

$q$  — машина (механизм)нинг юк күтәрүвчанлиги, т;

$t_k$  — секундда ўлчанувчи юклаш операцияси тўлиқ цикл вақти;

$\eta$ - механизмлар ишида йүқотишларни ҳисобга олувчи коэффициент (таксинан 0,9 га тенг).

Агар иш органи даврий ҳаракатланувчи машина сочиладиган юкларни ортишда қатнашса ва унинг юк күттарувчанлиги ўрнига чўмичининг ҳажми маълум бўлса, бундай машиналарнинг иш унуми қуидаги формула билан аниқланади:

$$W = 3600 V \times \eta / t_{\text{коат}} \quad (95)$$

бунда:  $\eta$  — 1 куб метр юкнинг ҳажмий оғирлиги, т;

$V$  — чўмич ёки бошқа ушлагичнинг ҳажми, м<sup>3</sup>;

$X$  — тўлдириш коэффициенти.

Иш органи узлуксиз ҳаракатланувчи машиналарнинг иш унуми амалда анча юқори ва барқарорлиги билан фарқланади, аммо бундай машиналар ҳаракатланувчи механизмининг кўтариш хусусиятига мос оғирликдаги юкларни узлуксиз ва бир маромда узатиб туришни талаб этади.

Транспортёр конвейерида бир хил вазнданаги ( $q$ , кг) донали юкларни тахсинан бир оралиқда ( $a$ , м) жойлаштириб ҳамда конвейер ҳаракат тезлиги  $V$  м/с бўлганда ташишка конвейернинг иш унуми  $W_g = 3600 V \eta / a$  дона/соат ёки  $W_t = 3,6 V v \eta / a$ , т/соат бўлади.

Транспортёрлар билан уйилган ёки сочилувчи юкларни узатишда уларнинг иш унуми ҳаракатланувчи тасмаларнинг бир текис юкланганлигига қараб аниқланади. Бунда бир соатлик иш унуми ҳаракатланувчи тасманинг эни ва ҳаракат тезлиги ҳамда бир метр тасманинг юклантан вазнига кўра:  $W_t = 3600 V F v \eta$ , т/соат ёки  $W_k = 3600 V F v \eta$ , м<sup>3</sup>/соат формула бўйича аниқланади бунда:  $F$  — тасма билан ҳаракатланувчи юк қатламининг кўндаланг кесими;  $V$  — транспортёр тасмасининг ҳаракат тезлиги, м/с;  $v$  — юкнинг ҳажмий оғирлиги, т/м<sup>3</sup>.

## 12.6. Уйиб ташилувчи юкларни ортиш-тушириш ишларини ташкил этиш ва механизациялаш

Курилиш материалларининг ярмидан кўпи, тоғ-кон саноатида очиқ усулда қазиб олинадиган юклар транспорт во-ситаларига уйиб ортилиши мумкин. Уйиб ташиладиган курилиш юклари (шагал, чақир тош, кум, грунт ва бошқалар) ва тоғ жинсларининг ўзига хос (индивидуал) хусусиятлари бўли-

шига қарамай, уларнинг кўп жиҳатдан ўзаро яқин томонла-ри бор. Уларни уйиб ортиш, ташиш ва тушириш имконияти мавжуд. Одатда, бундай юклар қисқа масофаларга ташилади. Бу нарса ортиш-тушириш ишларини механизациялашни та-лаб қилиши билан бирга ташишда самосваллардан фойдаланиш орқали айни ташишлардаги транспорт харажатларини камайтириш имконини беради.

Уйиб ташилувчи юкларни ортишликда турли экскаваторлардан фойдаланилади.

Занжирли ёки гилдиракли, бир чўмичли экскаваторлар асосан ер ишларида (чуқурлар ковлашда), конларда ишлашда ҳамда ортиш-тушириш ва монтаж ишларида қўлланади. Автомобилларни юклашда асосан 8 хил тур ва ўлчамли қурилиш ва кон экскаваторларидан фойдаланилади. Улар чўмичлари ҳажми 0,15 дан 4 м<sup>3</sup> гача бўлиб, бир-биридан двигателининг қуввати ва кран жиҳозининг юк моменти билан фарқланади (7-жадвал).

#### 7-жадвал

#### Курилиш ва кон экскаваторларининг тур ва ўлчамлари \*

Чўмичининг ҳажми, м <sup>3</sup>	0,25	0,25(0,3)	0,4(0,5)	0,65	1,0	1,6	2,5	4,0
Куввати, от кучида	16	25	4,0	63	100	160	240	400
Юк моменти, тм чиқарилувчи таянчлари билиш	-	12,5	25	50	100	200	400	800
чиқарилувчи таянчларисиз	4	8	16	32	63	125	250	500

\*Автомобиль. Энциклопедик лугат-маълумотнома М-1968, 407 бет.

Чўмичининг ҳажми 0,15 — 0,25 м<sup>3</sup> ли экскаваторлар “Беларусь” трактори базасига ўрнатилган, яъни улар гилдиракли экскаваторлар турига киради. Бошқа экскаваторлар асосан занжир (гусеница) билан бир ердан иккинчи ерга кўчади. Гусеницали экскаваторларнинг грунт (ер)га тушувчи босими нисбатан кам ва улар яхши юра олиш хусусиятига эга. Аммо уларнинг ҳаракат тезлиги гилдиракли экскаваторларга нисбатан анча кичик.

Чүмичининг ҳажми (сифими)га кўра экскаваторлар қўйидаги гуруҳларга бўлинади:

Курилишда ишлатилувчи — чўмичининг сифими 0,15 дан 2,0 м<sup>3</sup> гача, асосан қурилишдаги ер ишлари ҳамда грунтни ортишда ишлатилади;

кон экскаваторлари — чўмичининг сифими 2-4 м<sup>3</sup>, очиқ конларда, кавлаш ва ортиш операцияларида ишлатилади;

тоғ устки қатламларини очувчи экскаваторлар — чўмичининг ҳажми юқорида кўрсатилган сигимлардан катта булади. Улар асосан тоғли жойларнинг устки қобиғини ағдариб, четга олишда ҳамда йирик гидротехник иншоотлар қурилишида ишлатилади.

Ишлов бериладиган грунт тури экскаваторнинг иш органини танлашга катта таъсир этади.

Экскаваторлар билан ишлов беришдаги қаттиқлиги бўйича грунтлар 6 гуруҳга бўлинади.

енгил (бўш) грунтларга заррачалари ўзаро кам боғлиқликга эга (I ва II гурух) грунтлар кириб, уларга қум ва унга яқин грунтлар, яъни лой қисми 1/3 қисмдан кўп бўлмаган ҳамда гаркибида ўсимлеклари бор грунтлар киради.

Зичроқ грунтларга (III ва IV гурух) кумоқ тупроқли, яъни таркибининг 1/3 дан 2/3 гача қисми лой заррачали ва лойли грунтлар киради.

Йирик тошли (ҳарсанг) грунтлар (V ва VI гурух) тошлини бўлиб, одатда, ортиш учун улар олдиндан юмшатилган бўлиши лозим.

Экскаваторларнинг грунтлар гуруҳи ҳамда забойлар конфигурациясига кўра қўйидагича иш органлари танланади:

— агар забой экскаватор туриш жойи сатҳидан юқори бўлса, “тўғри куракли”лиги танланади;

— агар забой экскаватор туриш сатҳидан пастда ҳамда грунтлар юмшоқ ва ўртacha қаттиқ (мустаҳкам) бўлса, “кураги тескари ўрнатилган”лиги танланади;

— агар забой аксарият ҳолда экскаватор туриш жойидан пастда, грунтлар юмшоқ ва ўртacha қаттиқ бўлса, “драглайн” (чўмичи троc билан боғланган)лари танланади.

Драглайнли экскаваторлар чўмич илгичи стрелкаси узайтирилган ва фермали қилиб енгиллаштирилганлиги сабабли, улар экскаватор турган жойдан узоқ радиусдаги грунтларни четга ёки транспорт воситасига узатади (маса-

лан, сув ҳавзалари тагидаги құмларни олиш ёки каналлар тагидаги балчиқни тозалаш).

Конларда ишловчи автомобилларнинг манёвр қилишда вақыт бекор кетмаслыги учун улар ҳаракатини бир томонлама ёки ҳалқали йұналтириш мақсадға мувофиқ. Бир томонлама автомобиллар ҳаракатини “тұғри куракли” экскаватор билан кон ғрунтини ёnlама ортишда құллаш мүмкін. Ҳаракатни бир томондан бошлаб, иккінчи томондан чиқарып юборыш афзalлығы автомобилларнинг маневр қилиш вақыттан ютиш билан биргә күп бүғинли автопоездлардан фойдаланиш имкониятини беради, натижада меңнат унумдорлығы ортади. Агар ёnlама ишлаш имкони бұлмаганы сабабли, экскаваторлар тор траншеяда (масалан, оғир тошли жинсларға ишлов беришда) ишласа, автомобиллар туриш жойи иккита ва ұзаро паралел булиши мақсадға мувофиқ. Бунда экскаватор биринчи автомобилни ортаётгандан, иккінчи автомобиль үз үрніга келиб туради ва экскаватор иккінчи автомобилни ортаётгандан биринчи автомобиль үрніга бошқаси келиб, ортишга тайёр бўлиб туради. Бунда экскаватор самосвал-автомобиллар алмашувига қараб забойнинг тоғ үнг томонида, тоғ чап томонида узлуксиз ишлади.

Ортиш-тушириш машиналари ҳамда автомобиль транспорти воситаларидан самарали фойдаланиш учун комплекс бригада ишлаш усулини құллаш лозим. Бундай усулда ишни ташкил этишда бир неча доимий ишловчи ҳайдовчилар ва экскаватор машинисти аниқ бир обьектда, күпинча қурилишда биргә ва бир мақсадда, яғни техникаларнинг ұзаро бекор туриб қолиш ҳоллари олдини олиш мақсадида ишлайдилар. Бундай бригадалардан фақат қурилиш обьектлари билан чегараланиб қолмасдан, қишлоқ хұжалиғи маҳсулотлари (дон маҳсулотлари, пахта хом ашёси ва бошқалар) ҳамда күп ҳажмдаги (массали) юкларни ташишда ҳам фойдаланиш мақсадға мувофиқ.

Агар уйиб ташилувчи юклар олдиндан юмшатилган бўлса, уларни ортиш учун түрли хил орткич (погрузчик)-лар құлланилса ҳам бўлади. Бунда күпинча үз ҳаракати билан обьект ҳудудида күчіб юрувчи орткичларнинг аҳамияти катта. Улар юкларни қисқа масофага құтариб бориб, транспорт воситасига юклаш имконини беради. Бундай орткичларнинг, айниқса автомобиллар ортиш жойига яқин келолмайдиган обьектлардаги аҳамияти бекиёсdir.

Сочилувчан юклар (чақыр тош, шағал, цемент, суюқ бетон ва цемент-қум-сув аралашмаси, тошкүмир, турли хил хими-катлар, ўғитлар, картошка ва бошқа илдизли маҳсулотлар) ни ортишда бункерлардан фойдаланиш ҳам кенг тарқалған ортиш усулидир. Бункерлар металлдан, ёғочдан, темир-бетондан ишланған булиши мүмкін. Одатда, бункерлар иш унуми юқори бұлған механизмлар (масалан, жойларга мослашган транспортер, экскаватор, элеватор қурилмалари ва бошқа воситалар) ёрдамида олдиндан түлдирилади.

Бункердан транспорт воситасига юкни туширишда унинг сирпаниб (оқиб) тушиш хусусиятидан фойдаланилади. Бункер остида қулфли қопқоқ (дарча) бұлади. Бункерли ортишнинг ишончлилігі айни дарчанинг ишончли ишлашига болғық. Бункер орқали бир автомобильнинг ортишда туриш вақти 10-20 секунд атороғида бұлади.

Тарасиз ташиловчы цементларни ортиб-туширишда, цемент ташувчи цистернали автомобилга үрнатылған механизмлардан фойдаланилади. Улар ёрдамида ташиловчы цементни горизонтал йұналишда 50 метргача, вертикаль йұналишда 30 метргача механизациялаشتыриб етказиб берилиши мүмкін.

Айрим ҳолларда сочиливчан юклар контейнерлаб ташилса, шунға яраша ортиш-тушириш ишлари механизациялаشتырилади. Бұғдой ва бошқа донларни ташишда турли хилдаги юк ортқичлардан, универсал бортли автомобилларда ташилғанда автомобилларни күтариб орқага ёки ён томонға оғдирадыған механизмлардан фойдаланилади. Дон маҳсулотлари тозалаб хирмонлардан юкларни ортишда қар хил ортқичлар ишлатылади.

Пахта хом ашёсіні ортишни механизациялашда ўзи ҳаракатланадыған РБХ-20 механизмидан фойдаланилади.

## 12.7. Оғир ва улкан юкларни стационар ва күчма кранлар ёрдамида ортиш-тушириш

Вазни оғир юкларга меңнат хавғисзилиги нүктай назаридан вазни 80 кг ва ундан ортиқ юклар киради. Автомобиль транспортида юк ташиш қоидаларига биноан, вазни оғир юкларға, яғни механизм ёрдамисиз ортиб бұлмайдыған юкларға вазни 250 кг дан ортиқ, думалатиб судраладыған юкларға 400 кг дан ортиқ юклар шартлы равища киритилади.

Ортиш-тушириш операцияларини бажариш нұқтаи назаридан оғир вазнли юклар бир турда әмас. Автомобиль транспортида ташиладиган барча юклар ичидә уйиб ташилувчи юклардан кейингиси ёки иккінчи үрінде турувчи оғир юклар вазнли ва узун үлчамли юклардир. Лекин ортиш-тушириш операцияларини бажариш қыйинлиги ва оғирлигига күра уларни механизациялашыннан ақамиятты каттады.

Оғир вазнли юкларни ортиш-тушириш учун ишлатылалык күтариш-әлтиш механизмларининг асосий турлары кранлар ва автокранлардан иборат. Кранлар, ўз навбатида, стационар, ярим стационар ва күчма бўлиши мумкин.

Муайян ортиш-тушириш жойларига доимий ёки узоқ вақт ишлашга мўлжалланиб ўрнатилган юк кўтаргичлар стационар ва ярим стационар кранлар қаторига киради. Айни объект ичидә конструкциясига кўра қийинчиликсиз кўчувчи ортичилар кўчма кранлардир. Бундай кранларни бир жойдан иккінчи жойга кўчиришда уларни демонтаж-монтаж қилиш талаб этилмайди. Бъязида уларни трейлер ва аравачалар ёрдамида кўчирилади.

Стационар ва ярим стационар кранларни харид қилиш ва монтажлаш катта харажатлар билан боғлиқ. Агар улардан унумли ва узлуксиз фойдаланилса, ортиш (тушириш) ишлари таннархининг арzonлашиши туфайли, қилинган харажатларни қисқа вақт ичидә қоплаш имкони бўлади. Бундай кранлар ортиш-тушириш ишини механизациялашыннан юқори унумдорликка эга бўлган воситаларидир. Стационар ва ярим стационар кранларга тўрт таянчли, кўприксимон, минорали ва портал кранлар киради.

Тўрт таянчли кранлар юк обороти катта темир йўл станцияларида, метрополитен қурилишлари, темир-бетон десталлари ишлаб чиқариш ва уларни транспорт воситаларига ортишда саноат корхоналарида ишлатилади. Мазкур краннинг асосий элементлари: қўзғалувчи таянчлар, таянчларни бирлаштирувчи ферма конструкцияси, юк кўтарувчи илгакли электр тельфер, электр двигатель кучи билан қўзғалувчи аравачалар, барча бошқариш панели билан жиҳозланган кран ишчиси кабинаси.

Кўприксимон краннинг асосий элементлари тўрт таянчли кранлардагидек, фақат унда қўзғалувчан таянчлар ва ер юзасидаги кран излари ўрнига бино ва иншоотлар

деворларидаги таянч нүкта ва излар бўлиб, улар кўпинча саноат корхоналари цехларида, катта базаларда ва усти очик майдонларда юкларни суриш ва ортиш-тушириш операцияларини бажаришда ишлатилади.

Тўрт таянчли ва кўприксимон кранларда юкларни уч йўналиш, яъни юқорига (пастга), кўндаланг ва бўйлама йўналишларда силжитиш мумкин.

Минорали кранлар асосан курилишларда юкларни вертикаль йўналишда ҳаракатлантириш учун хизмат қилади, шунингдек ортиш-тушириш операцияларини ҳам бажаради.

Портал кранлар сув ҳавзалари ёқасида ҳамда улкан гидротехник қурилишларда ишлатилиб, уларнинг ишлаш тамойили минорали кранники билан бир хил. Портал краннинг юқ кўтарувчаниги анча катта бўлиши билан бирга стреласининг узунлиги ҳам нисбатан каттадир.

Автомобиль шассиси ёки бошқа ўзиюрар шассига ўрнатилган кранлар донали юкларни автомобильларга ортиш-тушириш ҳамда монтажлаш ишларини бажаришда қўлланилади.

Автоюклагич — энг универсал ортиш-тушириш механизмидир. Айниқса, улар юқ ҳовлилари ва омбор ичидаги қисқа масофаларга юқ кўтариб етказиб бериш ҳамда ортиш-тушириш ишларини бажаришда бекиёс самаралидир. Автоюклагичлар автомобиль шассисида ёки электр куввати (аккумулятор батареяси) билан ҳаракатланади.

Автоюклагичнинг асосий иш органи икки параллел вилка куринишидаги консоль ушлагич булиб, у юкларни кўтартган ҳолда қисқа масофага кўчириб беради. Вилкали ушлагич телескопик рамадаги гидромеханизм ёрдамида юқорига ва пастга юқ билан ҳаракат этади. Телескопик рамани  $14\text{--}15^{\circ}$  орқага қиялатиш орқали юқ билан ҳаракатланувчи юклагич турғунлиги анча ошади. Автоюклагичларда бир неча хилдаги ушлагичлар тўплами (чўмич, крюк-илгакли стрела, грейфер ёки қисқичли ушлагич ва ҳ. к.) бўлади.

Кичик габаритли, аккумуляторли юклагичлар омбор ичидаги штабеллар орасидаги тор йўлакларда ҳаракатланishi осон. Уларнинг манёвр қилиши автокранга нисбатан анча юқори. Бундай юклагичлар автофургон ва төмрир йўл юқ вагонлари ичига кириб ортиш-тушириш иш-


ларини бемалол бажаради. Электр юклагичлар ҳам күтаргичлар түплами билан таъминланади.

Ортиш-тушириш ишларини такомиллаштириш транспорт воситаларининг бекор туриш вақтларини қисқартириш ҳисобига уларнинг иш унумини оширади. Пакетлаб ва контейнерлаб ташишни кенгайтириш ортиш-тушириш ва омбор ишларини комплекс механизациялаш имконини беради.


## 12.8. Юк оловчи ва ташувчи мосламалар

Ортиш-тушириш машиналарининг унумли ишлаши, кўп жиҳатдан, юкларни илгакларга илиш, қисиб кутариш ва қисқич ушлагичлардан бўшатиш операцияларига сарфланган вақтга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ортиш-тушириш ишларини механизациялашда юк оловчи (юкни илиб-қисиб маҳкамлаш) мосламаларини тўғри танлашнинг аҳамияти каттадир. Бундай мосламалар қуйидаги асосий талабларига жавоб бериши лозим: юк тури ва характеристига мослиги; юкларни қисқа (минимал) вақт ичida қисиб олиш ва қисқичдан тез бўшатиш (иложи борича, қисиб олиш ёки ундан бўшатиш автоматлаштирилган бўлиши лозим); тарага ва юкнинг ўзига шикаст етказмаслик; вазни енгил, ўзи мустаҳкам ва тез ишлатила олиши.

25-расмда энг кўп қўлланиладиган юк оловчи мосламалар келтирилган. Улар эгилувчан бир неча тур ва шаклини бўлади. Вазни оғир юкларни кутаришда траверса (кўнда-



25-расм. Юк оловчи мослама турлари:  
а — илгакли; б, в, — сиртмоқли



26-расм. Ёғоч ғұлаларни күтаришда құлланиладын қисқичлар.

ланг балка) лардан фойдаланилади. Бундай траверсаларда юк олувчы бир неча мосламалар булиши мүмкін.

Тараля юклар ва ёғоч ғұлаларни күтаришда 26-расмда күрсатылғандагидек қисқичлар құлланилади.

Юпқа пулат листларни күтаришда маҳсус мосламалардан фойдаланилади.

Металл парча (лом)лари ва ҳар хил шаклдаги металл буюмларини күтаришда юк күтарувчи электромагнитлардан фойдаланилади.

Грейферлар оғзи очилувчи чүмичлар булиб, улар юклаги машиналарга монтажланади. Чүмичлар икки томонға очилувчы жағдан иборат бұлади. Экскаватор чүмичлари фақаттина ер қазиши учунгина ишлатылмай, улардан турли хил юклаги чларда ҳам фойдаланилади.

Юк күтарувчи мосламалар ичиде илгак (крюк) әнг күп ишлатылади.

Одатда, юк илгакта илингандан кейин занжир ёки канат (йүғон сим арқон)ли күтаргичлар билан күтарилади. Канатлар юкларни күтаришда уларни илгакларга боғлаш ҳамда маңқамлаш ишларыда құлланилади.

### 13 - бөб

## ПАССАЖИРЛАР ТАШИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

### 13.1. Автомобилларда пассажирлар ташиш

Автомобилларда пассажирлар ташиш мамлакат умумтранспорт тизимининг ажралмас бир қисми булиб, пас-

сажир транспортининг бошқа турлари билан бир қаторда пассажир ташиш ишлари билан шуғулланади.

Транспорт турларидан қатъи назар пассажирлар ташишни ташкил этишда уларга умумий талаблар қўйилган бўлиб, унда пассажирларни қисқа вақт ичida манзилларига етказиб қўйиш, транспорт воситаларининг бутун маршрут давомида аниқ ҳаракати, транспорт воситаларидан яхши фойдаланиш, ташишни тўла хавфсизлик билан ташкил этиш, пассажирларга юқори маданият билан хизмат этиш, иложи борича харажатларни камайтириш талаблари қўйилади.

Пассажирларни кўплаб ташувчи транспортнинг бошқа турларига нисбатан пассажирлар ташувчи автомобиль транспортининг бир қанча афзалликлари бор. Бундай афзалликларга, энг аввало, пассажирлар ташувчи автомобиль транспортининг юқори даражали манёврчанлиги, яъни пассажирларни иш ва яшаш жойларига яқинлаштириб етказиб бориш хусусияти, такомиллаштирилган ва қаттиқ қопламали йўлларда ер усти пассажирлар ташувчи бошқа транспортларга нисбатан юқори ҳаракат тезлиги. Автобусларда пассажирлар ташишнинг яна бир асосий афзаллиги бу зарур бўлганда янги маршрутларни тез ишга тушира олишdir. Меъёрдаги йўл шароитлари бор жойларда янги автобус маршрутларига қўшимча ишлар қилинмасдан, масалан, йўл (из) иншоотлари, электр подстанцияси (ёрдамчи электр бекати), контакт шохобчалари кабиларсиз ишга тушириш мумкинлиги. Бундай қурилмалар трамвай ва троллейбус маршрутлари учунгина зарурdir. Янги очилган автобус маршрутларига қилинган харажатларни нисбатан қисқа давр ичida қоплаш мумкин.

Пассажирлар оқими сийрак бўлган 200-300 км маршрутларда автобус транспортида темир йўл пассажир транспортига нисбатан кам харажат қилиниши билан бирга, пассажирларга қулийликлар яратилади.

Автобус транспортининг камчилиги иш унумининг щаҳар атрофидаги темир йўл пассажир транспорти, трамвай ва троллейбусларга нисбатан кичиклиги ҳамда ишлатувчи ёқилғининг қимматлиги билан боғлиқ эксплуатацион харажатларнинг катталиги ва атроф-мухитни заҳартириши моддалар билан нисбатан юқори даражада ифлослантириши ва бошқалардан иборат.

### **13. 2. Маршрутлар тизими ва ҳайдовчилар меҳнатини ташкил этиш**

*Маршрут (йўналиш) лар тизими дейилганда шаҳар, туман ёки вилоят ҳудудидаги пассажирларни кўплаб ташувчи барча турдаги маршрутлар йигиндиси тушунилади.*

Аҳолиси 250 мингдан ортиқ бўлган шаҳарлардаги тури пассажир транспортларини энг оқилона ёндоштириш мақсадида шаҳар пассажир транспортининг узоқ даврли (перспектив, яъни 10-15 ва ундан ортиқ йилга мўлжалланган) режалари ишлаб чиқилиши зарур. Бундай режалар маршрутлар тизимини комплекс ривожлантириш масалаларини қамраб олади.

*Комплекс маршрутлар тизими дейилганда барча турдаги пассажир транспорти иши маршрутлари ва енгил такси автомобилларининг тұхташи бекатлари йигиндиси тушунилади.*

*Шаҳар, туман ёки вилоят ичи пассажирлар ташибиши маршрутлари конфигурацияси (жойлашуви) маршрутлар тармоғи дейилади. Фақат автобуслар қатнайдиган маршрутлар конфигурацияси автобус маршрутлари тармоғи дейилади. Бошқа тур пассажирлар транспортининг ҳам тегишлича маршрут тармоқлари бўлади.*

**Маршрутлар тармоғи кўрсаткичлари.** Шаҳар маршрутлари тизимига кўйиладиган асосий талаблар: пассажир шаҳар чегараси ичидаги қатновда ёки бир транспорт воситасидан иккинчисига ўтиши минимал миқдорда булиши; шаҳардаги барча йўналишларида бир қатновга минимал вақт сарфлаш; транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш, яъни бутун маршрутлар тармоғи бўйича транспорт воситаларининг текис тўлиб ишлаши ва бошқалар.

Маршрутлар тармоғининг такомиллашганлигини баҳолаш учун маҳсус кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Шаҳар пассажир транспорти маршрутлари тармоғининг зичлиги кўп бўлган сари, пассажирлар қатновида энг кам марта қайта тушиб-ўтириш ҳоллари бўлади.

Маршрутлар тармоғи шохобчаларининг кўп ёки озлигини характерлаш учун маршрутлар коэффициентидан фойдаланилади. Унинг миқдори барча маршрутлар узунликлари йигиндисининг барча пассажир маршрутлар ўтувчи қўча (тор қўча)лар узунликлари йигиндисига нисбати тарзида аниқ-

ланади. Маршрутлар коэффициенти тармоқнинг ҳар бир булагида ўрта ҳисобда қанча маршрут борлиги ҳамда тахминан қанча йўналишда ундан пассажирлар фойдалана олиш имконини кўрсатади. Транспорт тармоғи яхши ривожланган шаҳар учун бу кўрсаткич 2-3,5, транспорт тармоғи кам ривожланган шаҳарларда эса 1,2-1,3 га тенг бўлади.

Шаҳар ҳудудининг ҳар бир квадрат километр майдонига туғри келувчи пассажирлар ташиш маршрутлари километрлари сони маршрутлар тармоғининг зичлигини ифодалайди. Маршрутлар тармоғи зичлиги қанча катта бўлса, пассажирлар ўз жўнаш бекатларига етиб келишларига шунча кам вақт сарф этадилар. Йирик шаҳарларда маршрутлар тармоғи зичлиги 2,0-2,5 км/км<sup>2</sup> булиши лозим. Шаҳарнинг марказий туманларида эса бу кўрсаткич 5-7 км/км<sup>2</sup>га етади.

**Маршрутлар таснифи.** Шаҳар пассажир транспорти маршрутлари транспорт турлари (автобус, трамвай, троллейбус, метро ва ҳ.к), маршрутлар тармоғидаги ҳаракат йўналешлари, ҳаракат тезлиги ва иш режимларига биноан таснифланади.

*Автобус маршрути дейилганда автобус ва маршрутли таксиларнинг бошлиганинг ҳаракатлари ташунилади. Шаҳар автобус маршрутлари шаҳар ҳудудидаги ҳаракат йўлларига биноан ажратилади.*

**Диаметрал маршрутлар** шаҳарнинг бир четини иккичи чети билан шаҳар марказий ҳудудларини кесиб ўтиб, шаҳар марказини четлари билан ҳамда шаҳар четки ҳудудларини ўзаро боғлайди.

**Радиал маршрутлар** шаҳар четидаги симметрия нуқтадан марказ томон йўналган булади; бундай маршрутлар шаҳар четларини марказ билан, чекка жойлаған марказлари ёки метро маршрутлари билан бирлашади.

**Ярим диаметрал маршрутлар** шаҳар марказларини ўзаро боғлайди.

**Ҳалқасимон маршрутлар** айланадан иборат бўлиб, шаҳарнинг ркоқ нуқталарини бирлаштиришади.

**Тангенциал маршрутлар** шаҳар марказга кирмай ўзаро ишлайди.

**Араланӣ маршрутлар** шаҳарнинг бир неча элементи симметрия нуқтадан марказидан иборат бўлиб, шаҳарнинг марказини ўзаро боғлайди.

Киминин индиги ташиш  
Пинчан маддиги ташиш  
Киминин индиги ташиш  
Марказини ўзаро боғлайди  
Симметрия нуқтадан марказидан иборат бўлиб, шаҳарнинг марказини ўзаро боғлайди

## 13. 2. Маршрутлар тизими ва ҳайдовчилар меҳнатини ташкил этиш

*Маршрут (йўналиш) лар тизими дейилганда шаҳар, туман ёки вилоят ҳудудидаги пассажирларни кўплаб ташувчи барча турдаги маршрутлар йигиндиси тушунилади.*

Аҳолиси 250 мингдан ортиқ бўлган шаҳарлардаги турили пассажир транспортларини энг оқилона ёндоштириш мақсадида шаҳар пассажир транспортининг узоқ даврли (перспектив, яъни 10-15 ва ундан ортиқ йилга мулжалланган) режалари ишлаб чиқилиши зарур. Бундай режалар маршрутлар тизимини комплекс ривожлантириш масалаларини қамраб олади.

*Комплекс маршрутлар тизими дейилганда барча турдаги пассажир транспорти иш маршрутлари ва енгил такси автомобилларининг тўхташ бекатлари йигиндиси тушунилади.*

*Шаҳар, туман ёки вилоят ичи пассажирлар ташибиши маршрутлари конфигурацияси (жойлашуви) маршрутлар тармоги дейилади. Фақат автобуслар қатнайдиган маршрутлар конфигурацияси автобус маршрутлари тармоги дейилади. Бошқа тур пассажирлар транспортининг ҳам тегишлича маршрут тармоқлари бўлади.*

**Маршрутлар тармоги курсаткичлари.** Шаҳар маршрутлари тизимига қўйиладиган асосий талаблар: пассажирлар шаҳар чегараси ичida бир қатновда ёки бир транспорт воситасидан иккинчисига ўтиши минимал миқдорда бўлиши; шаҳардаги барча йўналишларида бир қатновга минимал вақт сарфлаш; транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш, яъни бутун маршрутлар тармоги бўйича транспорт воситаларининг текис тўлиб ишлаши ва бошқалар.

Маршрутлар тармогининг такомиллашганлигини баҳолаш учун маҳсус курсаткичлардан фойдаланилади.

Шаҳар пассажир транспорти маршрутлари тармогининг зичлиги кўп бўлган сари, пассажирлар қатновида энг кам марта қайта тушиб-ўтириш ҳоллари бўлади.

Маршрутлар тармоги шохобчаларининг кўп ёки озлигини характерлаш учун маршрутлар коэффициентидан фойдаланилади. Унинг миқдори барча маршрутлар узунликлари йигиндисининг барча пассажир маршрутлар ўтувчи кучा (тор кўча)лар узунликлари йигиндисига нисбати тарзида аниқ-

ланади. Маршрутлар коэффициенти тармоқнинг ҳар бир булагида ўрта ҳисобда қанча маршрут борлиги ҳамда тахминан қанча йўналишда ундан пассажирлар фойдалана олиш имконини кўрсатади. Транспорт тармоғи яхши ривожланган шаҳар учун бу кўрсаткич 2-3,5, транспорт тармоғи кам ривожланган шаҳарларда эса 1,2-1,3 га teng бўлади.

Шаҳар ҳудудининг ҳар бир квадрат километр майдонига тўгри келувчи пассажирлар ташиш маршрутлари километрлари сони маршрутлар тармоғининг зичлигини ифодалайди. Маршрутлар тармоғи зичлиги қанча катта бўлса, пассажирлар ўз жўнаш бекатларига етиб келишларига шунча кам вақт сарф этадилар. Йирик шаҳарларда маршрутлар тармоғи зичлиги 2,0-2,5 км/км<sup>2</sup> бўлиши лозим. Шаҳарнинг марказий туманларида эса бу кўрсаткич 5-7 км/км<sup>2</sup>га етади.

**Маршрутлар таснифи.** Шаҳар пассажир транспорти маршрутлари транспорт турлари (автобус, трамвай, троллейбус, метро ва ҳ.к), маршрутлар тармоғидаги ҳаракат йўналишлари, ҳаракат тезлиги ва иш режимларига биноан таснифланади.

*Автобус маршрути дейилганда автобус ва маршрутли таксиларнинг бошлиғи ва сўнгги бекатлар оралиғида белгиланган ҳаракат йўллари тушунилади.* Шаҳар автобус маршрутлари шаҳар ҳудудидаги ҳаракат йўлларига биноан ажратилади.

**Диаметрал маршрутлар** шаҳарнинг бир четини иккичи чети билан шаҳар марказий ҳудудларини кесиб ўтиб, шаҳар марказини четлари билан ҳамда шаҳар четки ҳудудларини ўзаро боғлайди.

**Радиал маршрутлар** шаҳар четидаги сўнгги нуқтадан марказ томон йўналган бўлади; бундай маршрутлар шаҳар четларини марказ билан, чекка жойларни туман марказлари ёки метро маршрутлари билан боғлайди.

**Ярим диаметрал маршрутлар** шаҳардаги икки туман марказларини ўзаро боғлайди.

**Халқасимон маршрутлар** айлана ёки берк синиқ чизикдан иборат бўлиб, шаҳарнинг ўзаро алоқага муҳтоҷ тарқоқ нуқталарини бирлаштирувчи маршрутдир.

**Тангенцијал маршрутлар** шаҳарнинг айрим туманлари ни марказга кирмай ўзаро боғлайди.

**Аралаш маршрутлар** юқорида келтирилган маршрутларнинг бир неча элементларини ўз ичига олади.

Шаҳар марказини четки туманлар билан бирлаштирувчи асосий маршрутлар диаметрал ва радиал маршрутлар ҳисобланади. Мазкур маршрутларда аксарият пассажирлар ташилади.

Диаметрал маршрутларда автобуслар иложи борича бир хил миқдорда пассажирлар билан тұлиши мақсадға мувофиқдір. Агар улар пассажирлар билан текис юкланмаса, транспорт воситалардан нотекис фойдаланилади. Бундай камчиликнинг олдини олиш мақсадыда диаметрал маршрутга бошқа маршрутлар құшилади. Масалан, пассажирлар күп бұлакларға ёрдамчы радиал маршрут ташкил этиш билан нотекис юкланишини бартараф этиш мүмкін.

Шаҳар ичи туманларыда ҳаракатланувчи автобуслар пассажирлар билан текисроқ юкланади. Айниқса, шаҳар маркази яқыннан қалқасимон маршрут ташкил этилган бўлса, у иш билан боғланган қатновларни ўз ичига олиб, "тиғиз" соатларни анча юмшатади.

Маршрутдаги ҳаракат хусусиятига кўра автобус маршрутларини оддий, тезлаштирилган ёки экспресс режим билан ҳаракатланувчи хилларга бўлиш мүмкін. Оддий режимда қатновчи автобус ҳар бир белгиланган бекатда тўхтаб ўтиши шарт. Тезлаштирилган режимли маршрутларда автобуслар пассажирлар алмашуви кўп бекатлардагина тўхтаб ҳаракатланади. Экспресс маршрутларда ҳаракатланувчи автобуслар эса маршрутнинг сўнгги бекатлардагина ёки айрим ҳолларда (масалан, ниҳоятда узун диаметрал маршрутларда) оралиқ икки-учта бекатлардагина тўхтаб, нисбатан юқори тезлик билан ҳаракатланади. Тезлаштирилган ҳамда экспресс автобус режимларини оддий режимли маршрутлар ичиде ҳам ташкил этиш мүмкін. Трамвай ва троллейбусларда тезлаштирилган ва экспресс маршрутларни ташкил этиб бўлмайди.

Маршрутлар тармоги конфигурацияси зарур бўлган шароитларда автобусларни бирор маршрутдан бошқасига ёки транспортнинг бошқа турига алмаштириш ёки янги (вақтинчалик бўлса ҳам) маршрутда ишлашга имкон бериши мақсадға мувофиқдир. Бутун маршрут буйича автобуслар пассажирлар билан нотекис юкланган бўлса, пассажирлар кўп бўлган участкаларда уларга қўшимча айрим қисқартирилган маршрут ташкил қилиш ҳисобига узун мәршрутлар хизматини бироз текислаш имкони булади.

Ишлаш вақтларига күра маршрутлар доимий ва вақтиначалик булиши мүмкін. **Доимий маршрутларда** йил давомида ва ҳафтаниң барча күнларыда транспорт воситалари бир хил миңдорда қатнайды. **Вақтиначалик маршрутлар** эса мұайян мавсумда ёки заруратта күра (масалан шанба ва якшанба күнләри дам олиш учун) ташкил қылниши мүмкін.

Одатда, ҳар бир автобус маршрутига тартиб рақами берилади. Шаҳар маршрутларига 1 дан 99 (ирик шаҳарларда 199) гача, шаҳар атрофи маршрутларига 101 дан 199 гача (201 дан 299 гача) ва шаҳарлараро маршрутларга кейинги сонлар тартиб рақамлари берилади. Агар экспресс ва тезлаштирилған маршрутлар бұлса, автобуслар тартиб рақамларига “Э” ва “Т”, қисқартирилған маршрутларга эса “К” ҳарфлари құшилади.

**Автобус маршутининг сифат құрсақчилари.** Автобус маршрутлари ҳаракатини ташкил этишдеги пассажирларга хизмат құрсатыш даражаси ва транспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини белгиловчи асосий сифат құрсақчиларига қуйидагилар киради: ҳаракат тезлиги, ҳаракат интервали, салон сифимининг тұлғанлық коэффициенти, пассажирлар алмашиш коэффициенти ва уларнинг үртака қатнов масофаси.

*Ҳаракат интервали дейілганды, маршрутдаги бекатлардан автобусларнинг кетма-кет үтиш оралық вақти тушунлади.*

Ҳаракат интервалларига күра автобус маршрутлари серқатнов ва сийрак қатновли хилларга бұлинади. Ҳаракат интервали 10-15 минутдан ошмайдылықтар маршрутлар серқатнов маршрутларга киради. Бундай маршрут бекатларда ҳаракат интерваллари тұғрисидегина маълумотлар берилген бўлади, чунки автобуслар келишини күтиш вақти оралығи катта эмас. Қатновлар сийрак бўлган маршрутларнинг ҳар бир бекатида пассажирларнинг ўз вақтида етиб келиш ва автобусларга чиқа олишларини белгиловчи аниқ қатнов жадваллари булиши зарур.

Шаҳар ва шаҳар атрофи маршрутларидаги пассажирлар оқимининг алоҳида хусусияти шундан иборатки, бундай маршрутларда эрталабки ва кечки “ташиш ч ўққиси” соатларыда (1,5-2,0 соат мобайнида) ҳаракатнинг серқатновлиги янада оширилиши, қолган вақтларда эса, яни “ташиш

чўққиси” соатлари оралиғида ҳаракатни бироз камайтириб, кечки “ташиш чўққиси” дан сўнг эса маршрутлардаги автобусларни аста-секин ўз саройларига қайтариш талаб этилади. Бундай ҳол, ўз навбатида, маршрутларда ишловчи автобусларнинг йўналишдаги режими ҳар хил бўлишини талаб этади. Автобуслар иш режимларини ҳар хил қилиш эса автобусда ишловчи бригадалар меҳнатини ташкил қилишнинг турли шакларидан фойдаланишини тақозо этади.

Автобус бригадалари меҳнатини ташкил этиш шаклари улар хизмат эталиган маршрут хусусиятларига кўра танланади ва улар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим: пассажирларга яхши хизмат кўрсатиш ва автобусларнинг барча иш соатларида ҳам ҳаракат мунтазамлигини сақлаб бориш; автобусларни иш маршрутларига белгиланган жадвалга биноан чиқариш; пассажирларнинг хавфсизлигини таъминлаш, меҳнат кодексида белгиланган иш куни режими, овқатланиш ва дам олиш режимларига қатъий риоя қилиш; бригада ишловчилари учун белгиланган ойлик иш вақти балансидан тўла фойдаланиш; юқори даражали меҳнат унумдорлигига эришиш.

Автобуснинг маршрутдаги бошлангич пунктдан то сўнгги тўхтов пунктiga босиб ўтган йули рейс деб аталади. Автобуснинг маршрут бўйича иккала йуналишдаги қатнови, яъни унинг бошлангич пунктдан сўнгги пунктгача бориб, яна бошлангич пунктга қайтиши айланма рейс деб аталади. Одатда, автобуслар йуналиш давомида ўз номинал сифимларига нисбатан 1,3-1,6 марта кўпроқ пассажир ташиуди.

Шаҳардан ташқари автобус маршрутлари тармоғидаги (шаҳар атрофи, вилоят ва туманлараро) сифат кўрсатичлари шаҳардаги пассажирлар ташиш талабларидан жиддий фарқ қilmайди.

**Ҳайдовчилар меҳнатини ташкил этиш.** Автобусда ишловчи бригадалар меҳнатини ташкил этишнинг бир қанча шаклари бор. Меҳнатни ташкил этишнинг учланган шакли, яъни ҳар бир автобусга уч ҳайдовчи биринкирилганда ҳар куни автобусда икки ҳайдовчи ишлайди. Ҳар икки кун ишлагандаридан сўнг, улар бир кун дам оладилар. Ҳайдовчилар иши бундай шаклда ташкил этилганда, бир ой давомида 20 кун ишлаб, 10 кун дам олиниади. Шуни ҳисобга олиш зарурки, ҳайдовчиларнинг ойлик иш соатлари дастгоҳларда ишлов-

чилаrinинг ўртача ойлик иш соатларига тенг булиши лозим. Бир ойлик иш соатлари йил давомида 155 дан 185 гача (ўртача 174,6) соат атрофида бўлади. Ҳайдовчиларнинг бир ойлик иш соатларини ҳисоблашда уларга бир сменада ишга чиқиш учун тайёргарлик ишларини бажаришларига ҳақ туланувчи 18 минут (0,3 соат) ҳамда тиббий назоратдан ўтиш учун 5 минут (0,08 соат) белгиланганлигини назарда тутиш лозим. Меҳнатни ташкил этишнинг учланган шакли ишни эрталаб барвақт бошловчи ҳамда ҳаракатни кеч тугалловчи автобус маршрутларида қўлланилади.

Меҳнатни ташкил этишнинг бир яримлик шаклида икки ҳайдовчи учун икки автобус доимий ишлаш учун бириктирилган бўлиб, учинчи ҳайдовчи уларнинг иккаласини галма-гал алмаштириб, иккала автобусда ҳам ишлайди. Меҳнатни бундай шаклда ташкил этишда ҳам ҳар бир ҳайдовчи икки иш кунидан сўнг бир кун дам олади.

Меҳнатни ташкил этишнинг икки яримлик шаклида ҳар икки автобусда беш ҳайдовчи ишлайди. Бунда икки ҳайдовчи фақат биринчи автобусда, яна икки ҳайдовчи эса фақат иккинчи автобусга ишлайди. Бешинчи ҳайдовчи галма-гал ҳар иккала автобусда ишлайди. Ҳар тўрт иш кунидан сўнг ҳар бир ҳайдовчи дам олади.

Меҳнатни ташкил этишнинг ҳар бир айрим шаклга тўғри келувчи иш графиги белгиланади.

Меҳнатни ташкил этишда ҳар бир автобусга иккита ёки битта ҳайдовчилар бригадаси бириктирилиши ҳам мумкин. Бунда автобуслар имкониятидан тўла фойдаланилмайди. Бундай бригадали автобуслар эрталабки ва кечки “ташиш-чўққи”си вақтларида маршрутда ишловчи автобусларга қўшимча тарзда ишлатилади.

Юқорида баён этилган ҳайдовчилар бригадаси меҳнатни ташкил этиш шакларини қўллаш автобусларнинг маршрутда ишлаш вақти 7 соатдан 19 соатгacha бўлишига имкон беради ва улардан энг оқилона фойдаланишни таъминлайди.

### 13. 3. Пассажирлар обороти ва пассажирлар оқими

*Пассажирлар обороти дейилганда пассажирлар ташиш буйича бажарилиши лозим бўлган ёки бажарилган транспорт иши ҳажми тушунилади. Пассажирлар обороти*

күрсаткичи бажарилган пассажир-километрларда ўлчанади. Бажарилган пассажирлар обороти миқдори аҳолининг серқатновлиги (йил давомида бир яшовчига тўғри келувчи транспортдаги қатновлар сони) ва пассажирлар қатновининг ўртacha масофаси миқдорига боғлиқдир. Аҳолининг серқатновлиги шаҳарнинг планировкаси (жойлашуви) кўлами, аҳолининг асосий пассажирлар ҳосил бўлувчи ва пассажирлар қатнови магистраларига нисбатан жойлашуви характерига, транспорт шоҳобчаларининг ривожланганлик даражасига, ҳаракатнинг мунтазамлиги, йўл кира миқдори ва бошқаларга боғлиқ. Пассажирлар оборотининг ўз қонуниятлари бўлиб, уларни пассажирлар ташишни тўғри ташкил этиш ҳамда аҳоли талабларини тўлароқ қондириш мақсадида доимо ўрганилиб бориш лозим.

Пассажирлар обороти тушунчаси юк обороти тушунчаси билан бир хил бўлиб, кўшимча аниқликларни талаб этмайди. Шунга кўра пассажирлар оборотини сутка соатлари, ҳафта ва ой кунлари, айрим пунктлар, маршрутлар, туман, шаҳар ва автобуслар йўналишига боғлаб ўрганиш зарур.

Пассажирлар оқими дейилгаңда бир йўналиш бўйича қатнаётган пассажирлар миқдори тушунилади. Пассажирлар оқими тушунчаси ҳам юк оқими тушунчасига ҳам оҳангдир. Пассажирлар оқими ҳам юк оқими каби эпюра ва схема шаклларида берилиб, маълум маршрут бўлаги, маршрут ва йўналиш, тумандаги пассажирлар ташиш кескинлигини билдиради.


Шаҳар ичи пассажирлар обороти унда доимий яшовчи, шаҳар атрофидан келган ва шаҳарга келиб вақтинча яшовчи пассажирлар обороти йиғиндисидан иборат бўлади. Йирик шаҳарлар атрофидан келадиган аҳоли унинг пассажирлар оборотига катта таъсир этади ва улар шаҳар ишлаб чиқариш обьектларида ишлайдиган ва транспортдан доимий фойдаланувчи ҳамда транспортдан онда-сонда фойдаланувчиларга бўлинади.

Пассажирлар оқимини ўрганишда барча қатновлар икки гурухга бўлинади: ишлаб чиқариш билан боғлиқ ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган пассажирлар оқими.

Биринчи гуруҳ қатновига ишга бориб-қайтиш, кун давомида иш билан боғлиқ қатновлар, ўқувчи ва талаба-

ларнинг ўқув юртларга қатнаши киради. Иккинчи гуруҳга томошагоҳлар (театр, концерт, кино)га, маданий ва илмий ташкилотлар (музей, кўргазмалар, кутубхоналар, стадионлар, дам олиш боғлари)га, дўконларга, ва майший хизмат ташкилотлари (шаҳар атрофида дам олиш, касалхона ёки поликлиника, болалар боғчаси)га бориш билан боғлиқ қатновлар киради.

Шаҳардаги пассажирлар обороти йил мавсуми, ҳафта қунлари, сутка соатлари ва йўналишлар бўйича ўзгарувчанлиги билан характеридир. Мавсумий ўзгарувчанлик айниқса курорт шаҳарлар ва йирик маданий марказлар учун характерли ва уларда яқъол кўзга ташланади. Бунда пассажирларнинг энг кўп микдори ёз ойларига тўғри келади (27-расм, а).



27-расм Пассажирлар оқимининг хотекислиги:

а) йил ойлари бўйича; б) ҳафта кунлари бўйича; в) сутка соатлари бўйича; г) йўналиш ҳамда сутка соатлари бўйича.

Хафта кунларидаги энг күп пассажирлар миқдори дам олиш, байрам ва байрам олди кунлари билан боғлиқ бўлиб, унданда ўзгарувчанлик 27-расм, б да тасвирланган.

Пассажирлар оқимининг сутка соатлари бўйича ўзгариш характеристи иш бошланиш олди ва тугаш вақти билан боғлиқ бўлиб, унинг ўзгарувчанлик характеристи 27-расм, б да тасвирланган. Сутканинг турли соатларида ҳар хил маршрутдаги қарама-қарши йўналишлар бўйича ўзгарувчанлик 27-расм, г да берилган. Ташкилот ва корхоналар шаҳар ёки туман марказларида жойлашган бўлса, пассажирлар оқими, одатда, марказга томон ёки марказдан четга қараб йўналишлар бўйича анчагина катта бўлади.

Пассажирлар оборотининг ўзгарувчанлиги ўзгарувчанлик коэффициенти билан аниқланади ва у пассажирлар оборотининг максимал миқдорини унинг ўртача миқдорига бўлиш орқали топилади:  $\eta = P_{\max} / P_{\text{рут.}}$

Йирик шаҳарларда пассажирлар оборотининг нотекислиги автобус транспортида тахминан: йил давомида ойлар бўйича 1,1-1,2; хафта кунлари бўйича 1,15-1,20; сутка соатлари бўйича 1,5-2,0 ва йўналишлар бўйича 1,2-1,5 га тенгдир.

Пассажирлар оқими таркибининг ўзгариши саноат корхоналари, савдо ташкилотлари, маъмурий идораларда белгиланган иш режимлари ҳамда ўкув юртлардаги дарс жадвали вақтлари билан боғлиқдир.

Пассажирлар оқимининг йўналишларга кўра ўзгаришига шаҳар планировкаси (объектларнинг жойлашуви), йўлларнинг жойлашуви ва характеристи, пассажирлар ҳосил этувчи ва пассажирларни қабул этиш пунктларининг айrim сабабларига кўра (масалан, ҳалқ сайили, спорт мусобақаси ва ҳ.к.) ўзгариб туриши кўп жиҳатдан таъсир этади.

Ҳозирги даврда йирик шаҳарларда бир неча марказлар бўлиб, шартли равишда улар “шаҳар фокуслари” деб аталади. Бундай “шаҳар фокуслари”га аҳоли зич яшовчи кичик ҳудудлар ёки йирик саноат корхоналари бор жойлар, стадионлар, ипподромлар, дам олиш ва маданият боғлари, театрлар, йирик ўкув юртлари, маъмурий идоралар ва йирик савдо ташкилотлари (бозорлар)ни киритиш мумкин.

Саноати ривожланган шаҳарларда пассажирлар транспорти учун йирик саноат корхоналари бор жойлар атрофида

аҳоли мавзелари борлигининг аҳамияти катта. Бундай мавзеларнинг борлиги ишлаб чиқариш билан боғлиқ пассажирлар қатновини камайтирса, маданий-маиший ва уй-рўзгор билан боғлиқ қатновларни кўпайтиради. Бинобарин, пассажирлар оқими конфигурацияси сутка соатларида кескин ўзгариб турди. Айниқса, бу нарса спорт мусобақалари ва ҳалқ сайли кунлари сезиларли даражада бўлади.

Пассажирлар алоқаларини янада ривожлантириш ва шаҳар транспорти шохобчаларига баъзи зарур ўзгартишлар киритиш мақсадида пассажирлар оқимининг мавсум, ҳафта кунлари ва сутка соатлари ичидаги миқдори, йўналиши ва таркибини доимо ўрганиб бориш мақсадга мувофиқdir.

Вақт бўйича пассажирлар оқимининг ўзгариб туриш характеристини ўрганиш сутка соатлари ичida, ҳафта кунларида, йил давомидаги ойлар ичida улар миқдори ўзгаришини, барча транспорт шохобчалари (шаҳар, туман, вилоят) ҳамда ҳар бир маршрут бўйича алоҳида пассажирлар оқимига таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш имконини беради. Бундан ташқари, пассажирлар оқимини тизимли равишда ўрганиш, уларнинг ўзгариш қонуниятларини билиш пассажирлар ташиш ишини ташкил этиш ва ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

Автобус маршрутларида пассажирлар оқимини ўрганишнинг турли усуслари бор. Улар ичida автобус ҳайдовчилари (кондукторлари) тўлдирадиган чипта-ҳисоб варақаси кўрсаткичларига асосланган статистик усул алоҳида ўрин тутади. Бу усулдан фойдаланиш учун ташиш жараёнида пассажирларга сотилган чипталар серияси ва тартиб рақамлари маршрутнинг бошланғич ва сўнгги, агар иложи бўлса, маршрут ичидаги кўп пассажирлар алмашадиган оралиқ пунктларда ёзib борилиши лозим. Бунда чипта-ҳисоб кўрсаткичлари ҳар бир рейс учун алоҳида тўлдирилиши лозим.

Маршрут участкалари бўйича сотилган чипталар сонини билиб, маршрут бўйича умуман ташилган пассажирлар миқдори ва рейс ичida тадқиқ этилаётган оралиқда ташилган пассажирлар миқдорини аниқлаш мумкин. Аммо чипта-ҳисоб варақалари кўрсаткичларига асосланган статистик усулни пассажирлар оқимини ўрганишнинг жуда аниқ усули деб бўлмайди, чунки бу усулда ахборотлар чеклангандир, айниқса кондукторсиз гашишда баъзи ёзувлар аниқ

бўлмаслиги мумкин. Бундан ташқари, ойлик чинта ёки чиптасиз юриш ҳуқуқига эга пассажирлар ҳам ҳисобга олинмайди. Ташиб ҳажми ва пассажирлар оқими ўзгаришининг бошқа усувларидан фойдаланилади. Улар ичидан анкета (шахсий савол варачаси) тўлдириш, талон, ҳисоб-натура (жадвал тўлдириш), куз билан чамалаш ва автоматик ҳисоблаш усувлари кўпроқ қўлланилади.

Пассажирлар оқимини ўрганишнинг энг мақбул усулини танлаш учун, аввалинбор қандай кўрсаткични ўрганиш, у ёки бу усулни аниқ шароитда қўллаш мумкинлигини билиш лозим. Пассажирлар оқимини ўрганишда текширув ўтказиш кўлами ва шакли турлича бўлиши мумкин. Қабул этилган кўламга кўра текшириш ялписига, яъни барча маршрут шоҳобчаларида бир маҳалда ёки танлаб ўтказиладиган (масалан, айрим маршрутларда (улар бўлагида), сутканинг айрим соатида ёки иш вақтининг бошидан охиригача, ҳафтанинг муайян бир кунида (иш куни ёки дам олиш куни) ёки ҳафтанинг барча кунларида ва ҳ.к.) хилларга бўлинади.

Пассажирлар оқимини ўрганишнинг энг кўп тарқалган усувларини ташкил этиш ва уларни ўтказиш технологиясини кўриб чиқайлик.

Анкета тўлдириш усулида текширув ўтказилувчи шаҳар ёки тумандаги аҳолидан улар фойдаланиладиган транспорт тур (восита)лари, маълум давр (йил, ой) даги тахминий қа новлар сони, уларниң йўналиши, масофаси ва шу кабилар тўғрисида маълумотлар йигилади. Анкета тўлдириш усулида танлаб текшириш эмас, балки ялписига, яъни шаҳар ёки тумандаги барча маршрут шоҳобчалари бўйича бир маҳалда текширув ўтказиш амалга оширилади. Бундай текшириш ўтказишда пассажирлар ва рақаларидан шаҳар (туман) нинг маълум катта пунктлари орасидаги қатновлар, йўналишлар ва транспорт турлари ўртасида пассажирлар оқимининг бўлиниши, пассажирлар қатнови учун зарур ваqt ва уларниң ажратилиш чегараси, пассажирлар оқимининг фазода ўзгариб туриши, бажарилиши лозим бўлган пассажирлар ҳажми ва пассажирлар обороти каби саволларга жавоб олиниши мумкин. Бундай усулни қўллашда маҳсус тузилган анкетадан фойдаланилади.

Текширув ўтказишни ташкил этиш шаҳар ёки туманинг энг кўп пассажирлар ҳосил бўлувчи ва пассажирларни қабул

этувчи жойларини аниқлаш, шаҳар транспортлари харитасида барча текшириш ўтказилувчи пунктларни белгилаш, аҳолига берилувчи анкета саволини тузиш, олинган кўрсаткичларни ишлаб чиқиш усули ва уларнинг натижавий кўрсаткичларига баҳо беришдан бошланади. Йирик саноат ва савдо корхоналари (бозорлар) ва идоралар, автомобиль бекатлари, автовокзаллар, транспорт маршрутидаги ички оралиқ тұхташлар ва шу кабилар текширув ўтказиш жойлари бўлиши мумкин. Анкета орқали текширув ўтказишнинг энг самарали жойи бу аҳолининг иш жойларидир.

Агар пассажирлар оқимини анкета тұлдириш усули шаҳар, туман корхоналариде ўтказилса, у ҳолда мазкур корхоналарнинг ходимлар бўлими хизматчилари ва бошқа масъул ходимлари бу ишга жалб этилади. Шу ходимлар ёрдамида айни корхонанинг барча ишчи ва хизматчиларига анкеталар тарқатилади, анкетани тұлдириш учун зарур маслаҳатлар берилади; тұлдирилган анкеталар йиғиб олиниб, тегишли транспорт ташкилотларига берилади (8-жадвал).

Анкеталар транспорт воситаси ичидә ёки уларнинг тұхтов пунктларида ҳам тұлдирилиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳисобчилар анкета варақаларини пассажирларга тарқатадилар. Пассажирлар варақаларни тұлдирганларидан сұнг почта алоқаси ёки автобус ҳайдовчилари орқали қайтаришлари илтимос қилинади. Текширувларнинг муваффақиятли ўтказилиши анкетанинг оддийлиги ва қўйилган саволларнинг тушунарли бўлишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Анкета тұлдириш орқали текшириш ўтказиш унча мураккаб бўлмаса-да, тұлдирилган анкеталарни ишлаб чиқиш ва зарур кўрсаткичларни олиш анча мураккаб ва мешаққатлидир, чунки анкеталарни түрли белгиларга қараб гурухлаш ва уларни босқичма-босқич ишлаб чиқиш зарур бўлади. Анкета кўрсаткичларини ишлаб чиқишда ЭҲМ дан фойдаланиш ҳисобчилар меҳнатини анча енгиллаштириши ҳисобига айни усулда ўрганишни юқори поғонага қутариш имконини беради.

Талон усулида пассажирлар оқими характеристини текширишни барча маршрутлар бўйича ва барча транспорт шохобчаларида биргаликда ўтказиш мумкин. Талон усулида тадқиқот ўтказишида транспорт воситасига ўтирувчи барча пассажирларга маҳсус талон берилади ва пассажир мазкур

## Пассажирлар оқиминың үрганиш анкетаси намунаси

Шаҳарнинг номи \_\_\_\_\_

Сана \_\_\_\_\_

Хафта куни \_\_\_\_\_

Савол	Жавоб	Шифр
1	2	3
Сиз ишга ёки ўқишига бориша транспортга қайси бекатдан қайси вақтда чиқасиз?	Сабзавот базаси 7с 20 мин.	
Транспортнинг тури ва маршрут рақами	Автобус № 35,46,53	
Уйдан автобус бекатигача етиб келишига сарфлаган вақtingиз	0 с.07 мин.	
Қасрда Сиз бошқа транспортга 1 марта утасиз? Транспортнинг тури ва маршрут номери	Пахтакор стадиони Метрополитенга	Навоий, Тошкент- Авиация заводи маршрути
Юқоридаги саволнинг ўзи, агар 2-марта бошқа транспортга утсангиз		
Транспортдан тушиш (чиқиш) бекатининг номи	Метронинг Ойбек бекати	
Агар умумфойдаланиш транспортидан фойдаланмасангиз, ишга бориш усулингиз ва унинг вақтини кўрсатинг	Тагини чизинг: Пиёда бориш, велосипед, снгил автомобиль, хизмат автобуси	
Ишдан сўнг қайтиш вақtingиз, транспорт бекатининг номи, транспортга чиқиш вақtingиз	17с.05 мин. Метронинг Ойбек бекати	Метронинг Навоий бекати
Хафта ичидаги транспортда иш билан бөглиқ бўлмаган қатновларингиз сони. Транспортнинг тури	қатновлар сони-4 Транспорт тури Автобус	
Пассажир транспорти ишини такомилластиришига қаратилган Сизнинг тақлифингиз	35,46 ва 53- автобуслар қатнови <b>мунтазамтигини</b> ошириш	

талонни транспорт воситасидан тушишда ҳисоб ўтказувчига беріб кетади. Йиғиб олинган талонлар күрсаткичларини таҳлил этиш ҳар бир тұхташ жойи, маршрут оралиғи ва маршрутнинг бошидан охиригіча пассажирлар обороти ҳамда маршрутдаги пассажирлар алмашувини аниқлаш имконини беради. Талон усули билан текширувни айрим автобус маршрутти ёки рейслари бүйіча танлаб ўтказиш мумкин. Бундай усул орқали барча маршрут шохобчаларыда ялписига текширув ўтказиш ҳам мумкин.

Пассажирлар оқимини ҳисоб-натура (жадвал) усули билан текширишда маршрут бұлаклари ичидаги барча қатновлар сони жадвал шақлида ёзіб борилади. Бундай усул билан текширувни ялписига, танлаб ёки бир маротаба ўтказиш мумкин. Текширув натижалари ҳаққоний бұлиши учун текширув ўтказилаётган автобусларнинг барча эшикларидан чиқиб-тушаётган пассажирлар сонини ҳафтанинг барча етти кунида аниқлаш лозим.

Күз билан қараб санаш орқали текширув ўтказышда маълум салоҳиятли назоратчи (ҳисобчи)лар белгиланған ҳаракат маршрутининг пассажирлар күп алмашина диган ва тұхташ жойларыда олдиндан ишлаб чиқылған хариталарни түлдирадилар. Бундай хариталарда сутка соатлары бүйіча ҳар бир соатда ўтган трамвай вагонлари, автобус ва троллейбуслар сони ва улардаги пассажирларнинг тахминий миқдорлари келтирілади. Бу усул билан текширув ўтказиш натижалари ҳам пассажирлар оқимининг нотекислиги, уларнинг миқдори ва йұналиши ҳақида етарлы даражада маълумот бериши мумкин.

Пассажирлар оқимини текшириш бүйіча юқорида көлтирилған барча усулларнинг ҳам бир муҳим камчилиги бу текшириш натижасыда олинган күрсаткичлар ўтган даврдаги пассажирлар оқими үзгариши характерини беради, чунки олинған материалларни ишлаб чиқыш учун узоқ вақт талаб этилади. Бундан ташқары, мазкур усулларни құллаш күп мешнат сарфини талаб этади ва серxaражатдир ҳамда күп сонли құшимча ишловчиларни жалб этишни талаб этади.

Пассажирлар ташишни ташкил этиш ва режалаштиришда пассажирлар оқими үзгаришининг ҳар кунлик тезкор (оператив) күрсаткичларынға эга бўлиш мақсады мувофиқдир. Бундай күрсаткичлар маршрутлар бүйіча авто-

матик тарзда ҳисоблаб берилиши зарур. Ҳозирги даврда ташиш ҳажми, сотилган чипталар сони, автобуслар босиб ўтган масофа, автобусларнинг йўлдаги оралик тўхтов пунктларида туриш вақтларини ҳисоблаб борувчи автоматик тизимлар ишлаб чиқилиб, амалда жорий этилган. Пассажирлар оқимини автоматаика асосида текшириб бориш доимий ва узлуксиз равишда ташилаётган пассажирлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни минимал миқдордаги меҳнат ва материал сарфи билан олиш имконини беради.

Пассажирлар оқимининг йўналиши ва қувватини аниқлашда, биринчи навбатда, асосий магистрал маршрутлардаги пассажирлар йўналиши ва улар ҳаракати жадаллигини аниқлаш тавсия этилади. Шундан сўнг иккинчи даражали ва кам юклangan маршрутларни ўрганиш лозим.

Пассажирлар оқими йўлдаги бошқа транспорт турлари (айниқса йирик шаҳарларда метрополитен) билан кесишиш жойлари, маршрут яқинидаги йирик саноат корхоналари, идоралар жойлашуви ва шу кабиларга кўра маршрут давомида ўзгариб боради ва шаҳар марказлари ёки йирик тўхтов жойлардаги аҳоли зич яшовчи жойлардан узоқлашиб борган сари сийраклашиб боради.

#### 13. 4. Шаҳар транспорт тармоғи

Шаҳар микротуманлари ёки йирик транспорт узелларидаги катта пассажирлар оқими пассажир йўллари ёки маршрутларини ташкил этиш асоси бўлиб, улар биргаликда шаҳар транспорт тармоғини ташкил этади. Транспорт тармоғини шаҳар ҳудудларида оқилона тақсимлаш ва турли хилдаги шаҳар транспортлари орасида пассажирлар ташишни мувофиқлаштиришда маршрутларни иложи борича пассажирлар қатнови учун зарур бўлган вақтни тежаш, яъни уни минимал бўлиши, ҳаракат мунтазамлиги ва текислигини ҳисобга олиб, маршрутларнинг тўғри чизиқли бўлишига эришиш лозим. Бундаи талабларнинг бажарилиши учун ҳаракатни энг қисқа йўналиш бўйича (амалда мавжуд йўл ва кўчаларни ҳисобга олиб), аҳоли зич яшайдиган ва марказни четки туманлар билан бирлаштирувчи ҳамда турли хил. энг аввало, метрополитеен билан (агар бундай транспорт бўлса) тугашувчи маршрутлар ташкил этиш тавсия этилади.

Маршрутлар йўналиши ва транспорт тармогининг жой-  
лишви (конфигурацияси) пассажирлар ҳосил этувчи ва  
пассажирларни кўплаб қабул этувчи узелларнинг шаҳар  
худудидаги жойлашуви гагина эмас, балки шаҳар плани-  
ровкаси, кўчаларнинг алоҳида хусусиятлари, улардаги ҳара-  
кат зичлиги ва жадаллиги кабиларга ҳам боғлиқдир.

Мавжуд йирик шаҳарларда пассажирларга хизмат қилув-  
чи шаҳар транспорти турлари (метро, трамвай, троллейбус  
ва автобус) ичida энг кўп тарқалгани автобус транспорти-  
дир. Автобус транспорти аксарият кичик ва ўрта шаҳар-  
ларда пассажирлар ташувчи ягона транспорт туридир.

Пассажирлар ташувчи транспортларнинг ўёки бу тури-  
ни қўллаш, энг аввало, унинг ташиш хусусияти, бошлан-  
гич капитал харажатлар миқдори ва ташиш таннархига боғ-  
лиқдир. Йирик шаҳарларда пассажирлар ташиш транспор-  
тининг барча турларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ  
бўлади. Бунда улар ишини мувофиқлашириш ва ташиш  
ишларини уларнинг техник-эксплуатацион кўрсаткичларига  
кура тақсимлаш лозим бўлади (9-жадвал).

Техник-эксплуатацион кўрсаткичларига кура пассажир-  
лар транспорти ҳар қайси турининг энг оқилона ишлати-  
лиш жойлари бор.

Жуда катта қувватли пассажирлар оқими мавжуд бўлга-  
нида, айниқса, марказий жойларда ер усти транспорти  
ишини енгиллаширишда метронинг хизмати беқиёсdir;  
метронинг бир йўналиши соатига 50-60 минг кишилик  
пассажирлар оқимига хизмат қила олади.

Трамвай муҳим аҳамиятли, катта қувватли пассажир-  
лар оқимига хизмат қиласди; метро йўналишининг давоми  
сифатида шаҳар туманларини шаҳар атрофи билан боғ-  
лашда кўпинча трамвайдан фойдаланилади; бир трамвай  
йули, ундаги вагонлар сонига кўра, соатига 15-18 минг  
пассажирларга хизмат қила олади. Суткасига камида 5  
минглик пассажирлар оқими бўлганда гина трамвай йўлла-  
рини куриш мақсадга мувофиқдир.

Троллейбус пассажирлар оқими кам бўлмаган ҳоллар-  
да трамвайнин шаҳарнинг асосий йўналишларида алмаш-  
тиришда ҳамда шаҳарни унинг атрофи билан бирлашти-  
ришда қўлланилади; бир троллейбус йули соатига 5-9  
минглик пассажирлар оқимига хизмат этиши мумкин.  
Троллейбус йўналишини очишлик учун айни йўналишда

**Турли хилдаги шаҳар пассажир транспортынинг  
асосий техник-эксплуатацион күрсаткичлари**

Транспорт тури	Афзалликлари	Камчиликлари
Автобус	Манёврчанликнинг яхшилиги, янги маршрутларни тез очиш ва борларини ўзгартириш имконияти. Кўп ва оз миқдорли ташишларни зудлик билан ташкил эта олишлик. Бошланғич капитал харажатларнинг нисбатан камлиги	Жорий-эксплуатацион харажатларнинг нисбатан катталиги. Заҳарли ишлатилган газларни чиқариши. Конструкциясининг (айниқса двигателининг) нисбатан мураккаблиги сабабли ишдаги ишончлигининг камроқлиги.
Троллейбус	Бошланғич капитал харажатларнинг камлиги (аммо автобусдан кўп). Ҳаракатининг шовқинсизлиги, жадал тезлана олиши, алоқа тезлигининг нисбатан катталиги.	Ҳаводаги контакт сим қурилмаларининг мураккаблиги (айниқса кесишиш жойлари, стрелкаларда). Манёврчанликнинг автобусга нисбатан камлиги (контакт сим шоҳобчаларининг борлиги сабабли)
Трамвай	Ташиш хусусиятининг катталиги. Пассажирлар оқими кўп булганда жойларда ташиш таннархининг арzonлиги. Бошқаришининг оддийлиги	Маневрчанликнинг камлиги. Ҳаракатдаги шовқиннинг кўплиги. Бошланғич капитал харажатларнинг анча катталиги.
Метро	Ташиш хусусиятининг энг катталиги. Алоқа тезлигининг энг катталиги. Ҳаракат мунтазамлигининг юқорилиги (тусиқлар йўқлиги). Ҳаракат хавфсизлигининг энг катталиги	Бошланғич капитал харажатларнинг жуда катталиги.

суткасига камида 2 минглик пассажирлар оқими булиши мақсадга мувофиқ деб топилган.

Автобуслар шаҳарнинг марказий ҳудудларидағи қисқа масофали қатновларда метро, трамвай ва троллейбус йўналишларига қўшимча, яъни мазкур маршрутларни янада тўлдириш мақсадида ишлатилади. Пассажирлар транспортиning бошқа турлари бўлмаган ёки пассажирлар оқими кичик жойларда мустақил автобус маршрутлари хизмати ташкил этилади; шаҳар билан шаҳар атрофи пассажир алоқаларини ўрнатишда автобус хизматининг алоҳида ўрни бор. Бунда бир автобус йўли соатига 5-7 минг пассажирларга ва параллел ҳаракатларда эса 10 минг пассажирга хизмат қилиши мумкин.

Йирик шаҳарлардаги пассажирлар ташувчи транспорт алоҳида турларининг тармоқлари ўзаро боғланган бўлиб, улар пассажирлар оқими катта бўлган жойларни тўғридан-тўғри боғлайди ва шаҳар ичи транспорт тармоғини шаҳар атрофи алоқалари билан бирлаштиришга хизмат қиласиди.

### 13. 5. Шаҳарларда автобусларни ишлатиш асосий элементлари

Маълум миқдор ва йўналишдаги пассажирлар оқимига хизмат этиш учун автобус маршрутларидан фойдаланилади. Маршрутлар пассажирлар ҳосил бўлувчи пунктларнинг жойлашувига кўра перегонларга бўлинади. Перегон — бу пассажир транспортиning икки қўшни бекати орасидаги масофадир. Пассажирлар қатновининг ўртача масофаси қанча катта бўлса, перегонларни узайтириш ҳам шунча катта аҳамиятга эга бўлади. Перегонларни узайтириш бекатлар ўртасидаги алоқа тезлигини ошириш имконини беради.

Шаҳар ичи автобус маршрутларида бекатлараро энг мақбул масофа пассажирлар қатнови ўзунлигига боғлиқ равишда 300 дан 700 метргача булиши авсия этилади.

Шаҳар атрофи пассажирлар ташиш ҳаракатида эса бекатлараро масофа 700-1000 метр, узок манзилларга қатновчи автобус маршрутларида эса йўдаги аҳоли яшаш пунктларини ҳисобга олган ҳолда бўлади.

Маршрутлардаги бекатлар сони, улаф орасидаги оқилона масофалар ва уй-жой массивлари жойлашуви ёки энг

серқатнов пассажир узеллари (санаот корхоналари, идоралари, йирик савдо нұқталари ва шу кабилар)га боғлиқдир.

Автобус бекатлари доимий, пассажирлар талабига күра ва вақтингчалик булиши мүмкін. Доимий бекатлар пассажирлар обороти доимий бұлған ва аҳолининг гавжум жойларida ташкил этилиб, уларнинг жойлашуви маршрутдаги перегонлар сонини белгилайди. Вақтингчалик бекатлар, амалда доимий бекатлар оралиғидаги санаот корхоналари, театр спектакли бошланиши ва тамом булиши олдода, стадионларда үтказыладиган катта үйинлар вақтида ва бундай бекатларга зарурат бұлған бошқа жойларда белгиланиши мүмкін.

Автобусларнинг бекатларда тұхтаб түріш вақти автобуслар сиғими, уннинг эшиклари ва чиқыш зинапоялары түзилмаси, йил фасли, ҳайдовчи (кондуктор)ларнинг касбий маҳоратига ҳамда бекатнинг гавжумлигига боғлиқдир. Оралик бекатлардаги тұхтаб түріш вақтини ҳисоблашда пассажирнинг автобусга чиқишига 1,5-2,0 секунд, тушиши учун эса күпі билан 1,5 секунд вақт белгилаш қабул этилган. Бошланғич ва сұнгги бекатлардаги тұхтаб түріш вақти ҳайдовчилар бригадасининг ҳордиқ чиқариши, баражарлған рейс ҳужжатларини расмийлаштириш ва автобус қаровига ҳисобланған булиши лозим. Қисқа маршрутларда бундай мақсадлар учун тұхтаб түріш вақти фаяқат сұнгти пунктдегінән ҳисобға олинади.

Бекатларда автобусларнинг маршрут рақамларини курсатувчи махсус табло бўлиб, унда ҳаракат интервали ва бошқа маълумотлар күрсатилади. Сұнгги бекатлар эса хизмат хоналари билан жиҳозланған булиши лозим. Кейинги пайтларда пассажирлар гавжум бекатларда савдо шохобчалари, тезкор қаҳвахоналар ташкил қилинаётir.

Бир транспортдан бошқасига үтиш бекатлари турли транспорт учун бир-бирига яқын жойда, агар пассажирлар ҳаракати сийрак бўлса бир жойнинг үзида ташкил этилади.

Ҳаракат хавфсизлигини ҳисобға олган ҳолда ва чорраҳаларнинг үтказа олиш хусусиятларини ошириш мақсадида, чорраҳаларга яқын бекатлар улардан камида 25-30 метр масофада ташкил этилади.

Автобус маршрутлари бўйича шарт бўлған бекатларнинг жойлашиши кўчаларнинг үтказа олиш хусусияти ва алоқа тезлигини камайтиради. Буни бартараф этиш учун

уларни йўлга нисбатан ичкарироқقا жойлаштирилади. Бундай маҳсус бекатлар “йўл чўнтақлари” дейилади. Бекатларнинг ўтказувчаник хусусияти автобусларнинг тезлана олиш ва тормозланиш масофасига, уларнинг сифимига, эшиклар сони ва ўлчамларига, бекатдаги пассажирлар оборотига боғлиқдир. Шунинг учун иккита кетма-кет ҳаракатланадиган автобуслар орасидаги минимал интервални ҳисоблашда автобуснинг тезлана олиши, тормозланиши. салоннинг тўлганлиги ва бекатнинг пассажир обороти кўрсаткичларининг максимал миқдорлари олинади.

Бекатнинг ўтказа олиш хусусияти дейилганда ундан 1 соат ичиди бир томонга ўта олиши мумкин бўлган автобусларнинг максимал миқдори тушунилади. Чорраҳаларга яқин жойлашган бекатларнинг бир томонга ўтказа олиш хусусияти соатига тахминан 100 та автобусга тенг.

Жадал ҳаракатли маршрутларда бекатларга кириб келувчи автобуслар интервали белгиланганидан кичик бўлади. Бундай ҳолларда бир-биридан 25-30 метр масофада жойлашган қўшалсқ бекатлар ташкил этиш тавсия этилади.

**Пассажирлар ташиш шарт-шароитлари.** Пассажирларнинг автобусда қатнаши учун салонда сотиб олинган чиптаси ёки қатнаш ҳуқуқини берувчи маҳсус ҳужжати бўлиши шарт.

Кўйидаги ҳолатлардан ташқари, автобусларда пассажирларни ташишга ҳеч қандай тўсқинлик бўлмаслиги лозим: пассажир белгиланган ташиш қоидасини бажармаса; агар ташиш ҳокимият топшириғига биноан тўхтатилган ёки фавқулодда ҳолатлар билан боғлиқ бўлса; агар автобусда бўш жой қолмаган бўлса; агар пассажир маст ёки бошқа пассажирлар соғлиғига путур келтирадиган ҳолатда бўлса.

**Шаҳарларда пассажирлар ташувчи автобуслар ҳаракатини ташкил этиш.** Автобуслар ҳаракатини ташкил этишда бир қатор ўзаро боғлиқ эксплуатацион-техник шарт-шароитлар ҳисобга олиниши зарур. Булар қаторига қўйидагилар киради: автобуслар тармоғининг жойлашуви (конфигурацияси); маршрутлар йўналиши ва характеристи; йўл ва бекатларнинг ўтказа олиш хусусиятлари; ҳаракат тезлиги ва интерваллари; автобуснинг тўлганлик даражаси ва йўл давомида пассажирларнинг алмашинуви.

Еу шартларнинг барчаси шаҳар планировкаси (айниқса, йўл коммуникациялари жойлашуви) ва унинг ҳарак-

тери, аҳоли мавзеларининг жойлашуви, пассажирлар обогротининг айрим транспорт узелларида жойлашганилиги ва шу кабиларга боғлиқдир.

Ташиш мунтазамлиги маршрутдаги маълум сонли автобуслар ҳаракати мунтазамлигини талаб этади. Бунга эса ҳаракат интервалининг аниқ бажарилиши ( $Y$ ) ва унга мос частота ( $R$ ) га риоя этиш орқали эришилади.

Ҳаракат частотаси дейилганда маршрутдаги бирор жайдан бир соатда бир томонга ўтган автобуслар сони тушунилади. Маршрутнинг бирор бўлагида ёки куннинг айрим соатларида пассажирлар оқимининг ўзгаришига мос равишда автобусларнинг ҳаракат частотаси ўзгартирилади. Ҳаракат частотаси маршрутдаги пассажирлар зичлиги (бир соат ичida ташилувчи пассажирлар сони) га, пассажирлар алмашуви коэффициентига ва автобус сифимига боғлиқдир. “Ташиш чўққиси” пайтига тўғри келувчи ҳаракат частотасини ҳисоблашда “ташиш чўққиси” соатларига тўғри келувчи ўртacha пассажирлар зичлиги, бошқа пайлар учун эса “ташиш чўққиси”дан бошқа пайт (соатлардаги ўртacha пассажирлар зичлиги ҳисобга олиниши лозим. Шаҳар маршрутларидағи ҳаракат частотаси одатда соатига 12-15 автобусдан, айрим маршрутларда эса 4-5 автобусдан иборат бўлади. Пассажирлар зичлиги қуввати катта бўлган маршрутларга эрталабки ва кечки “ташиш чўққиси” соатларида камида 15 та автобус чиқарилиши лозим.

Ҳаракат интервали ҳаракат частотасига боғлиқ бўлиб, у маълум жой (бекатдан) навбатдаги автобус қанча вақт оралиғида автобус ўтишини билдиради ( $Y=60/R$ ) ва минутда ўлчанади. Ҳаракат интерваллари шаҳар маршрутларида, одатда, 4-6 минутни ва камдан-кам ҳолларда 12-15 минутни ташкил этади.

Автобуслар ҳаракатини мунтазам ташкил этиш учун уларнинг ҳаракат жадваллари ва графиклари бўлиши зарур. Ҳаракат графиги ҳар бир маршрут учун алоҳида тузилади. Бундай графикларни тузишда маршрут, автобус ва ҳайдовчиларнинг иш режимлари асос қилиб олинади. Ҳаракат графикларини белгилашда сутка ичи соатларида, ҳафта кунларида ва йил фаслларида пассажирлар оқимининг ўзгаришини ҳисобга олиш зарур.

Бир гурух маршрутлар учун ҳаракат графигини тузишда, маршрутлар ҳар бирининг характеристи алоҳида ҳисобга олинади. Бунда турли маршрутлардаги пассажирлар зичлиги ўзгариши ҳисобга олиниб, бир маршрутдан бошқасига айрим миқдордаги автобусларни ўтказиш имкониятлари кўрсатилган бўлиши керак. Бундай ўтказишларда, автобуслар камайтирилаётган маршрутдаги пассажирлар ташиш иши жиддий сусаймайдиган бўлиши назарда тутилиши лозим. Бундан ташқари, тежамкорлик нуқтаи назаридан, ўтказилувчи автобуслар бўш (нолинчи) қатновининг белгиланган меъёрдан ортиб кетмаслигига ҳам эътибор берилиши лозим.

Ҳаракат графиги асосида ҳаракат жадвали тузилади. Тузилган жадваллар эса аҳолига энг яхши хизмат кўрсатиш билан бирга автобусдан оқилона фойдаланишни ҳам ҳисобга олган бўлиши зарур. Жадвалда охири пункктлардан жўнаш ва уларга келиш ҳамда пассажирлар обороти кўп бўлган узеллардан ўтиш вақтлари кўрсатилган бўлади. Бундай жадвалларни тузишда сутка соатлари ичida эксплуатацион ҳаракат тезликларини турлича белгилаш мақсадга мувофиқ, чунки йўлларнинг юклanganлиги, автобусларни тўлганлиги ва бошқа шарт-шароитлар кун давомида ўзгариб туради.

### 13. 6. Шаҳардан ташқари маршрутларда пассажирлар ташишни ташкил этиш

Шаҳардан ташқаридаги аҳолининг транспортга бўлган эҳтиёжларини қондирувчи пассажирлар ташиш уч хил бўлади: шаҳар атрофи, туман (қишлоқ)лароро ва шаҳарлароро (давлатлараро) ташишлар.

#### *Шаҳар атрофи пассажирларини ташиш*

Шаҳар атрофидаги пассажирларни ташишни ташкил этиш шаҳарни унга ёндош қишлоқ туманлари ҳамда меҳнаткашларнинг оммавий дам олиш жойлари билан ҳар куни ва мунтазам равишда боғлашдан иборат бўлиб пассажирлар оқими нисбий барқарорлиги, перегонларнинг шаҳардагидан катталиги, техник ҳаракат тезлиги ҳамда автобус тўлиш даражасининг нисбатан катталиги, сутка ичизда 16-18 соат ҳаракатланиши, йўл шарт-шароитларига боғлиқтлик билан характерлидир.

Шаҳар атрофидаги пассажирлар оббороти шаҳар худуди-  
га ёндош аҳоли яшаш пунктлари хараэктери (ишлини ва дала-  
посёлкалари, жамоа хўжаликлари, улаарда яшовчилар миқ-  
дори), шаҳарда жойлашган ишлаб-чиқарманиш корхоналари, сав-  
до ташкилотлари, бозор ва бошқа мағадданий ва маъмурий мавсумий ўзгариш-  
ташкилотларга бўлган масофа ҳамда мавсумий ўзгариш-  
лар билан боғлиқдир.

Шаҳар атрофи аҳолиси қишлоқ ва ишчи посёлкаларида-  
ги доимий яшовчилар ҳамда уларга да олиш учун келган  
вақтинча яшовчиларга бўлинади. Шундай олиш учун барқа-  
пор характерга эга бўлса, вақтинча яшовчилар учун ўзга-  
рувчан бўлади. Кейинги йилларда шаҳар атрофи аҳолиси  
шаҳарда яшовчи, аммо қишлоқда ерни жиҳарага олиб, дала  
маҳнатини бажарувчилар ҳисобига анчагина кўпайган.

Кишлоқ жойларда доимий яшовчи ахолига хос пассажир-  
лар оқими сутка соатлари ичидаги на нотекисидир; вақ-  
тинча қишлоқ жойларга келувчилар эса бўларда, байрам ва ҳаф-  
кучайтиради ва байрам олди кечки соатлардаги ҳаракатда  
“ташиш чўққи” лари ҳосил бўлишига сабабчи бўлади.

Кўрсатилган хусусиятларга кўра пассажирлар оқими-  
нинг ўзгариб туриши шаҳар атрофидаги ишловчи автобус-  
лар сонини мавсумга, ҳафта кунлари ва сутка соатларига  
қараб ўзгартеришни талаб этади. Шунинг учун ҳам ҳара-  
кат графиклари тузишда юқорида келтирилган хусусият-  
лар ҳисобга олиниши зарур.

Шаҳар атрофи автобус маршрутларининг сўнгги бека-  
ти шаҳар атрофидаги бирор аҳоли пунктлари (посёлка) мар-  
казига яқинроқ жойда, иккинчи сўнгги ишловчи автобус-  
пассажир маршрутлари тармоғининг аттароқ пункти ат-  
рофифа ёки шаҳар жамоат транспортининг бирор тури  
билан шаҳарга кираверишда туташган ишловчи автобус-  
шохардаги бирор туташкан бўлиши лозим. Ша-  
ҳар атрофи махсус автобус маршрутлари туташкан бўлиши  
катта савдо маркази ва деҳқон бозорига аридан шаҳар худу-  
дидаги қатновларда фойдаланмаслик мақсадида, ша-  
ҳардан чиқувчи биринчи бекатдан бошлаб маршрутни та-  
риф участкаларига бўлинади.

Шаҳар атрофи маршрутларидаги регонлар, юқори-  
да айтилганидек, қишлоқ аҳоли пунктлари ёки посёлка

марказлариаро масофада белгиланади. Шаҳар атрофи автобус маршрутларида пассажирлар алмашуви нисбатан кичик (1,3-2,0, шаҳардаги ташишларда эса 3-8 атрофида)лигини ҳисобга олиб, магистрал ҳаракатдан узоқдаги маршрут бекатларини пассажирлар талабига биноан белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Кишлоқ (посёлка)нинг доимий аҳолиси учун автобус сифимидан фойдаланиш коэффициенти йил бўйи барқарор ҳарактерга эга бўлса ҳам, бу кўрсатгич сутка соатлари ичida анчагина ўзгариб туради.

Автобус ҳаракатининг алоқа ва эксплуатацион тезлиги шаҳар атрофи маршрутларида шаҳарлардагига нисбатан анча катта бўлади. Йўл шароитлари қулай бўлган жойларда автобус ҳаракатининг эксплуатацион тезлиги унинг техник тезлигига яқинлашади. Лекин шуни ҳам эслатмоқ лозимики, шаҳар атрофи маршрутларининг турли участкаларидаги ҳаракат тезликлари ҳам турличадир. Шаҳар маршрутларидаги тезликлар йўл ҳаракат қоидасига биноан чекланган бўлади, қишлоқ аҳоли яшаш жойларида аҳолига нисбатан ҳаракат хавфсизлиги талабига биноан, йўл ёқасида курилиш бўлмаган жойларда эса фақат ҳаракат хавфсизлиги қоидасига биноан чекланган бўлади. Ҳаракат тезликлари ўргасидаги бундай фарқлар, автобус обороти тезлигига, ҳаракат графиги ва жадвалига таъсир этиб, айни маршрутдаги пассажирлар оқимини ўзлаштириш учун зарур бўлган автобуслар сонида акс этади.

Шаҳар атрофида пассажирлар ташишни ташкил этишда пассажирларнинг бағажларини ташишнинг аҳамияти ҳам каттадир. Айниқса, бу дала ҳовлида дам олиб келувчи вақтинчалик пассажирларга (дам олувчиларга ва ерни ижара-га олувчиларга) тегишидир.

Шаҳар атрофи автобус маршрутларининг сўнгги тўхтов жойлари пассажирларга хизмат курсатиш, ҳаракатни бошқариш ва назоратга олиш, автобусларга техник хизмат кўрсатиш ҳамда автобус бригадаларининг дам олиши учун маҳсус хона ва жиҳозларга эга булиши лозим.

### *Шаҳарлараро пассажирларни ташиш*

**Шаҳарлар ва аҳоли пунктлари ўртасида ҳамла шаҳар ва аҳоли пунктларини темир йўл транспорти бекатлари,**

Шаҳар атрофидаги пассажирлар обороти шаҳар худудига ёндош аҳоли яшаш пунктлари характери (ишчи ва дала посёлкалари, жамоа хўжаликлавари, уларда яшовчилар миқдори), шаҳарда жойлашган ишлаб-чиқариш корхоналари, савдо ташкилотлари, бозор ва бошқа маданий ва маъмурий ташкилотларгача бўлган масофа ҳамда мавсумий ўзгаришлар билан боғлиқдир.

Шаҳар атрофи аҳолиси қишлоқ ва ишчи посёлкаларидаги доимий яшовчилар ҳамда уларга дам олиш учун келган вақтингча яшовчиларга бўлинади. Шунга кўра, шаҳар атрофидаги пассажирлар оқими доимий яшовчилар учун барқарор характерга эга бўлса, вақтингча яшовчи аҳоли учун ўзгарувчан бўлади. Кейинги йилларда шаҳар атрофи аҳолиси шаҳарда яшовчи, аммо қишлоқда ерни ижарага олиб, дала меҳнатини бажарувчилар ҳисобига анчагина кўпайган.

Қишлоқ жойларда доимий яшовчи аҳолига хос пассажирлар оқими сутка соатлари ичида анчагина нотекисидир; вақтингча қишлоқ жойларга келувчилар эса бу нотекисликни янада ташкитиради ва байрам олди кечки соатларда, байрам ва ҳафтанинг биринчи кунлари эрталабки соатлардаги ҳаракатда “ташиш чўққи” лари ҳосил бўлишига сабабчи бўлади.

Кўрсатилган хусусиятларга кўра пассажирлар оқими-нинг ўзгариб туриши шаҳар атрофидаги ишловчи автобуслар сонини мавсумга, ҳафта кунлари ва сутка соатларига қараб ўзгаришишни талаб этади. Шунинг учун ҳам ҳаракат графиклари тузишда юқорида келтирилган хусусиятлар ҳисобга олиниши зарур.

Шаҳар атрофи автобус маршрутларининг сўнгги бекати шаҳар атрофидаги бирор аҳоли пункти (посёлка) марказига яқинроқ жойда, иккинчи сўнгги бекати эса шаҳар пассажир маршрутлари тармоғининг каттароқ пункти атрофидаги ёки шаҳар жамоат транспортининг бирор тури билан шаҳарга кираверишда туташган бўлиши лозим. Шаҳар атрофи маҳсус автобус маршрутлари шаҳардаги бирор катта савдо маркази ва дехкон бозорига туташган бўлиши лозим. Шаҳар атрофи автобус маршрутларидан шаҳар худуди ичидаги қатновларда фойдаланмаслик мақсадида, шаҳарлан чиқувчи биринчи бекатдан бошлаб маршрутни тариф участкаларига бўлинади.

Шаҳар атрофи маршрутларидаги перегонлар, юқорида айтилганидек, қишлоқ аҳоли пунктлари ёки посёлка

марказлариаро масофада белгиланади. Шаҳар атрофи автобус маршрутларида пассажирлар алмашуви нисбатан кичик (1,3-2,0, шаҳардаги ташишларда эса 3-8 атрофида)лигини ҳисобга олиб, магистрал ҳаракатдан узоқдаги маршрут бекатларини пассажирлар талабига биноан белгилаш мақсадга мувофиқидир.

Кишлоқ (посёлка)нинг доимий аҳолиси учун автобус сифимидан фойдаланиш коэффициенти йил бўйи Барқарор ҳарактерга эга бўлса ҳам, бу кўрсатгич сутка соатлари ичida анчагина ўзгариб туради.

Автобус ҳаракатининг алоқа ва эксплуатацион тезлиги шаҳар атрофи маршрутларида шаҳарлардагига нисбатан анча катта бўлади. Йўл шароитлари қулай бўлган жойларда автобус ҳаракатининг эксплуатацион тезлиги унинг техник тезлигига яқинлашади. Лекин шуни ҳам эслатмоқ лозимики, шаҳар атрофи маршрутларининг турли участкаларидаги ҳаракат тезликлари ҳам турличадир. Шаҳар маршрутларидаги тезликлар йўл ҳаракат қоидасига биноан чекланган бўлади, қишлоқ аҳоли яшаш жойларида аҳолига нисбатан ҳаракат хавфсизлиги талабига биноан, йўл ёқасида қурилиш бўлмаган жойларда эса факат ҳаракат хавфсизлиги қоидасига биноан чекланган бўлади. Ҳаракат тезликлари ўргасидаги бундай фарқлар, автобус обороти тезлигига, ҳаракат графиги ва жадвалига таъсир этиб, айни маршрутдаги пассажирлар оқимини ўзлаштириш учун зарур бўлган автобуслар сонида акс этади.

Шаҳар атрофида пассажирлар ташишни ташкил этишда пассажирларнинг бағажларини ташишнинг аҳамияти ҳам каттадир. Айниқса, бу дала ҳовлида дам олиб келувчи вақтинчалик пассажирларга (дам оловчиларга ва ерни ижара-га оловчиларга) тегишлидир.

Шаҳар атрофи автобус маршрутларининг сунгги тұхтов жойлари пассажирларга хизмат кўрсатиш, ҳаракатни бошқариш ва назоратга олиш, автобусларга техник хизмат кўрсатиш ҳамда автобус бригадаларининг дам олиши учун маҳсус хона ва жиҳозларга эга бўлиши лозим.

### *Шаҳарлараро пассажирларни ташиш*

Шаҳарлар ва аҳоли пунктлари ўргасида ҳамда шаҳар ва аҳоли пунктларини темир йўл транспорти бекатлари,

аэропортлар билан мунтазам равишида пассажирлар алоқасыни ўрнатиш учун шаҳарлараро пассажирлар ташиш автобус маршрутлари ташкил этилади. Шаҳарлараро автобусларда пассажирларни ташишдаги пассажирлар оқими йўналиш ва мавсумлар бўйича барқарор характерга эга. Маршрутдаги перегонлар катта масофали, ҳаракат тезлиги юқори, ҳаракатни жадваллар бўйича сутка давомида бетухтов ташкил этиш имкони мавжуд.

Шаҳарлараро автобусларда пассажирлар ташишни ташкил этиш учун маълум миқдордаги пассажирлар оқими мавжуд бўлиши лозим.


Шаҳарлараро автобус алоқаларининг мустақиллиги, уларни транспортнинг бошқа турларидан ажратиб қўймайди. Автобус маршрутларини бирлашган умумий транспорттаги тармоғига киритиш амалда аралаш транспорт турларидан, масалан, темир йўл-автомобиль транспорти ёки ҳаво транспорт-автомобиль алоқаларини ташкил этиш ва улар ишини мувофиқлаштиришга асос бўлади.

Шаҳарлараро автобуслarda пассажирлар ташишининг ўзига хос хусусиятлари. Шаҳарлараро пассажирларни ташиш, юқ ташишдан фарқли ўлароқ, асосан йирик магистрал йўл трассаларида ташкил этилиб, уларда автобус бекатлари, шийпонлар, жиҳозланган тўхташ жойлари, йирик шаҳарлардаги маршрутларнинг сўнгги жойларида эса автовокзаллар ташкил этилади. Ташишни бундай ташкил этиш натижасида пассажирларни маршрутларнинг айрим йирик жойларида, маълум микротуманларда йиғиш имкони яратилади.

Автовокзал — бу шаҳарлараро алоқаларда пассажирларни ташишни ташкил этувчи корхона бўлиши билан бирга, пассажирларга маршрутларнинг сўнгги боғланиш пунктларида маданий-майиший хизмат этиш маскани ҳамдир. Автовокзаллар амалда йирик шаҳар ва саноат марказларида шаҳар транспорти ҳаракатидан алоҳида қурилган иншоотлар мажмудидан иборат бўлиб, унга қўйидагилар киради: пассажир ва хизматчи ходимларга мўлжалланган вокзал бинолари; пассажирларнинг автобусга чиқиш ва ундан тушиш жойлари (пегримлар), рейсга чиқинши кутиб турувчи автобуслар учун майдонча; автобусни тозалаш, ювиш ва техник хизмат курасишиш жойлари. Автовокзалнинг бош плани таркибига вокзал олди майдончаси ва унга шаҳар автотранспортининг

кириш йўллари ҳамда такси автомобилларининг тұхташ жойлари киради (28-расм). Автовокзал биносида, одатда, пассажирлар зали ва унда чи пта сотиш кассалари, бошқа турдаги транспорт агентликлари, ёш болали пассажирлар учун хона, құл юкларни қабул этиш, жұнатиши ва сақлаш камераси, та-мадихона, тиббий хизмат пункті, поча, шаҳарлараро телефон агентлиги, хизмат хоналари (масалан, ҳайдовчилар дам олиш хонаси, диспетчерлік хонаси, идоралар, алоқа узели ва бошқалар) жойлаштирилади.

Автобуслар ҳаракатини бошқариш учун автовокзаллар автоматик сигнал берувчи жиҳозлар, радиоалоқа ва телевизион қурилмаларга эга бўлиши лозим. Пассажирларни автобусларнинг келганлиги ва жұнатилиши ҳақида



28-расм. Автобус вокзалининг намуниавий бөни планы:  
а) такси автомобиллари жойи; б) вокзал биноси; в) жұнатиши перрони;  
г) келиш перрони; д) автобуслар жойи; е) автомобилларни текшириш эстакадаси; ж) автобусларни ювиш жойи; з) шаҳар автобуслари жойи.

оғоҳлантириш радиокурилма ва автоматик чироқли сигнализация ёрдамида амалга оширилади.

Умумий сифими 300 кишигача бўлган пассажирлар ва хизмат хоналарини бир қаватли бинога, сифими 500 дан 900 кишигача бўлгандага эса икки қавватли бинога жойлаштириш тавсия этилади.

Ўртача шаҳарларда амалда битта автовокзал қурилади ва бундай қурилиш шаҳарлараро ҳаракат йўналишлари яқинида бўлиши мақсадга мувофиқдир. Йирик шаҳарларда эса иккя ундан ортиқ автовокзаллар бўлиши мумкин.

Пассажирларга энг қулай шароитлар ташкил этиб, автовокзалдаги ишларни аниқ ва унумли ташкил этиш учун қуйидагилар таъминланиши зарур: чипта сотиш кассалири ишини марказлашган тартибда бошқариш (бунда ҳар бир кассада ҳар қандай йўналишга ҳам чипта сотиш мумкин бўлади); орқага қайтувчи пассажирларга олдиндан чипта сотиш; қўл бағажлари сақлаш учун ягона жетон ва ҳақ белгилаш; беминнат хизматларни ташкил этиш; автобусларни ўз вақтида келганлигини йўл варақасида аниқ белгилаш учун автоматик штамп-соат ўрнатиш.

Автовокзалларнинг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат: пассажирларга вокзалда бўлган вақтларида майший ва маданий хизмат кўрсатиш; автовокзалдаги автобус (маршрутли такси) лар ҳаракатини ҳамда пассажирлар оқимини тартибга солувчи диспетчерлик бошқарувуни олиб бориш; пассажирлар ташиш билан боғлиқ тижорий ишлар, назорат функцияси, техник ишлар, ҳисобкитоб ва таҳдил ишларини бажариш, автобуслар бригадаларининг дам олишини ташкил этиш, хоналар ва ички транспорт майдонларида тозаликни сақлаш.

Транспортнинг бир неча тур алоқаларидан кетма-кет фойдаланувчи пассажирларга хизмат кўрсатиш учун, одатда, бирлаштирилган вокзаллар (масалан, темир йўл транспорти — автобус) қурилади. Транспортнинг бир туридан иккинчисига ўтишда пассажирларга қулийлик яратиб бераб, унда бир жойнинг ўзидаёқ пассажир транспорт турларининг барчаси тўғрисида тўлиқ маълумот олиши, чипталар сотиб олиши, ўз бағажларини жойлаштира олиши ва ҳ.к. имкониятларга эга бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Транзит пассажирларга қулийликлар яратиш ва қурилиш харажатларини тежаш мақсадида автовокзал ва авт

тобекатлар темир йўл вокзаллари ёки аэровокзал бинолари билан биргаликда қурилиши мумкин. Аммо бунда фақат вокзал биноларигина бирлаштирилиши, транспорт воситаларини қабул этиш перронлари алоҳида бўлиб, улар келувчи ва жўнатилувчи транспорт воситаларини ўтказа олиш хусусиятига эга бўлиши лозим.

Ўрта ва кичик шаҳарларда, ишчи посёлкаларида автовокзаллар ўрнига шаҳарлараро ва шаҳар атрофи пассажирларига хизмат қиливчи маршрутларнинг сўнгги ва транзит ўтувчи автобуслар тўхташ пунктларида пассажирлар автобекатиси қурилади. Бундай автобекатларда транзит ўтувчи автобус ҳайдовчиларига зарур бўлган хизматлар ҳам бажарилади (29-расм).

Пассажирлар автобекатиси автомобиль йўллари ёқасидаги аҳоли яшаш жойларида ҳам қурилади. У иншоотлар мажмуидан иборат бўлиб, бино, автобусларни жўнатиш ва қабул этиш платформаси, автобус ва бошқа автомобиллар учун тўхташ жойидан ташкил топади.


Автобекат биноси ичидаги пассажирлар, автобус ва бошқа автомобиль экіпажлари фойдаланиши учун тамаддихона, телефон алоқаси, хожатхона ва совуқ кунларда исиниб олиш имконияти бўлиши лозим.

Автомобиль йўллари ва шаҳарлардаги автобус бекатларига кутиб турувчи пассажирларни ёғингарчилик, қуёш нуридан ҳимоялаш мақсадида автошийпон иншооти қурилади.

Йўллардаги автобусларнинг тўхташ жойларида чиқишлиши майдончалари қурилади. Бундай майдончалар йўл сатҳидан 20-25 см кўтарилиган ҳолда, усти қаттиқ қопламали бўлиб пассажирларга қулайлик яратади.

**Ташиш шарт-шароитлари.** Шаҳарлараро автобусларда пассажирлар ташишда пассажирлар ва автотранспорт корхоналари ўртасидаги алоқалар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар шаҳар ва шаҳар атрофидаги ташишлардан анча мураккабидир. Бунда ўзаро мажбуриятлар пассажирларнинг автовокзал ва автобекатларга келиб чипта сотиб олиш ва юкларини топширишдан бошланади.

Узоқ манзилларга қатновчи пассажирларнинг дам олишлари учун зарур шароит, тиббий ёрдам ва овқатлаши имкониятлари яратилиши зарур. Булар, ўз навбатида, пассажирлар ташишни ташкил этиш жараёнлари асоси



29-расм . Автобус бекатининг намунавий бош плани:  
а)кутиш зали; б)овқатланиш хонаси; в)ёрдамчи хоналар ва ошхона;  
г) иссиқлик узели; д) хизмат хонаси; е)санитария узеллари; ж) ёш болали оналар хонаси; з) душ; и) меҳмонхона; к) юк камераси; л) чиптахона.

сий элементларига қўшимча равишда бир қатор ташкилий масалаларни ҳал этишини талаб этади.

5 ёшгача бўлган болалар белул ташилади (бунда битта пассажир фақат битта бола учун йўлкира тўла маслиги мумкин). Бундай бола учун алоҳида жой ажратилмайди. 5 ёшдан 10 ёшгача бўлган болалар учун ярим баҳоли чиптадан фойдаланадилар ва уларга алоҳида жой берилади.

Шаҳарлараро пассажирлар ташиш автобусида пассажир ўзи билан 16 кг гача қўл юкини белул олиб юриши мумкин. Бундай юклар бошқа пассажирларга халақит бермайдиган бўлиши шарт. Акс ҳолда бундай қўл юклари ҳам автобусдаги маҳсус юхонага жойлаштирилиши зарур. Ҳар бир пассажир ўзи билан ҳақ тўланувчи ва габарит ўлчамлари  $100 \times 50 \times 30$  см дан ошмайдиган биргина юк (багаж) олиб кетишига рухсат берилади. Бундан ташқари катта юкларни манзилга етказиб бериниш учун маҳсус автомобиллар хизматидан фойдаланиш лозим бўлади. Ҳар бир қабул қилинган юк учун чиптади (квитанция) берилиши ва юкларнинг ўзига маҳсус ёрлиқ осилган бўлиши лозим. Бундай ёрлиқда квитанциянинг тартиб рақами, жойлар сони, жўнатиш ва етиб бориш бекати манзиллари кўрсатилган бўлиши мақсадга муваффик. Ёндиндан хавфли ва портловчи ҳамда гиёхвандлик моддалари ни ташиш қатъян ман этилади.

**Шаҳарлараро пассажирлар ташишда автобуслар ҳаракатини ташкил этиш.** Маршрут масофасининг узоқ-яқинлиги ва бир йўлда шаҳарлараро ва шаҳар атрофи алоқаларини биргаликда ташкил этишга кўра ҳаракатлар маҳаллий, транзит, маршрут бўлагида ва маршрутнинг бошидан охиригача кўринишларда ташкил этилиши мумкин. Ҳаракат тезлиги бир хил ва ҳар хил, йўлдаги ача оралиқ пунктларида тўхтовчи ёки фақат пассажирлар обороти катта бўлган пунктларда тўхтовчи ҳамда қишлоқ ҳўжалиги ишчилари (ижарачилар)ни ташишга мўлжалланган маҳсус рейслар ҳам бўлиши мумкин. Эксплуатацион шароитга қараб автобус алоқалари ҳаракатини комбинациялаш мумкин. Бунда транспорт воситаларидан фойдаланиш саварадорлиги ва пассажирлар ташишга бўлган аҳоли талабларини максимал қондириш зарурати назарда тутилиши мақсадга мувофиқдир.

Автобус маршрутлари иш режими маҳаллий шароитлар, йил фасли ва иқлимга боғлиқ. Бунда ҳаракат тезлиги ва иш унумининг юқорироқ бўлиши куннинг ёруғ соатларига тўғри келишини инобатга олиш зарур. Лекин шунга қарамай, транзит алоқаларни ташкил этишда, айниқса ёз фаслида, иссиқ иқлими ҳудудларда ҳаракатни кеча-кундуз ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Маршрутдаги автобуслар ҳаракати муайян йўл-иклим ва бошқа шароитларни ҳисобга олиб тузилган график асосида жадвалга биноан ташкил этилади. Ҳаракат графиги автобуснинг маршрут ёки унинг бўлгадаги оборотини, ҳар хил тезликлар, оралиқ ва сўнгги тўхташ жойларида назорат олиб боришни, ҳужжатларни расмийлаштиришни, экипажнинг дам олиши ва бошқа техник заруратларни ҳисобга олиб тузилиши зарур. Ҳаракат жадвалини тузишда алоқа тезлиги, пассажирлар оқимининг нотекислиги, автобуслар сифими, ҳаракат интервали ҳамда маршрутда ишловчи автобуслар сони ҳисобга олиниши лозим.

Ҳайдовчиларнинг иш режими маршрутда ишловчи автобуслар режимига боғлиқ, яъни ҳаракатни маршрут бўлагида ёки транзит (бошидан охиригача) ташкил этишга боғлиқдир. Бундай боғлиқлик ҳайдовчилар иш режимини бир ҳайдовчи, икки ҳайдовчи бирлаштирилган ёки смеснали тарзда ташкил этиш мумкинлигини англатади.

## 13. 7. Енгил автомобилларда пассажирларни ташиш

### *Таксиларда пассажирларни ташиш*

Енгил автомобилларда пассажирларни ташиш автобуслар билан ташишдагига нисбатан фойдаланилаётган транспорт воситалари ва ташиш ишларини ташкил этиш таомийларига күра тубдан фарқ қиласы. Енгил автомобилларда пассажирларни ташиш асосан қуидеги хилларга бўлинади: маҳсус такси автомобилларда пассажирларни ташиш; хизмат юзасидан пассажирларни енгил автомобилларда ташиш (бунга ахоли буюртмасига биноан маросимларга хизмат этувчи енгил автомобиллар иши ҳам киради). Бундан ташқари, ахолининг хусусий мулки бўлган енгил автомобилларда ташишлар ҳам бор.

Енгил такси автомобилларда ташиш шаҳардаги пассажирлар учун энг қулай ташиш турларига киради. Аммо, такси енгил автомобилларда пассажирларни ташиш шаҳар маршрут транспорти ўрнини босолмайди, балки унга қўшимча транспорт тури бўлиб, аксарият ҳолларда вақти зиқ бўлган пассажирларни ташишда, пассажирнинг талашибига биноан “эшикдан-эшикгача” бўлган ташишларда, юкли пассажирлар қатновида, шаҳар пассажир транспортининг бошқа тури бўлмаган ҳудудлардаги ташишларда ёки шаҳар пассажир транспорти ишламайдиган тунги соатлардаги ташишларда ишловчи пассажир транспорти ҳисобланади. Айрим ҳолларда енгил автомобиллардан шаҳар атрофи, қишлоқ жойлардаги ва шаҳарлараро пассажирлар ташишда ҳам фойдаланилади.

Енгил такси автомобилларни ишлатишда улардан жадал фойдаланиш характерлиди. Сутка давомида бундай автомобиллар 13-14 соат ишда булиб, ургача босиб ўтиш масофаси 200-250 км ни ташкил этади. Аксарият ҳолларда енгил такси автомобиллардан фойдаланувчи пассажирлар юқ билан қатновчи пассажирлардир. Шунинг учун ҳам такси сифатида фойдаланиладиган автомобилларга **техник жиҳатдан юқори даражада ишончли, динамик хусусияти юқори, пассажирларнинг ўтириши ва уларнинг юкларини жойлаштириш қулай бўлиши талаблари қўйилади**.

Статистик маълумотларга кўра енгил автомобилларда пассажирлар ташиш ҳажми автомобиль транспортида пас-

сажирлар ташиш умумий ҳажмининг анча кичик қисмига тұғри келади. Бу улуш ақолиси 10-250 минг киши бүлган шаҳарларда 9 фоиз, 251-500 минг кишилик шаҳарларда 8 фоиз, 501-1000 минг ақолили шаҳарларда 7 фоиз ва ақолиси 1 млн. дан ортиқ шаҳарларда 6 фоиз атрофидады.

Умумий пассажирлар ташиш ҳажмида нисбатан кичик үрінде булишига қарамай, шаҳар ва бөшқа ақоли пунктлари ҳаётида таксидан фойдаланишнинг үз үрни бор.

Барча енгил такси автомобилларида кира ҳақини ўлчаб борувчи асбоб-таксометр ҳамда чироқли сигнал тузилмалари булиши лозим. Бунда күк чироқли сигнал такси бүшлилигини, қызил чироқли сигнал унинг акси, яғни бандлигини күрсатады.

Таксометр асбоби Давлат стандартти талабига биноан автомобиль спидометри каби пломбаланиши шарт.

Енгил такси автомобилларида бирваракайига құпі билан 4 та пассажир, улар билан бирга иккитагача ёш бола үтка-зишликка рухсат берилади. Такси автомобили салонида пассажирларнинг күл юклари, телевизор, ихчам музлатгичлар ва бөшқа юмшоқ қилиб үрналған буюмлар ташилиши мүмкін. Оғир юклар (60 кг гача) автомобиль юхонасида ташылады.

Енгил такси автомобилларида ҳам автобуслардаги каби портловчи, заҳарловчи, осон ёниб кетувчи, үткір қирралы буюмлар, гиёхванд моддалар ташиш қатъяян ман этилади. Катта ўлчамли юклар ва ҳайвонлар ташиш ҳам мүмкін эмас. Фақатгина итларни түмшүқбоғда ва қафасдаги құшларни ташишға рухсат этилади.

### *Енгил такси автомобилларига бүлған әхтиёжни аниқлаш*

Ақолининг пассажирлар ташиш транспорт воситаларига бүлған әхтиёжини фақатгина маршрутда ишловчи транспортлар билан қондириш мүмкін эмас. Барча шаҳарларда күплаб пассажирлар ташувчи транспорт турлары: автобус, трамвай, троллейбус ва метро билан бирга енгил такси автомобиллари ҳам булиши зарур.

Енгил такси автомобилларида пассажирлар ташиш ҳажми ақоли сони, шаҳарнинг ажамияти, иқлими ва бөшқа шароитларға боғлиқ. Пассажирлар ташиш ҳажмини

аниқлаш учун талабларни тизимли равишда ўрганиш керак. Енгил такси автомобилларига бўлган талаб, маршрутларда ишловчи транспорт турларидаги каби сутка соатлари, ҳафта кунлари, йилнинг ойлари ичida ўзгарувчан бўлади. Енгил такси автомобилларига бўлган аҳоли талабини ўрганишнинг бир неча усули бор.

Анкета усулида енгил такси автомобили ҳайдовчилари, маҳсус варака (карточка) га ҳар бир пассажир қатнови кўрсаткичларини ёзib борадилар. Айни варакада автомобилнинг ишга чиққан ва ишдан қайтган вақти ҳамда бошқа умумий кўрсаткичлардан ташқари, таксидан фойдаланган ҳар бир пассажир (лар) қатновининг: чиққан жойи ва жўнаш вақти, таксометр кўрсаткичи, манзилга етиб келган вақти ва кира ҳақи, ҳар қатновдаги пассажирлар сони ёзилади. Смена та- мом бўлгандан сўнг ҳайдовчи тўлдирилган варакани корхонага топширади. Варакадаги маълумотлар ўрганиб чиқилиб, автомобиллар иш графигига зарур ўзгаришлар киритилади. Бундай варака намунаси қўйида келтирилади.

#### Намуна

\_\_\_\_\_ соатдан \_\_\_\_\_ соатгача енгил такси  
автомобилнинг шаҳарда ишлаганигини ҳисоблаш  
варакаси  
Сана “ ” 200 \_\_\_\_ й.  
Автомобилнинг гараж номери \_\_\_\_\_  
I. 1. Ўтирган пассажирлар (пассажир)  
Спидометр кўрсатуви \_\_\_\_\_ км.  
2. Вақти ( \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ мин.)  
Ҳақ тўланиб турилган вақт  
\_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ минутдан бошлаб  
\_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ минутгача  
3. Охириг пассажирнинг тушиши \_\_\_\_\_  
Спидометр кўрсаткичи \_\_\_\_\_ км.  
Вақти ( \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ мин.)  
II. 1. Ўтирган пассажирлар (пассажир)  
Спидометр кўрсатуви \_\_\_\_\_ км.  
Вақти ( \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ мин.)

Енгил такси автомобилларига бўлган умумий талабни аниқлаш учун маҳсус тузилган анкета билан корхона ва аҳоли яшаш жойларида анкета сўрови ўтказилади (анкетанинг тахминий шакли 10-жадвалда берилган).

**Енгил такси автомобилларига бўлган талабини ўрганиш****АНКЕТАси**

ои \_\_\_\_\_ 200 \_\_\_\_\_ й., \_\_\_\_\_ шаҳри

**Хурматли жсаноб!**

Сиздан қўйидаги саволларга жавоб беришингизни (кераги-нинг тагига чизсангиз ёки ёзиб берсангиз) ва анкетани қайта-риб юборишингизни илтимос қиласиз.

Шифр	Саволлар	Сизнинг тахминий жавобингиз
01	Сиз ҳафта давомида неча марта таксидан фойдаланасиз	1-2-3-4-5-6-7
02	Қатновингиз мақсади	Ишга бориш, хизмат юзасидан юриш, маданий (кинога, театрга, стадионга) юриш, дам олишга (шаҳардан ташқари чиқиб) бориш. Майший хизмат (дўконга, бозорга, болалар боғчасига). Уйга қайтиш. Бошқа мақсадларда
03	Таксини қаерда ва қандай ёлладингиз	Тұхташ жойида. Йүлдан тұхтатиб. Буюртма буйча
04	Таксига ёллашга қанча вақт сарф этдингиз	5 минуттагача 5-10 мин.20-25 мин. 10-15 мин.25-30 мин. 15-20 мин.30-40 мин. 40 минутдан ортиқ
05	Таксига үтирган худудингиз ва вақти	
06	Таксидан тушган худудингиз	
07	Сиз билан бирга таксида яна нечта пассажир бор эди	
08	Такси топилмаганлиги сабаби. Ҳафтада неча марта Сизнинг талабингиз қондирилмади	
09	Такси ишини яхшилаш бўйича таклифингиз	

Талабни ўрганиш анкеталарининг ЭҲМда ишлаб олинган натижалари аҳолининг таксиларга бўлган талаблари қондирилган ёки қондирилмаганлиги, юриш масофаси, қатнов вақти ва бошқалар тўғрисида маълумотлар беради.

**Рўйхатга олиш** усули маҳсус шаклларда (журналларда) ҳозирги замон техника воситаларига суюнган ҳолда ҳисоблаб боришга асосланган бўлиб, унда такси тўхташ жойларига автомобилларнинг келиш ва кетиш кўрсаткичлари, автомобилдаги пассажирлар сони, тўхташ жойидаги кутиб турувчи пассажирлар сони кабиларни маҳсус диспетчерлар рўйхатга олиб боради. Мунтазам равища пассажирлар кўп ҳосил бўлувчи ёки уларни қабул этувчи жойларда, масалан, аэропортларда, темир йўл вокзалларида уларда рўйхатта олиб бориш ишларини маҳсус диспетчерлар бажаради.

**Қўз билан қўриб хulosса чиқариш усули.** Тажрибали назоратчи эксперталар ташишга бўлган талаб қандай бажарилаётгани, автомобилнинг келишини кутиб турувчи пассажирлар навбати, тўхтов жойида йигилиб қолган такси автомобиллари ва бошқалар тўғрисида ўз хulosаларини берадилар. Бундай усулда талабни ўрганиш, одатда, анкета усули билан биргаликда ўтказилади.

**Жадвал усулида** маршрутли такси автомобилларига бўлган талаб ўрганилади. Бундай усулда автомобиль ҳайдовчилари маршрутнинг ҳар бир рейсида нечта пассажирлар чиқиб-тушаётганигини ҳисоблаб борадилар.

**Статистик усулда** йўл варақалари кўрсаткичлари ишлаб чиқилиб, енгил такси автомобилларидан ишда қандай фойдаланилгани таҳлил этилади.

Текширув ўтказиш олдига қўйилган вазифаларга кўра текширувнинг бир ёки бир неча туридан бирваракайига фойдаланиш ёки текширувни кун бўйича ёки куннинг маълум вақтида (масалан, “ташиш чўққиси” вақтида), ҳафтанинг барча кунларида ёки фақат айрим кунларида ўтказиш мумкин. Бундай текширувларни йилига 2 марта (ёзда ва қишида) ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Аҳолининг енгил автомобилларга бўлган талабларини ўрганиш материаллари зарур автомобиллар сони, уларни оқилона ишга чиқариш графигини аниқлаш ҳайдовчилар меҳнатини ташкил этиш учун асос бўлади.

Шаҳар аҳолисининг енгил автомобилларга бўлган талабини аниқлашда барча турдаги пассажир транспортла-

рида ташилаётган пассажирларнинг 3-6 фоизи енгил автомобилларга тұғри келади деб қабул қилиш мүмкін.

Күпчилик текширувчи муаллифларнинг фикрларига күра шаҳар ичи ташишларида енгил автомобилларнинг ўртаса тұлиши 2,3 пассажирға тенг, шаҳар атрофида эса 3,1 пассажирға тенг экан.

Енгил такси автомобилларида ташилиши лозим бұлған пассажирлар сони аниқланғандан сұнг, автомобилларга бұлған талаб уларнинг сиғдира олиш хусусиятига күра қуйидагича аниқланади:

$$W_q = K_{k.} X_{in.} K_{ypt.} \cdot q_{ypt.},$$

бунда:  $K_{ypt.}$  — таксометрнинг күн давомыда уланган вақти.

$$K_{ypt.} = \frac{L_{cyt.} \beta_{xt.}}{L_n},$$

бунда  $L_{cyt.}$  — умумий босиб үтилған йүл, км;

$\beta_{xt.}$  — ҳақ тұланувчи масофа коэффициенті;

$L_n$  — пассажирнинг ўртаса қатнов масофасы, км.

У ҳолда, бир енгил такси автомобилининг бир йилдағы пассажирлар ташиш ўртаса сони қуйидаги формула билан топилади.

$$W_o = \frac{K_{k.} X_{in.} L_{cyt.} \beta_{xt.} q_{ypt.}}{L_n}.$$

Барча турдаги пассажир транспортлари билан ташиладын пассажирлар сонини билған ҳолда ва енгил автомобиллар улуши умумий пассажирлар сонининг 3-6 фоизини ташкил этишини ҳисобға олиб, зарур бұлған такси автомобиллари сони ( $A_t$ ) қуйидаги формула билан аниқланади:

$$A_t = \frac{(0,03-0,06) \cdot Q_{ym}}{W_o}$$

ёки

$$A_t = \frac{(0,03-0,06) \cdot Q_{ym} L_n}{K_{k.} X_{in.} L_{cyt.} \beta_{xt.} q_{ypt.}}$$

Енгил такси автомобилларинин тәхминий сонини шаҳар ахолиси сонига күра ҳам аниқлаш мүмкін. Бунда йирик шаҳарларда такси автомобилларидан фойдаланувчилар сони

үрта шаҳарларга қараганда камроқ бўлади. Чунки йирик шаҳарларда пассажирлар ташувчи транспорт тармоқлари кичик ва ўрта шаҳарлардагига қўра анча ривожлангандир.

Енгил такси автомобилларининг сонини аниқлашнинг яна бир усули аҳолининг ҳар бир 1000 нафарига нечта автомобил талаб қилинишидир. Ҳар бир 1000 нафар аҳолининг енгил такси автомобилларига бўлган талаби 0,4—1,5 ни ташкил этади.

### *Енгил такси автомобилларининг тўхтаб туриш тармоғи*

Енгил такси автомобилларининг тўхтаб туриш жойлари сони шаҳарларда таҳминан ҳар икки квадрат километр ҳудудга камида битта қабул этилади. Бундай тўхтаб туриш жойларини шаҳар ҳудудларида жойлаштиришда шаҳарнинг географик ўрни, шаҳар маршрут транспорти тармоғи, пассажирлар кўплаб йигиладиган жойлар (аэропорт, темир йўл вокзали, йирик маъмурӣ марказлар, томоша жойлари ва шу кабилар) ҳисобга олиниши лозим. Тўхтаб туриш жойлари орасидаги масофалар шаҳар марказий ҳудудларида 0,5—1,1 км атрофида қолган ҳудудларда 0,8—1,5 км атрофида қабул этилади.

Такси автомобиллари тўхтаб туриш жойлари йил давомида узлуксиз ишлайдиган ёки мавсумий, сутка давомида узлуксиз ишлайдиган ёки сутка соатларининг маълум чегарасида ишлайдиган хилларга бўлинади.

Таксиларнинг тўхтаб туриш жойларининг йўл қопламаси оқ бўёқ билан белгилаб қўйилади. Ҳар бир тўхтаб туриш жойи белгиланган намунадаги кўрсаткичлар билан жиҳозланиши зарур.

“Ташиб чўққиси”даги ҳар бир соатда камида 20 та такси автомобили жўнатиладиган пунктларда диспетчерлар билан уланувчи телефон алоқаси булиши лозим. Бунда заруратга қараб яқин атрофдаги тўхтаб туриш жойларидан бўш таксиликчилаш имкони бўлади.

“Ташиб чўққиси”даги ҳар бир соатда 40 дан ортиқ енгил такси автомобиллари жўнатилувчи жойларда маҳсус диспетчерлик пункти ташкил этиш лозим. Бундай диспетчерлик пунктлари замонавий алоқа жиҳозлари булиши лозим. Бундай алоқалар шаҳарнинг диспетчерлик пунктлари ҳамда автотранспорт ўюшмалари билан зуд-

лик билан боғланиб, юзага келган вазиятларни тезкорлик билан ҳал қилиш имкониятига эга бўлиши зарур.

Такси автомобилларининг тўхтаб туриш жойлари тунги соатларда ёритилган бўлиши зарур.

Ҳар бир тўхтаб туриш жойининг паспорти бўлади, унда енгил такси автомобилларининг тўхтаб туришига тааллуқли барча асосий маълумотлар кўрсатилади. Бундай паспортерлар ДАН билан келишилган ҳолда тегишли ҳокимликлар томонидан тасдиқланади.

Шаҳар атрофи ва шаҳарларо қатнов маршрутларига ҳаракат жадваллари осилиши, иш бошланиши ва ҳаракатни тамомлаш вақтлари кўрсатилган бўлишлиги лозим.

**Ҳайдовчилар меҳнатини ташкил этиш ва уларнинг иш графики.** Ҳайдовчилар меҳнатини ташкил этишга қўйиладиган талаблар амалда автобус ҳайдовчиларига қўйиладиган талаблар билан бир хилдир.

Аксарият ҳолларда такси автомобиллари ҳайдовчиларининг меҳнатини ташкил этишда, уларнинг иш режими бир ва бир ярим сменали бўлиб, дам олиш куни меҳнат қонунчилиги талабини сақлаган ҳолда ҳафта кунлари ичida силжувчи қилиб берилади. Транспорт воситаларининг санарадорлигини ошириш, пассажирларнинг ташишга бўлган талабларини максимал даражада қондириш, ҳайдовчиларнинг иш унумини ошириш ва белгиланган шартларни бажариш мақсадида йил давомидаги дам олиш ва меҳнат таътиллари кунларида алмаштирувчи ҳайдовчилар меҳнатидан фойдаланиш зарур. Такси автомобиллари ҳайдовчилари меҳнатининг унумлироқ бўлиши ва толиқмасдан ишлашининг энг оқилона иш режими бир сменали иш режимидир. Аммо ишни бир сменали режимда ташкил этишда автомобилни иккинчи ҳайдовчига топшириш учун автосаройга қайтишдаги унумсиз (пассажирсиз) қатновлар маълум даражада ошиб кетади.

Ҳайдовчиларнинг ишда бўлиш графикларини белгилашда аҳолининг такси автомобилларга бўлган талаби энг кўп миқдорда қондирилишини, автомобилларнинг саройдан ишга чиқиши ва саройга қайтиб келиши ва сутка давомидаги соатларда зарур бўлган автомобиллар сонини ҳисобга олиш зарур. Бунда ҳар бир ҳайдовчининг ойлик иш вақти балансидан тўлароқ фойдаланишни, уларнинг навбатма-

навбат биринчи ва иккинчи иш сменасида бўлишини, тўлик иш куни давомида автомобилларнинг техник ҳолати бузилиб қолишининг олдини олишга қаратилган созлаш-таъмирлаш ишларини ҳам назарда тутиш зарур. Бинобарин, таксомоторларда пассажирларни ташиш ишларини ташкил этишдаги энг мураккаб вазифалардан бири автомобилларни ишга чиқариш графикларини тузишдан иборатdir. Бунда пассажирларнинг ташишга бўлган талабининг ошиб боришини ҳисобга олиб, такси автомобилларни ишга чиқариш уларнинг ойлик иш графиклари асосида ташкил этилиши лозим. Бундай талабни амалга оширишда кун соатлари, ҳафта кунлари ва ой давомида ташиш ҳажмларининг ўзгариши, иш кунлари, шанба ва якшанба кунлари, байрам олди ва байрам кунларида такси автомобилларига бўлган талабнинг ўзгариши ҳисобга олиниши лозим. Байрам олди ва байрам кунлари, амалда такси автомобилларига бўлган талаб ва пассажирларнинг ўргача қатнов масофалари 25-30 фоиз ошишини назарда тутиш лозим.

*Енгил такси-автомобиллар хизматига  
аҳолидан буюртма олиши ташкил этиши*

Аҳолининг енгил такси автомобилларига берган буюртмаси олдиндан бериувчи ва тезкор булиши мумкин. Аҳолининг олдиндан бериувчи буюртмалари жойлардаги такси автомобилларининг диспетчерлик пунктларида, телефон алоқаси орқали марказий диспетчерлик бекатида, темир йўл поезди вагонларида, самолётларда ва турли транспорт-экспедиция агентликларида қабул қилиниши мумкин; тезкор буюртмалар эса телефон алоқаси билан марказий диспетчерлик бекати орқали қабул қилиниб, I соат ичидаги амалга оширилади. Кичик ва ўрта шаҳарларда енгил такси автомобиллари саройининг диспетчерлик хизмати буюртма қабул қилиш ва уни амалга ошириш билан бевосита шуғулланади.

Енгил такси автомобилларига олдиндан буюртма қабул этишда маҳсус варақа тўлдирилади ва бўнак пули тўланади.

Телефон алоқаси орқали буюртма қабул этишда буюртмачи ўз телефон рақамини маълум қилиши лозим. Буюртма қабул этувчи диспетчер буюртманинг тўғрилигини айтилган телефон рақами орқали текшириши зарур.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН ВА ТАВСИЯ ЭТИЛУВЧИ АДАБИЁТЛАР

*И.Я. Аксенов* “Единая транспортная система” М.  
“Транспорт”, 1980

*Л.А. Ахметов, Ш.А. Бутаев, Х.В. Жумаев* “Автомобиллар-  
да ташиш”. Т.1982.

*Л.Л. Афанасьев, Н.Б. Островский, С.М. Цукерберг* “Еди-  
ная транспортная система и автомобильные перевозки”.  
М., “Транспорт”, 1984.

*А.В. Вельможин, В.А. Гудков, Л.В. Миротин* “Техноло-  
гия, организация и управление автомобильными перевоз-  
ками”. РПК “Политехник” Волгоград, 1999.

*А.И. Воркут* “Грузовые автомобильные перевозки”.  
Киев “Viща школа”.

*В.С. Мун* “Пассажирские автомобильные перевозки”.  
Т. 1990.

*Э.Е. Мун, А.Д. Рубец* “Организация перевозок пасса-  
жиров маршрутными такси”. М., “Транспорт”, 1982.

*Н.Б. Островский* “Пассажирские автомобильные пере-  
возки”. М., “Транспорт”, 1986.

*Б.А. Ходжаев* “Автомобильные перевозки”. Т., 1991.

*Б.А. Ходжаев* “Грузовые автомобильные перевозки”.  
Т., 1984.

“Автомобильные грузовые перевозки” (под редакцией  
Ю.Ф. Клюшина), Тверь, 1999.

## МУНДАРИЖА

"Автомобилларда юк ва пассажирлар ташиш асослари" фагининг мақсад ва вазифалари .....	3
<b>1-боб. Транспорт воситалари .....</b>	<b>7</b>
1.1. Транспорт воситалари таснифи .....	9
1.2. Автомобиллар улчами ва масса кўрсаткичларининг жоиз чегаралари .....	18
<b>2-боб. Транспорт воситаларининг ишлаш шарт-шароитлари .....</b>	<b>19</b>
2.1. Автомобиль йўллари таснифи .....	21
2.2. Шаҳар алоқа йўллари таснифи .....	22
2.3. Автобуслар тўхташ жойлари .....	22
2.4. Автомобиль ва алоқа йўлларига қўйиладиган талаблар .....	23
2.5. Пассажир транспорт воситаларининг маршрутдаги ҳаракатини тўхтатиш шарт-шароитлари .....	25
<b>3-боб. Автомобиль транспортида юк ташишини ташкил қилиш асослари .....</b>	<b>26</b>
3.1. Юк .....	26
3.2. Тара ва унинг хизмати .....	30
3.3. Юкларни ташиш .....	34
3.4. Юк ҳосил этувчи ва юк қабул этувчи пунктлар .....	34
3.5. Автотранспорт корхоналарининг юк ташиш ҳажми ва юк обороти .....	36
3.6. Юк оқимлари .....	39
3.7. Юк оқими эпюраси ва схемасини чизиш .....	40
3.8. Микроҳудудлар ва уларнинг ҳосил булиши .....	42
<b>4-боб. Автомобиль транспорти воситаларининг эксплуатацион хусусиятлари .....</b>	<b>43</b>
4.1. Автомобиллардан фойдаланиш самарадорлиги .....	43
4.2. Транспорт воситаларининг эксплуатацион хусусиятлари .....	50
4.3. Автомобилларни эксплуатация қилиш шароитлари .....	54
4.4. Автомобиллар саройи таркиби .....	58
<b>5-боб. Ташишини ташкил этишининг асосий элементлари .....</b>	<b>62</b>
5.1. Автомобилларда пассажирлар ташиш таърифи ва таснифи .....	62
5.2. Автомобилларда юк ташиш таснифи .....	67
5.3. Ташишини ташкил этиш тамойиллари .....	69
5.4. Юкларни ўз вақтида, тўлиқ миқдорда ва сифатини пасайтирамай етказиб бериш .....	72
5.5. Юкларни ташиш билан биргаликда амалга ошириладиган операциялар .....	73
5.6. Табиний хусусиятларига кўра юкстар вазнининг камайиши .....	74
<b>6-боб. Автомобиль транспортиниң асосий иш кўрсаткичлари .....</b>	<b>75</b>
6.1. Умумий тушунчалар .....	76
6.2. Автомобиллар саройи ва ундан фойдаланиш .....	77
6.3. Автомобиллар саройи қуввати ва таркиби .....	81
6.4. Маршрутларда автомобилларни ишлатиш .....	82
6.5. Юкли ўртача қатнов масофаси, юк ташиш ўртача масофаси, пассажирлар алмашуви коэффициенти ва пассажирлар ўртача қатнов масофаси .....	92

<b>7-боб. Транспорт воситаларининг иш унуми</b>	106
7.1. Транспорт воситаларининг иш унумига таъсир этувчи асосий эксплуатацион кўрсаткичлар	106
7.2. Транспорт воситаларининг иш унумига асосий техник-эксплуатацион омиллар таъсири	112
7.3. Аниқ шароитда ишловчи транспорт воситасининг иш унумини ифодаловчи чизма	118
<b>8-боб. Автомобиль транспорти воситаларини танлаш ва уларни ҳисоблаш</b>	122
8.1. Юк автомобилларини таълашга қўйиладиган асосий талаблар	123
8.2. Универсал (бортли) ва самосвал (ўзи агдарувчи ёки ўзи ортувчи) автомобиллардан фойдаланиш	124
8.3. Автопоезд ва якка автомобиллардан фойдаланиш	128
8.4. Автомобилларни ёнилгининг солишишторма сарфи бўйича таълаш	130
8.5. Автомобилларни юк кўтарувчанлик бўйича танлаш	131
8.6. Моки усулида автомобилларда юк ташишини ташкил этишда зарур бўлган тягач ва тиркама (ярим тиркама)лар сонини аниқлаш	132
8.7. Юк кўтарувчанлиги бир хил бўлган автомобиллар ва тиркамали тягачлардан фойдаланиш	134
8.8. Транспорт воситаларига бўлган талабни ҳисоблаш	137
8.9. Транспорт воситаларини эксплуатация қилиш бўйича ишлаб чиқариш дастурини ҳисоблаш	138
<b>9-боб. Маршрутда ишловчи транспорт воситаларининг ҳисоби</b>	141
9.1. Орқа йўналишда юксиз қатналадиган майтникли маршрут	141
9.2. Орқа йўналишда ҳам юкли қатналадиган майтникли маршрут	142
9.3. Орқа йўналишда қўйсман юкли қатналадиган майтникли маршрут	145
9.4. Ҳалқасимон маршрут	147
9.5. Бир гурух маршрутларда юк ташувчи транспорт воситалари ишини ҳисоблаш	149
9.6. Бир гурух маршрутларда ишловчи транспорт воситаларининг ўртача иш кўрсаткичлари	157
<b>10-боб. Юк ташишини ташкил этиш тизимлари</b>	159
10.1. Ҳажми катта бир турли юкларни ташиш	159
10.2. Кам миқдордаги юкларни ташиш	160
10.3. Марказлаштирилган ташишлар	162
10.4. Марказлаштирилган юк ташишнинг ташкилий шакллари	165
10.5. Тарасиз ташишлар	168
10.6. Юкларни контейнер ва тагликларда ташиш	169
<b>11-боб. Юк автомобиллари ҳаракатини ташкил этиш</b>	173
11.1. Ҳаракатни ташкил этиш тамойиллари	173
11.2. Линиядаги ишларни ташкил этишга доир асосий талаблар	174
11.3. Йўллардаги ҳаракат жадаллиги	174
11.4. Транспорт воситасининг маршрутдаги ҳаракатини ташкил этиш ва унинг схемаси	175
11.5. Маршрутда ишлаш графиклари	176
11.6. Ҳайдовчиларнинг иш режимлари	177

<b>12-боб. Автомобиль транспортида ортиш-тушириш ишларини ташкил этиш ва механизациялаш</b>	17
12.1. Ортиш-тушириш ишлари таснифи	17
12.2. Транспорт воситаларининг ортиш ва тушириш пунктларида туриш вақти меъёрлари	17
12.3. Ортиш-тушириш пунктлари ва уларнинг ўтказувчанлиги	18
12.4. Ортиш-тушириш ишларини механизациялаш воситаларини танлаш	18
12.5. Ортиш-тушириш машиналарининг иш унуми	18
12.6. Уйиб ташилувчи юкларни ортиш-тушириш ишларини ташкил этиш ва механизациялаш	18
12.7. Оғир ва улкан юкларни стационар ва кўчма кранлар ёрдамида ортиш-тушириш	19
12.8. Юк олувчи ва ташувчи мосламалар	19
<b>13-боб. Пассажирлар ташишни ташкил этишининг асосий элементлари</b>	19
13.1. Автомобилларда пассажирлар ташиш	1
13.2. Маршрутлар тизими ва ҳайдовчилар меҳнатини ташкил этиш	1
13.3. Пассажирлар обороти ва пассажирлар оқими	2
13.4. Шаҳар транспорт тармоғи	2
13.5. Шаҳарларда автобусларни ишлатиш асосий элементлари	2
13.6. Шаҳардан ташқари маршрутларда пассажирлар ташишни ташкил этиш	2
13.7. Енғил автомобилларда пассажирларни ташиш	2

Хўжаев Ботир Аъзамович

## АВТОМОБИЛЛАРДА ЮК ВА ПАССАЖИРЛАРНИ ТАШИШ АСОСЛАРИ

Муҳаррир З. Б. Аъзамова. Бадиий муҳаррир Т. Қаноатов.

Техник муҳаррир У. Ким. Мусаҳҳих С. Абдувалиева.

Компьютерда тайёрловчи Л. Абкеримова

Теришга берилди 28.03.02. Босишга рухсат этилди 28.09.02.  
Қоғоз формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Шартли босма т. 12,6. Нашр т. 12,19.  
Тиражи. 2000. Буюртма № 99

«Ўзбекистон» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий. 30.  
Нашр № 43-2002.

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги Тошкент  
1-босмахонасида босилди. Тошкент, Сагбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уи